

Замонамиз қаҳрамони

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ




ОСМОН ОҒУШИ

ОСМОН ОҒУШИ

Абдуқаюм Йўлдошев

ОСМОН ОҒУШИ

Қиссалар ва ҳикоялар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

Йўлдошев, Абдуқаюм.

Осмон оғуши: А. Йўлдошев. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашрёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 296 б.

Асарда мактаб ўқувчисининг Жиззах чўлларида бугдой кўриклаб, пахта териб юрган йилларидаёқ учувчи бўлиш орзусининг амалга ошиши қаламга олинган. Асар қаҳрамони минг бир қаршиликка қарамасдан мақсади сари дадил одимлаши ва вақт етиб ўзи орзу қилган учувчи бўлиши ишонарли, таъсирли қилиб тасвирланган. Ўзбек ёшларининг ҳаётидаги бир кўриниши билан аҳамиятга молик бу асар.

“Гудбай Америка” ушбу қисса бойлик излаб, пул излаб денгиз ортига йўл олган ватандошларимиз ҳақида. “Кенг имкониятлар” мамлакатадаги сафарнинг аянчли хотималари, ҳар жойнинг ҳам тошу тарозиси борлиги, асли бахт Ватанда эканлиги ҳақида.

Ҳикояларда асосан жиззахликларнинг турмуш тарзи қаламга олинган. Бири деҳқон, бири чўпон, бири миришқору яна бири мироб. Бу одамлар Ватанга беминнат хизмат қилаётгани ва хизмати эвазига таъма қилмаётгани тасвирланган.

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

© Абдуқаюм Йўлдошев

© Ғафур Ғулом

номидаги нашриёт-

матбаа ижодий уйи,

2018

ISBN 978-9943-5015-8-4

ҲИКОЯЛАР

“ПАРИМ БЎЛСА...”

Умри киндик қони тўкилган овулида ўтаётган бўлишига қарамасдан Ибодулла шаҳар жинниси эди. Бемалол айтиш мумкинки, балиқ сувда ўзини қандай эмин-эркин сезса, аллақачон “шаҳарлик” лақабига эга бўлиб улгурган жўрамам ўзини шаҳарда шундай ҳис қиларди. Ҳолбуки, мактабни битирганидан сўнг у Тошкентда бор-йўғи бир ой яшаган, ундаям абитуриент бўлиб. Лекин барибир пойтахтни беш бармоғидай аниқ билади, дейишади. Мабодо бирон манзил борасида иккиланиб қолган тақдирда ҳам Ибодулла учун сўраб-суриштириб, айтилган жойни топиб бориш қўшни овулдаги тўйга ўтиб келишдай жўн иш.

Ҳар гал шаҳарга тушиш жўрам учун байрам эди. Ўзиям оғзининг таноби қочиб, икки-уч кунлаб астойдил тайёргарлик кўрарди: сочлар олдирилган, қўйлак-шимлар ювдирилган, дазмоллатилган, ҳаттоки рўмолчага кимматгина атирдан мўл-кўл сепилган, қора мой суртилавериб-чўтқаланаверганидан, бир парча духобада артилаверганидан ялтираб кетган туфлисига қараб бемалол соч тараса бўлади... Айниқса пойабзал масаласида Ибодулла жуда инжиқ эди: шаҳарга атаб атайин олиб қўйган туфлисини наинки ўзимизнинг овулдаги, балки ён қишлоқлардаги энг дабдабали тўйларига ҳам киймасди, таъбир жоиз эса, кўз қорачиғидек асрарди. Унинг бу қилигидан ранжиганларга ёинки хатти-ҳаракатини мазах қилганларга жавобан Ибодулла одатда “Сен нимани ҳам тушунардиг, эй умри бефойда ўтиб

бораётган банда” дегандай ачиниш аралаш қараб қўй-
гач, ўхшатиб жавоб берарди:

– Душман оёққа қарайди...

Дарҳақиқат, шундан кейин мазкур ўта оддий ҳақиқатни унутган ҳолда меъёридан ортик тирғала бошлаганини сезган ҳар қандай гапдон ҳамқишлоқ ҳам жимиб қоларди.

Тўғри, минг яхши кўргани билан, ҳадеб шаҳарга ту-
шиб келаверишга жўрамизнинг ҳамёни имкон бермас-
ди. Ахир, ўзи фермер... хўжалигида оддий сувчи бўлса,
арзимаган маошию ҳосил йиғилганда оладиган уч-тўрт
тонна буғдойи, бирон тележка егулик қовун-тарвуз би-
лан бола-чақасини боқсинми, шаҳарда ялло қилиб юр-
синми?

Аммо қишлоқда ким кўп – у-бу юмуши сабаб пой-
тахтга отланиб қолганлар кўп. Қишлоқ одами шаҳарга
шундай, дабдурустдан бостириб бораверишдан ийма-
нади. Бунинг устига шаҳарда ким кўп – ҳужжатингни
сўрайдиган, сўнг, паспортни қўлига олгач, “Сизни тўрт
кун бурунам шу ерда кўргандайман”, дея талмовсираб
турадиган миршаб кўп. Шундай пайтлари бундай одам-
ларнинг жонига Ибодуллага ўхшаган “шаҳар кўрган
эчки”лар ора киришади.

Тан олиш керак, шаҳарча озода уст-бош кийган, бу-
нинг устига кўчадаям, метродаям шу жойларнинг асл
эгасидай гердаиб юрадиган, юзида ўзига ишонч ва
қатъият акс этиб турган Ибодуллани ҳали бирон мир-
шаб тўхтатиб, ҳужжат сўрамаган. Аммо унинг бўйнини
қисибгина, атрофга олазарак қараб, “Ишқилиб уялиб
қолмайин-да” деган ҳадикда кетаётган ҳамроҳларидан
биронтасини милиционер тўхтатса бас, Ибодулла кў-
макка ошиқарди.

Одатда Ибодулла честь бериб ўзини таништирган
миршабга кўзларини қисганча майин ва ҳаттоки, ота-
ларча табассум билан қараб турарди-да, шеригининг
паспортини ўзининг қўлига олиб:

– Раҳимхон акам яхши юрибдиларми? – деб сўрарди. – Ҳойнаҳой ишда бўлсалар керак, биз уларнинг уйларига бораётгандик. Кеннойимга кеча қўнғирок қилиб тайинлаб қўйгандим.

То миршаб “Раҳимхон ака”нинг кимлигини эслаб олгунга қадар Ибодулла кейинги зарбани берарди, яъни бирдан бош чайқарди-да:

– Э, кечирасиз, – дерди астойдил афсусланиб, – Раҳимхон ака вазирликка ўтиб кетдилар, а? Ман у кишини ҳалиям сизларнинг бошқармангизда деб ўйлаб...

Одатда, исмлар ўзгариб турарди: баъзан “Раҳимхон”, баъзан “Акмалжон”, баъзан яна бошқаси...

Табиийки, бундай сўзамолликдан кейин иккиланиб қолган баъзи миршабларнинг бу йўловчиларга оқ йўл тилашдан ўзга иложи қолмасди. Буни тахминан элликка-эллик дейиш мумкин. Аммо сал хушёрроқ ёинки тажрибалироқ милиционер барибир ҳужжатни олар ва номига бўлса ҳам варақлаб кўргандан сўнггина буларга жавоб бериб юборарди. Тўғри, баъзан умуман бунақанги тарзда аравани қуруқ опқочишлар таъсир қилмайдиган бирон миршаб ўзига самимият билан тикилиб турган Ибодуллага қараб эҳтимолки ўша жумласини айтиб ҳам қоларди: “Сизларни тўрт кун бурун кўргандайман... Амалдаги қонунга қўра шаҳарда уч кундан ортиқ юрсаларингиз...”

– Тўппа-тўғри, – дерди Ибодулла киприк қокмасдан. – Тўрт кун бурун келиб Раҳимхон акамни (Акмалжон акамни, Рустам акамни...) аммасининг тўйига айтиб кетгандик. Раҳимхон акам полковник Аслиддин аканиям олиб бордилар. Ажойиб одам эканлар... Сизга ўхшаган қўл-оёғи чакқон укалари хизматда бўлишди...

Бу қадар очик-ойдин эътирофдан сўнг яна тирғалаверишга унча-унча миршабнинг ҳадди сиғмаслиги аниқ...

Бундай пайтлари хайратга тушган ҳамроҳлар дарров Ибодулладан ўша акахонини қаердан танишини сўраб қолишади. Ибодулла қувлик билан кўз қисади ва сирли тарзда:

– Шаҳарга қулоқни тозалаб келиш керак, – деб қўяди...

Устига-устак, Ибодулла кўп ялинтириб ёки ўзини тарозига солиб ўтирмайди. Одатда, у ҳамроҳликни илтимос қилиб келгувчига учта савол билан мурожаат этади:

– Боришдан мақсад? Қачон қайтилади? Мабодо ўша кунни қайтилмаса, қаерда ётиб қолинади?

Мана шу саволларига қисқагина жавоб олгач, Ибодулла қошларини чимирган қўйи бир лаҳза жиддий тарзда ўйланиб қолар, шундан сўнг қатъий тарзда:

– Борамиз, – дерди.

Шу билан иш битди, тамом-вассалом.

Ибодулланинг соқол-мўйловини киртишлаб олиб, сартарошга чопкиллаб қолганини, кийимларини ювдириб, дазмоллатаётганини, арзанда туфлисини шифонер тагидаги қутисидан олиб, артиб-артиб қўяётганини кўрган Гуласал эрининг яна шаҳар сафарига тадорик кўраётганини биларди-ю, бироқ миқ этмасди. Зеро, Ибодулла – ҳаттоки бир кунга бориб келса ҳам – шаҳардан алланечук хушнуду шодон кайфиятда, кўзлари чакнаб, болаларию рафиқасини жуда-жуда соғиниб, энтиқиш аралаш ҳаяжон билан, ҳовлиқиб, ажабтовур совға-саломлар билан қайтгувчи эди. Баайни олдидан оққан сувнинг қадрига энди-энди ета бошлагандай... Бундай кунларнинг кундузлари қувончли, кечалари эса лаззатли бўларди... Ўзини ёлғондан сипо, вазмин тутаётган, аммо ҳаяжондан вужуди дир-дир титраётган эри шаҳарга жўнаб қолса бас, Гуласал ширин бир нимани орзиқиб кутаётган гўдакдек тамшаниб йўл қарагани-қараган эди.

Лекин худо шоҳид, кимга ҳамроҳлик қилмасин, баъзилар орқаворатдан ачитиб айтганидай, кимга “гид”-

лик, яъни экскурсоводлик қилмасин, Ибодулла ўша одамнинг ўзига пул сарфлашига йўл қўймасди! Ўзи камбағал бўлгани билан, орияти баланд йигит эди бизнинг “шаҳар кўрган эчки”миз Ибодулла!

Одамлар унинг мана шу қилиғини тушунолмаي аввал ажабланишар, сўнг хайрон бўлишар, ниҳоят жаҳллари чиқиб Ибодуллани (яна орқаворатдан):

– Ўзининг фойдасини билмаган тентак, – деб сўкиб ҳам қўйишарди.

Илло, шаҳарга бориб келишга ҳамроҳ бўлишни илтимос қилган ҳар қандай банда ўша одамнинг йўл ва овқат пулини тўлаши жоиз ҳамда лозим эмасми? Шундоқ. Оддий мантиқ ҳам шуни талаб этади-ку. Лекин Ибодулла мантиқ-пантукни тан олмас, кўзларини бақрайтирганча “Немецкий ҳисоб-китоб” деб тураверарди. Бунини энди ўзбекчага ўгирсак “Элликка-эллик” ёки бўлмаса “Ҳар ким ўзига тўлайди” деган ажабтовур маъноларни англатарди. Сўнг, гапига қатъий амал қилган қўйи, автобус ё бўлмаса “Истана” маршрутли таксининг йўл ҳақини ўзи учун тўлар, бирон ошхонада овқатлангани маҳаллари ярим пулини чиқариб тураверар, агар ҳамроҳи “хой-хой” демаса шаҳардаги автобус-троллейбусу метрода йўл ҳақини биринчи бўлиб узатишдан ҳам қайтмасди...

Шўрлик Ибодулланинг маблағи ошиб-тошиб ётган бўлсаям майлиди... Ахир кўр эмасмиз, биламиз, Ибодулла бир сўмлаб пул йиғади, ўзини, баъзан оила аъзоларини ейиш-ичишдан сиқади, бировларнинг ўтини ўриб бериб уч-тўрт танга топади, кимларнингдир томорқасини суғориб бериб яна “носвой пули” ишлайди. Ва топганларининг барини тишининг ковагида асрайди. Бариси, бариси шаҳар учун, шаҳар учун!

Шаҳар!

Ҳатто уч фарзанд – икки ўғил ва бир қиз ҳам дадалари баъзан хасислик қилиб бермаган пул озгина фурсатдан сўнг шаҳардан ўзларига ажойиб-ғаройиб совға-са-

ломлар тарзида қайтиб келишини яхши билганлари учунми ортиқча тихирлик қилиб ўтирмайдилар. Шу боисдан улар ҳам меҳрибон отанинг пойтахт сафарини интиқ кутадилар...

Шаҳарга бориши аниқ бўлиб қолган маҳаллари Ибодулланинг кўзлари чакнаб кетарди. Бу кўзларда қувончдан кўра каттароқ, ҳаяжондан кўра кучлироқ, энтиқишга нисбатан таъсирчанроқ туйғу ёлқинланарди.

Ҳа, Ибодулла шаҳар учун туғилган эди. Ҳар бир шаҳар сафари унинг учун бир дунё шодликлар олиб келадиган эзгу айём каби азиз ва лазиз эди...

Афсуски, жўрам кишлоқда яшарди...

* * *

Бу дунёда ҳамма ҳам омади чопган ишбилармон ёки яхши яшашни қотириб қўядиган уддабурон бўлавермайди-ку. Одатда осмондаги ойни орзу қилмасдан, бориға қаноат қилибгина кун кўришни маъқул кўрадиган одамлар атрофимизда кўпроқ учрайди: ҳаёт қонуни бу.

Ибодулла ҳам шундайлар тоифасидан шекилли. Ҳарқалай, ўттиз беш йиллик умрини камтарин-камсукумгина ўтказди, бойиб кетайин, кўлимда пул ўйнасин деб ўзини ўтга-чўкка урмади; илло, бунақа ишларни эпполмаслигини ўзи ҳам яхши биларди.

Мана, кишлоқ адоғида турадиган Ғанибой. Ўн йилча бурун институтнинг филология факультетини тугатган. Аммо ўзининг соҳаси бўйича бир кун ҳам ишламади. Дипломини сандикка ташлаб қўйганча, тадбиркорлик билан шуғулланди. Аввал фермер бўлди, кейин қўшимчасига биофабрика ташкил қилди. Бунгаям қаноат ҳосил қилмай, кишлоқнинг ўзида иккита тегирмон қурди, иккита дўкон ишга туширди, даласига Россиянинг иккита тракторини сотиб олди. Аммо шу даражага эришгунга қадар, билганларнинг таъбири билан айтганда, “эшшакдай ишлади”: на ўзи дам олди, на ишчиларини тинч қўйди...

Институтда олган билими унчалик ёдидан чиқмаган шекилли, Ғани баъзан негадир ўзидан кўмак ёки қарз сўраб келганларга қараб туриб истехзоли оҳангда машхур мисрани сал ўзгартирилган шаклда ўқиб қоларди:

– Мен ғанийман, сизда бисёр эҳтиёж...

Албатта, илтимосчини “ғаний” сўзининг аслида “бой, бадавлат” маънода келиши ҳам, ғазал муаллифи ҳам қизиқтирмайди. Унинг учун ўтинчи бажарилиб қолса бас.

Мана шу Ғанибойнинг иккита лақаби бор эди. Иккинчиси “янги ўзбек”. Бу-ку, тушунарли, ҳарқалай, “Ўзбековул”дан чиққан баобрў тадбиркор, сармоядор. Аммо биринчи лақаби ғалати ва анчайин узун ҳам: “Дикқат! Тошкентдан кўрсатамиз!...” Ҳа, ҳа, худди шундай. Бунинг қисқача тарихи эса бундок: Институтда ўқиб юрган йиллари таътилга келган Ғанининг бўлғуси тилшунос эканлигидан, бунинг устига шиғир-пиғир ёзиб юришидан хабар топган раис уни атай чакиртириб, кишлокнинг ёзги саройида хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши бошланиши ҳақидаги хабарни саҳна ортидан овоз кучайтиргичда эълон қилишни сўрайди. Матн ҳам соддагина бўлади: “Дикқат! “Ўзбековул”дан гапирамыз...” Аммо нимагадир ҳаяжонланиб кетган Ғани ўзини диктор Ўктам Жобиров ҳис қиладими, ишқилиб кўтаринки оҳангда, тилини ғалати бураганча ўта тантанавор тарзда: “Дикқат! Тошкентдан кўрсатамиз!...” деб юборади.

Жон-пони чиқиб кетган раис оғзидаги носини туфлайсола чопиб парда ортига ўтади ва “Ҳозир ўзингга кўрсатиб кўяман!” деганча шўрлик дикторни қувиб солади...

Қизиқ томони шунда эдики, “янги ўзбек”нинг сармояси ортган сайин шунга тескари мутаносиб равишда биринчи лақаб ўз-ўзидан эл-улуснинг ёдидан кўтарилиб кетмоқда эди: ҳар нечук, ноқулай энди, шундай

одам-а; бир замонлар овулдошларига ҳадди сиғиб ҳазиллашган бўлса ҳазиллашгандир, нима, энди шугина эркалигини қирк йил дoston қилиб юриш шартми... уят бўлади-я...

Қишлоқда гап ётармиди. Айникса кўпчилик назаридаги одамнинг туриш-турмуши синчков нигоҳлар остида кечиши тайин. Хуллас, шундай нигоҳлар эгалари тарқатган айрим миш-мишларга қараганда, кейинги пайтлари Ғанибой анча ўзгариб қолган. Хусусан, кўйиб беришса кун-туннинг йигирма тўрт соатини оёқда, ишда ўтказадиган “янги ўзбек” кутилмаганда мутолаага зўр беришга ўтганмиш-у, энди сал фурсат топса бас, ётиб олиб бир нималарни ўқигани-ўқиган эмиш. Бир хил пайтлари қордай оппоқ “Ласетти”сини ичидан кулфлаб олиб, китобдан бош кўтармай ўтираверармиш... Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Ғанибой хонасига камалиб олганча, далага борсаям қўлтиғидан кўймайдиган “ноутбук” компютерида эринмай кино кўрармиш. Аммо бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Ғанибой... тунлари, ҳаммадан яшириниб олиб бир нималар ёзаётган эмиш... Сармоядор одамнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан недир эзгуликлар қидирадиган ва уларни топишга ҳам уста аҳли овул дарҳол воқеликнинг моҳиятини очиб берадиган ташхисини эълон қилдиким, ёзаверсин, ёзгани яхши-да. Мана кўрасизлар, тез орада мазкур “ижод намуналари” – бу иборани ўзбековулликлар эҳтиром билан тилга олишарди – алоҳида китоб ҳолида чоп этилади, адабиям бирон ўн беш минг, йўқ-йўқ, овулдаги чақалоклару қарияларниям ҳисобга олган ҳолда ўттиз мингни ташкил этади. Бу ҳали бошланиши. Ажабмас, кейинги китоб овулимизда яшаб ўтган ва ҳозирда яшаётган машҳур зотлар ҳамда оддий одамлар ҳақида бўлса... “Қазисан-қартасан, ўз касбингга тортасан, – деди овулда синчилигию мақолларни ўзи айтмоқчи бўлган фикрга мослаб ислоҳ этиши билан ном чиқарган

Марди бобо. – Ғанибойдиям ҳўкимат бежиз тўрт йил ёзув-чизувга ўқитмаган-да...”

Каттагина овулнинг у бошида ўтказилган тўй-маъракага баъзан бу бошидаги одам боролмасдан ҳам қолади. Камсукумроқ Ибодулланинг Ғанибой билан ош-қатиклиги йўқ эди, бунинг устига “янги ўзбек”нинг жўрамга ўхшаганлар кўшилмайдиган давраси бошқа, улфату ошна-оғайниси бошқа. Марди бобо топиб айтганидай, тезак қопи билан, кетмон сопи билан, ҳамён эса ўзига бопи билан.

Шунгами, саратон тафти қайтган сунбула тонглари-дан бирида шахсан Ғанибойнинг ўзи далага кириб келганида Ибодулла аввалига уни танитай қолди. Хўп, ана, уни кўрмаганига нари борса етти-саккиз ой бўлгандир. Одам ҳам шунчалик тез ўзгарадими? Қани у аввалги кибр аралаш манманлик, кўзга яққол ташланиб турадиган даражадаги бировларни менсимаслик, ҳамсухбатига тепадан қарашлар, қўлларини кўкрагига намойишқорона чалиштириб туришлар, қаддини ғоз тутиб юришлар... Ибодулланинг қаршисида озиб-тўзиб, қорайиб кетган, ёноқ суяклари туртиб чиққан, кенг пешонасини чуқур ажинлар тилиб ўтган, кўзлари ич-ичига ботган... ҳорғин банда турарди. Ҳа, бутун вужудида, пир-пир учаётган лабларида, билинар-билинемас титраётган бармоқларида бениҳоя ҳорғинлик “манаман” дея кўзга ташланиб турган шу банда биринчи бўлиб салом берди ва ўзи овулда эришиб улгурган мақомига мутлақо ярашмаган титроқ овозда, аҳволига янада мос тушмаган тарзда чўғдай ёнаётган кўзларини олиб қочган кўйи... шаҳарга бирга бориб келишни таклиф қилди.

Бундай кутилмаган ташрифдан довдираб қолган Ибодулла – ахир, овулнинг ўзида “янги ўзбек” “юр” деган заҳоти чопқиллаб чиқадиган неча-неча талабгор топилиши аниқ! – ўзининг одатдаги аниқлаштирувчи саволларини ҳам айтолмади. Ғанининг ўзи изоҳ берди:

– Икки машина буғдой обкетаётгандим. Сотишга.

Бундай тижорат сафари таклифи сал ўзига келиб олган Ибодуланинг кўнглига ўтиришмади.

– Мен бир оддий сувчи бўлсам, Ғани ака, – деди у шахарликларга таассубан ўздан кичик одамга ҳам “ака”лаб мурожаат этиб. – Савдо-сотикни тушунмасам...

– Менам килолаб сотиб ўтирмайман. Оптом бераман-қўяман... – ердан бош кўтармай садо берди Ғанибой. – Менга шахарни биладиган одам керак. Бир-икки борар жойларим бор...

– Ўйлаб кўрай, – аниқ жавобдан ўзини олиб қочди Ибодулла.

– Илтимос, ака... Сизга ишониб келдим...

Ёпирай! Бу “янги ўзбек”ка бир бало бўлгани чин шекили. “Илтимос” дедими? Дўпписи ерга тушиб кетса, пул бериб олдирадиган одам-а?..

“Синган!..” деган ўйдан юраги шувиллаб кетган Ибодулла вақтдан ютишга ҳаракат қилди:

– Ўзи қачон бориш керак?

– Ҳозир. Ана, машиналар ҳам кеп қолишди...

Дарҳақиқат, йўл бошида иккита “КамАЗ” машинаси кўринди.

– Бу... бу... – баттар довдираб қолди Ибодулла. – Тайёрланмасдан... шундайига...

– Шаҳарда таксида юрамиз... Орқагаям... Илтимос...

Кимсан, Ғанибойнинг ўзи қаршингда қўл ковуштириб турипти-я, Ибодулла! Шундай одамга йўқ деб бўладими?..

– Ундай бўлса... кетдик...

Шундай қилиб, Ғанибой деганлари олдинга ўтиб йўл бошлади, жўрам унга эргашди.

Ҳаётида илк бор шахарга ҳеч бир тайёргарликсиз бораётгани учунми, Ибодулланинг кўнгли ғаш эди...

Ҳайдовчи Ғанибойнинг қайниси Азиз экан. Машина катта йўлга чиққандан у қулоғига бир нима тақиб олдию, йўлдан кўз узмаган қўйи, ора-сира елкаларини учириб қўйганча миқ этмасдан кетаверди.

Ўхшатмагунча учратмас. Ноутбукини очган Ғанибой ҳам қулоғига наушник тақаётганини кўрган Ибодулланинг энсаси котди: илло, у одатда сафарга чиққанида ҳамроҳлари билан чакчақлашиб, гангир-гунгир ҳангома қилиб кетарди; шунда йўлнинг узоклигиям билинмай кетади. Булар бўлса...

“Йўк, бу синмаган, — ўзича мулоҳаза юрита бошлади Ибодулла. — Шундай бўлганида аллақачон ярим қишлоқ бундан хабар топиб улгурарди. Лекин буни бир бало қилиб алдаб-сулдаб, катта пулга ухлатиб кетишган. Шунинг аламига қуйиб кетган...”

Ҳамроҳининг ўзига тикилиб қолганини сездими, клавиатура тугмачаларини ошиқиб босаётган Ғанибой бош кўтариб, нимадир деди.

— А? Узр... эшитмай қолдим...

“Янги ўзбек” ноутбуки экранига ишора қилди:

— “Қора окқуш”. Кўрганмисиз?

Ҳа, бу бандага нимадир бўлгани аниқ эди. Ўзи окқушмиш-у, яна қорамиш... Тўғри, Ибодулла унга ўхшаб тўрт йил институт тупроғини яламаган, аммо табиатда бунақаси учрамаслигини билади. Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши, жим турмаслик учунок, азбаройи лутф юзасидан сўраган бўлди:

— Қайси қуш?

Ғанибой бажонидил изох берди:

— Натали Портман ўйнаган. Кейин ўзининг балет-мейстерига эрга теккан актриса бор-ку.

Ибодулла “пик” этиб қулиб юборишданг ўзини аранг тийди, зеро у айни сонияда телевизорда кўп қўйиладиган бир кинодаги гуржими-арманми одамнинг гапларини эслаб, ўзича ҳозирги вазиятга мослаганди ҳам:

“Менга кара, Валико, ким у Натали деганлари, бу ерда нима килиб юрибди у, пишириб қўйибдими унга...”

Бир амаллаб лаб-лунжини йиғиштириб олган Ибодулла жиддий тарзда бош ирғаб қўйишни уддалади, гўёки айтди: “Ким бўлибди у Портман-мортманларингиз... Керак бўлса ундан катталариниям биламиз, ака!”

Бу унсиз эътирофни илғаб, баногоҳ юзи ёришиб кетган, лаблари пир-пир учиш асносида қўллари сезиларли даражада титрай бошлаган Ғанижон (“Худо ҳақки, унинг иссиғи бор! – деган тўхтамга келди Ибодулла ҳамроҳининг чўғдай ёнаётган кўзларидан нигоҳини олиб кочиб, тер тепчиган пешонасига зимдан разм соларкан. – Камида ўттиз тўққиз, балки қирққаям яқинлаб қолгандир...”) компьютерини ўртага қўйди-да, буюк ҳаяжон билан экранга ишора қилди. Ибодулла шу томонга каради. Унда ярим-яланғоч аёллару тор иштон кийган эркаклар уёқдан-буёққа чопиб юришарди. Ғанибой сал энгашиб, наушнингининг бир томони-ни ҳамроҳининг кулоғига қўйган эди, Ибодуллага энди мусиқа ҳам эшитила бошлади.

Юзи ҳамроҳинининг юзига яқинлашиб қолган Ғанибой ҳеч бир муқаддимасиз, гўё тасодифан узилиб қолган суҳбатини келган жойидан давом эттираётгандай:

– Кўряпсизми?! Кўряпсизми?! – деди туйкус босиб келган хиссиётлар гирдобиди вужуди дир-дир титраганча. – Қўлда оққушлар яна қизларга айланишди. Мана малика. Мана... Шўрлик қиз шахзодага ҳаммасини айтиб беряпти. Ёвуз сеҳргар уни оққушга айлантириб қўйган. Факат тундагина у яна маликага айланади. Жодудан бутунлай халос бўлиш учун кизни кимдир чин кўнгилдан севиб қолиши керак... Худди ўзимизнинг афсоналарга ўхшайди-я... Тўғрими, тўғрими!

Бу савол эмас эди, маълум ва аён ҳақиқатни тасдиқлатиб олиш эди, холос. Шу боис ўзига титраб-қакшаб караб турган ҳамроҳига бош ирғаб қўйган Ибодул-

ла яна бир бор азбаройи оғзига талқон солиб ўтирмаслик учунок сўради:

– Ишқилиб охирида... кутуладими киз?

– Йўк-да! – чинқириб юборди Ғанибой. – Ёвуз сеҳр-гар маликанинг ўрнига ўзининг кизини шахзодага ма-лика деб кўрсатади. Шахзода алданади... Буни эшитган Одетта ҳалок бўлади, кейин Зигфрид ҳам...

– Ким-ким?

– Қиз билан йигит...

– Ҳа, оғир экан... – деб қўйди Ибодулла.

– Тўппа-тўғри! Тўппа-тўғри! Буни кўриш оғир. Ле-кин кўрмасликнинг иложи йўқ... ҳеч иложи йўқ...

Ўзининг оддийгина лукмаси бундай чуқур мулоҳа-заларга олиб келишини кутмаган Ибодулла ортиқча ақлли гап қилиб ўтирмасдан, оддийроқ таклифга кўча қолди:

– Бошқаси йўқми? Енгилроғи...

– Бор, бор... – “Янги ўзбек” шошиб клавиатура туг-мачаларини боса бошлади. – Мана, “Жизель”. Лекин бунинг охиридаям алданган киз ўлади-да... Қаранг, ўзингиз қаранг.

Бу балет томошаси эди.

Тўғриси, Ибодулла бошида ҳеч нимани тушунмади. Йигит-қизлар уёқдан-буёққа ўтиб сакрашадими-ей, оёқ учларида юришадими-ей... Ўзи жуда яхши биладиган нарсалар ҳақида тушунтириш беришга уринаётган Ға-нибойнинг изоҳлари эса аксар ҳолда жуда қисқа, бу-нинг устига нотаниш исмларга мўл эди:

– Манави Жизель. Дехқоннинг қизи... Отаси йўқ, онаси бор. Онасининг оти Берта... Бу шахзода Альбер. Кўряпсизми, у дехқонга ўхшаб кийиниб оляпти. Буни ўрмончи йигит Ганс кузатиб турибди... Қизлар узум теришяпти... Мана, Альбер Жизелни кўриб қолди. Бир кўришда муҳаббат!.. Қаранг, юраги касал бўлсаям киз қандай ўйнаяпти... Учаяпти!.. Ганс рашк қиляпти...

...Ниҳоят Жизель ҳалок бўлди!

Ибодулла шу билан томоша тугади деб ўйлаганди. Аммо кўзлари жикқа ёш Ғанибой мўъжиза кутаётган ўсмир каби энтикиб, ҳамон экрандан кўз узмасдан турарди.

Балетнинг давоми бор экан: кизнинг арвохи қабрдан чикиб келди-да, аввалига аста-секин, кейин эса шиддат билан ракс туша кетди... Альбер деганлари чирпирак бўлиб унга қўшилиб кетди-ку...

– Етиб келдик, почча!.. Почча деяпман!

Жеркиброқ айтилган бу гапдан сўнг иккала балет томошабини бошларини кўтаришди. Дарҳақиқат, машина бозор дарвозаси ёнида турарди. Айб иш устида қўлга тушиб қолгандай хижолат тортаётган Ғанибой шошиб компьютерни ўчира бошлади.

Машинани ўраб олган йигирма-ўттиз чоғли эр-как-аёл зўр бериб бир-бирларини итариб-туртган қўйи вағир-вуғир кўтарганча кабина томон интилишарди.

– Даллоллар, – деб қўйди Ғани.

– Олибсотар каналар! – нафрат билан тишларини ғижирлатди Азиз.

Орқадан етиб келган иккинчи машина сигнал берди.

Учовлон пастга тушишди. Ибодулла даллолу олиб-сотарлар тўдасини ёриб ўтиб, чеккароққа бориб тураркан, ўзича бу Ғани бежиз “янги ўзбек” эмас, савдо соҳасида катта истеъдоди бор-у, ҳозир шуни намоёйиш этади деб тахмин қилганди. Бирок даллолларнинг қўлни омбурдай қисиб олишию, елкани узиб олгудай силташларига чидайдиган одам асли Азиз экан. У пинак бузмай, ўзининг нархини айтиб тураверди...

Ахийри ўзаро келишув юз берди чоғи, машинани ичкарига олиб кириб кетишди.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтди ва терлаб-пишиб кетган, ярим коп пулни қўлтиғига қисган “янги ўз-

бек” бошчилигидаги икки машина дарвозадан қайтиб чиқди.

Ғани Ибодулланинг олдига борди, яна нимадир илтимос қилмоқчидай жовдираб қаради, аммо оғиз очишга улгуролмади: қайниси ҳаллослаб келиб қолди.

– Қайтамизми?

Ғани қопни Азизга узатди:

– Буни опангга бериб қўярсан.

Ҳайдовчи поччасига ажабланиб қаради:

– Сиз қайтмайсизми?

– Жон деб қайтардим тайёр машинада. – Ғани минг истиҳола ила ҳафсаласиз тарзда турган Ибодуллага ишора қилди: – Аканинг бир-иккита иши бор экан. Шунга қарашиб юборинг деганди.

– Ростданми? – аллақандай шубҳаланиб сўради ҳайдовчи гўё у еб, ўзи қуруқ қолгандай Ибодуллага тарафга ўқрайиб қараб қўярган. – Иши бўлса ўзи қилавермайдими?

– Энди, ука, олди-бердилик иш экан. Сал қаттиқрок турадиган одам бўлмаса бу кишини гел қилиб кетишлари ҳеч гап эмас... Бир овулнинг одами бўлсак. Одамининг иши одамга тушади-да...

– Унда... қачон қайтасизлар? – савол беришини қўймасди ўжар қайин. – Опам сизни мен билан бирга қайтади деганди.

– Мен жон-жон деб қайтган бўлардим, деб айтдим-ку, – гўё ноилож қолган одамдай қўлларини икки ёнга ёйди Ғани. – Лекин ёрдам бераман деб лафз қилиб қўйдим... Ишимиз битгандан таксида бўлсаям қайтамиз...

Ўжар қайин иккиланиб турди-турди, охири бир қарорга келди шекилли, қўлини силтаганча, ҳаттоки хайлашмасдан ҳам машинаси томон юрди.

Тезда иккала машина ҳам жўнаб кетди. Ана шундан кейингина елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олган Ғанибой ўзига хайрон бўлиб қараб турган Ибо-

дуллага қараб қандайдир аянчли тарзда кўз қисиб қўйишга, лаблари титраб илжайишга уринаркан:

– Қаранг, – деди идао ила. – Буларнинг бари ўзича хўжайин...

Гап кимлар ҳақида кетаётганини тусмол қилган бўлса-да, Ибодулла индамай қўяқолди. Зеро Ғанибойнинг туҳматига қолганидан унинг дили озор чеккан эди.

Буни сезди шекилли, “янги ўзбек” кўзларини олиб қочган қўйи бир оғиз:

– Узр... – деди.

Эркак кишига узр сўраш осон эмас. Айниқса Ғанибойдай от устида юрган одамга. “Шундай одамки шундай йўл тутяптими, демак бунга арзирли бирон сабаб бўлса керак. Қани, бу ёғини кутайлик-чи, – деган қарорга келди Ибодулла. – Ўлмаган кул ҳаммасини кўраверади...”

– Юринг.

Гап охангида шиддатдан кўра ҳадик-хавотир, ишончдан кўра илинж кўпроқдай туюлаётган Ғанибой тутқунликдан озод бўлган қуш каби кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, катта-катта қадам ташлаганча йўл бошлади, Ибодулла унга эргашди.

* * *

Афтидан, бу ерларни Ғанибойнинг ўзи жуда яхши билади шекилли, Ибодуллани ҳеч иккиланмасдан... ҳаммомга бошлади.

– Ҳали ювинадиган иш қилмадингиз шекилли, – пичинг қилди Ибодулла шеригининг “шундай кирамиз-у, чиқамиз” деган таклифига жавобан. – Қолаверса, ўлай агар, шу ҳавода иссиқ буғда ўтиришимни ўйласам, ҳалитдан нафасим қайтиб кетяпти.

“Шаҳарлик”нинг ахволини тушундимиз, Ғани кўп тикилинч қилиб ўтирмасдан, ҳаммомга кирди-кетди ва орадан чорак соатлар ўтгандан сўнг арчилган бодрингдай силлиққина бўлиб чиқиб келди: сартарошга

соч-соқолини киртишлатишга ҳам улгурибди! Энг ажабланарлиси, Ғанибой бўйинбоғ такиб олгандики, буни кўриб Ибодулла бира тўла тилдан қолди.

Ўзи бугун “шаҳарлик” кўп ажабланишларга дучор бўладиган кун чоғи, Ғанибой йўлга чиқасола дуч келган машинани тўхтатди ва ҳайдовчидан сўраб ҳам ўтирмасдан олд ўриндикқа жойлашиб оларкан, бир оғиз:

– Театрга! – деди.

– Қайси бирига, ока? Шаҳарда театр кўп бўлса.

Ғани бу саволни берган ҳайдовчига “Шуниям билмайсанми?” дегандай ажабланиб қаради-да, сўнг, Ибодуллани баттар ҳайратларга солган кўйи:

– Опера-балетга, – дея манзилга аниқлик киритди.

– Ўн беш минг.

– Ҳайда.

Ибодулла эътироз билдиришга уринди, туллак ҳайдовчи билан савдолашмокчи бўлди, илло у турган ерларидан “опера-балет”га кўпи билан тўрт минг сўмга бориш мумкинлигини яхши биларди. Аммо то “шаҳарлик” оғзини очиб улгургунга қадар Ғани эшикни қарсиллатиб ёпди ва машина тез ўрнидан кўзғалди.

Атрофга намозшом қоронғулиги босиб келмоқда эди.

Ибодулла театр ёнидаги бирон емакхонага, дейлик, “уголок”ка ё “Зарафшон”га борармиз, “опера-балет” шунчаки мўлжал бўлса керак, деб тахмин қилганди. Аммо ўзини театр ёнидаги ўриндикқа ўтқазиб қўйган Ғанибой чоғиб бориб кассадан иккита чипта, йўлнинг қарама-қарши тарафидаги гул дўконидан эса чиройли ва каттакон гулдаста олиб келганини кўргач, бутунлай калавасининг учини йўқотиб, довдираб қолди. Илло, шунча йиллардан бери шаҳарга қатнайди, қанчадан-қанча ҳамқишлоқларига Тошкентни томоша қилдирди, аммо ҳалигача бирон мардум “Мени опера-балетга олиб бор”, демаган. Сўраганлари бозор, зоопарк,

цирк, ҳа, ана, жуда борса Миллий театр. Шундаям бирон “кулдирадиган томоша” бўлса...

Бу ерда эса...

Афтидан, дунёда “таом, егулик” деган нарсалар борлигини тамомила унутган, балки шунгами, — ҳа, ҳа, булар мадорсизлик аломати, бошқача бўлиши мумкин эмас! — ранги сезиларли даражада оқариб, калта-калта нафас олаётган, нечукдир лаблари яна пир-пир уча бошлаган, гулдастани калкон янглиғ маҳкам бағрига босган “янги ўзбек” Ибодуллани театрга бошлади.

“Оққуш кўли” деган балет намойиш этиляпти экан.

Томошабин сийрак залга кириб, жойларига ўтиришди.

Оч, чарчаган “Шаҳарлик”нинг бир тили кичиди, бир тили кичиди; “Ҳали эрта эмасми, ака, кунингиз энди — латифаларда милён марта айтилганидай — ярим яланғоч кизларни кўриб илҳомланишга қолдимиз?” дея гап билан шеригини ўйиб олмоқчи бўлди, бироқ... Бироқ Ғанибой гап эшитадиган, эҳтимол, айтилган гапни тушунадиган аҳволда эмасди: у суратдай котиб, сахнага тикилиб қолганди, баайни заррин нақшли, кизғиш хошияли пардадаги кўринмас томошада кимнингдир, балки ўзининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётгандай...

Залга виқорли, капалакнусха бўйинбоғ таккан эркаклар, заррин либослару дур-жавохирлар шодаси сиймин танларининг очик ўринларини янада кўз-кўзлаётган кибрли аёллар кириб келишди. Зериккан Ибодулла уларни томоша қилиб ўтирди.

Ахийри зал чироқлари ўчди, парда очилиб, сахна ёришди ва ҳақиқий томоша бошланди.

Тантанали мусикадан кейин сахнага беш-олтита йигит-киз чопиб чиқиб келиб, оёқларининг учларида туриб ўйнай бошлашди.

Кўз кири билан томошабинларни кузатиб ўтирган Ибодулланинг назарида Ғани нимадир деб шивирлагандай бўлди.

– А? – деди у сал энгашиб, кулоғини “янги ўзбек”-нинг оғзига якин олиб бораркан.

– Адажио... – тишлари орасидан аранг шивирлади сахнага қараб котиб қолган, ҳатто киприк қокмаётган Ғанибой. – Энди... энди “па-де-де”...

Томошабинлар жонланиб қолишди, уч-тўрттаси ўз хайратини изхор этгандай қарсак ҳам чалиб юборди. Ибодулла сахнага қаради: оқ либосли қиз бир оёғининг учида тик турганча зўр бериб жойида чир айланарди.

– Фўэте... – яна пичирлади Ғанижон.

Шериғи балет атамаларини тилга олаётганини тушунган Ибодулла “дод” деб юборишдан ўзини аранг тияркан, энсаси қотганини яшириб ҳам ўтирмасдан пичинг килди:

– Нима қилай шунга, суюнчи берайми?..

Лекин Ғани ҳамон одамни эшитадиган аҳволда эмасди...

Асабийлашган Ибодулла ўзини ўзи чалғитиш ҳаракатига тушди ва, ажабки, бирдан топиб, илжайиб ҳам қўйди. Кўпинча, ёши каттароқ кишлоқ аёллари бирон нохушроқ гап-сўз, ғийбат топиб келган бола-бақра ёки ўзлари унчалик ёқтирмайдиган хотин-халажга “Нима, суюнчисига иштонимни ечиб берайинми?” дея захар-ханда қилишади ва ҳаттоки ростдан ҳам шундай қилишмоқчидай лозимларига қўл текизиб қўйишади. Энди, тасаввур этайликки, сахнада ўйнаётган раққосалар ҳам шунақа деб қолишди. Лекин ечиб берай деса ёки қўл текизиб кўрсатай деса уларнинг иштонлари йўқ-ку. Шунда улар нима қилишади?.. Ҳа-ха-ха...

Сахнага еттитами-саккизта оккуш чикиб келди ва бир-бирларининг қўлларини чалиштириб ушлаганларича саф тортишиб қандайдир қўл (гўёки, чунки унинг чизилганлиги кўриниб турарди) бўйида рақс туша бошлашди.

Ана шунда... ана шунда Ибодулланинг назарида ер кимираётгандай бўлди ва у ваҳима аралаш ажабланиб

ёнига қараркан, кўзлари ўт бўлиб ёнаётган Ғанибойнинг тишлари тақиллаб, бутун вужуди қалт-қалт титраётганини кўрди... Яна бир сониядан сўнг “янги ўзбек”нинг қулаб тушиши аён эди.

Буни сезишдан аввал ҳис қилган, ваҳимага тушиб қолган Ибодулла шеригининг биқинига аста туртди:

– Мазангиз бўлмаяптими, ака?

Саҳнадан кўз узолмаётган Ғани биқинига теккан қўлни беихтиёр маҳкам чангаллаб олди ва омбурдай қаттиқ қисди. Кафт суяклари синиб кетгудай бўлган Ибодулла додлаб юбормаслик учун тишини тишига босаркан, барибир:

– Им! – дейишдан ўзини тийиб туrolмади.

Олдинги қаторда ўтирган аёл ўгирилиб, бармоғини лабига босган қўйи пичирлади:

– Тш-ш!..

Орка қатордан ҳам шивирлаб дакки беришди:

– Молодые люди!.. Не шалитесь!.. Это театр!

Туйқус сесканиб кетган Ғани саҳнадан нигоҳини олди ва қаерда ўтирганини эслолмаётгандай ён-атрофга, Ибодуллага эсанкираб қаради, унинг қўлини чангалидан қўйиб юборди.

– Чикиб... сув-пув ичиб келайлик, ака.

Ғани кескин бош чайқади, шу билан наинки ўзи қишлоқдан бошлаб келган “шаҳарлик”ни, балки бутун дунёни унутган одамдай саҳнага қадалиб, “қилт” этмай тикилиб ўтираверди. Бамисоли ҳайкал...

Алоҳа спектакл тугади. Томошабинлар ўринларидан туриб қарсак чалишди. Таъзимга чиққан балетчиларга гулдасталар тақдим этишди. Ибодуллани хайрон қолдиргани шу бўлдики, Ғанибой шундоқ чиройли – шубҳасиз, жуда қиммат – гулдастасини бировга топширмади, бориб саҳна четига қўйиб келди.

Ташқарига чиқишди. Ғани яна шошиб такси тўхтатди, бу сафар манзилни ҳайдовчининг қулоғига шивирлаб айтди. Унинг болаларча бу қилиғи Ибодулланинг

ҳам кулгисини кистатди, ҳам жаҳлини чиқарди. Ибодулла деганлари шаҳарни билмаса экан!

Такси Ибодуллага таниш мавзедаги бир маҳалла охиrhoғида тўхтади, “янги ўзбек” билан келишувга кўра таксичи уларни кутиб турадиган бўлди.

Сезиларли даражада ҳаяжонланаётган, бармоқлари титрай бошлаган Ғанибой ҳовлилардан бирининг эшигини ўз калити билан очди.

– Вақтимиз зикрок, шунинг учун фақат зални кўрсак етади. Меҳмонхона билан ётоқхона кейинги сафарга.

Ибодулла “янги ўзбек”нинг бу гапидан ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши бош ирғаб кўйди.

Уйда катта қурилиш кетаётганлиги ҳовлида сочилиб ётган материаллар бўлақларидан, турли чиқиндилар уюмлари, ҳавоза ва эски чўтка-пақирлардан ҳам билиниб турарди.

Ғанибой ишонч билан йўл бошлади. Улар бўёк ва оҳак иси анқиб турган йўлак орқали кенг-мўл, айтиш мумкинки ҳаддан ташқари кенг-мўл хонага ўтишди. Ғанибой “чик” этказиб девордаги тугмачани босди. Шифтдаги денгиз манзараси ўртасига осилган улкан, заррин шокилали кандил порпираб ёнди... Энди буни хона ҳам деб бўлмасди. Дейлик, мўъжазрок спорт зали. Фақат уч тараф девор ҳам яхлит кўзгу билан қопланган. Тўртинчи тарафда одам бўйи расмлар қатор осилган.

– Йигирмага ўн, – ғурур билан гапириб қолди Ғанижон. Сўнг деворда осилган расмларга ишора қилиб, бир-бир таништириб чиқа бошлади: – Бу Мари Рамберг. Буниси Анна Павлова, киносини кўрган бўлсангиз керак. Икки серияли. Бу Ольга Преображенская. Буниси Матильда Кшесинская, у ҳақда энди кино олинапти. Бу Агриппина Вагонова. Галина Уланова билан Майя Плисецкаяни таниган чиқарсиз. Буниси Ульяна Лопаткина... Светлана Захарова... Мария Аллаш... Сильва Софиан... Диана Вишнёва... Екатерина Васильевани

билмаган одам йўқ... Буниси ўзимизнинг Бернора Қориева... Бунақа юлдузлар қараб турган залда машқ қилишнинг ўзи бўладими, ака!

Ибодулла деворда балет юлдузларининг суратлари турганлигини, бу эса машқ зали эканлигини тушунди. Аммо ким учун, нима учун? Тўғри, у нималарнидир сал-пал фахмлагандай эди, бироқ аниқ бир тўхтамга келишга қийналаётганди. Ҳар қалай, Ғанибойнинг театрида титраб-қакшаб ўтиришининг ўзиёқ у-бу нарсалардан шохидлик бераётгандай...

— Сиз, — ҳаяжонланиб гапида давом этди “янги ўзбек”, — бу уйни кўрган ягона одамсиз! Керак бўлиб қолса, тасвирлаб берасиз. Чунки мен гапиролмай қоламан... соқовга ўхшаб қоламан... Мен бу уйни... таг-туғи билан бераман. Иккаламиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Шундайига. Олсин. Кейин хоҳласа яшасин, хоҳламаса ёкиб юборсин ё бировга соға қилиб юборсин! Бу унинг иши...

Жумбоқ гаплардан тоқати тоқ бўлган Ибодулла кўрсроқ оҳангда сўради:

— Кимнинг ахир?

Ғанибой худди ўзи ҳаммага маълум ой ёинки куёш ҳақида гапираяпти-ю, бу ғалча негадир тушунмаётгандай, ҳамқишлоғига ажабланиб-меровсираб қаради. Сўнг бир оғиз:

— Кетдик, — деди.

Ибодулла тўнғиллаб қўйди:

— Умримиз йўлда ўтаркан-да...

* * *

Бу сафар такси уларни кўп қаватли уй сари ташлаб кетди.

Тез орада тутканоғи тутадигандай дир-дир титраётган, оғир-оғир нафас олаётган Ғанижон дамо-дам уйга қараб қўйиб, уёқдан-буёкка бориб келаркан, ўзи-

ни чалғитиш, асаблари жиловлаб олиш учунми, тинмай гапирарди:

— ...Мен бир нарсани аниқ биламан, жўра. Бир марта кўришдаёқ юрак-бағринг ўртаниб севиб қолсанг — мана шу ҳақиқий муҳаббат, қолган ҳаммаси бекор. Дунёда олти миллиард одам яшайди. Лекин юлдузинг юлдузингга тўғри келадигани биттагина. Биттагина, холос. Ўшани топсанг — бахтинг, топмасанг ўзингниям, ўзгаларниям алдаб, кун кўриб ўтиб кетаверасан бу ҳаётдан... Бир йилча бурун мен уни учратиб қолдим. Кўрдиму қотдим... Ўзиям аёлмисан аёл-да! Кийинишлари, юришлари, кулишлари... Тишлари майда, бир текис, худди гуручдай... Бадан, юз оппоқдан-оппоқ... қордай десаммикин, мармардайми... Қош ингичка қилиб терилган, киприқлар узун-узун... Нозик, қаттиқроқ ушласанг узилиб тушадигандай бармоқлар... Анови... ким эди-я... ҳа, Отойи айтган-ку, “Ғояти нозуклигиндин сув билад ютса бўлур” деб... Худди ўшанака аёл... Бир қултум сув билан “лик” этиб ютиб юборсанг... Фақат қоп-қора кўзлари маъюс, жуда маъюс... Бир кўришдаёқ у мен учун, фақат мен учун яратилганини тушундим... У ҳам ҳаммасини сезди... Индамасдан келиб қўлтиқлаб олди. Биз шаҳарни узоқ кездик. Тасаввур қиласизми, бир оғиз гаплашмасдан кездик. Бир оғиз гаплашмасдан-а... Йўқ... — ногаҳоний хотиралар қучоғида қолган Ғанибой ширин лаззатдан инграб юборди, — йўқ, у юрмасди, сузарди... Унинг қадам ташлаши олдида бизнинг хотинларнинг лўкиллаб юрадиган туядан фарқи қолмайди... Кейин шу ерга келдик... Унинг уйига... Мана шу бир хонали каталакка... Қордай оппоқ баданидан... баданидан шундай бир нозик ис, нозик ифор келардики, бир нафас олсангиз бас, бошингиз айланиб кетади... Бундай аёл эркак кишига ҳаётида бир марта учрайди, бир марта. Бошқа дуч келмайди... Шу аёл... шу аёл... бошини кўкрагимга қўйиб ҳўнграб йиғлади, нозик билаклари билан мени қучиб йиғлади... Ёлғизлигини, оқшом теа-

трдан кайтганида зимистон уй кўзига лаҳаддай кўрини-
шини, чирокларни ҳам ёқмасдан муздайин пешонасини
кўзгуга тираб узоқ-узоқ йиғлашларини гапириб берди...
Мен ҳам қўшилиб йиғладим... Эркак бошим билан кўз
ёшларимдан уялмай йиғладим... Кўз ёши юракни дард-
дан фориғ қилишини ана шунда билдим, ака. Шунча
йил яшаб, ҳақиқий севги қанақа бўлишини ана шунда
билдим, ака... Кўнгиллар қовушиши таналар қовуши-
шидан афзалроқ эканлигига ана шунда имон келтир-
дим, ака... Бундай аёлга – ҳатто у сени кучиб турганида
ҳам – ҳирс билан қаролмайсан, қақшаб сиғинасан, та-
валло қиласан...

Мен ҳам одамман, ахир! Мен ҳам дунёга бир марта
келаман. Қискагина ҳаётимда шундайин фаришта ўз-ў-
зидан қаршимда пайдо бўлиб қолганлигининг ўзи ярат-
ганнинг менга чексиз инояти эмасми?..

Жикка ёш тўлган кўзларини чирт юмиб олганча ши-
рин хотиралар уммонида лаззатланиб-хузурланиб суза-
ётган Ғанибойга ҳайрон бўлиб қараб турган Ибодулла
ахийри:

– Ўшани... ўшани излаб келдингизми бу ерга? – деб
сўради.

Ғанибой сесканиб кўзларини очди. Сўнг, савол маъ-
нисини англади шекилли, Ибодуллага ёш болага қара-
гандай ажабланиб қаради:

– Э, ака, бундай аёлни излаб келмайдилар. Бундай
аёлга тиз чўкиб “Буюр, одам ўлдирайинми, ўғирлик
қилайинми, бутун дунёга ўт қўяйинми, айтганингни
киприк қокмай адо этаман, фақат сен меники бўлсанг
бас!” дейдилар...

Ниҳоят филологлиги намоён бўлаётган Ғанига
диққат билан тикилаётган Ибодулла шошиб кейинги
саволини берди:

– Сиз шундай қилдингизми?

– Ҳа! – деди Ғанибой шоша-пиша. Аммо бу эътиро-
фда ғурурдан, сурурдан кўра алам, чорасизлик кўпроқ

эди. — Мен ҳаммасидан воз кечаман дедим! Бола-чакамдан, уйим-жойимдан, бойлигимдан, обрўйимдан. Эвазига ёнингда юрсам бас дедим. Мен... мен ҳатто унинг хизматкори бўлишга рози эдим... Лекин... лекин... — шу ерга келганда Ғанининг товуши титраб кетди: — лекин у мени рад этди!

— Нега? — беихтиёр кичкириб юборди Ибодулла. Сўнг, бирдан қаерда туришгани эсига тушиб қолдию, хижолат аралаш атрофга аланглади.

Аммо, афтидан, Ғанибой бутун дунёни унутган эди. Кўзларидан йирик-йирик ёш томчилари юмалаб тушаётган “янги ўзбек” чексиз изтироб ва ваҳима билан шивирлади:

— У мени рад этди... Кейин бир оғиз: “Савдолашманг... майдалашманг...” деди... Шунда... шунда мен нималар қилиб қўйганимни тушундим... Энди кеч эди... “Фалон ишни киламан!” деб оғиз кўпиртирмасдан бурун аввал шу ишни қилишим керак эди... Кейин оёғига бош урсам арзирди... Хуллас, у мендан воз кечди... Унинг уйдан... орқасига ўхшатиб тепилган итдай думимни қисиб чиқиб кетдим... Ўзиям бир кеча-кундуз қўйнимга пичоқ солиб, шу ерда пойлоқчилик қилдим... Билмайман, нега? Ахир айб ўзимда эди... У театрдан қайтаётган маҳали мени кўрди, аммо кўрмагандай ўтди-кетди... Ўшандай виқорли... Мағрур... Қўл-оёғимдан жон қочди... Тонгга қадар уй ёнида титраб-какшаб турдим... Дераза ёнига бир неча марта келиб-кетди. Буни кўрдим... Аммо мени чакирмади. Кейин чирокни ўчирди... Сахар палла пойи пиёда йўлга тушдим... Қишлоққа не аҳволда кириб бордим... Алахлаётган касалга ўхшаб қолган бўлсам керак... уйдагилар бошимда парвона... Бир ҳафта деганда ўзимга келдим... Нимадир етишмайди денг... Яшагим ҳам келмайди... Уни эсдан чиқарай дейман-у... Кўрган ошнинг куйиги ёмон бўларкан... Охири шаҳарга келиб, излай-излай иккита энг қиммат фаранг атиридан сотиб олдим. Ҳар бири юз доллардан

экан. Хотинимга обориб бердим. Нархини сўраб бошимни котирганди, “Беш минг сўмдан экан” дедим. Ниятим, яна ўша ифори туйиш эди... Аммо... – Ғанибой алам дарахтни муштлади, – биттасини дарров эрга тегмаган синглисига ошириб юборибди. Бир мактаниб кўймоқчи бўлган-да! Иккинчисини бир кўшнисига тўккиз минг сўмга пуллабди. Кечкурун борсам “Тўрт минг фойда кўрдим”, деб турибди тиржайиб... Солиб юборишимга сал қолди... Аммо... индамадим... Шу билан ҳаммаси эсимдан чиқиб кетар деб ўйлагандим... Қаёқда дейсиз... Мана бу ерим ўртанади, мана бу ерим... – Шундай дея Ғанибой кўксига шапатилади. – Шунака пайтлари ақлдан озаётгандай бўламан, гўё тез орада ётар-турар жойим жиннихона бўладигандай... Ухлай олмайман. Кун бўйи, ярим тунга қадар атай ўлиб-тирилиб ишлайман, чарчайин дейман, кейин ўзимни тўшакка отаман... Лекин барибир ухлолмайман... “Ишқ аҳлигадур харом уйку”...

Ибодулла мик этмай ўтирарди. Тўғриси, у ўзича тўпори, кўнглию мясида пул топишдан бошқа ташвиши йўқдай кўринадиган Ғанибойдан шунча гап чиқиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди...

Ҳа, инсон боласини тушуниш кийин экан. Бўлмаса бу “янги ўзбек”ка нима етишмайди... Армони бор эканда бечоранинг...

– Шу оловни босайин дея бирон баҳона топиб шаҳарга келаман. Ҳа, ҳа, баҳона топиб. Бир нарсанинг ҳидини сезишганми, уйдагилар бу ёққа келишимга тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилишади. Келишиб олишганми нима бало!.. Шунда эркак бошим билан... минг битта баҳона қидираман. Шунака пайтлари ўзимни ўзим ёмонлар кўриб кетаман... Шу ерга келиб ўтираман... кутаман... кутаман... Гўё у бирдан пайдо бўлиб қоладигандай... “Юринг” дейдигандай... Чироғи ёник бўлса бир қувонаман “уйғок экан” деб, ўчган бўлса “Ким билан экан?” деб дарди дунёим қоронғи бўла-

ди... Тишларимни ғижирлатиб ярқок излайман... Гарчанд сезаман, у ёлғиз... Ёлғиз... Тонг саҳарда бўлса яна пойи пиёда кишлокқа йўл оламан...

Балет ҳақида мен ўқимаган китоб, мен кўрмаган кино қолмади-ёв... Кейин... Навоийни ўқидим... Театрга нега унинг номи қўйилган деб ўйладим-да... “Парим бўлса, учиб қочсам улустин то қанотим бор, Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор...” Менам парим бўлишини истадим, у билан биргаликда эл-улусдан узоқ-узоқларга учиб кетишни орзуладим... Кейин негадир бу орзуни фақат ва фақат балетда чиройлироқ ифодаб бўлади, деган ўйга бордим, буни ўзимча тасаввур ҳам қилдим... жуда-жуда яққол тасаввур қилдим... Ишонасизми, мен... мен ўқиб-ўрганиб... шу орзуйимни... балетга кўчирмоқчи бўлдим... Мен... мен либретто ёза бошладим. Йигит билан киз бир-бирини яхши кўриб қолади... Охири парлардан қанот ясаб, кўкка учиб кетишади, булутлар бағрида оққушларга айланишади... Номиям “Парим бўлса...” Ёздим... “Йиғлаб-йиғлаб тугаттим охир”. Ишонасизми...

Ибодулла беихтиёр бош ирғади, баайни ишонишини билдирмоқчи бўлди. Бирок Ғанибой айни дамларда буни кўрадиган, тушунадиган аҳволда эмасди.

— Бор йиққан-терганимни сарфлаб бояги жойни сотиб олдим-да, ўзимнинг ҳаёлимдаги уйни курдиртирдим... Келса, “Парим бўлса...”ни машқ қилса... Балки ўйнаб берар... Ахир у истеъдодли... юлдуз бўлади... Лекин ўйнамасаям майли... Уй уники. Таг-туби билан... Либретто ҳам уники... буткул уники...

Мен театрнинг репертурачини, у қачон, қайси спектаклда саҳнага чиқишини ёддан биламан. Ўзим келолмасам, ишончли одамим орқали гул юбортираман. У билади... ҳаммасини билади... Лекин гулни олмайди... Саҳнада пайти атай мен томонга қарамайди... Ёмон кўнглини қолдирганман-да...

1
Умр, вақт деганлари учиб ўтиб бормоқда. Мен бундай яшашдан чарчадим. Мен биламан... у ҳалиям ёлғиз... ёлғиз... Мен бугун унинг пойига тиз чўкаман, “Меники бўл, мен ҳаммасидан воз кечдим!” дейман. Агар у яна рад этса... қайтиб ўрнимдан туrolмасман... – у коронғида пайпаслаб Ибодулланинг қўлини топди ва калитни тутди. – Буни бир амаллаб ўзингиз беринг. Отиб юборса, ердан олиб яна беринг. Жойни тушунтиринг... Айтинг, бу унинг учун арзимаган ҳадям... Инсоннинг бир кечалик бахти бунаканги уйлардан мингтасига арзийди денг... Айтинг, ўтинаман...

Шу маҳал машина овози эшитилди. Ғанибой бирдан гапдан тўхтади, овоз келган томонга қаради. Уй ёнига пешойнасида яшил чироқчаси ёниб турган такси машинаси келиб тўхтади.

Машинанинг орка ўриндиғидан эркак билан аёл тушишди. Машина кетди. Эркак билан аёл қўлтиклашиб уй томон юришди. Бу сарвиқомат, дарҳақиқат, юрмаётган, виқор ила сузиб кетаётган аёл эди. Эркак нимадир деб шивирлади, аёл хандон отиб кулди... Бу бахтиёр аёлнинг кулгуси эди..

Ибодулла ёнига қаради ва хаттоки коронғуликда ҳам Ғанибойнинг ранги бўздек оқариб кетганини кўрди...

Эркак-аёл подъезддан ичкарига киришди. Биринчи қаватдаги хонадон чироғи ёнди.

Вақт имиллаб ўтарди...

Аввал аёл дераза ёнига келди, аммо тез узоқлашди. Кейин эркак. Эркак пардани туширди. Сўнг чироқ ўчди...

Зулматдан кўз узмай турган Ибодулла ёнида кимдир хириллаётганини эшитгандай бўлди. Ичи бўм-бўш бўлиб қолган Ибодулла шу тарафга ўтирилди.

Нафас ололмаётгандай жон-жаҳди билан бўйнини ишқалаётган Ғанибой. Ибодулла ҳамроҳига синчиклаб назар солди ва... ажабки, унинг булутлар бағридан

мўралаган тўлин ой ёруғида ялтираб кетган кўзларида ҳеч қандай маънони илғамди. Ҳеч қандай...

Худди шу лахзада, ўртага чўккан муздай сукунатни чил-парчин этиб ташлашга азм қилгандай туйқусдан лаблари дир-дир титраётган Ғанибой жилмайишга уриниш асносида сўзларни дона-дона қилиб, баайни овоз кучайтиргич ёнида турган каби:

– Дикқат! Тошкентдан кўрсатамиз! – деди.

Ибодулла донг қотиб қолди...

* * *

Ибодулла энди титраб-қакшаганча кунишиб, бир нималарни тез-тез шивирлаётган Ғанибойнинг қўлидан тутди ва кўзларидан дувиллаб оққан алам ёшларини яшириб ҳам ўтирмасдан пойи пиёда қишлоқ томон бошлади...

Улар қишлоққа тонгда кириб бордилар.

“Ўзбековул”да сармоядор одамни ҳамма танийди. “Янги ўзбек” Ғанибойнинг шаҳардан ақлидан озгандек, бўйнида бўйинбоғ билан қайтиб келгани ҳақидаги совуқ хабар қишлоққа яшин тезлигида тарқалди.

Орадан бир ош пишгулик фурсат ўтар-ўтмас эса қуйилиб келган саволларга жавоб тарзида бошқа миш-мишлар ҳам болалади: шўрлик Ғанибойни шаҳарга анави “шаҳарлик” Ибодулла олиб борган экан. Бунга Ғанибойнинг қайниси Азиз тирик гувоҳ экан. Ибодулланинг шаҳарда эски ўйнаши бор экан. Ибодулла уялмай-нетмай Ғанибойни шу ўйнашиникига бошлаб борибди. Аммо ўйнаш хотиннинг олдида бошқа ўйнаш эркаклар ҳам бор экан (“Қисқаси, исловатхона экан!” дейишарди янгиликни бир-бирига етказаётган ҳамқишлоқлар ишонч билан). Орада жанжал чиқади ва бечора Ғанибой ҳамқишлоғи Ибодуллани ҳимоя қиламан деб ўртага тушади. Ана шунда анави хотиннинг ўйнашлари бу икки қишлоқини роса тепкилаб ташлашади.

Биттаси қалтисроқ тепиб, шўрлик “янги ўзбек”нинг ми-
ясини чайқалтириб юборади...

“Янги ўзбек”нинг хотини келиб ўз уйида муштдай-
гина бўлиб ўтирган Ибодуллани юмма талаб кетди...
Қарғишларнинг-ку, ҳеч адоғи кўринмасди...

Буям камдай, орадан ярим соат ўтар-ўтмас кутур-
ган шердай уйга бостириб кирган Азиз “Поччамни ўл-
дирибсан-ку, наҳс босган! Сенинг касринг поччамга
урибди!” дея ҳеч бир қаршилиқ кўрсатмаган Ибодулла-
ни уриб-тепиб, сулайтириб ташлади... Зор-зор йиғлаб
Азизнинг этагига ёпишган Гуласал ҳам, чиркираб
йиғлаётган уч фарзанд ҳам кутурган йигитни тўхтатиб
қололмади...

* * *

Орадан ўн кунга яқин вақт ўтди.

Ганибой туманимиз марказидаги шифохонасида
“психоген амнезия” ташхиси билан даволанмоқда. Ши-
фокорлар унинг тузалиб кетишига умид бор дейишибди...

“Шаҳардаги кундош” ҳақидаги гап-сўзлардан чар-
чаган Гуласал фарзандларини олдию, ота-онасиникига
кетворди.

Яккамохов бўлиб қолган Ибодулла кўп эзилди. Энди
қишлоқ аҳли уни одам қаторига қўшмаслиги аниқ. Кў-
чага чиқса бас, ёш-қари дарров тесқари қараб олади...
Баъзилар атай унга эшиттириб: “Бузуқ...” ва ҳаттоки
“Сенгайм аталгани бордир” деб ғўлдираб қўйишади...

Бу азобга чидай олмаган, уйида қамалиб ўтиравери-
б ақлдан озгудай ҳолга тушган Ибодулла кунларнинг би-
рида шаҳарга қараб йўл олишдан аввал шифохонага
кирди.

Ганибой каттагина ховлининг бир чеккасида, етим
мусичадай қунишибгина ўтирган экан. Собик “янги
ўзбек” Ибодуллани танимади, унинг қайта-қайта исми-
ни айтишларини, шаҳарга буғдой сотишга бирга бор-
ганликлари тафсилотларини хижолат бўлиб эшитди,

пешонасини тириштириб, нималарнидир хотирлашга роса уринса-да, эвини қилолмагач, ноиложлигини билдиргандай елка қисиб қўйиш билан кифояланди, сўнг, бу кам туйилдими, манглайига кўрсаткич бармоғида “дўк-дўк” этказиб уриб қўяркан, атай ўзини излаб келган меҳмонга қараб айбдорона тарзда тан олди:

– Хотира кетган, ака...

Дарди дунёси баттар қоронғи бўлган, ўзини шунча гапни деворга айтгандек ҳис қилаётган Ибодулла ўрнидан туриб, кетишга чоғланаркан, баногоҳ ниманидир эслагандай жойида тўхтади ва ҳеч нарсага умид қилмаган ҳолда:

– Парим бўлса... – деди.

Меҳмон ҳурмати учун қаддини ростлаётган жойида такқа тўхтаган Ғанининг кўзларида оний сонияга недир маъно пайдо бўлгандек туйилди-ю, аммо шу заҳоти унинг ўрнини яна хотирасизликдан хижолатпазлик ҳиссиёти эгаллади.

Дарвозадан алам билан бошини қашлаб ўтаётган Ибодулла бирдан кўрқиб кетди: унинг бармоқларига бир тутам соч илашиб чиққанди. Ибодулла шошиб яна бошини қашиди. Яна шу аҳвол...

* * *

Кеча йилтирбош Ибодулла жўрамни Фарҳод бозорида кўриб қолдим. Олибсотарлик қияпти экан: Қўйликнинг улгуржи бозоридан тонг қоронғисида арзонга мева-чева олиб келиб, бу ерда қимматига килолаб пулларкан.

Олма уюлган пештахта тагида анча гурунглашиб қолдик, биттадан пиво шишасини бўшатдик. Овулни, қариндош-уруғларни эсладик.

Суҳбат орасида Ғанибойни ҳам ёдга олдик.

Айтишига қараганда, Ибодулла ҳар ҳафта туманимиз марказидаги шифохонага бориб, собиқ “янги ўзбек”дан хабар оларкан. Унга ғазаллар ўқиб бераркан.

Айниқса бир ғазални эшитган маҳали кап-катта бемор ёш болага ўхшаб пик-пик йиғлармиш... Кишини хурсанд қиладиган томони шундаки, Ибодулла охирги марта борганида бемор ўзини рисоладагидай тутибди, ҳатто хайрлашиш олдидан “Китобингизни ташлаб кетсангиз... ўзим кечалари ўкиб ўтираман”, дебди. Сўнг, китобни олгач, дарров уни қўйнига яширибди. Дарвоза ёнида эса, қўриқчилар эшитмасин дебми, вужуди дир-дир титраганча, товуши қалтираб, аранг сўрабди: “У... ёлғизми?”. Бемор ўз номи билан бемор-да: кўнгли ярим... Шу боисдан Ибодулла ҳеч иккиланмасдан “Бордим... Билдим... У ёлғиз” дебди.

– Бу гапимни эшитаётган маҳал унинг юзи фавкуллода ёришиб, кўзлари чакнаб кетди. Худо шохид, бунинг ўзим кўрдим, – деди Ибодулла мамнун бўлиб.

Дарвоқе, мутлақо туйқусдан “янги ўзбек”нинг кип-қизил йўксил, тасарруфидаги мулкларининг асосий қисми аллақачон сотилиб кетганлигидан, қолган қисми эса гаровга қўйилганлигидан воқиф бўлган, бу кутилмаган машъум янгиликдан эс-хушидан айрилар даражага етган ҳамда қарғиш-лаънатлар дўли остида қандайдир “шаҳарлик ойимча”ни улка-ан сармояни ўғирлаб, яшириб қўйишда айблаётган хотин “Ўша бузукнинг ўзи келиб қарасин энди, нима, бунинг пули ҳалол-у, ўзи ҳаромми!” дея тайсаллаб турганлиги боисми, Ғанибойнинг қарови анчайин ночорроқ аҳволга тушиб қолибди. Устига-устак, қўшимча дори-дармон олишга, яна баъзи бир майда-чуйда ташвишларга ҳам харажат дегандай... (Одамлар... уларни қўя турайлик. Илло, Марди бобо топиб айтганидай: “Пулинг бўлса банкада, Кўргани боришади танкада”. Лекин, айти пайтда, таассуфки, “Ақчадан йироқ – меҳрдан йироқ”. Шу боис кунинг кеча овулнинг эркатойи бўлиб юрган, нима қилса ярашадиган Ғани кўз очиб-юмгунча – гарчанд унинг учун энди буларнинг бир чақалик аҳамияти бўлмаса-да, – барча унвон-имтиёзларидан маҳрум этилиб,

корни тўйиб кетганидан кўнглига келган номаъкулчиликларни қилиб юрган, охир-оқибат пешонаси “тақ” этиб деворга теккан ва энди, “ўтники ўтга, сувники сувга” кабилида, бор-будидан айрилганидан сўнг еганларини қон қусиб қайтараётган шўртумшук бандага айланганди...) Хуллас, бир ташрифиди Ибодулла шаҳарда балеринага атаб қурилган уй хусусида сўраб кўради: “Балки сотиш керакдир... ҳозир пул халакит бермасди... аксинча...” Аммо бирдан кўзларини олиб қочган Ғанибой – ҳар қанча пешонасини тириштириб ўйласа-да – нимагадир бу уйни мутлақо эслолмайди.

Шунга қарамасдан, кўнгил тубида не асл ниятлар бўлгани ноаён, Ибодулла барибир шаҳарда Ғанибой қурдирган ҳовлига борибди. Бироқ уйни эгаллаб олган, аллақачон қайта қуришга ҳам киришган “ишончли одам” ҳеч қанақанги Ғани-панини танимаслигини, ҳовли эса якка ўзига тегишли эканлигини айтиб туриб олибди, ҳаттоки ҳужжатларни ҳам кўрсатгач эса агар чакирилмаган меҳмон дарҳол ўз оёғи билан чиқиб кетмаса, милицияга кўнғироқ қилишини айтиб дўқ урибди...

Ибодулла ойда бир марта балетга тушаркан, ҳар сафар ўша балеринага гулдаста ташлаб келаркан: “Ғанибойдан деб ўйлайверсин...”

– Эҳ, тезроқ тузалиб кетса эди!..

Ибодулла бу гапни бир эмас, бир неча маротаба қандайдир ҳаяжон, тўлиқиш билан айтди. Бундай садокатдан ўзимча хурсанд бўлиб, бу тилакка жон-дилим билан қўшилдим, кейин, бемор шифо топгач нима бўлиши билан қизикдим.

– Ғанибой ака тузалган куни Гуласални олдига олиб келаман. Ҳаммасини ўз огзи билан гапириб беради! Ана шундан кейин хотиним ҳаммасини тушунади! Ўзи мендан кечирим сўрайди! – деб қолди бир маҳал Ибодулла энтикиб.

Ўсмоқчилаб сўрай-сўрай билиб олганим шу бўлдики, Ибодулланинг бола-чақаси ҳамон қайтмапти. Ай-

никса Ибодулланинг шаҳарга келиб ишлаётгани рашк оловига сепилган мойдай таъсир кўрсатибди. “Ўша... шаҳарлик ўйнаши билан кўшмозор бўлсин! Ана, олди-га бориб олибди-ку!” дебди Гуласал бош эгиб келган элчиларга. Ваҳоланки...

– Қанақа ўйнаш? – алам билан кўлларини ёйди Ибодулла. – Тўрт бозорчи товукнинг катагидай хонада ижарада турамиз, жўра. Тор жойда гўшт егандан... деб тунлари иссиқ бўлса, шу ерда ётиб қолавераман. – У ўтирган жойимизни кўрсатди. – Шаҳарга келганим... Бошқа қаергаям борардим... Кимнинг ҳам менга кўзи учиб турибди...

Жўрамни юпатган бўлдим. Ногоҳ у пикирлаб кулиб юборди.

– Тинчликми? – хайрон бўлиб сўрадим.

– Келганимдан бери... – куларди у ҳамон, – келганимдан бери икки марта миршаб ушлаб олди. Бир марта участкасигаям олиб борди, бармоқ изларимни олди...

Тамомила ҳайратга тушдим:

– Сени-я? Бўлиши мумкин эмас! Ахир... ахир қанчадан-қанча акахонларинг...

Бирдан жиддий тортиб қолган Ибодулла такир бошига ишора қилди:

– Бунақа калла билан унақа акахонларни тилга олиб бўлмайди, жўра...

Ёруғ бошида қишлоққа қайтиб кетишим керак эди, шунинг учун хайрлашишга шошдим.

* * *

Аниқ эсимда бор, Ибодулла билан жума куни кечга яқин хайрлашдик.

Шанба эса...

Ғани шифохонадан хотиржамлик билан, соппа-соғ одамдай чиқади, дўкондан тузуккина уст-бош, ҳаттоки капалак нусха бўйинбоғ ҳам сотиб олади. Сўнг... шаҳарга келади, катта гулдаста харид қилади, театрға

киради, дудукланиб, титраб-какшаб эшикбон кампирдан балеринани сўрайди.

Театрнинг барча янгиликларидан вокиф кампир унга балерина икки ҳафтадан буён суюкли ёри билан Оврупода “асал оyi”ни ўтказиб юрганлигини айтишга шошади... Баайни суюнчи сўраётгандай ўта кўтаринки кайфиятда айтади, ёш ва бахтли оиланинг театрда ўтган дабдабали тўйида иштирок этганию, маза қилиб ракс тушганига қадар гапираверади, гапираверади...

Кейинрок айрим шохидларнинг гувоҳлик беришларига кўра, ранги бирдан кўмирдай қорайиб кетган Ғанибой бир муддат кампирга анграйиб қараб қолган, нимадир эътироз билдирмоқчидай бўлиб оғзини каппа-каппа очган, лекин гапиролмаган, овоз ўрнига ғайритабий хириллаш эшитилган. Сўнг, ногоҳ, томоққа тикилиб қолган тош отилиб чикқандай ваҳшиёна тарзда ўкириб юборгану, гуп этиб қулаган...

Ўша воқеадан кейин Ғанини вилоят марказидаги руҳий хасталиклар шифохонасига ўтказиб, алоҳида хонада саклай бошлашди.

Бир ойга етар-етмай деярли овқат емай кўйган бемор озиб-тўзиб кетди, соч-соқли ўсиб, кўчада тентиб юрадиган уйсиз-жойсиз дайдиларга ўхшаб қолди.

Лекин... лекин одамнинг жони қаттиқ бўларкан. Айникса у нимагадир умидовор бўлиб турганида, ниманидир илинж билан кутганида.

Хуллас... тасаввур қиласизми!.. онг-шуур кўзгуси чатнаган, хиралашган, ўргимчак тўридай ёйилиб кетган хаёлот афсунида вокеликни тўлик идрок қилолмай қолган Ғанибой яширин равишда, турли-туман куш-паррандаларнинг патларидан ўзига... қанот ясайди. Қанот!

Йигирма биринчи асрнинг ўн тўртинчи йилида яшаётган Дедалми, Икарми ярим тун, борликни тўлин ой сутдай ёритган, кўкда юлдузчалар жимирлаб, сирли кўз қисаётганлари маҳал ховлига чиқади, ўртада қад ростлаб турган улкан дарахт тепасига кўтарилади ва... қанотларини ёйганча кўкка парвоз қилади...

Шифокорларнинг хулосаларига қараганда, заранг ерга чилпарчин кулаб тушганида бўйни қайрилган, умуртқа поғонаси жиддий шикаст еган бу телбани энди алоҳида хонага жойлаштиришнинг ҳожати ҳам йўк: у барибир ўрнидан кўзғала олмайди...

Аламзада хотин у ёқда турсин, тамомила ҳафсаласи пир бўлган Ибодулла ҳам бемордан хабар олмай қўйди...

Аммо...

Ажабки, жўрам Ибодулла шу ҳолида ҳамон ойда бир-икки марта балетга тушиб туради, “Оккуш кўли”ни-ку, асло ўтказиб юбормайди, ўша балеринага кўз-кўзлаган кўйи сахна четига алламбало гулдаста қўйиб келишни ҳам унутмайди. Мен “Нега?” деб сўрайман, “Ғанибойдан деб ўйласин-да”, деб жавоб беради жўрам. Мен яна сўрайман: “Нега ахир?” Бу саволимга жавоб ололмайман.

Дарвоқе, яқинда Ибодулла юзини сидириб ташлаб бўлса ҳам овулимизга келди, аллақачон поччасининг “Ласетти”сига эгалик қилиб олган Азиз билан учрашди, ундан Ғанибойнинг ноутбукини сўради, “Кўчириб оладиган бир нарса бор эди, жуда зарил эди”, деди ёлвориб. Бечора Ибодуллани уриб юборгудай важохатда турган Азиз аввалига роса оғзи кўпириб сўкиниб олгач, компьютердаги асли поччасининг миясини айнитган, яланғоч кизлари лак-лак уятсиз кино-пино, расм-пасмларнинг ҳаммасини ўчириб ташлаганини, дастурларини ҳам янгилаганлигини, хуллас, “онадан туғилгандай яп-янги” ҳолга келган ўша матаҳда болалари бир муддат “уруш-уруш” ўйинлар ўйнаб юрганликларини, бироқ бир ҳафтача бурун кутилмаганда ноутбукдан ўт чикиб, ўз-ўзидан ёниб кетганлигини айтади. “Узоқ ёнди”, дейди нобакор қайин баайни “Қўлингдан нима келади?” дегандай тиржайиб.

Дарҳақиқат, қўлидан ҳеч нарса келмаган Ибодулла яна шаҳарга қайтди.

Шундан бери ҳам жўрам ойда бир-икки марта гул кўтариб театрга боришни, афишаларга умид билан қарашни канда қилмайди денг: худди “Парим бўлса...” балетининг премьераси ўтказилиб қолинадигандай...

Шу... одамзодни тушуниш қийин экан-да ўзи...

* * *

Баёнчидан: Мен, дунёга тийрак нигоҳ билан қарашга уринаётган, ҳар бир айтилган сўзни ҳақиқат ўрнида қабул қилишдан аввал эринмасдан тишлаб, ҳидлаб, салмоқлаб кўришга ўрганаётган, ҳаттоки шулардан кейинам кўзга ташланмас илдизлари дилининг туб-тубига етиб борган аъмолларидан озик олаётган шубҳаларидан тамомила айро тушолмаётган ҳақир банда, жўрамнинг дил эътирофини одатимга кўра гумонсираб эшитарканман, бу ҳикоятда мантиғу ички боғланишнинг ўзаро номутаносиблигини тусмолладим. Шу боис, ўзимга ўзим минг эшитгандан бир кўрган яхши дедим-у, шаҳарга навбатдаги сафарлардан бири атай Ибодулла оғзини тўлдириб айтган “опера-балет” томошасига кирдим.

Кўнглим бир нарсаларни сезгани чин экан. Саҳнада уёқдан-буёқка чошиб юрган бўйчан, бироқ вужудлари скелетга ўхшаб қуруқ шақирлаган суякдан иборат, нечукдир дўкондаги арзон Барби кўғирчоқларини эслатадиган узунёқ кизлару аёлларни дурбинда кузатиб ўтира-ўтира, шўрликларга ачиндим. Йлло, қаршимда ҳаёт ташвишларидан толган, кундалик турмушнинг аччиқ турткиларидан зада, балки бир замонлар кўзларида ёнган ўтлар аллақачон сўнган, бор-йўқ ниятлари зиммаларидаги бурчни, яъни мана шу ғичирлаган саҳнада сакраб-сакраб қўйишни адо этиш бўлган, упа чапланган юзлари қаримсик ожизалар турарди. Мен ҳатто уларнинг томошадан сўнг, парда ёпилган захоти муздай, зах, рутубатли хонага отилиб кирганларича эгниларидаги эскириб-титилган, игна-ип тегмаган жойи қолмаган, кир ва моғор босган, қўлтиклари сарғайиб кетган

оққуш либосларини канчалар нафрат ва алам билан юлкиб ечаётганликларини яккол кўз олдимга келтирдим... “Парим бўлса” эмиш-а! Парқанот у ёкда турсин, икки қўлтиғига иккитадан мотор ўрнатган тақдирингда ҳам булар ўзларининг бўйларидан баландроққа кўтарила олмасликлари шундайгина кўриниб турибди-ку ахир...

Қани у Ғанибой излаган, ҳаттоки топган ҳам илоҳий фаришта, бир кўрганингадەк тинчгина ҳаётингни остин-устун этиб юборишга қодир илоҳий қудрат соҳибаси бўлмиш сервикор париваш, бир кечалик висоли учунок қолган умрингни бир лаҳза ўйлаб ўтирмасдан қурбонликка келтиришга лойик бемисл-бетимсол, қўл етмас ҳурлиқо? Қани у?... Нега мен кўрмайпман?..

Одам кўпинча ўзи кўргиси келган нарсаларнигина кўради, эшитгиси келган гапларнигина эшитади. Хойнаҳой, пул топиб, ақл топмаган бечора Ғанибой ҳам шу кўйга тушган. Бунақанги касаллик эса юқумли бўлади: инчунун, жўрам Ибодулланинг ташхиси ҳам маълум... Демак, аслида ҳеч қанақанги балерина-палерина бўлмаган. Эшитганларим эса икки кап-катта эркакнинг сароб орзулари, алдамчи илинжлари ва... рўё измидаги тентакликлари ҳосиласи, холос. Балки улар бир хилда туш кўргандирлар-у, шуни асл воқелик деб қабул қилишгандир... Хойнаҳой, бу ёш билан ҳам боғланган: ўттиздан ошиб-қирққа яқинлашган бир хил эркакларда шунақанги аллатовур хасталик учрашини, охири-окибат улар ичидан ўзларини бошқаролмай қолган айрим иродасизларининг томи кетиб қолишини эшитгандим... Ҳар не бўлганда ҳам энди бунга қатъий ишонч билан айта оламан: бариси бекор. Ҳаётга кўзни каттароқ очиб, хушёр қараш керак. Ана шунда ҳаммаси бор-борича, асли қандай бўлса шундоқлигича кўринади-ю, аллақандай бекорчи довдираш-алаҳсирашларга, телбаликларга ўрин қолмайди...

(2014 йил)

БИЗ ЎТГАН ЙЎЛЛАР

1991 йилнинг кўклами.

Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайтлар.

Шундай кунларнинг бирида Ўзбековулдаги ягона озик-овкат дўконига “талон” бўйича тарқатиладиганига нисбатан уч коп ун ортикча олиб келингани ҳақидаги хабар кишлокқа яшин тезлигида тарқалди.

Аста намозшом бостириб келаётган бўлишига карамасдан бир пасда дўкон олдида тумонат одам тўпланди. Сотувчи Хидирбой бирдан ердан қайнаб чиққандай пайдо бўлиб колган бунча овулдошларини кўриб, шошиб қолса-да, атай ковоғини уйганча, ўшшайиб тураверди. Тўғри, кейинги пайтларда, яъни “талон тизими”га ўтилганидан бери аҳвол шу, яъни дўконга ун келса бас, ҳаммаёкни одам босиб кетади. Ҳатто, фуқаролар йиғини раиси Одил чўлок ҳам уларни бошкаролмай қолади. Шўрлик раис ҳар қанча бакириб-чакирмасин, томоғи кирилиб кетгунча кичкирмасин, барибир овулнинг эркаклари ва аёллари ун учун маҳаллама-маҳалла келишни ёки навбатда туришни хаёлларига ҳам келтирмай, бари бирдай мўъжазгина дўконга ёпирилиб киришга уриниб колишарди. Гўё шундай килишмаса, ун тугаб қоладигандай, етмай қоладигандай. Ҳолбуки, раиснинг елиб-югуришлари саъй-ҳаракатлари билан ҳар бир оилага белгиланган миқдорда ун олиб келинарни.

Ишкилиб, одамлар бакир-чакир килишар, бир-бирлари билан неча мароталаб уришиб ҳам олишар, жон-жаҳдлари билан ичкарига туртилиб-интилавериб, бир-бирларини тирсаклари билан туртиб, гоҳида эса ошкор итариб ташлаб сотувчини ҳам, раисни ҳам баттар хуноб килишарди. Ора-сира ун олиш учун “очиритсиз” кирган бечоранинг бошига эса мислсиз қарғишлару сўқинишлар дўлдай ёғиларди.

Нихоят, бир ой учун белгиланган ун олиб бўлингандан кейингина одамлар сал енгил тортишар ва гўё-

ки катта ишни бажариб қўйган қаҳрамонлардай кў-
кракларини керганларича уй-уйларига таркалишарди.
Шундан кейингина Хидирбой норози бўлиб пўнғилла-
ганча полга, ерга тўкилиб колган ун колдикларини су-
пуриб-сидиришга тушарди.

Охири яхши тугаган нарса барибир яхши-да. Овул-
нинг эркаклари ва аёллари ҳам ҳар бир оилага белги-
ланган тўрт кило ун учун ҳар қанча ёқа бўғишмасин,
барибир савдо тугаб, ўз мақсадларига етганларидан
кейин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди. Балки шу саба-
блидир, навбат талаш авжга чиққан маҳаллари ора-сира
асосан эркаklar орасидан ҳазил гаплар ҳам эшитилиб
қоларди: “Ҳой, Мамарайим, хотинлар орасига ўтиб
кетдингми... Туғиб қўядиганлар ҳам, чакалоқларнинг
ҳақиқий оталари ҳам бенавбат киритилсин... Ҳой, сен
қаёққа, эри демадик, чакалоқнинг отаси дедик...”

Баъзида қишлоқчасига сал калтисроқ айтиладиган
ҳазил гаплар ҳам янграр, ҳар қанча асабий кайфиятда
бўлишмасин, бунақа пайтлари навбатда турганларнинг
аксарияти беихтиёр жилмайиб қўйишдан ўзини тийиб
туролмасди.

Бироқ бугун йиғилганларнинг авзойи бузук эди.
Зеро, дўкон ёнига келганларнинг ҳар бири ортиқча уч
қоп унни олишга ўзини ҳақли, деб билиб, шунга ўзи-
ни тайёрлаб келган, бошқаларнинг ҳам худди шундай
(ноҳақларча, албатта!) фикрда эканини тусмол қилга-
ни боис, элбурутдан жангга ҳозирланиб, айнан ўзининг
ҳақ эканлигини жон-жаҳди билан исботлаб ташлаш та-
доригида эди.

Одил раис хурпайиб турган эркак-аёлларга бир кўз
ташлашдаёқ гап нимадалигини англади. Аммо ҳозирча
индамай туришга, то талабгорлар бу масалани кўтар-
магунча ўзини ҳеч нарса билмагандай тутишга қарор
қилди.

Биринчи бўлиб қадди букчайиб, “дол” аломати касб
этган, ирғай ҳассасига суянган Олия момо дўкон пеш-

тоқи ёнидаги ўзига хос сахнага айланган майдончага чиқди ва дабдурустдан максадга ўтди-қўйди:

– Мусулмонлар, барингнинг хабаринг бор, келаси ойда бир эмас, икки неварам уйланадиган. Ўзларинг инсоф билан айтинглар: ҳўкимат бераётган тўрт кило ун билан тўй ўтказиб бўладими? Шундай экан, ўша уннинг ҳеч бўлмаса эkki қопи биздики бўлиши керак. Гапим туврима?

Ёши саксонга яқинлашиб қолган, ўзбековулчасига айтганда, “тўридан гўри яқин” кампирга бир нарса деб эътироз билдириш мушкулдек эди гўё.

Аммо “Мол аччиғи – жон аччиғи”, деганлари чин экан. Олия момо гапини тугатар-тугатмас одамларнинг орқароғида қолгани боис ҳадеб бўйнини чўзиб кўяётган шаддодгина жувон Каромат хола бобиллаб берди:

– Нима, бизни ёш бола билаяпсизми, момо? Ҳали тўртта кўрпа қавилмасдан туриб тўйни гапирасиз! Шу кетиши бўлса орқаси оғир келинингиз августга бориб тўйга тайёр бўлсаям катта гап. Унгача янги буғдой пишади, ҳаммаёқ “сен же, мен же” бўлиб кетади. Ун мана, бизга керак. Энг камида икки қопи...

Аммо вақтида овул фаолларидан бўлиб, не-не эркаларни гап билан ўтирғизиб-турғазган Олия момо салга бўш келиб ўтирадиган кампирлар тоифасидан эмасди. Ҳозир ҳам нурсиз кўзларини Каромат хола томон тикканча, шартта унинг гапини бўлди:

– Кароматмисан? Яшшамагур, сенга менинг келинимнинг орқасини ўлчашдан бошқа ташвиш йўқмиди? Бор, ишингни қил, лекин бу унга кўз олайтирма. Мол-бозор уч-тўрт кун “перашка”сиз қолса қолар...

Энди Каромат хола чийиллиб юборди:

– Мен айримларга ўхшаб ғарлик қилмайман, момо, ўғирлик қилмайман. Мен ҳалол ишлаб, пешона терим эвазига пул топаман...

– Кимга ишора қилаяпсан, тилингга куйдирги чиқкур!

– Гап эгасини топади, момо!..

Ва ҳоказо.

Агар қўйиб берилса, аёллар ўртасида даҳанаки жанг олови янада гуриллаб кетишини, орага ўн-ўн беш йиллик гиналар ҳам тушишини тушунди шекилли, басавлат Карим оксоқол шопмўйловини силаганча “сахна”га кўтариларкан, каттиқ томоқ кириб қўйди.

– Бу ерда ортиқча гапнинг ҳеч кимга кераги йўқ, – деди оксоқол ишонч билан. – Хўш, уч қоп ортиқча келган экан... демак, биттаси сельсоветимиз раиси Одил акага. Ҳар қалай, жўжабирдай жон, буёғи энди ўзбекчилик, меҳмон келари бор... Майли, қолган икки копини биз ола қоламиз. Пули нақд...

Оқосоқолнинг гапига тўй-маъракаларда биров эътироз билдиролмасди. Аммо ҳозир...

– Йўғ-э! – деди аллақандай аламли оҳангда ўн йиллик шляпасини бошига қўндириб олган, ўзиям неча-неча ёз қуёш тифида юраверганидан мўридай қорайиб кетган, озғингина Камол сувчи. – Нима, биз олсак насияга оламузми? Мана, бизникиям нақд. – Шундан кейин чўнтагига уриб-уриб қўйган Камол сувчи сотувчига ўгирилиб, маънодор кўз қисди: – Арава тайёр, ука, ортираверинг. Ҳеч ўйланманг, у ёғини келишиб оламуз.

– Нимани келишиб оласиз, Камол ака? – чинкириб юборди ғазабдан кўкариб кетган Тожибой агроном. – “Шапка”синими? Ё бир уруғданмиз деб, Хидирбойга орқа қияпсизми? Айтиб қўяй, бизнинг хотин ҳам сенларнинг уруғингдан. Лекин мен индамай турибман-ку... бизга бир копиям бўлади деб...

Гоҳ у гапираётганнинг, гоҳ бу гапираётганнинг оғзига анграйиб тикилиб турган Марварид чеча ахйири индамай тураверса, ун тўла қоплар эркақлар орасида ими-жимида йўқ бўлиб кетишини тушунди чоғи, бир сакраб “сахна”га чиқиб олди ва ҳамон бўзрайиб турган агрономга қараб бош бармоғини иккала бармоғи орасига солиб кўрсатди:

– Мана сенга бир копи!.. Бекорларнинг бештасини епсан! Нима, иккитагина болангни боқолмай қолдингми? Уялмайсанми оғзингни тўлдириб “бир копи бизники” дейишга?! Зақунлашсанг зақунлашаман, лекин билиб қўй, ун мана бизники! “Мать-гирой”ники! – Шундай дея чеча ҳар эҳтимолга қарши нимчаси кўкрагига тақиб келган “Қаҳрамон она” медалини кўз-кўзлади. – Аввал ўнтасини туғдириб қўй, кейин талаб қиласан ҳаққингни! Бермаям кўр-чи менга! Керак бўлса райком бовога бораман, обком бовага бораман! Лекин ҳаққимни бировга бериб қўймайман!..

Медаль, ҳар қалай, ҳукумат берган сийлов. Ҳукумат эса ўз номи билан ҳукумат... Шуларни ўйлади шекилли, энди қақшатқич эътироз учун оғиз жуфтлаган Тожибой агроном ҳар эҳтимолга қарши индамай қўя қолди, аммо барибир бир қоп унда ҳаққи борлигини яна бир бор кўрсатиб қўймоқчидай, чеккароқда турган ўғлига қараб сал ўнғайсизроқ тарзда кўз қисиб қўйди.

Аммо Тожибой агроном бир нарсани, яъни ортиқча уч қоп дардида йиғилганлар сафига аллақачон хотини ҳам келиб қўшилганини назардан қочирганди. “Ўтиб қолгунча отиб қол”, қабилида чекка-чеккада иш тутишни маъқул кўрадиган Норой чеча ҳозир ҳам одамлар орасидан писиллатиб зарба берди:

– Қаторлаштириб туғиб ташлашни пишак ҳам биледи!

Сал нарсага ўт бўлиб ёниб кетадиган Марварид чеча ҳозир ҳам ранги қув ўчганча, лаблари пир-пир учиб таҳдид билан овоз келган томонга қаради:

– Ким у менинг болаларимни пишакбаччаларга менгзаган?

Аммо одамлар учун бу жанг натижаси эмас, кимлар ортиқча уч қоп уннинг эгаси бўлиши масаласи қизиқроқ эди. Шу сабабли улар аллақачон умидвор нигоҳларини Одил раис томон буришганлари боис Марварид чечанинг саволини тузук-қуруқ эшитишмади ҳам.

Бирок томоқ кириб олган раис оғиз жуфтлашга улгурди, холос. Зеро аллақачон сахнага чиқиб олган Ибройим чўпон ҳеч эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда эълон қилди:

– Бошқасини билмадим, лекин бир қопи биздики! Баринг бу ерда ўтирасан тайёрига айёр бўлиб, бизга ўхшаганлар тоғ-тошда нима еб-нима ичиб юрганидан хабарларинг йўқ! Хуллас, бир қопи биздики, тамом-васалом! Қолганини ўзларинг бўлишиб олаверинглар!..

Аммо одамлар ҳам анойи эмас. Шу сабабли ҳали гапини тугатиб улгурмаган чўпон бошига таъна тошлари дўлдек ёғилди:

– Пулини қуртдек санаб олгандан кейин юрасиз-да тоғда!.. Кўчадаги мой ейди... Қуйрук мойи кўтараяпти муни!.. Тандирнинг қуйруғини оппоққина нонга қўшиб егилари кеп қопти!.. Ортиқча жир битибти-да, жезда!..

Ва ҳоказо.

Бунчалик шиддатли хужумни қутмаган Ибройим чўпон сал довдираган алфозда сахнани тарк этди.

Энди ўз даъвосини дoston қилиш навбати Холида опага етди. Кўп йил боғчада мудиралик қилиб, ниҳоят, нафақага чиққан басавлат, ҳамон кош-қўзини бўяб юрадиган опа бениҳоя жиддият ила сахнага кўтарилди ва оломонга бир қур кўз ташлагач, мана шундай салобат ила маълум қилди:

– Уч-тўртта чақирдим бор эди. Кейинга суравериб бетимда бет қолмади. Рухсат берсангизлар, халойиқ, бир копини бизга ажратишса. Майли, бир копини раис ола қолсин. Қолганини ўзларингиз адолат билан бўлишиб оларсизлар.

Шундай опанинг илтимос оҳангида гапириши айрим эркакларни ийитиб юборгандир эҳтимол. Бирок Олтиной эна бўш келмади. Эна юлқиниб олдинга ўтди ва сахнада мунғайибгина турган опага қараб ўшқирди:

– Бунча ҳаммангнинг оғзингдан “раис” тушмай қолди. Сенларга кетмон дастанни бошлиқ қилиб қўйсаям

бўлди, эгилганларинг-эгилган. Раисга нима? Бир оғзининг ели! “Опкел” деса магазинчинг бир эмас, тўрт копини уйига ташлаб қўяди. Ташламаям кўрсин-чи. Арбоб билан ҳазиллашиб бўладими. Шунинг учун, одамлар, ҳеч ўйланмасдан “исписка”дан раисни чиқариб ташлаб, ўрнига мана, мени ёзиб қўйинглар. Тўрт ой бўлди, уйда бир марта бешбармоқ қилиб ейишга зорман. Келинларга айтсам, ун ўлгир йўк. Қачонгача каттик нонни камириб, шилдир шўрва ичиб юраман. Шу умидда ҳўкиматга кирк йил ишлаб берганмидим! Ўроқ ўрдим, кетмон чопдим, пахта тердим... Аввал-ку, ёшман, дердим, энди-чи, энди қариганимда кўрган куним шуми?!

Митти кўзлари ғилтиллаб ёшга тўлган Олтиной энанинг гапи сиёсий томонга бурилиб кетаётганини кўрган раис жон алпозда унинг гапини бўлди:

– Эна! Ўйланманг! Ҳукумат ҳеч қачон сиз сингари фидойи инсонларини унутмайди. Мана, яқинда ўзингиздек фидойи ўғлингизни медалга тавсия этмоқчимиз.

Кейинги пайтлари винодан бош кўтармай қолган тракторчи тўнғичи Раззоқ ҳақидаги эслатма юрагига ўқдай қадалган Олтиной эна раис томон ўқрайиб қаради-ди:

– Темир тунукангни ўзинг пишириб е! Шусиз ҳам уйда бир ховучи ётибди! – деди дағаллик билан. – Мен сендан ун сўраяпман, ун! Милкимда битта тиш қолмаган. Бешбармоқ егим келаяпти деб айтдим-ку сенга!..

Раиснинг бахтига кампирнинг сўнгги сўзларини оломоннинг шовқин-сурони босиб кетди:

– Инсоф борми ўзи, Олтиной эна?! Биз нон учун ун сўрасак, сиз уялмай бешбармоқ, деб ўтирибсиз... Нонни чойга ивитиб қўйсангиз, юмшайди-қолади... Тўкликка шўхлик қилманг-да энди...

Мунғайиб қолган Олтиной эна сахнани тарк этганидан кейин бирдан бу жойга чикувчи талабгорлар кўпайиб қолишди. Улар энди бир-бирларини итариб-туртиб

олдинга интилишар ва зўр бериб ўзларининг ҳақликларини исботлашга ҳаракат қилишарди:

– Мен!.. Мен!.. Сен тўхтаб тур, номард!.. Аввал мен... мен...

Борлиқ шовкин-суронга, бакир-чақирга тўлди. “Сахна” чеккасида турган, оломоннинг важоҳатидан ранги оқариб, ваҳимага тушиб қолган раис беихтиёр бир қадам ортга чекиниб, дўкон деворига тақалиб қолди.

Энди раис учун чекинишга бошқа йўл йўқ эди.

Оғзидан кўпик сачраётган, кўзлари олайиб кетган, мушт қилиб тугилган қўлларини юқорига кўтарган одамлар оқими бакир-чақир қилганларича раис томон силжиб келарди.

Худди шу лаҳзада...

– Халойик! – дея хитоб қилди гулдуреган овозда Райим жарчи. – Бир нарсани унутибмиз-ку!

Оломон бир лаҳзага тўхтади. Бундай фойдаланган раис шартта бўш олган ораликдан лип этиб ўтиб кетди ва ўзини ҳавафсиз жойга олди.

Райим жарчи гапида давом этди:

– Арик қазिशга кетганлар эсдан чикибди-ку! Эшитиб қолишса, биздан ўпкалашлари аниқ!

Оломон “оҳ” тортиб юборди. Гап шундаки, катта ариқдан Ўзбековулга сув келадиган кичик арик ҳар йили бўтана сув оқиши оқибатида лойкага тўлиб қоларди. Овул аҳли кўклам чоғи ҳашар уюштириб, ариқни шу лойкадан тозалашарди. Ана шунда тозаланган ариқдан сув ўйноқлаб келиб, далалардаги бугдойга ҳам, пахтага ҳам, томорқага ҳам етарди. Бу йил ҳам овулнинг ўн беш эркаги кетмонларини кўтариб кеча тонгдан арик тозалашга кетишган. Бу кўпи билан уч кун давом этади.

Марварид чеча бетини чангаллади:

– Жуда уят бўлибди-ку...

Бирдан оломон ховуридан тушди. Тўғри-да, овулнинг ўн беш эркаги далада, арик тозалаб юришса-ю, булар бу ерда уларсиз уч коп ортиқча унни бўлиб ўтиришса... Яхши эмас, яхши эмас...

Жаҳл, ғазаб, эътироз ва даъволар олови бирдан пайсиди.

Фурсатдан фойдаланган раис ташаббусни қўлига олди ва эълон қилди:

– Ҳозирок ўзим одам юбораман! Худо хоҳласа, улар эртага эрталаб етиб келишади. Мажлисимизни ана ўшандан кейин давом эттирамиз.

Одамлар бу таклифга рози бўлишди.

* * *

Ариқ казишга кетганлар эртасига эрталаб эмас, пешинга яқин етиб келишди.

Уларнинг йўлига илҳак кўз тикиб ўтирганлар дарҳол дўкон томон оқиб кела бошлади.

Ҳаммаси бошидан бошланди: бақир-чақир, эътироз, даъво, илтимос, пўписа, писанда... Бу гал шовкин кечагидан кўра каттиқроқ эди – ҳар қалай, ўн бешта эркакнинг қўшилганлиги сезилиб турарди. Бунинг устига, кизик томони шундаки, уларнинг ҳар бирига ҳам ҳеч бўлмаса бир қопдан ун керак бўлиб турган экан-да...

Ҳали айтиб ўтилганидай, овулда бир неча уруғ вакиллари истикомат қилишарди. “Раис фалон уруғдан, барибир ўзиникиларга ён босади” деган қарорга келган бир неча ўзбековуллик кечаси “Адолатсизликдан, таниш-билишчиликдан дод!” деган мазмунда каттагина бир шикоят мактубини юмалоқ-ёстик қилиб ёзиб, тонг сахардан “юқори” идорага ўз вакилларини юбориб ҳам улгуришган экан денг...

Хуллас, бақир-чақир, талашиш-тортишиш авжига чиққан, эркакларнинг сўқинишларига аёлларнинг қарғанишлари қўшилган, издиҳом гоҳ дўкон эшигига яқинлашиб, гоҳ узоқлашаётган палла қоп-қора “Волга-31” машинасида “юқори идора”нинг қора костюм-шим кийган, қора бўйинбоғ такқан масъул ходими воқеа жойига етиб келди!

Масъул ходимни кўриб қолган Одил раиснинг бўлари бўлди!

Аммо масъул ходим чопкиллаб келган раиснинг гапини эшитиб ҳам ўтирмади. У гердайиб дўкон ёнига борди ва бўйинбоғли амалдорни кўрган захоти бирдан дами чиққан пуфакдай пучмайиб, писиб қолган оломонга ўшшайиб назар солди ва саломларга алик ҳам олиб ўтирмасдан:

— Короче, гап бундай, — деди. — Кеча адашиб, овулларинозга уч қоп унни ортиқча ортиб юборишибди. Демак, бошқа бир жойга шунча ун кам берилган. Мен нормадан ортиқча унни олиб кетгани келдим. Қани, машинанинг багажнигига жойланглар-чи лишний унни.

Амалдор келганидан кейин бирдан жонланиб қолган Одил раис бир ишора қилган эди, Хидирбойга кўшилиб яна уч-тўрт киши шоша-пиша дўконга киришди ва шундай шошқинлик ила уч қоп унни олиб чиқиб, қора “Волга”нинг юкхонасига жойлаштиришди.

Ҳамон ўшшайиб турган амалдор раиснинг жон ҳалпида айтаётган “Бир пиёла чой” борасидаги таклифини ҳам эшитиб ўтирмасдан, виқор билан бориб машинанинг орқа ўриндиғига жойлашиб олди.

“Волга” куюк чанг кўтарганча катта йўл томон елиб кетди.

Оломон ҳамон сукутда эди.

Ахийри чўнтагидан рўмолчасини олиб, терлаб кетган бўйнини артган Одил раис халойиққа қараб анчайин баланд овозда дўк урди:

— Бўлди, тарқалинлар! Ҳаммамиз чарчадик. Унни “исписка” билан кечқурун, ишдан кейин тарқатамиз.

Оломон яна чурқ этмади.

Уф тортиб кўйган раис оқсоқланганча уйига қараб йўл олди.

Хидирбой шоша-пиша дўконни кулфлади.

Шундан кейингина ҳаммаси тугаганини, яъни ортиқча уч қоп ун номаълум томонга олиб кетилганини англаган одамлар бирин-кетин тарқала бошлашди...

Шундан-шунга бекорга келганлари алам килган эканми, ўн беш эркакнинг биронтаси қайтиб ариқ қазишга бормади. Улар ётиб олиб винохўрликка берилишди ва куну тун ўша уч қоп ун ҳақидаги хабарни “юкори”га ким етказгани ҳақида тахмин қилишга ўтишди. Бу мавзу аёллар оғзида ҳам сакичга айланди. Аммо “Мен ёзган эдим!” ёки “Мен хабар берган эдим!” дейдиган мард топилмади...

Хуллас, ўша йили ариқ қазилмай қолиб кетди. Натижада сув озгинагина майдондаги кузги буғдойга ҳам, ғўзага ҳам етмай қолди.

Вақти келиб ўша озгина майдондаги янги буғдой пишди. Аммо Каромат хола башорат қилганчалик ҳаммаёқ “сен же, мен же” бўлиб кетмади – қониб сув ичмаган ғалланинг ҳосилдорлиги паст эди... Ўзбековул аҳли яна умид кўзини ҳукумат берадиган “талон”га тикди...

Аммо... онг-шуурда, тафаккурда, қалбларда недир ўзгаришлар, эврилишлар юз бермокда эди. Ва тез орада Ўзбековул осмонида чакинлар чакди...

Орадан шунча йиллар ўтиб кетди.

Марварид чечанинг минг ой умр кўргани, яъни етти мучали нишонланаётган экан, шунга чақириб қолишди.

Ўзбековулга бордим.

Қишлоқ энига ҳам, бўйига ҳам кенгайибди. Кенг, равон йўллар бўйида шундай уйлар қурилибдики, қаср дейсиз.

Каромат холанинг биз тенги ўғли Нодир билан анча гурунглашиб ўтирдик.

Нодир каттагина фермер хўжалиги раиси экан. Минг гектарга яқин ғалласи, пахтасидан ташқари иккита тегирмони, нон цехи, биофабрикаси, чорвачилик комплекси бор экан. Шу кунлари компьютер ўқув маркази очиш ташвишида юрган экан.

Гап орасида беихтиёр ўша оғир тўқсонинчи йиллар бошини, Ўзбековулни жунбушга келтирган уч қоп ун можаросини эсладик.

Нодир маза қилиб кулиб олди.

– Э, жўра, у замонлар ўтиб кетди. Одамлар аллақачон текин балиқ сўрашдан кўра, балиқ ушлаш йўлини ўрганиш керак эканлигини билиб олишган...

Рости, шу куни Ўзбековулда юз берган ўзгаришларни кўриб, ҳам роса ҳайратландим, ҳам қувондим. Балки шу ёқимли туйғулар таъсиридадир, уч қоп ун воқеаси худди ўтмиш замонлардан қолган бир эртақдек туюлиб кетди...

(1991–1998 йиллар)

ЎЗБЕКОВУЛ ҲАНГОМАЛАРИ

(шу номли туркумдан)

МИХ

I

Ўзбековуллик Беркин носфурушнинг тўнғичи то “Элмурод домла” бўлиб танилгунига қадар кўп қийинчиликларни бошдан ўтказди. Болапақир вилоят марказидаги ўзи тугаллаган институтда иш бошлаганида, кўпи билан тўрт йилда номзодлигимни ҳимоя қилиб оламан, деб мўлжаллаганди. Бироқ бу муддат нақ тўққиз йилга чўзилиб кетди, орада Элмурод пойтахтдаги университет аспирантурасида таҳсил олиб ҳам кайтди. Бундан ташқари, иш энди битай деган палла аввал отасидан, сўнг онасидан айрилиб қолди. Бу ёқда уч сингил унга мўлтираб қараб турибди; тўғри, ота-она ҳаётлигида каттаси турмушга чиққан, аммо, уч қовун пишиғи бўлиб қолди, умуртқа поғонасидаги чуррани муваффақиятсизрок олдирган почча тўшакда михланиб ётибди, инчунун, жигарга кўмаклашиб турмаса бўлмайди.

Икки сингилни эл қатори тўй қилиб узатган, номзодлигини ёқлаган, ахийри овулда “домла” деб атала бошланган Элмурод бир куни зингил солиб қараб кўрдик, отадан мерос, бундан камида олтмиш йил бурун хашар йўли билан қурилган гувала уй анча чўкиб қолди; гарчанд томига шифер қоқилган бўлса-да, қурт еб адо қилганми нима бало, ора-сира юпка фанер ортидаги болорлар ваҳимали тарзда қисирлаб кўяди. Бу кетишда бир кун том “тап” этиб босиб қолиши ҳеч гап эмас. Буям камдай, пастаккина чордоқка ярим коп

буғдой олиб чиккан, эмаклаб бораётган Элмуроднинг қўллари орасида йўғонлиги билакдай келадиган бир ола-чипор илон шувиллаб ўтди-кетди; ваҳимага тушган хотинининг йиғлаб-сиқдаб айтишига қараганда, бешикка ўрмалаб чиқаётган бош бармоқдай катталикдаги сарик чаённи кўриб қолган-у, жон-жаҳди билан калишида урган, аммо жондор ўлмаган, бир юмалаб, ўзига келиб олгач, кигизнинг тагига кирган-кетган. Шундан буён дағ-дағ қалтирайдиган бўлиб қолган жувон кунтун зах хонадаги икки юзлик чирокни ўчирмасдан, бешикни қучоқлаганча, кўзларини катта-катта очган кўйи тинмай атрофга аланглаб ўтиради...

Эҳтимол, бу галги режа ҳам ўзга минг бир ташвишлар билан банд бошда бир муддаб изғиб юргач, номаълум муддатга унутилиб кетиларди, аммо бошбармоқдай сарик чаён кўринишидаги сўнгги дастак домланинг қатъий қарор қабул қилишига сабаб бўлди.

Хуллас, май ойининг охирларида, таътил маҳалини мўлжаллаб уй бузилди. Эски стол-стуллар ҳовли ўртасидаги дарахт тагига кўчирилди, тахтага қора бўёқ суртиб тайёрланган доска дарахтга қоқилди, ишқилиб, домла уйида дарс ўтадиган болалар учун очик ҳавода қўлбола синф тайёр бўлди-қолди. Шундан сўнг Элмурод анчадан буён кўнглининг тубида асраб юрган орзусини амалга ошириб, шаҳар бозорида қачон кўзи тушса юрагини бир жиззиллатиб қўядиган зангор ранг дарвозани сотиб олиб келди. Дарвозамисан дарвоза эди-да ўзиям. Икки қаватли, кўча томонга қараган сиртида кўрган кўзнинг ақлини шоширадиган алламбало нақшлар, мўъжаз туткичлари тилло ранг, қўш тавақали, ўлчамиям тўрт яримга-тўрт ярим, демак, “КамАЗ”дан тортиб хашак босилган тележкачага бемалол ўтиб кетаверади. Қуёшда товланишини-ку, айтмаса ҳам бўлади: тилло бўлмасаям, кумуш дейсиз, кумуш... Тўғри, элчилик, бир-икки қўни-қўшни, ҳамқишлоқлар атай домлага эшитириб эшак олмасидан бурун ҳовлисига козик

коккан Афанди хусусида қочиримли пайровлар қилишди, аммо Элмурод бунақанги висир-висир гап-сўзларга парво ҳам қилмади; аксинча, “кўролмасанг қуйиб ўл” дегандай, ҳозирча ҳовли адоғидаги молхона деворига суяб қўйилган маҳобатли дарвозани тонг сахардан меҳр билан артиб-суртаверди...

Эрталабдан ҳовлига қадам ранжида қилган Қариндош домлани мана шу машғулоти устида учратди.

Биродарлар, мен ҳам шу овулнинг фарзандиман, шу элга мансубман. Қишлоқни эса биласиз, ҳамма байни ажриқ томирларидай бир-бирлари билан қўшилиб-чирмашиб, хеш-уруғ бўлиб кетган. Инчунун, тилга олинаётган Қариндошнинг ҳам бизга она томондан андаккина яқинлиги борлиги сабабли исмини қоғозга туширишдан истиҳола қилиб турибмиз: то эрта-бир кун юрт олдида “Сенми ҳали мени ёзадиган? Мўлтонидан одам чикса, чодирига ўт кўяркан-да, а!” дея жовиллаб ёқамизга ёпишиб турса, бунинг хижолати ёмон кечади; илло, овулдошларимиз ҳодисотга довур нима бўлганлигини эмас, ҳодисотнинг ўзини узоқ йиллар сақич қилиб чайнаб юришади, дейлик, орадан чорак аср ўтиб қишлоққа борсам ҳам, биринчи учраган киши “Ҳа, бу сенми, танидим, жондай яқининг фалончини китоб қилган ёзғувчисан-да!” дея иддао қилиши аниқ. Шу боис, ҳар галгидек, гап шаклдами, моҳиятда-ку, дея дея ўзимизни ўзимиз чалғитамиз-у, воқеа тафсилотига ўтамиз.

Ўзи асли қизиқ одам эди-да бу Қариндош деганлари. Ўнинчи синфни яқунлаш арафасида бирдан мактабни олтин медаль билан тугаллаши кутилаётган синфдоши билан яқин жўра бўлгиси келиб қолди-ку. Шу максадда, қавм-қариндошларининг “хай-хай”ига ҳам қарамасдан, ота-онасини кўндирди ва ҳеч нарсадан беҳабар синфдошини кўноққа чақириб, оёғи тагига бир кўчқорни олиб урди, сўнг, бу билан ҳам кифояланмасдан, удумга кўра, тўкин дастурхон устида хижолатдан кип-қизариб

ўтирган, томоғидан овқат ўтмаётган синфдошига сарпо кўйди – костюм-шим кийгазди. Шу билан улар жўра бўлишди.

Тўғри, яна ўша урф-одатимизга кўра, Жўра ҳам Қариндошни чақириб, зиёфат қилиши, сўнг кийитлик қайтариши – костюм-шим, ҳеч бўлмаганда чопон ҳадя қилиши лозим эди. Аммо бу орада мактаб тугаб, ўқишга кириш илинжидаги битирувчилар ҳар томонга учиб кетишди-ю, шу билан “қайтар товок” Жўранинг бўйнида қарз бўлиб қолаверди.

Кутилганидек, Жўра пойтахти азимдаги катта ўқишга ўз кучи билан кирди-кетди. Қариндош эса “сайқали рўйи замин аст”даги институтнинг биринчи имтиҳониданок гуппа қулади.

Уч-тўрт ҳафта “Ҳақиқат йўқ экан! Бўлмаса ҳамма саволларга юз процент жавоб бергандим! Мандатдан қайтаришди! Саводи “нол”ларни олишди. Ёзаман!” деб юрган Қариндош охир-оқибат тақдирга тан берди шекилли, залворли кетмонини елкага ташладию, далага йўл олди.

Шу билан ҳаммаси изига тушиб кетгандек, Жўранинг бўйнидаги қарз қиёматга қадар унутилгандек эди. Бунинг устига, ўқишда маҳаллари ора-сира кишлокка келиб турадиган Жўра жондай жўраси Қариндошдан хабар олавермасди, ҳатто қайдадир амалиётдалиги боис унинг тўйида ҳам катнашолмади.

Бирок тез орада Қариндошнинг арконни жуда-жуда узун ташлаб кўйгани, дейлик, кичийдиган жойини олдиндан қашлаб кўйгани, йиқиладиган жойига эса гилам тўшаб кўйгани аён бўлди...

Университетни “кизил диплом” билан тугаллаган Жўра пойтахтда қолди ва аста-секинлик билан бўлса ҳам амал пиллапояларидан юкорига кўтарилаверди. Табиийки, бунга мутаносиб равишда овулда Жўранинг уйида тутун чикса ҳам етиб боришга ҳозир у нозир қариндош-уруғлари сони орта борди. Дам шу дамдир...

Шундок фурсат келишини сабр билан кутган Қариндош ҳам мийиғида илжайган кўйи ҳаракатни бошлади...

Шоир “Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин”, дейди. Келинг, журъат этиб, шу ҳикматга озгина қўшимча қилайлик: “Ҳаргиз ҳузурингга илтимосчилар саф-саф бўлиб келишига кунинг қолмасин. Айниқса имкониятларинг чеклангани ўзинг билиб турганингда...” Илло, мен ўша, илтимосчилар гуррос-гуррос келаётган талотўп кунлари алам-изтиробдан юзи қорайиб кетган, наинки уйига, ишхонасига боришдан ҳам юраги безиллаб қолган, ўзига қуюқ салом берган ҳар бандага ҳадиксираб қарайдиган шўрлик Жўрани кўргандим...

Қариндош “қондош жўрам-жондош жўрам”лаб Жўрани соғиб ичди ҳисоб... Қариндош ўғлига суннат тўйи қилганда Жўра тўй эгасига, унинг хотинига, тўй болага бошдан-оёқ алламбало сарполар қилиб келди, лекин бу билан қутулмади. Мана шу бола коллежни битирганида ўқишга киришига қўмаклашди, бироқ бу билан ҳам бўйнидаги қарз арқонидан ҳалос бўлмади. Охири бир амаллаб институтни битирган шу боланинг божхонага ишга жойлашишига ҳам қўлидан келгани ёрдамини аямади. Аммо синов муддатида бўлган ёш мутахассис босар-тусарини билмай қолганми, ишқилиб, орадан уч ой ўтар-ўтмас пора олаётган маҳал қўлга тушганида Қариндош минг тавалло қилиб, ялиниб-ёлвориб келмасин, Жўра ишни “бости-бости” қилишга мутлақо аралашмади...

“Топармон-гутармон боламнинг даврида кетмон кўтариб юрсам ярашмас”, деган мулоҳазалар ила аллақачон даладан бўшаб олган, каттга-катта ейишга ўрганиб қолган Қариндошнинг Жўрадан ҳафсаласи пир бўлди, аммо буни эл-юртга сездирмади.

Етти йилга ҳукм қилинган ўғил уч йилда амнистияга илиниб қайтиб келди. Шу билан у тинчгина яшаса бўларди. Йўқ, отасининг қондош-жондош Жўраси кў-

магида йигитларни Кореяга кафолатли ишга жўнатиш кўлидан келишини бир-икки жойда шипшиб кўйган экан, “кўк”идан кўтарган хоҳловчилар узун-киска бўлиб Қариндошнинг уйига кириб келаверишди.

Орадан бир йил ўтди-ўтмади, фирибгар ўғил бўйнида олтмиш минг доллар қарзи билан қамалди-кетди. Пулига куйиб қолганлар Қариндошнинг уйининг турумини бузишди.

Зўрдан зўр келса, зўр думини қисади. Қариндош ҳам “Бор, кучала еган жойингга бориб тириш!.. Менга бир сўм бериб кўйганмисан?.. Мен ҳеч нарсани билмайман!..” ва хаттоки “Қайси замонда ота ўғил учун жавоб берган?” кабилидаги далил-дастакларни қалаштириб ташлашга, бакир-чакир қилиб турганлардан ҳам кўра каттиқрок бўкиришга уриниб кўрди; аммо кўпчилик барибир кўпчилик-да, бунинг устига, мол аччиғи – жон аччиғи: бунақа маҳал қўл ўз-ўзидан кетмондастага бориб қолаверади... У ёқда Жўра ҳам номардлик қилди: бош эгиб келган Қариндошга уйда борини кириб-киртишлаб, бор-йўғи тўрт минг беш юз эллик беш доллар чиқариб берди. Айникса охирга беш доллар Қариндошнинг роса асабини ўйнатди: паст-да, паст; шуям пулми? Шуниям уялмай тутказди-я! Нима, у садака сўраб келган гадомидики?! Яна жўрамиш... Бироқ нима ҳам қила оларди? Пасткаш Жўранинг даста-даста долларлари турадиган сейфнинг калитини ёнидаמידики... Охир-окибат Қариндош уйини сотишга ва оиласи билан қишлоққа туташиб кетган дала шийпониға кўчиб ўтишга мажбур бўлди.

Адашган ўғил-ку, яна авфи умумийга илиниб, қайтиб келди; пулига куйиб қолганлар инсоф қилишди – қайтиб уни безовта этишмади: ахир, ранг кўр – ҳол сўр... Фақат Қариндошнинг аламзадалиги тарқамади. Устига-устак, бир эмас, икки эмас, тўрт марта бориб ҳам Жўрадан белга тугиб қайтарли далда ололмади, аксинча, бир-икки оғиз нордонроқ гап эшитди. Қайси

жин урган, тушуниш кийин, лекин Жўранинг тўнини тескари кийиб олгани равшан эди: нима сўраса, нукул “иложим йўк”, дейди, қайсар эшакдай оёғини тираб туриб олади. “Ўғилни ҳеч бўлмаса газзаправкага жойлаштириб бер...инг”, деганди, ўзини эшитмаганга солди, Қариндош унинг отасини уриб ўлдириб келгандай экрани бир ярим кулочлик “ойнаи жаҳон”дан кўз узмаган кўйи без бўлиб ўтираваерди... Э, садкаи одам кет...

Албатта, Қариндош кишлокқа, эл кўзига димоғи чоғ ҳолда қайтди ва атай овулнинг уч-тўрт хабарчисига эшиттириб айтдики: “Бизнинг кўчадаям байрам бўлиб қолади... Жўрам ваъда берди, ҳеч ўйланманг, ўзингизниям, ўғлингизниям шахсан ўзим бориб, ёғлироқ ишга жойлаб келаман, деди...”

Шунгаям бирон беш йил бўлиб қолди-ёв. На ёғли ишдан дарак бор, на ёғсизидан. Ота бекор, йўл қарай-вериб ранги синикқан ўғил бекор. Яна бош эгиб, бирон фермерга кетмончи бўлиб боришга Қариндошнинг бўйни ёр бермади. Яхшиям уй бекаси кишлок марказидаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишларди: топган уч-тўрт сўми рўзғорни амаллаб тебратиб туришга етарди.

Бу йиллар ичида... Қариндош ёзишнинг роса ҳадисини олди. Шаҳарга боришга йўл пули топилмай қолгач, ёрдам сўраб аввал жондош-кондош Жўрасига ёзди, ундан жавоб келмагач, тузукрок ишга жойлаштириб кўйишларини илтимос қилиб ҳокимиятга ёзди, прокурорга ёзди, судга ёзди, ижтимоий таъминот бўлимини ҳам эсдан чиқармади. Бироқ расмий идоралардан бир хил жавоб келаверди: “Бу масалада фалон ташкилотга мурожаат қилишингизни сўраймиз”. Ўша ташкилот, яъни, бандликка кўмаклашувчи идора аризагўйни рўйхатга олиб олти ойга яқин нафақа бериб турди, бу вақт ичида уч-тўрт жойга йўлланма тутқазди, бироқ Қариндошга бу ишларнинг биронтаси ёкмади: бергани носвой пулига етмайди-ю... Оқибатда идора пул тўлаб туришни бас қилди, Қариндош эса “Мана сенга!”

дегандай “ёза-ёз”ни авж олдирди. Айникса бу борада унга хотини ишлайдиган шифохонадаги компьютер жуда кўл келди: бу сизга катак коғозда ручка тикирлатиб ўтириш эмас, принтердан бири-иккинчисидан силлик, чиройли матнлар кўзингизни қувнатиб чиқиб келаварардики – Қариндошнинг ўзи ҳам бу манзарани ёш боладай қувониб-хаяжонланиб, юраги “дурс-дурс” урган ҳолда, кафтларини бир-бирига ишқаган кўйи кузати-иб ўтирарди, – уларга кўзингиз тушса бас, шу захоти шикоятчининг барча муаммосини ҳал қилиб ташласам дердингиз...

Қариндош аста-секин аризабозлик сарҳадини кенгайтирди. Энди фақат шахсий дардларгина эмас, овулда содир бўлаётган катта-кичик воқеа-ходисотлар, миш-мишлар, турли талқинлару ажабтовур хулосалар ҳам Қариндошнинг компьютер клавиатураси томон етаклайдиган бўлди. Алал-окибат, бир неча марта калитни бердиртирмаган бош шифокор устидан “Беморлардан пора олади... касалхонани еб ётибди... мендай бечора ишсизданам кўркмай пул сўради...” кабилида ёза-ёза охири уни қонига ташна қилган аризагўй худди юмушга келгандай, роппа-роса соат тўққизда компьютер сақланадиган хона эшиги ёнида тик турадиган ва ғалаба товони ундираётган музаффар томон янглиғ масрурлик билан навбатчидан калитни оладиган бўлди...

Икки йилча бўлиб қолди-ёв, овулнинг ўзларига тўқ фермерлари камхаржроқ оилаларга соғин сигир бериш ташаббуси билан чиқишди. Олим ферма яқин ҳешим, тус жияним дея ҳеч ким йўғида Қариндошнинг шийпонига атаганини ташлаб кетибди: савоб пинҳона қилинади-да.

Шифохонадаги кундалик “юмуши”дан қайтган Қариндош кўчиб келганларидан буён бўм-бўш ётган бостирма тагидаги болали сигирни кўради-ю... Хуллас, Қариндош ҳадяни олдига солиб ҳайдаб тўғри Олим фер-

манинг уйига боради, “Берсанг тузукроғидан, семизроғидан бер-да, жиян, бунинг ориқ-ку, кара, умуртқаси саналиб ётибди, эртага йиқилиб қолади-ку”, деб тўполон қилади. Фермернинг ҳозир кўклам пайти эканлиги, шунга яраша ҳамма сигирларнинг ҳам ориқлаганлиги, буям оғзи кўкка етса бас, тўппосдай семириб кетиши ҳақидаги изоҳлари ўжар тоғага асло таъсир қилмайди. Қариндош: “Мен тоғаман, етти пирдан азизман, шунга яраша сағрини ялтираб турганидан берсанг ўласанми?” деб туриб олади. Асли сиркаси сув кўтармайдиган, жажли бурнининг учида турадиганлар тоифасидан бўлган фермер жиян қаттиқ асабийлашади, вужуди дир-дир титрай бошлайди. Сўнг, айтишларича, бир эмас, икки марта “Олмайсизми, тоға?” деб сўраган. Қариндош бунга жавобан: “Буни ўзинг пишириб е, жиян. Мен олсам фермангга кириб, ўзим танлаб оламан”, деган. Дарвоқе, Голландияданми, кайдандир эллик бош зотдор сигир олиб келиб, уни алоҳида жойда парвариш қилаётган Олим фермер фермасига тоғаси у ёқда турсин, хотинини ҳам киритмасди. Шунгами, тоғанинг бу талаби сабр косасига томган сўнгги томчи бўлади-ю, портлаб кетган фермер “Олмасанг олма! Сенга бергандан кўра баликларга ем қиламан буларни!” дея болали сигирни катта канал бўйига судраб чиқади ва иккаласини ҳам шиддат билан оқаётган бўтана сувга отиб юборади...

Ориқ бўлсаям, сигирдан, демакки сут-қатиқдан қурук қолган тоға алам устида саркаш жияни устидан эринмай ёзди, қайта-қайта ёзди, фойда бўлмади. Келган комиссияларга Олим фермер: “Мулк меники! Агар ўнинг десаларинг, қолган сигирларниям каналга отиб юбораман! Сизларга шу керакми?” дея ўшшайиб тураверган. Қариндош ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятидан анча умидвор бўлиб турганди, бироқ бу муассасага йўлланган шикоятлар сувга чўккан она-бола сигир мисоли изсиз йўқолди...

Хуллас, эрталабдан ҳовлига қадам ранжида қилган Қариндош Элмурод домлани ҳовли адоғидаги молхона деворига суяб қўйилган маҳобатли дарвозани меҳр билан артиб-суртаётган ҳолида учратди.

Одатдаги салом-алик, қисқача ҳол-аҳвол сўрашишлар, уйга (тўғрироғи, ҳовли чеккасидаги чорпо-яга) таклиф қилишу, буни миннатдорчилик ила рад этишлардан сўнг Қариндош чор-атрофга бир муддат диққат билан, айтиш мумкинки, танкидий кўз ташлаб чикқач, дабдурустан:

– Домла, энди устингиздан ёзмасам бўлмайди, – деб қолди.

Элмурод домла аввалига ажабланди, сўнг “Нотўғри эшитмадиммикан?” деган ўйда чакирилмаган меҳмоннинг жиддий юзига тикилди. Йўқ, қўноқ ҳазиллашаётганга ўхшамасди.

Бу тахминни тасдиқлагандай, Қариндош ишонч билан такрорлади:

– Домла, энди устингиздан ёзмасам бўлмайди.

Элмурод домла ўзини мажбурлаб жилмайди:

– Ёзишга арзийдиган нима гуноҳ қилибмиз?

Қариндош ҳовлига ишора қилди:

– Отангиз бир носкаш эди. Энди шундай одамнинг боласи қандай қилиб ҳовлини бузиб, ўрнига қаср солади, а?

Домла хотиржам гапиришга уринди:

– Қаср эмас, тўрт хонали оддийгина уй, ака.

Қариндош бўш келмади, энди дарвозага ишора қилди:

– Бизам сув кўрмасдан этик ечмайдиганларданмиз.

Оддий уйнинг дарвозаси бунақа бўлмайди, ука.

Домла сал асабийлашди:

– Қанақа бўлади?

Қариндош саволга жавоб бермади, бунинг ўрнига чўнтагидан ёндафтарча ва ручка олди, ниманидир ёзишга ҳозирланди.

– Хўш, ойлигингиз қанча, ука?

– Нима эди? – хўмрайиб сўради Элмурод.

– Айтаверинг. Мен оддийгина уй қуриш учун ҳам неча йиллаб емай-ичмай, бир сўминиям сарфламай йиғишингиз кераклигини бирпасда ҳисоблаб ташлайман. Сиз бўлса, икки йил бурун синглингизни чиқардингиз, энди бўлса қаср қураяпсиз...

– Қаср эмас, оддий уй...

– Барибир. Ҳозирги замонда уй қуришнинг ўзи бўладими? Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, сиз ноқонуний даромад топаяпсиз. Катта даромад...

Элмурод домла анграйиб қолди:

– Қанақасига?

Қариндош ўпкасиини тўлдириб нафас олди, пишиллаб нафас чиқарди:

– Шунақасига. Институтда студентлардан пора, ўқишга киритишга яна пора...

Домланинг жаҳли чиқди:

– Оғзингизга қараб гапиринг, ака!

Қариндош домлага тик қаради:

– Оғзимга қарасам-қарамасам бор гап шу, ука.

– Тухмат қилманг!

Қариндош ҳовли ўртасидаги дарахт тагида турган эски стол-стулларга, дарахтга қоқилган доскага ишора қилди:

– Балки ҳали репетиторлик қилаётганингиздан ҳам тонарсиз. Агар тонмасангиз, марҳамат қилиб лицензиянгизни кўрсатсангиз. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга кўра буни сиздан талаб қилишга менинг ҳаққим бор. Сиз эса лицензияни кўрсатишга мажбурсиз.

Элмурод домла анграйиб қолди. Зеро, тўрт-беш йил бўлиб қолди, чиндан ҳам март-июнь ойларида қишлоқ болаларини ўқитади, аммо шу пайтгача бирон марта бирон киши ундан лицензия сўрамаган.

Домланинг қандай аҳволга тушганини кўрган Қариндош коникиш билан, мамнун илжайди:

– Шунақа, Беркин акамнинг боласи, шунақа. Демак, ноқонуний фаолият олиб борганингизни ўзингиз ҳам тан оласиз, шундайми? Шундай деб ёзаверайми?

Домла илон сеҳрига тушган одамдай Қариндошнинг ёндафтар саҳифаси устида йўрғалаётган кўлига анграйиб қараб қолди.

– Ёзаверайми? Қўл кўйиб берасизми?

Нихоят Элмурод домла бир сесканиб ўзига келди:

– Қанақа қўл, ака? Қанақа даромадни гапиряпсиз?

Қариндош кўп нарсани биладиган одамдай уй эгасига маънодор қаради:

– Яширяпсиз-да, а? Мендан-ку, яширарсиз, лекин келган одамлар бор ҳақиқатни ичингиздан суғуриб олмай кўймайди, ука. Ҳа...

Домла очик ҳаводаги қўлбола синфга ишора қилди:

– Ака, ростданам ўн битта болани ўқитаман. Бештаси яқин қариндошларимнинг болалари, улардан бир тийин олмайманам, ололмайманам.

Дафтарчасига ниманидир ёзишда давом этаётган Қариндош истехзоли илжайиб кўйди, холос. Элмурод домла изоҳ беришда давом этди:

– Қолган олтитаси ҳам бегона эмас. Биттаси Маннон фермернинг қизи. У киши қизимни ўқитиб бер, йил яхши келса уч қоп ғалла бераман деган. Яна биттаси Қурол дўхтирнинг боласи. Вақт-бемахал дўхтирга ишимиз тушиб туради, шунинг учун у кишиданам пул олмайман. Яна иккитасининг отаси “Боламиз ўқишга кирса бир нарса ташлаб кетармиз”, деган. Шунда пулга ўқийдиган иккитаси қолади, холос. Уларам...

Ёзишни тугатган Қариндош ёндафтарчани ёпди:

– Ҳар қалай, бутун бошли қасрни иккита болани ўқитганим эвазига қуряпман деб мени лақиллатмасиз, ука? Алдагани бола яхши-я?

Элмурод домланинг бурун катаклари керилди:

– Ака. Мен сизга изох беришга мажбур эмасман. Бординг, кўринг, керак бўлса текширинг, институтда бир ярим ставка ишлайман...

Кариндош хи-ҳилаб кулди:

– Икки йилдан бери қабул комиссиясининг аъзосисиз...

Домланинг юзига олов тепди, шунгами, тишлари ғижирлаб кетиб, асабийлашаётганини сездириб қўйди:

– Ҳозир тест, ака, тест...

– Биламиз, биламиз, бунинг ҳам йўлини топиб қўйгансанлар... Тестдан жарақ-жарақ пул ишламасангиз, бунақанги қасрни тушингиздаям кўрмасдингиз?

Элмурод гувала, эски-туски қурилиш материаллари сочилиб ётган ҳовлига ишора қилди:

– Қани сиз айтган қаср?

Кариндош пинагини бузмади:

– Бугун бўлмаса эртага қурилади-да, ука. Ҳаром пулнинг сассигига ухлай олмай чиқадиган бойваччалар учун битта қаср нима деган гап? Шаҳарданам уч-тўрт-тасини олиб қўйгандирсиз? Бировларнинг номига, а?

Бўғриқиб кетган домланинг қўллари мушт бўлиб тугилди:

– Мақсад нима, ака?

– Мақсад сизни фош қилиш.

– Менинг нимами фош қиласиз?

– Сизда гап кўп, ука, гап кўп. Сезиб турибман, юришларингиз бежо...

– Ҳақорат қилманг-да, ака, бориб, бемалол хоҳлаган жойингизда хоҳлаганча фош қилаверинг.

– Бўпти. Аввал институтингизга бораман. Ректорингизга учрашаман. Ўнта студентни олиб келиб, мажбурлаб ишлатганингизни айтаман. Гувоҳларим бор. Сураатгаям олиб қўйганман.

Элмурод домла инграб юборди:

– Ахир... ахир улар ҳашарга келишди-ку. Уйни бузгани...

– Ҳашарга эмиш? Одамнинг кулгисини қистатманг, ука. Келмайам кўришсин-чи. Институтдан ҳайдаттириб юборардингиз. Ундан кейин, иш маҳали биронтасини том босиб қолса нима қилардингиз?

– Бу нима деганингиз, ака?

– Сиз ана ўшандаям сувдан қурук чикиб кетардингиз, булар ўз ихтиёрлари билан келишган, деб. Лекин билиб қўйинг, энди бундай бўлмайди. Мен бунга йўл қўймайман! Кейин ректор жаноблари ҳам билиб қўйсин унинг ойликка яшайдиган ўқитувчилари қандай қасрлар қураётганини!

Чарчаб кетган Элмурод домла оғир уф тортди ва без бўлиб турган қўноққа ҳорғин тикилди:

– Бўлдим, ака?

– Йўқ, бўлмади. Ректорингиз олдидан чикиб, налоговийга бораман. Неча йиллардан бери лицензия олмай, репетиторлик қилиб келаётганингизни айтаман. Ҳеч бўлмаса шуни тан оларсиз?

– Бўлдим?

– Йўқ. Биласиз, ҳеч бўлмаса эшитган чиқарсиз, Тошкентда, катта идорада менинг жон Жўрам ишлайди. Унга бир оғиз телефон қилиб қўйсам бўлди, сизнинг авра-астарингизни ағдариб текширишади, институтдан ҳам орқангизга тепиб, бошқа жойга ишга киролмайдиган қилиб ҳайдашади. Шарманда бўласиз.

Элмурод домла Қариндошга бакрайиб қараб қолди, ахийри аранг сўрай олди:

– Мен тушунмаяпман, мақсадингиз нима ўзи, нега мени кўрkitмоқчи бўлаяпсиз? Ё мендан уч-тўрт сўм ундирмоқчимисиз?

Бу гапларни эшитаётган маҳал мамнунликдан оғзи қулоғига етган Қариндош шоша-пиша ёндафтарига нималарнидир қайд эта бошлади:

– Пора таклиф қиляпсизми, демак айбингиз мен ўйлагандан ҳам кўра катта. Жуда катта! Бунга ҳам тиркаб қўямиз. Мана, энди бўлди!

Дафтарчасини ёпиб, дарвоза томон йўналган Қариндош уч-тўрт кадам юргач, бирдан тўхтади ва ортига ўгирилиб, уй эгасига қарата хитоб қилди:

– Лекин билиб қўй, ука, хаммани сотиб олсанг хам мени сотиб ололмайсан!

Ниманидир мулоҳаза қилди шекилли, Қариндош қайтиб домланинг ёнига келди, унинг қўлидан тутди ва билагига кўрсаткич бармоғини нукиган қўйи оҳиста, сўзларни дона-дона қилиб деди:

– Мен бирдан ўйиб олмайман. Аста тирнайман, тирнайвераман. Тирналган жой ярага айланади, кейин йиринглайди, охири ҳаммаёкни захарлаб ташлайди.

Шу билан Қариндош ҳовлидан чикди-кетди.

Элмурод домла унинг ортидан анграйиб қараб қолаверди...

III

Бошламасига ректоратдан суҳбатга чакиришди. Оддий фан номзоди қандай қилиб кишлоқда қаср кураётгани, шаҳарнинг ўзида эса бир нечта ҳовлини бировларнинг номига олиб қўйгани билан қизиқишди.

Элмурод домла изоҳ беравериб чарчади.

Келган комиссия ҳовлини видеога олиб қайтди. Шу билан ҳамма машмаша тугагандай эди. Аммо эртаси куни кечга яқин, дарс ўтиляётган маҳал солиқдан келиб босишди...

Булар изоҳ-пизоҳ эшитиб ўтиришмас экан: холислар иштирокида дарҳол далолатнома тузишди, ўқувчиларга ҳам имзо қўйдириб олишди. Неча йиллар давомида ноконуний фаолият олиб борганлиги учун Элмурод домла ҳам отнинг калласидай жарима, ҳам унданам каттароқ солиқ тўлашга мажбур бўлди. Қонунбузар бундан кейин мазкур кўринишдаги фаолиятини давом эттириши учун махсус рухсатнома олиши кераклиги ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилди.

Солиқчиларни кузатиб, уйга асабий равишда кайтиб келган Элмурод домла жаҳл устида эски стол-стулларни йиғиштириб ташлаётган маҳал кўлбола доска ёнидан чикиб турган михга билагини уриб олди. Домла занглаган мих тилган жойнинг сал қизаринкираб колганини кўрди-ю, бунга эътибор бермасдан, ишида давом этди...

Кейинги куни маҳалла профилактика инспектори таширф буюрди. Ҳашарда қатнашган талабалар орасида болалар, яъни ўн саккизга тўлмаганлар бўлмаганлигини исботлагунга қадар Элмурод домланинг она сути оғзидан келди: бунинг учун ҳар бир талаба паспортининг нусхаси билан бирга “домланинг уйидаги ҳашарда ўз ихтиёрим билан қатнашдим” мазмунидаги тушунтириш хати ҳам топширишга мажбур бўлди.

Шу куни Элмурод домла мих тилган жойнинг қишишаётганини, симиллаб оғриб-оғриб ҳам қўяётганини сезди, аммо ўтиб кетар деган ўйда шу жойга лой босиб, устидан рўмолчасини боғлаб қўйиш билан қифояланди.

Туман электр таъминоти корхонасидан келиб, бузилган уйда электр симлари ўзбошимчалик билан узиб ташланганини аниқлашди, тегишли тартибда баённома тузишди ва симёғочдан уйга келган симни ашёвий далил сифатида қиркиб олиб кетишди...

Элмурод домла билагининг мих тилган ўрни ловуллаш бошлаганини сезди ва рўмолчани ечиб кўрди. Яра ўрни маддалай бошлаганди. Домла дўхтирга ўтиб келмоқчи ҳам бўлди, аммо аввал жаримани тўлаб келишга қарор қилди. Дўхтир шу ерда, қишлоқда. Омонат касса эса туман марказида. Улгуриш керак. Дўхтирга эртага борса ҳам бўлади.

Эртасига эрталабдан ташкилотига тушган “сигнал” туфайли текширишга келган туман меъмори уйни бузиш ва ўрнига янги уй қуриш учун рухсатнома олинмаганлигини аниқлади. Энг асосийси эса, янги қурилажак уйнинг тегишли тартибда тасдиқланган лойиҳаси йўқ

эди. Бу канакаси ахир? Уй эгаси бўлмиш домланинг ўкувчилар дафтарида йиртиб олинган саҳифасига чизилган кингир-кийшик бир нималари меъморлик лойиҳаси вазифасини ўтай оладими? Асло ва асло йўқ! Бу ахир инсонлар ҳаётини хавф остига қўйиш билан баробар-ку! Жарима, дарҳол жарима!..

Билагидаги яра ўрни ловуллаб оғрийвергач, Элмурод яна даструмолни ечиб кўрди. Яра иринглаб кетганди... Бунни кўриб, Элмурод эртага эрталабдан, агар осмон узилиб ерга тушсаям, дўхтирхонага боришга ўзига ўзи ваъда берди. Ахир одамга соғлиқ керак-ку!

Бирок домла улгуролмади: эртаси эрталабдан туман газлаштириш идорасидан келган мутахассис-вакил газ қувури амалдаги тартиб-қоидаларга зид равишда кесиб ташланганлигини фош этди. Уй эгасининг “Ахир олти ойдан бери газнинг ўзи тугул, хидиям йўқ-ку!” деган изохлари вакилга чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Билъакс, кўзлари ола-кула бўлиб кетган мутахассис бир зумда ваҳимали манзарани чизиб ташлади: туйқусдан газ келиб қолди, қувур эса кесилган. Хўш, нима бўлади? Газ йиғилиб туради-туради-да, кейин бирдан... порт-лай-ди! Тамом-вассалом! Бутун кишлоқ осмонга учади! Элмурод домланинг “Ахир, газ қандай қилиб очик ҳавода йиғилади, бу ерда газ йиғиладиган хонанинг ўзи йўқ-ку!” деган эътирозлари ҳам ўша кўринмас газ мисоли ҳавога изсиз сингди-кетди. Вакил эса шоша-пиша тегишли тартибда баённома тузди, керакли одамларга имзолатди ва бундоқ жинойткорона масъулиятсизликка, совуққонликка, лоқайдликка йўл қўйган уй соҳиби энг кам иш ҳақининг фало-он баробари миқдорида жарима тўлашга мажбур этилди. Зудликда...

Шу билан кун кеч бўлди. Кўнгли ховлисидай зимистон Элмурод домла дўхтирга эртасига боришга қарор қилди. Аксига олиб домла яна улгуролмади: тонг сахарда кўнғирок қилишиб, раҳбарият уни институтга чакираётганини маълум қилишди.

Элмурод домла ўпкасини қўлтиклаганча ҳовликиб ишхонасига етиб келди. Ректоратда унга бу йилги қабул комиссияси таркибидан чиқарилганлигини, шунингдек, дарс соатлари ҳам қисқартилганлигини айтишди.

Юрагига қил ҳам сиғмаётган бўлса-да, Элмурод домла институтдан чиқиб, тўғри қишлоқ врачлик пунктига бормоқчи бўлди. Бирок йўл-йўлакай туман газ идорасига кириб ўтишга қарор қилди: жаримани тўлаш керак эди. Аксига олиб, ягона бадқовоқ аёл ишлаётган кассада одам кўп экан, навбатда узок туришга тўғри келди. Бўйинбоғ тақиб олган Элмурод домла бунақа масалаларда ўта зиёли эди: ҳеч қачон навбатсиз олдинга сукилмасди, ҳатто институт ошхонасида ҳам талабалар билан тенг навбатда турарди.

Билаги лўқиллаб оғриётган, иссиғи чиккан Элмурод домла уйига коронғу тушганда базўр етиб келди.

Эртаси куни эрталабдан, домла бир амаллаб кийинаётган, аёли эса сигир соғаётган маҳал дарвоза тарафдан “Илмурод...” деган таниш чакирик эшитилди. Домла янглишмаганди: қишлоқда фақат фуқаролар йиғини раиси Наҳалбой акагина уни шундай деб чакирарди.

Наҳалбой ака сўрида узок ўтирди, уч чойнак чой, бир коса сут ичди, бўлган воқеаларни эринмай суриштирди, Элмуроднинг гапларини томоғини тақиллатган кўйи бошини чайқаб-чайқаб эшитди, алоҳа, ҳаммасининг тагига етишга ваъда бериб ўрнидан қўзғалди.

Элмурод домла сал енгил тортди. Аммо у ҳовлидан чиқишга улгуролмади: Маннон фремер кириб келди. Фермер нега кизи ўқишга келмаётгани сабабини сўради. Элмурод домладан ўқиш вақтинчалик ёпилганини эшитиб эса, ўпкалашга тушди: бунақа эмас-да, укажон, атаганимиз кам бўлса, майли, яна бир коп қўшай, фақат сиз кизимни яхшилаб ўқитинг, домла, дўст-душманинг олдида ўз кучи билан бир ўқишга кириб кетсин...

Элмурод домла фермерни бир амаллаб кузатганида вақт чошгоҳга яқинлашиб қолганди. Шундоқ эски дар-

воза ўрнидан шошиб чиққан домла каттагина сумкаси-ни елкасига ташлаб олган ўрта ёшли бир аёлга урилиб кетишига сал қолди.

Аёл ўзини “БТИданман, туман меъмори топшириғи бўйича келганман” деб таништирди. Сўнг сумкасидан йиғма ўлчагич чиқарди ва бузилган уйнинг пойдевори ўрнини ўлчашга тушиб кетди. Аёлнинг якка ўзи қийна-лаётганини кўрган Элмурод домла ноилож унга кўмаклашиб турди.

Ўлчаш ишлари анча чўзилди. Сўнг аёл ёзиб олганларини каттагина қоғозга тушира кетди. Кейин домла чизган янги уй лойихаси билан қизиқди.

Хуллас, аёл ишини битиргунга қадар соат бешдан ошди. Энди ҚВПга боришдан фойда йўқ эди.

Кечаси чорпояда ётган Элмурод домланинг иссиғи кўтарилиб, дағ-дағ қалтирай бошлайди.

Бунни кўриб ваҳимага тушган домланинг рафикаси Курол дўхтирнинг уйига чопди...

Шу окшом “Тез ёрдам” бутун бадани ўтдай ёниб, ўзи алаҳсирай бошлаган Элмурод домлани вилоят марказидаги шифохонага олиб кетди...

IV

Орадан икки ҳафта ўтди.

Элмурод домла қишлоққа бир кўйлагининг энги бўш ҳолда қайтиб келди...

Кузга бориб Элмурод домла дарвозани ярим пулига бир амаллаб сотди ва уста ёллаб, бир хонали хужра қурдириб олди. Киш ўтиб олсин-чи, кейин бир гап бўлар...

Айтишларича, шу кунларда Элмурод домла дўкондан ярим кило мих харид қилсаям чекини талаб қилиб олишни унутмас экан: ҳар эҳтимолга қарши-да, мабодо текшириб келиб қолишса, “мана, ҳаммаси қонуний” деб кўрсатиш учун...

(2013 йил)

Ишхонадан “Меҳрибонлик уйи”га жўнатишди. Тўғрироғи, бош муҳаррир сураткаш билан бораётган экан, мени ҳам қўшиб олишди. Тушунарли, демак битиклар каминанинг зиммасида...

Шинамгина, икки каватли бино экан. Сердарахт ҳовлиси катта.

Кечаги тонготар чойхона базмдан сўнг бошим ёрилай деб турганди. Аммо бир амаллаб учрашув охирига қадар ўтирдим.

Бизни ўн-ўн икки ёшдаги болалар тўла каттагина залга бошлаб киришди. Таомилга кўра, аввал директорнинг кириш сўзи бўлди, сўнг азиз меҳмонларга навбат берилди. Улар қаторида раҳбарим ҳам гапирди. Ўзиям роса гапга чечан-да курғур, мен ҳатто ўзимча уни киши билмас “иш билгунча гап биладиган замонавий раҳбарча” деб юраман. Маъруза-кутлови якунида одатда ўзи гапириб, ўзи лаззатланадиган бош муҳаррир жўшиб кетди чоғи, залга қараб бағрини очганча:

– Болаларим! Ўғил-қизларим! – дея ҳайкирди. – Мен ҳозирнинг ўзидан сизлардек кўнгли ўксикларнинг истаган бештасини, йўқ, ўнтасини уйимга олиб кетишга тап-тайёрман! Тап-тайёрман! Аммо кўриб турибманки, бу ерда шарт-шароитлар менинг кулбамга нисбатан беш, йўқ, ўн баробар яхши экан! Яхши экан!

Қарсак бўлиб кетди.

Мамнун ҳолда ингичка лабларини ялаб олган раҳбарим янада илҳомланиб, аввал менга, сўнг қаторлар орасида аппаратини чиқиллатиб расмга олиб юрган сураткашга ишора қиларкан:

– Азиз болажонлар! Қоракўзларим! Нафақат мен, балки ана, мен билан бирга келган иктидорли бўлим

мудиримиз ҳам, мохир сураткашимиз ҳам худди шундай фикрда. Тўғрими, дўстларим?

Гулдурос карсақлар оғушида “иктидорли бўлим мудир” сифатида шоша-пиша ўрнимдан туриб, бу фикрни кизгин маъқуллаётган каби бир неча бор бош ирғадим, “мохир сураткаш”нинг қулоғи сал оғирроқ эди, бироқ шунга карамасдан, раҳбар яна бир хаяжонли даъватни ўртага ташлаганини ҳис қилган бўлса керакки, “менам бу гапга қўшиламан” дегандай ўнг қўлини кўтариб қўйди.

Шундан сўнг ҳомийларнинг болаларга совғалари топширила бошланди.

Учрашув шу билан тугайдигандек эди. Ҳолбуки, хали бирон тузукрок факт олиб улгурмагандим. Ёнимда ўтирган тақирбош бола ора-сира менга, тиззамдаги ҳеч нарса ёзилмаган ёндафтарчамга қараб-қараб қўяётган эди. Шу томонга ўгирилдим. Пешонаси кенг, мунчоқдай кўзлари тийраккина бола менга диққат билан тикилиб турарди. Вактни зое кетказмаслик учун дарров унинг исми сўраб олдим. Суннат экан оти. “Ота-онанг борми?” деган саволимга “Йўқ”, жавобини олдим.

Тадбирдан сўнг бир фурсат қолишга, юм-юмалоклигига карамасдан серҳаракат ва афтидан – мудом кулиб туришига караганда – анча серзавқ директор билан суҳбатлашишга ҳафсала қилмадим. Илло, бундай йўл тутадиган бўлсам, муҳаррирнинг мени кутиб ўтирмаслиги аниқ эди. Демак, ишхонага хизмат машинасида гердайиб эмас, жамоат транспортига осилиб, чарчаб-хориб қайтишимга тўғри келади. Ўзи аранг ўтирган бўлсам. Шунисигаям раҳмат десин гапдон раҳбарим...

Хуллас, бош муҳаррирнинг “Ҳаммаси жойидами?” деган саволига “Жойида” деб жавоб бериб қўя қолдим.

Ўйлаганимдек, ишхонага бирга қайтдик.

Йўлда раҳбарим:

– Шу сонга улгураимизми? – деди.

Ҳеч иккиланмасдан:

– Улгурамиз! – дедим. Сўнг хушомадга ўтдим: – Ўзингиз ҳамма ёзиладиган гапларни айтиб қўйдингиз-ку, хўжайин, энди уларни қоғозга туширсам бўлди-да. Ўлар энди котибликниям эпполмасам...

Мақтов кимга ёкмайди дейсиз: кўз киримни ташлаб кўрдим – ҳар қанча камтарлик қилишга уринса-да, айна ҳақиқатни эшитаётганига чиппа-чин ишонаётган раҳбарим лаб-лунжини йиғиштиролмай қолди...

Тўғрисиям, мавзу унчалик мураккаб эмасди, ҳаттоки, жўнгина эди. Ёзиб юрган одам учун уч қоғоз мақола ҳам муаммо бўптими?

Ишхонада кетма-кет тўрт стакан катик ичиб, сал ўзимга келганимдан сўнг хонамни ичкаридан кулфлаб олдим-у, уч қоғозлик мақолани икки соат ичида компьютерда чакиллашиб ташладим. Сарлавҳа ҳам ўз-ўзидан чиқди-қолди: “Меҳримиз сизларга, болажонлар!” Ўйлаб туриб, тагсарлавҳа ҳам қўшиб қўйдим: “Биз бормиз, сен асло эътиборсиз қолмайсан, Суннат!”

Табиийки, бош муҳаррининг муборак исм-шарифи биринчи ўринда тургани сабабли, мусахҳихларга ҳам иш қолдирай, деган ўйда мақолани қайта ўқиб ўтирмадим, бир-иккита тишга тегадиган, сунъийроқ жумлаларни саҳифада тузатиб юбораман, деган ўйга бордим.

Буни қарангки, мақола раҳбаримга ёкипти. Буни кечкурун биринчи саҳифа устига кизил рангда қўйилган таниш жимжимадор имзодан билиб олдим; бош муҳаррир киритган ягона ўзгартириш эса сураткашни учинчи муаллиф сифатида тиркаб қўйгани бўлибди.

Майли-да, бизнинг бағримиз кенг...

Мақола эртаси куни тўртинчи саҳифада, рангли суратлар билан эълон қилинди ва шу билан ёдимдан чиқиб ҳам кетди. Аммо...

II

Аник эсимда, жума, намозшом махали эди.

Бир хафталик юмушни котириб кўйган одамдай хорғин қайтмоқда эдим. Ҳозир уйга бораман, илиқ сувга тушиб чиқаман, кайнок шўрва ичаман (нима овқат тайёрланаётганини аллақачон кўнғироқ қилиб билиб олганман), сўнг юмшоққина диванимда жойлашиб ўтириб олганча, бола-чақа бағрида, маза қилиб телевизор кўраман...

Кўнгил тинч, рух хотиржам, юрак бир маромда осойишта уради, ўтаётган кунингдан мамнунсан, эртанги кунингданам яхшиликлар кутасан... Эй, одамга бундан ортик яна нима керак...

Подъезд эшиги ёнида ўн яшарлар чамаси, тақирбош болакай куюқ салом берди. Бош ирғаб кўйиб, ўзимнинг иссиққина хаёлларим оғушида ўтиб кетаётгандим, у йўлимга чикди. Ноилож тўхтадим.

– Ассалому алайкум, – такрорлади болакай.

– Ваалайкум.

– Танимадингиз-а?

Дунёда энг ёмон кўрган саволим шу. Ахир ҳар куни канча одам билан кўришсам, нима, ҳаммасининг афти-ангорини бир умрга эслаб қолишим керакми? Ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам, сен мишикига йўл бўлсин... Ёшим келганини билдирмасликка уриниб, болакайга разм солдим. Йўқ, овулдан эмас, бу аник, кишлоқ болалари ҳеч қачон ўзлари меҳмонга келган уй эгасига бу қадар очикдан-очик тик қарашмайди; бунинг устига иккала қўли ҳам бўш. Бирон безбетроқ муаллифми десам – кўлтиғига кистирилган қоғоз папка шундан далолат бериб тургандай эди – ёши тўғри келмайроқ турибди. Гарчанд болакайнинг тиниқ кўзлари кимнидир эслатгандай бўлса-да, барибир, нималарнидир эслашга уриниб ўзимни ортикча зўриқтиргим келмади.

– Шаҳар бердим, ука.

Болакай истехзойимни англамади шекилли, хурсанд бўлиб кетиб, дарров ўзини таништирди:

– Мен “Меҳрибонлик уйи”данман. Биз ҳақимизда мақола ёзгандиларингиз-ку. Суннатман.

Эсладим. Эсладим-у, яйраб кетдим.

Ана Сўзнинг кучи. Адашмасам, орадан икки ойлар ўтиб кетди-ёв. Шубҳасиз, анави юм-юмалоклигига қарамасдан серҳаракат, одамга бурни устидаги кўзойнаги оша боладек беғубор табассум билан қарайдиган тиниб-тинчимас директорга мақола мойдай ёқиб тушган-у, у ҳечдан кўра кеч қабилда бизга раҳматнома ёинки миннатдорчилик мактуби ёзиб юборган. Жамоаси номидан, албатта.

Эсиз, Суннатбой таҳририятга борса бўларди, анави бир-иккита мени кўролмайдиган ғайир ҳамкасбларим олдида роса яйрардим-да ўзиям. Ҳечкиси йўқ, эртага бу дилсўзларини “Эълонлар доскаси”га осиб қўяман. Ҳар нечук, гапдон раҳбару кар сураткашдан бир сатр битик умид килиш кисир сигирдан эгиз бузоқ кутишга баробар эканлигини яхши биладиганлар ҳам бор. Ҳа, бор. Улар билишади мақоланинг асл муаллифи кимлигини. Инчунун, овоз чиқариб ҳам айтишади. Ҳар қалай, бош муҳарриримиз мени бежиз “иктидорли бўлим мудири” демайди-да. Тан олганидан, ҳақиқат қаршисида ноилож қолганидан айтади... Эҳ-ҳе, бундок қаламим, бундок мақолаларим, бундок ташаккурномалар билан мен ҳали танловларда қатнашаман, фахрли ўринларни оламан, номимни бутун мамлакат журналистларига танитаман. Етар шунча камтарлик қилганим, фақир киши панада бўлиб юрганим. Қачонгача тармоқ газетасида бировлар учун мардикорлик килиб юраман ахир! Давринг келганга ўхшайдир, иктидорли бўлим мудири...

Вужудимни янада киздириб юборган бундок ёкимли ўйлардан баттар ҳаяжонланган ҳолда папкага қўл чўздим:

– Қани, бер-чи.

Суннат чакконлик билан жилд боғичини ечди ва расмий бланкага битилган номани чиқариб берди.

Бироқ бу раҳматнома эмасди, бу ташаккурнома ҳам эмасди. Бу... илтимоснома эди: "...газетасининг бўлим мудири хурматли Палончи Пистончиевич! "Меҳрибонлик уйи"да режали таъмирлаш ишлари бошланганлиги сабабли бизнинг тарбияланувчимиз Суннат Нодировнинг уч ёки тўрт ой муддат ичида уйингизда яшаб туришини таъминлашингизни илтимос қиламиз. Олдиндан миннатдорчилик билдириб, ҳамкорлигимиз бундай кейин ҳам давом этади деган ишонч ва эҳтиром билан директор..."

Номани бир эмас, икки марта ўқидим, уч марта ўқидим. Ахийри мазмуни онгимга етиб боргач эса, кўз олдим короғилашиб кетди.

– Нимани... таъминлашим керак? – сўрай олдим аранг.

Оғзи кулоғида Суннат бажонидил жавоб берди:

– Уйингизда уч-тўрт ой яшаб туришимни.

Шу жинқарча-я? Менинг уйимда-я?..

Бу қанақаси ахир... Нима, бир "Меҳрибонлик уйи"да таъмирлаш бошланган бўлса, болаларга бошқасидан ё бошқаларидан жой топилмайдими?.. Нима дерди, ҳа, айтайлик, болаларга, ўсиб келаётган ёш авлодга алоҳида эътибор берилаётган бизнинг юртда-я?.. Йигирма-ўттизтаданми бўлиб ташлаш керак, тамом-васалом. Шундаям жой етмаса, ана, вилоятлар бор, қолаверса, пойтахтимизга якин сўлим гўшаларда болалар учун махсус дам олиш масканлари бор. Тўғр, ҳозирча кунлар сал совуқ, лекин эпласа бўлади: тез орада ҳаво исиб кетади ахир. Демак, таъмирлашни ҳам ёзда бошлаган маъқул... Ҳар қалай, давлатнинг куни мендай ўз рўзгорини зўрға тебратиб юрган, уч фарзанди, хотини билан уч хонали уйда сиқилишибгина яшаётган бир журналистга қолмагандир? Эҳ-хе, бунга ҳафта-ўн кунда қишлоқдан гуррос-гуррос келадиган меҳмонларни

кўшинг. Уйинг бозорга якин бўлгани – карвонсаройга айлангани деганлари рост экан ўзи...

Оний сониялар ичидан кўнгилдан нималар кечмади...

Бир кўнгил “Қаршингда тиржайиб турган бу жинқарчани олдингга солиб ҳайда!” дейди. Бир кўнгил “Нима учун хатда “...режали таъмирлаш ...таъминлашингизни илтимос қиламиз” деб ёзилган. Бунақа жимжимали жумлалар одатда расмий кўрсатмаларда бўларди...” деган шубҳа-гумонлардан кутулолмасди. Ҳа, бу ерда бир гап бор. Балки юқорининг махсус кўрсатмаси асосида бўлаётгандир бу иш. Лекин нега мен? Нега энди айнан мен? Тинчликни, хотиржамликни ҳамма нарсадан авло кўрадиган мен?..

Ҳозир бу болачани бошлаб кирсам, уйда жанжал бўлиши аниқ... Бунинг устига... бунинг устига... Мен зўр бериб Суннатга қарши далиллар излай бошладим ва бунақа маҳаллари мия тез ишлаб кетади чоғи, шу сониянинг ўзида топдим ҳам: бунинг устига, бунақа жойда тарбия олаётган айрим болаларнинг қўли эгри бўлади, баъзилари эса ичиб-чекади ҳам дейишади. Ирсият-да: ота-онасидан ўтган. Ҳар қалай, рисоладаги одам боласини етимхонага топширмаслиги ёинки рисоладаги ота-она бундай ҳуқуқдан маҳрум этилмаслиги аниқ. Шундай экан, бу Суннат деганларининг уч-тўрт ой ичида соддагина, ишонувчан болаларимга қандай ёмон таъсирлар кўрсатиши мумкинлигини ўйлаб, даҳшатга тушдим... Йўқ, ҳеч қачон бунга йўл қўймайман!

Кайфиятим бир пул бўлди. Ўзим шу аҳволдаман-у, ярамга туз сепмокчидай, жойида ўйноқилаб-типирчилаб турган Суннат сўраб қолса бўладими:

– Уйимиз қайси каватда?

“Уйимиз”? Ўлай агар, тарсаки тортиб юборишимга сал қолди. Нима, мен бу уйни минг-милён машаққатлар билан, қарзлар гидобида қолиб, аранг олган чоғимда ёрдам бериб қўйганмидингки...

Калт-калт титрай бошласам-да, бир амаллаб ўзимни босишга уриндим, аранг сўрай олдим:

– Нега... нега бу хат менинг номимга?

Ўн йил олдин йўқотган отасини топиб олган каби кўзлари қувончдан чакнаётган Суннат газетага ишора қилди:

– Ахир ўзларингиз “Биз бормиз, сен асло эътиборсиз қолмайсан, Суннат!” деб ёздиларингиз-ку. Бизга мақолани катта залда ўқиб беришди, қанча бола йиғлади... Кўпларнинг менга ҳаваси келди...

Ҳа, ёзганман, лекин... Қалам, тўғрироғи, компьютер ўлсин-а...

Тўхта, тўхта, тилла топган гадодай терисига сиғмай қувонаётган бу жинқарча “Ёздиларингиз” деди-ку. Дарвоқе, мақолада учта имзо бор. Инчунун, гарчанд бир сўз кўшишмаган бўлишсалар-да, улар ҳам бу масалада бирдай масъул. Ҳа, ҳа, тенг масъул. Исм-шарифлари қора ҳарфларда яйраб чиқишида хайбаракаллачилик қилиб турган мардлар энди жавобгарликни зиммасига олишни ҳам билишсин-да...

Бирдан Суннатбойнинг ўзи юкимни енгил қилса бўладими:

– Директоримиз ҳар эҳтимолга қарши учалангизнинг номингизга хат қилиб берганди. Бирининг шароити тўғри келмаса, бошқасиники тўғри келар, деб.

Очиғи, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди, яйраб кетдим:

– Э, шуни аввалроқ айтмайсанми, Суннатбой! Кетдик.

Менинг қайтиб кўча томон юраётганимни кўрган болакай хайрон қолди:

– Уйга кирмаймизми?

– Йўқ! – дедим. – Юр, бир жойга ўтамиз.

Йўл-йўлакай номимга ёзилган номани болакайга сездирмасдан майда-майда қилиб йиртиб ташладим...

III

Расмий хатни кўрган бош муҳаррир типирчилаб қолди.

Катта-катта залларни тўлдириб ўтирадиган юзлаб одамларни ўзига қаратоладиган шундай бийрон одам денг, нима деярини билмайди, нукул жавдираб менга қарайди.

– Нега... нега менга юборишибди? – шивирлаб сўрай олди у ниҳоят.

Суннатни сал нарироққа қўйиб келгандим, шунинг учун дадил жавоб бердим:

– Сиз энди газетанинг раҳбарисиз, хўжайин.

– Балки сизга ям юборишгандир? – шубҳаланиб қаради раҳбарим. – Бўлмаса нега етаклашиб юрибсиз?

Кўзимни лўқ қилиб:

– Йўқ, – дедим. Сўнг ёлғонни қўшалок қилдим: – Ўша учрашувда телефон рақамимни бериб келгандим. Қўнғироқ қилиб, уйингизни сўрашганди, бошлаб келавердим.

– Бекор кипсиз...

Бош муҳаррир адои тамом бўлди. Сўнг катъийроқ гапиришга уринди:

– Ҳеч иложим йўқ. – У юқорига, учинчи қаватга ишора қилди: – Янгангиз билиб қолса, уйда қиёмат қойим қўпади денг.

Ўзимни хайрон бўлганга солдим:

– Нега энди? Ахир расмий хат бор-ку... Бунинг устига хатда “...режали таъмирлаш ...таъминлашингизни илтимос қиламиз” деган сўзлар ёзилган. Бунақа гаплар қанақанги ҳужжатларда учрашини ўзингиз яхши биласиз.

Бошлиғим мунғайиб қолди:

– Менам шунга иккиланиб қолдим-да. Бўлмаса-ку... Ким билади дейсиз, қанақа идоралардан ўтган бу хат...

Қаранг, мана шу масалада қарашларимиз бир экан.

– Уйни ўтган ҳафта таъмирдан чиқарганмиз, – ни-
магадир менга изох бера бошлади раҳбарим. – Паркет-
нинг ўзи палон пул... Шунга уйни “сиз”лаб, ўзимизни
“сен”лаб юрибмиз. Беп-бегона одам тўсатдан бостириб
кириб олса... ўзингиз тушунасиз... Қанақа тарбия олган
у...

– Бизнинг “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчи-
ларининг одоб-ахлоқига, маданиятига ҳар қанча ҳавас
килса арзийди... – ўзимизнинг мақоладан иқтибос кел-
тирдим мен.

– Албатта, албатта, – фикримни маъқуллашга шош-
ди муҳаррир. – Лекин ўзи ўшанда фамилиямни қўйма-
сангиз бўларкан. Беҳабар қопман-да. Бўлмаса-ку, олди-
риб ташлардим-а...

Карасам, мен айбдор бўлиб қоладигандайман. Дар-
ров ҳужумга ўтдим:

– Агар эсингизда бўлса кечқурун, саҳифаларга қўл
қўйишингиз олдидан яна бир марта олдингиздан ўтган-
дим...

Мик этолмай қолди бечора.

– Уч ой-тўрт ой ўтади-кетди, хўжайин. Уйингиз
беш хонали бўлса. Бирон кичикрок хонаними, бал-
конними бериб турасиз-да. Баҳонада сизнинг бир чин
етимга яхшилик қилганингиз қолади. Буни ўзим алоҳи-
да катта мақола қилиб, марказий газеталардан бирига
бераман.

Лекин бундай истиқбол унчалик шодлантормади
шекилли, муҳаррир пешонасини эзғилаганча кўп ўй-
ланди, хўб мулоҳаза юритди, ахийри олисроқда биздан
кўз узмай турган Суннатга хавотирланиб қараб қўйгач,
яна менга шивирлади:

– Агар иложим бўлганида эди... жон дердим, иним,
жон дердим. Лекин бу ерда... бу ерда... биласизми, бу
ерда Барнаул синдроми бор-да.

– А?

Ҳайратда қолганимни кўрган (илло, шу кунга довр
“афғон синдроми” деган атамани эшитгандим, холос)
рахбарим дарҳол тушунтириш берди:

– Бир пайтлар хизматни ўша юртларда ўтаганмиз.
Ёш, ўт-олов бўлганмиз денг... Ўша ерлик кизлар би-
лан танишиб дегандай... “оламан-тегаман” қабилидаги
кизгин аҳду паймонлар бўлган... Янгангиз бўлса тўйдан
кейин бундан хабар топиб қолган... Шунга... агар бу бо-
лачани бошлаб кирсам, янгангиз дарров эски жанжални
бошлаши аник...

Рости, ҳеч нимага тушунмадим. Янглишмасам, рах-
барим бундан ўттиз йиллар муқаддам хизматда бўлиб
келган. Суннатнинг ёши эса нари борса ўн иккида...
Нима, онаси туя гўшти еган бўлиб чиқадими?

Буни айтгандим, баҳонаси жўясиз эканлигини сез-
дими, қизариб кетган рахбарим ўзини оқлашга тушди:

– Ҳалиги айтишади-ку, “уруғингдир-аймоғингдир”
деб... Хотинларни биласиз-ку...

– Хоҳласангиз туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси-
ни олиб келиб кўрсатаман.

Рахбарим руҳсиз қўл силтади:

– Янгангиз бунақа масалаларда ҳеч кимга, ҳеч қа-
нақанги қоғозга ишонмайди.

– Лекин Суннатнинг сочи қора, кўзиям қора, ўзи
буғдойранг...

– Айнан шуниси шубҳали кўринади-да...

Барибир бу ердаги мантикни англашга ақлим ожиз-
лик қилди. Нима, Суннат энди рахбаримнинг олис Бар-
наулда қолган боласининг боласи, яъни невараси бўлиб
чиқадими? Бунга ақл бовар қилмайди-ку...

Ваҳимага тушган, бўжмайиб қолган муҳаррир яли-
нишга тушди:

– Иним, таҳририятда ишонган одамим ўзингиз
бўласиз. Келинг, шу масалада ёрдам беринг, яхшили-
гингизни бир умр унутмайман. Биласиз, кейинги ойда

ўринбосар пенсияга кетади. Бу вазифага сиздан бошқа муносиб одамни кўрмаяпман...

Муовинлик яхши албатта. Бироқ Суннатни уйга олиб кетишим учун бу дастак бўлолмасди барибир.

– Маколада яна бир одамнинг имзоси бор эди, – дедим мен.

Раҳбарим менга жовдираб каради:

– Лекин унга расмий мурожаат бўлмаган-да.

– Бўлган.

Мухаррир менга ишонқирамай каради:

– Агар суратчигаям бўлса... демак унда сизгаям бўлган экан-да.

Бўш келмадим:

– Бор бўлса, қани у? Мен кўрмадим... Кетдикми, хўжайин?

Кўз қирим билан кузатиб турдим, йўл-йўлакай биринчи имконият туғилиши биланок муҳаррир ўз номига ёзилган расмий номани болакайга сездирмасдан майда-майда қилиб йиртиб ташлади...

IV

Кулоғи оғирлигидан ташқари, суратчимизнинг озгина тўнглиги ҳам бор эди. Ким билади, балки тобора кар бўлиб бораётганини сезганидан сўнг асабларини жиловлаш кийин бўлаётгандир.

Аллақачон қоронғулик тушиб улгурганди.

Мухарриримизнинг жон куйдириб тушунтиришларини болалар майдончасида тик туриб эшитган, расмий илтимосномани эса қўл телефони чироғида ўкиб чиққан сураткашимиз биздан сал олисда, симёғоч тагида турган Суннат томонга ўшшайиб қараб қўйгач, сигаретасини чуқур-чуқур тортган кўйи гапни калта қилди:

– Рухсат бермайман! Менинг уйим – менинг кўрғоним! Унга менинг рухсатимсиз киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Сиз менга раҳбар бўлсангиз, соат олтигача

рахбарсиз. Ундан кейин мен эркин одамман! Бу ерга келиб менга хўжайинлик қилишга ҳам ҳаққингиз йўқ!

Ўсал бўлган муҳаррир менга мўлтираб қаради. Саркаш суратчига вазиятни ётиғи билан тушунтиришга уриндим:

– Ҳеч ким сизни мажбурлаётгани йўқ. Лекин шундай бўлиб қолибдими, етим-есирларга, қаровчиси йўқ болаларга ёрдам беришимиз керак. Бу сизнинг фуқаролик бурчингиз, ака.

Суратчи ўқрайиб, юзимга тутун пуфлади:

– Ўзларингнинг-чи, ўзларингнинг шунақанги бурчларинг йўқми?

– Нега йўқ бўларкан, бор. Лекин расмий илтимоснома сизнинг номингизга келган-да. Айнан сизни танлашган. Бу бежиз эмас, ака. Демак эътибордасиз. Бу хат ортида кимлар туриши мумкинлигини бир ўйлаб кўринг-а... Агар шунақанги илтимоснома бизга келса эди, шак-шубҳасиз дарров рози бўлардик. Чунки...

– Шуми?

Расмий хатни бурнимга тақаган суратчи тўсатдан чўнтагидан зажигалка олиб чакди ва оловни қоғознинг четига тутди. Хужжат қорайиб-буралиб турди-да, бирдан “пов” этиб аланга олди. Хўжайин иккимиз бирон нима қилиб улгурмадик ҳам...

Аммо бир ёмондан бир яхшилик чиқиши ҳам бор гап экан. Биз ҳафсаламиз пир бўлган аҳволда, бошимиз қотиб қолавердик. Жаҳл билан тўққизинчи каватдаги хонадони томон кетаётган суратчи:

– Ана, жуда кўчада қолган бўлса менинг бир хонали уйимга тикмасдан ишхонага обориб қўйинглар! Саккизта хона хувиллаб ётибди-ку. Диван бор бўлса! – деб қолса бўладими!

Ана ечим! Шошганда “лаббай” топилмас деганлари шу бўлса керак-да.

Суннатни олиб ишхонага шошдик...

Дарҳақиқат, ходимларнинг маданий дам олиши учун мўлжалланган хонада кенг-мўл диван бор эди. Телевизорни, турли газета-журналларни айтмаса ҳам бўлади.

Камбағалнинг ишини Худо кўллаган экан. Буни қарангки, хўжайиннинг кабинетигади ҳолодильникдан бироз кази-қарта, нон ҳам топилди. Чой бемалол: “Телефал” электр чойнаги гуриллаб ишлаб турибди.

Коровул Эргаш отага Суннатдан – биз уни ходимларимиздан бирининг узоқроқ қариндоши деб қўя қолдик – хабар олиб туришни қайта-қайта тайинлагач, раҳбар иккаламиз уй-уйимизга қайтдик...

Йўлда муҳарриримиз:

– Балки болақайни коровул штатига олиб кўярмиз? – деди маслаҳат солгандай бўлиб.

– Эргаш ота-чи?

Раҳбарим пинак бузмади:

– Ярим ставкага.

Рости, қувониб кетдим:

– Яшанг, хўжайин. Бошингиз олтин-да. Ҳам ишли бўлиб қолади бола бечора, ҳам жойли. Ёб-ичиши ҳам ўзининг бўйнига... Қўйнидан тўкилса қўнжига-да... Отахонга эса ярим ставкаям етиб-ортади. У ёқдан отнинг қалласидай пенсия олиб турган бўлса...

Уйда “муҳим йиғилишда ушланиб қолган” меҳнаткаш ходим сифатида шоша-пиша овқатлангач, дам олиш учун ётоқхонага ўтдим. Аммо нимагадир уйқум келавермади. Муаммо-ку силлиққина ҳал бўлди, бирон киши сўраб қолса ҳам “Бу шахсан бош муҳаррирнинг ташаббуси билан амалга оширилди”, деб туравераман. Ҳа, мен раҳбаримнинг кўрсатмасини бажарганман, ҳолос. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Менга... бизга расмий хат йўллаган “Меҳрибонлик уйи” оркасида ким, кимлар тургани қизиқтирарди. Мақсадлари нима уларнинг?..

Шундай ташвишли хаёллар билан ухлаб қолибман.

Тонг сахарда кўнгирик товушидан уйғониб кетдим. Кўл телефонимни олмасимдан тахмин килдим: хўжайин. Тўғри топган эканман, у кишиниям мени қийнаган савол туни билан безовта қилиб чикибди: “Агар юқоридан ишора бўлмаса, анави бўғирсок директор газетанинг раҳбарига бундай илтимоснома билан чиқишга журъат этолмасди. Абдужаббор, бу ерда бир гап бор... Айникса “таъминлашингизни илтимос қиламиз” деган жумла мени кўп безовта қияпти. Тепанинг қароридан олинганга ўхшаб кетяптими-ей... Ҳаммасини аниқлаш керак, ҳаммасини... Ишқилиб, ковун тушириб қўйган бўлмайлик-да...”

Кўлимдан келганча раҳбаримга далда берган бўлдим: “Сиз жудаям оқилона йўл тутдингиз, хўжайин. Бемалол айтиш мумкинки, бир ўк билан иккита қуёни урдингиз. Яъни ҳам топшириқни бажардингиз, ҳам болани уйингиздан икки, хаттоки уч баробар қулайроқ шарт-шароити бор бўлган муассасага жойлаштирддингиз. Ахир, аслини олганда, ишхона сизнинг иккинчи уйингиз-ку...”

Тилғмалигим иш берди: ие, ўзим билмай туриб жуда ақлли иш қилиб қўйибман-ку, деган ўйга борган шекилли, муҳаррир сал хотиржам тортгандай бўлди-да, машинасини эртароққа чакирганини айтди. Ишга бирга борадиган бўлдик. Аввал болакай билан гаплашиб кўрамиз, сўнг, агар саволларимизга тўлиқ жавоб ололмасак, тўғри “Меҳрибонлик уйи”га ўтамиз.

V

Диван бўм-бўш эди.

Шошиб ҳовлига чиқдик.

Қоровул кечаси болакайни уйига обориб қўйибди.

Отахон ўзини оклади:

– Меҳмон мусофирга ўхшаб ишхонада ётмасин дедим-да.

Хизмат машинасида қоровулнинг уйига келдик.

Буни қарангки, Суннат тонг қоронғусида ҳеч кимга билдирмасдан ҳовлидан чиқиб кетибди. Буни эшитган раҳбаримиз тутаким кетди. Аммо нима ҳам қила олардик?

Бошимиз котди...

Ўйлай-ўйлай охири “Меҳрибонлик уйи”га йўл олдик.

Ўша-ўша, юм-юмалоклигига қарамасдан серҳаракат, одамга бурни устидаги кўзойнаги оша хурсанд бўлиб қарагани маҳал болаларни кулдириб юрадиган масҳарабозга ҳам ўхшаб кетадиган директор бизни кучок очиб кутиб олди. Унинг ўзини ҳеч нарсдай хабарсиздай тутиши мени шубҳалантирди.

Кабинетга кириб, бир пиёладан чой ичиш асносида эҳтиёткорлик билан таъмирлаш ишлари қандай кетаётгани ҳақида сўрадим.

Саволим директорни ажаблантирди:

– Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, укажон, бино ўтган йили тўлиқ капитал таъмирдан чиққан. Энди ўн беш-йигирма йил бунақанги ташвиш бўлмайди бизда.

Мен муҳаррирга қарадим, муҳаррир менга.

Сир бой бериб қўймаслик учун, гўёки гап орасида шунчаки қизикқан киши бўлиб, Суннатни суриштирдим: “Қалай бизнинг қахрамон, сакраб-сакраб юрибдими?..”

– Юрибди, эрталаб гуруҳида кўрувдим, – киприк қокмай жавоб кайтарди директор.

Биз айнан шу гуруҳга боришга изн сўрагандик, директор таклифимизни қувончдан боши осмонга етгудай бўлиб қабул қилди, сўнг ҳаяжон билан бу йигитчанинг китобдан бош кўтармаслигини, ҳатто яширинча бир нималар ёзиб юришини тўқиб соларкан, мабодо унинг машқларидан намуналар талабимизга жавоб бериб, газетамизда чоп этилиб қолса – “Ҳа, ҳа, биламиз нима учун келганларингизни! Қадамларингизга гул битсин,

акалар!” – бутун “Меҳрибонлик уйи” биздек бағри кенг ижодкорлардан беҳад миннатдор бўлишини, зеро ҳар қандай эътибор болалар учун ҳақиқий байрам эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Тўғри, дея қўшиб кетди директор, Суннатжонимизнинг анча-мунча шўхлиги, қувлиги ҳам бор, ўзича бир нималарни ўйлаб топиб юради, баъзан шунақанги жиддий саволлар бериб қоладики, нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмай қоласан киши; аммо буни тушунса бўлади, ҳўш, руҳшуносимиз таъбири билан айтганда, бола ўтиш ёшида, онг-шуури, дунёкараши шаклланадиган даврда; дейлик, асалари гуллардан бол йиққанидай, бизнинг битирувчимиз ҳам турмушдан ўзининг келажак ҳаётини белгилаб берадиган маълумот-хулосалар йиғадиган босқичда. Бу жараёнда сизлардек бағри кенг ижодкорларнинг иштироки эса нур устига нур бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Ахир амалий иш, ибрат барибир бошқача-да. Айниқса Суннатжондек тийрак нигоҳли, дунёга ҳайрат кўзи билан қараётган, уни англашга уринаётган ижодкор йигитча учун...

Йўлакда бир зум ўша жинқарчани таъриф-тавсиф этишдан тўхтаган директор дарс жадвалига қараб олди: гуруҳ компьютер машғулотида экан.

Бордик. Синфдаги болалар ўринларидан туриб, салом беришди. Улар орасида Суннат ҳам бор эди. Алик олганимиздан сўнг болалар ўтиришди, ўқитувчининг рухсати билан машғулотларини давом эттиришди.

Суннатнинг ёнига бордим. У компьютер экранидан кўз узмас, бекорчи бир нималарни чизиб ўтирарди.

Унга диққат билан қараб туравердим. Аммо болақай менга мутлақо эътибор бермади, баайни ёнида бегона, нотаниш одам тургандай...

Хўжайин иккаламиз ишхонага қадар “мик” этмай келдик...

(2014 йил)

БОЗОР

Камол акага

“...Элнинг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг бозорларига кара, дейди донишманд халқимиз. Дарҳақиқат, бугун вилоятимизда фаолият кўрсатаётган деҳкон бозорларида сотувчи ва харидорлар учун яратилган қулай шарт-шароитларни, пештахталардаги тўкин-сочинликни кўриб, дилинг равшан тортади...”

Давроннинг дили равшан тортмади, билъакс, пешонаси тиришганча матндаги “фаолият кўрсатаётган” сўзлари тагига қалин чизиқ чизди, қоғоз четига сўроқ белгиси қўйди. Қандайдир ковушмаганрок, газетийрок сўз бирикмасими-ей. Ўзгартириш керак. Наҳотки бозор “фаолият кўрсатса”?

Кейинги жумлани ўқиб Давроннинг дили баттар хуфтон бўлди. Нима эмиш, вилоятимизда “11 нафар бозорлар” яна “фаолият кўрсатаётган”миш... Ўзи ўн битталиги аниқ бўлса, “нафар”игаю кўплик кўшимчасига бало борми? “Фаолият”ингга ўт тушгур мухбир бисотидаги тўртта сўзни айлантиравераркан-да...

Сўнгги жумла таниш туюлди, муаллифини ҳам эслгандай бўлди, бироқ ўзини чалғитиш учун “Буюклар бир хил фикрлайди”, деб минғирлаб қўйди-да, папкани шартта ёпди: аввал тасвирга олиб келсин, таҳрир кейин.

Ўзи уч-тўртта фотосуратни бирин-кетин экранга чиқариб, шу сабил колгур матнни дикторга ўқитворсам бўларди. Аммо Даврон ишига ижодийроқ ёндашди: ҳеч бўлмаса “пештахталардаги тўкин-сочинлик” томошабинни ўзига жалб этар. Устига-устак, кўрсатувни бу ахволда, куруккина ўтказворса, душанба кунги “пяти-минутка”да Обидалининг чакаги очилиши аниқ: ўзиям “Ўтган ҳафтада ҳукуматимиз томонидан амалга оши-

рилган кенг кўламли ишлар ва халқаро ҳаётнинг муҳим масалалари”га бағишланган уч соатлик йиғилишининг камида сўнгги эллик-олтмиш дақиқасини – исмини айтмасдан туриб, албатта – Давронни дўппослаш билан ўтказди; “эришилган ютуқлар билан бир қаторда, афсуски, айрим ўз ишига масъулиятсиз, дангаса, лоқайд режиссёрларимиз томошабинни бизнинг каналимизга жалб этишга эмас, аксинча, ундан бездиришга хизмат қилмоқда. Буни ўтган ҳафта эфирга узатилган баъзи бир кўрсатувлар шундоққина кўрсатиб турибди... Ахир, қаранглар, Яқин Шарқда нималар бўляпти! Араб мамлакатларида нималар бўляпти? Бизда эса, худога минг катла шукр, тинчлик-ку...” Ҳой банда, халқаро вазиятни қўйиб турайлик, ўзимизнинг каналда қайси кўрсатув нимани кўрсатиб турибди экан, деб сўрайдиган мард йўқ; ваҳоланки, вазият ажабтовур: ҳамма бу тағдор шамалар қайси кўрсатув ва кимнинг шаънига ёғдирилаётганини яхши билиб туради... Кейинги пайтлари бир-икки юқорироқ идораларда жиддий танқид эшитиб, соясидан ҳам чўчиб қолган, юмшоқ курсисининг омонатлиги хусусидаги миш-мишлардан баттар ваҳимага тушган бу амал гадоси нечукдир ўзининг тагини зимдан кавлаётганлар бошида айнан мана шу Даврон турибди деб ишонади, шу хавотири боис янада эҳтиёткорлик қилади, “гуруҳ боши”ни танқид қила-қила ишдан бездириб, “ўз ихтиёримга кўра...” деган аризасини олишни чандон орзу қилади, тўғридан-тўғри думини тугиб юборишга эса яна кўрқади: ким билади, неча йиллардан буён сабр билан бир жойда ишлаб келаётган бу доғули, кўрс режиссёр ортида кимлар турибди, балки улар атай раҳбарнинг хато қилишини кутишаётгандир, кейин “Ҳа, мана, охири қўлга тушдинг-ку. Энг тажрибали режиссёрни статъясиз ишдан бўшатдинг-а!” деб судма-суд сургашар...

Бунака юраксикар йиғилиш пайти кимга қийин, Давронга қийин: эътироз билдирайин деса, исми ёнки

кўрсатув номи аниқ айтилмади, инчунун, Обидалининг бир-икки хайбаракаллагиси “Гап эгасини топибди-да”, дея пичинг қилиши аниқ; “бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури” деб жим ўтираверайин деса, беш-олтита ҳамкасбининг “биз ҳаммасини тушундик” дегандай ер остидан бир-бирларига маънодор қараб, “ихм-м”лаб қўйишлари жонини бўғзига келтиради...

Хуллас, шунақанги майда-чуйда гапларда-эй...

Авжи ёз. Одамни лоҳас қиладиган иссиқ.

Амортизатор деган матахи йўқ аравадай ҳар чуқурга тушганда сакраб-ғирчиллаб кетаётган “Дамас”да телевидениега энг яқин бозорга келишди.

Даврон операторга ишора қилди:

– Музап, кўрсат ҳунарингни.

– Менга вазифа аниқ қўйилмади, – тўнғиллади Музаффар. Сўнг, Давроннинг энсаси қотганини кўргач, изоҳ берди: – Салбий пландами, ижобий?

Даврон эслади: яқин келажакда бозори роса чаққон бўлиб кетиб, не-не фильмларни сахналаштиришини башорат қилиб юрадиган бу оператор, дейлик, “салбий планда” деб кўрсатма берилса, ёндан, тепадан, пастдан камерасини яқинлаштириб-узоқлаштириб, ёриткич чирокларини фақат ўзи биладиган тарзда жойлаштириб суратга олар, натижада, дейлик, энг хурлиқо қиз ҳам экранда олабўжи бўлиб кўринар ва аксинча, “ижобий план”га ўтганида, лофи билан айтадиган бўлсак, кампирни сулув қизга айлантириб юборарди.

Даврон хафсаласиз қўл силтади:

– Ижобий. Умумий план кўпроқ бўлсин.

– Ярим соатда гатоп бўлади, ака.

Даврон соя жой излаб атрофга аланглади. Дарвоза ёнига қадар сотувчилар эгаллаб олишган. Кун тиғида, маҳсулотини шундоқ ерга қўйган, ўтган-кетган харидорларни бакириб-чакириб ўзларига чорлаётган хотин-халажга қараркан, Даврон беихтиёр мийиғида илжайиб қўйди: мана тараққиёт деганлари – бир эмас,

бир неча сотувчи ёнида электрон тарози турарди... Ҳа, ана, бозорнинг усти ёпилган қисми қўланкали кўринди. Кўрсатув матнини ҳаёлида пиштаётган Даврон шу томонга юрди.

Бозор... Ўзбек бозори... Доимий ғала-ғовур, тўлиб-тошган пештахталар, маҳсулотларнинг ўзига хос коришиқ иси... Узлуксиз мулозамат: “келинг, ака, келинг... татиб кўринг”... Савдоси пишган иккала томоннинг фавқулудда мамнунлиги: сотувчи қимматроққа сотганидан, харидор арзонроққа олганидан...

Тан олиш керак, муҳбир қизча бир балони биларкан: димоғига “гуп” этиб урилган қўкатлар аралаш райҳоннинг ўткир иси Давроннинг дилини равшан торттирди.

Беихтиёр оғзининг таноби қочган Даврон чеккароққа ўтди.

– Амаки, зира оласизми? Ургутники...

Елкасига халтача осиб олган йигитча унинг бурни тагига бир кафт зирани яқинлаштириб турарди. Ҳақиқий зиранинг ҳақиқий хуш бўйи... Боши айланиб кетган Даврон аранг бош чайқади:

– Раҳмат, ука.

Моли ёққанини сезган йигитча тирғалишини қўймади:

– Сизга арзон қилиб бераман, амаки.

Даврон бош чайқади:

– Ҳали ишга боришим керак. – Сўнг, йигитчанинг ажабланиб қараб қолганини кўриб, тушунтиришга уринди: – Бунингдан озгина оборсам, иси бутун студиани тутиб кетади-ку.

Чаккон йигитча фаросатлигина ҳам экан, дарҳол халтачасидан жимитдай салафан халтача чиқарди:

– Бунинг йўли бор. Мана бунга соламиз, иси ўзида туради. Кечкурун уйга борганда очасиз...

Даврон буни ўзича тасаввур қилди: ошхонага қиради, салафан халтачани очади ва... зора... Зора аёли табассум қилса... Дунёда энг бахтсиз ота-она – фарзандини тупроққа топширган ота-она экан... Ахир... бир ярим

йилча бўлиб қолди, ўша фожиада ўзини айбдор санаб, “Мақтабига ўзим бориб олиб келсам нетарди-и...” деган изтиробли, оғули армон исканжасида ич-этини еяверганидан озиб-тўзиб кетган хотини Даврон қайларгадир яшириб ташлаган суратларни барибир топиб олади, уларни бағрига босганча хонадан хонага шарпадай сассиз ўтиб юраверади, юраверади. Бир ярим йил бўлиб қолди, муздай уйда қабристон сукунати ҳукмрон... Зора...

Харидорда мойиллик уйғонганини англаган йигитча овозини пасайтирди:

– Бошқаларга учдан бераётгандим, майли, сизга иккига розиман, амаки...

– Қўймадинг-қўймадинг-да.

“Амаки” чўнтагига қўл солди.

Давроннинг аниқ эсида: пулни берди, салафан халтачага тугилган зирани шими чўнтагига солди, ҳатто шошиб бурилиб кетаётган йигитчанинг “Омон бўлинг, амаки” деганини ҳам эшитгандай бўлди ва... худди шу сонияда кулоғи тагида:

– Бу сизга тегишлими? – деган савол жаранглади.

Гап оҳанги... У ҳаммасини фош этиб қўяди... Савол оҳангида ҳам ижирғаниш аралаш пўписа ва ҳаттоки андаккина... менсимаслик бордай эди. Даврон ёнига қаради. Камерасини елкасига қўйиб олган Музаффар бакувват, калта сочли, мушакдор икки йигит ўртасида бўрилар қўлига тушган қуёндай шалвирабгина турарди. Қизиги, кун иссиқлигига қарамасдан бир хилда қора футболка кийиб олган йигитларнинг башаралари ҳам икки томчи сувдай бир хил эди: афтидан, Ҳасан-Ҳусан бўлишса керак.

– Яъни? – саволга савол билан жавоб қайтарди бунаканги муомаладан кайфияти бузилган Даврон.

Ҳасаними-Ҳусаними бармоғини операторнинг бурни тагига олиб бориб, саволини такрорлади:

– Бу киши сизга тегишлими, деяпман?

Азалдан жаҳли тез, сиркаси сув кўтармайдиган Даврон бир амаллаб ўзини босди, одатига кўра вазиятни юмшатиш учун ҳазил қилишга уринди:

– Бу киши менга тегишли эмас... Агар менга тегишли бўлганида эди, камерасини олиб қолиб, ўзини кўтарасига сотиб юборардим-кўярдим. Шундаям агар буни оладиган мард топилса!

Йигитлар бир-бирига қарашди: афтидан, гап мазмунини англашмади.

Музаффар ёрдамга келди:

– Даврон ака. Булар съёмкага рухсатларинг борми, деб сўрашяпти?

– Рухсат? Бор! – Даврон чўнтагидан хизмат гувоҳномасини олиб кўрсатди. – Бўлдимми?

Ҳасаними-Ҳусаними гувоҳномани қўлига олди, Давроннинг асабини баттар ўйнаган қўйи бир ундаги суратга, бир режиссёрга қаради, қараганда ҳам шубҳаланиб, ишонкирамай қаради, кейин, бироз ўйланиб тургач, мутлақо қутилмаган саволни берди:

– Бу ерда бозорда съёмка қилиш мумкин, деб ёзилмаган-ку?

Даврон қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай қолди. Кейин, тишини тишига босган қўйи, тушунтирди:

– Мен вилоят телевидениесининг режиссёри бўламан. Телевидение! Бу йигит эса операторим. Биз истаган пайтимиз, истаган жойда, нимани хоҳласак ўшани суратга олишга ҳақлимиз. Энди ҳаммаси тушунарлими?

Даврон ўзича “икки қарра икки – тўрт” бўлишини исботлаб қўйгандай, гувоҳномасига қўл чўзди. Аммо ўйлайверганидан пешонаси терлаб кетган йигит бошқача фикрда экан шекилли, гувоҳномани қайтариб бермасдан:

– Хўжайинга учрашинглар бўлмаса, – деди.

Ким билади, “телевидение” сўзи таъсир қилдими, йигит бу гал сал шаштидан тушиб гапирди.

Даврон пичинг килди:

– Хўжайинсиз иш битмайдими?

Йигит бош чайқади:

– Битмайди. Тартиб шунақа.

Кўкрак чўнтагидан ручка билан ёндафтарчасини чиқараётган Даврон навбатдаги зарбани берди:

– Биз-ку, ўзимизни таништирдик. А, сизлар ким-сизлар? Энди марҳамат қилиб сизлар ўзларингизни таништирсангизлар. – Гапнинг давоми пишак дўкига ўтиб кетди: – Бизда ҳам тартиб шунақа. Ким ишимизга ҳалакит берса, бу ҳақда ўз хўжайинимизга ёзма ҳисобот беришимиз керак. У киши эса ўз навбатида юқорига... Адашмасам, сизнинг исмингиз Хусанжон эди, а? Фамилиянгиз нимайди?

Ҳасанми-Хусанми сал сергак тортди, Давронга баттар шубҳаланиб тикилди:

– Отимни... отимни каердан биласиз?

Бу қадар гўлликдан таъби тиррик бўлса-да, Даврон иложи борица маънодор оҳангда жавоб қайтаришга уринди, ҳатто молини арзонга бераётган зира сотувчиси каби овозини пасайтирди:

– Бизга ҳаммаси маълум, жигитлар...

“Жигитлар” яна бир-бирларига қараб қўйишди.

– Кетдик, – деди улардан бири ва йўл бошлади.

Иккинчиси орқага ўтиб олди: важоҳатидан жиноятчиларнинг қочиб кетишига йўл қўймайдигандек...

Вазият ғалати эди. Даврон билан оператор шу алфозда бутун бозорни кесиб ўтишди ва эшиги тепасига “Маъмурият” деб ёзилган бир қаватли бинога киришди.

Бозорқўм деганлари оромкурсисида ўтираверганидан бўйи пасайиб, корни қаппайиб қолган биткўз, тепакал киши экан. Аммо қарашим жуда ўткир деб ишонса керак ёки биров уни шунга ишонтирган, ишкилиб, худди “Ичингда нима борлигини биламан” ёинки “...билиб оламан” дегандай қаттиқ тикилиб туравераркан. Буни Даврон салом-алиқдан кейиноқ ҳис килди.

– Хизмат?

Даврон ўзини таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Киприк қокмай тикилиб турган бозорқўм са-
волини сал кенгайтириб такролади:

– Биздан нима хизмат?

Даврон изох берди:

– Ҳеч қанақа хизмат йўқ. Шу, бозорлар ҳақида кўр-
сатув таёрлаётгандик. Шунга...

– Бизнинг бозор ҳақидами?

“Ғалча!” деган фикр Давроннинг миясига чакмоқдай
урилди. Ахир ўз оғзи билан “бозорлар” деб турибди-ку.

Режиссёр ўзини мажбурлаб кулимсиради:

Йўғ-э, ака. Бу умуман бозорларимиз ҳақида. Улар-
даги тўқинлик-сочинлик, дегандай. Маъмурчилик...

Йўқ, ҳамон ўшшайиб, киприк қокмай туришига ка-
раганда бу “ғалча” ё ўзбечани тушунмайди, ё эшитган
гапининг мазмунини англаб ололмайди... Йигирма йил-
лик журналистга ҳаттоки ўзини танитишни раво кўрма-
ган мана шундай довдир қаршисида ҳисобот бераётган-
ни учун Даврон ўзини ўзи ёмон кўриб кетди. Шу боис
гапини кескинроқ оҳангда тугатди:

– Қисқаси, ишдамиз-да, ака. Давлат ишида.

– Шунақа... шунақа дардларинг бор экан, бир оғиз
рухсат сўрасаларинг нима қиларди?

Бозорқўм ўпкалаяптими ё дўқ уряптими – тушуниб
бўлмади. Шундай бўлса-да, Даврон ҳар эҳтимолга қар-
ши паст тушди:

– Узр, хато биздан ўтипти. Кейинги сафар албатта
рухсат сўраймиз.

– Юристан сўрадим, мен рухсат беришим учун
расмий бланкаларингда расмий хат олиб келишларинг
керак экан.

Давроннинг бир тили кичиди, бир тили кичиди:
“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари
тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғриси-
да”, “Телекоммуникациялар тўғрисида” ва ҳаттоки

“Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги қонунлардан ўзи биладиган бандларни қалаштириб келтириб ташлаб, суҳбатдошини мот қилмоқчи бўлди, аммо бозорқўмнинг бўзрайиб ўтиришиданок бундай сўзамолликнинг бефойдалигини сездию, тишини тишига босди:

– Албатта. Расмий бланкада, раҳбаримизнинг имзоси ва юмалоқ муҳри билан.

Шу билан гап-сўз тугагандай, бозорқўмнинг исми шарифи махфий қолган учрашув якунлангандай туюлди. Режиссёр хайр-хўш учун оғиз жуфтлаган маҳал эшик очилганини сезиб, беихтиёр ортига ўтирилди.

Остонада оппоқ калта сочиға мутаносиб тарзда оппоқ кўйлагу оппоқ шим кийган, ҳатто оппоқ қайиш таққан, бироқ бу окликлар унинг қорамтир юзини баттар қорароқ қилиб кўрсатаётган олтмиш ёшлардаги лўмбиллаган бир киши оппоқ тишларини намоёиш этаётгандай илжайганча кучоқ очиб турарди:

– Ассалому алайкум, салом-ассалом, Давронжон акажон!

Даврон ёши ўзидан анчагина катта эканлиги шундоқ кўриниб турган “укажон”ини танимади, бунинг устига киёфалар борасида ўзининг хотираси сустроқ эканини тан олади: бир кўрган одамнинг юзини аниқ эслаб қололмайди, шу боис, ҳар эҳтимолга қарши ўрнидан турди, осмондан тушгандай пайдо бўлиб қолган бу одамга ноқулай бўлмаслик учун кучоғини очди.

Дарҳақиқат, “укажон” яқин таниш-билишлардан шекилли, астойдил ачомлашиб кўришди, Давроннинг белини қаттиқ сиқиб ҳам қўйди.

– Учрашадиган кунимиз ҳам бор экан-ку, акажон! Фақат кўрсатувларингизни томоша қиламиз, охирида фамилиянгизни ўқиймиз. Тўй-маъракаларда узоқдан кўриб қолардим-у, “Шу одам билан бир гурунглашсам”, деб юрардим, қаранг, бугун уйдан Худо деб чиққан эканман...

Мактов... кимга ёкмайди. Айникса ўзингга халк душманига қарагандай ўқрайиб қараб турган бозорқўмнинг ёнида бундай гапларни эшитиш... Давроннинг ҳам етмиш икки томири бўшашгандай бўлди, лаб-лунжини йиғиштириб олишга уринганча:

– Ҳа энди... – дея олди.

Ҳамон кутилмаган бу учрашув ҳаяжонидан кўзлари чакнаб турган оқ либос мухлис ҳаммасини тушунгандай режиссёрнинг елкасига қоқиб қўйди:

– Камтарсиз-да, акажон, камтарсиз. Қани, ўтирайлик.

Ўтирдилар. Янги меҳмон узундан-узоқ дуо қилди, сўнг хол-аҳвол сўрашишга ўтилди.

– ...Тўғриси, Давронжон акажон, сизни кўриб бошим осмонга етди. Туя сўйиб чақирсак ҳам келишга фурсати йўқ одам, ўз оёғи билан келиб ўтирса-я. Хўш, биздан нима хизмат, акажон?

Туя сўйиб чақиринишса ҳам келолмайдиган одам вазиятни тушунолмай, бироз гаранг бўлди: бу оқ либосли одамнинг бозорга бирон алоқаси бормикан? Умуман, бу ерда ўзини таништирмаслик урф шекилли. Шунгами, режиссёр мужмалрок жавоб қайтарди:

– Шу... хизматчилик. – Сўнг ҳар эҳтимолга қарши қўшиб қўйди: – Ўзингиз тушунасиз-ку.

Оқ либосли одам телевидениенинг бутун сир-асрорини биладиган мардумдай ишонч билан бош ирғади:

– Тушунамиз, албатта тушунамиз!

Хонага сукунат чўкди. Икки бирдай одам ўзига “Мақсадга ўтавер” дегандай синчков қараб турганини кўрган Даврон ўнғайсиз аҳволда қолди: баайни, ниманидир билади-ю, шунини яшираётгандай.

Ахийри бозорқўм пўнғиллади:

– Бу киши бизнинг юрист.

– Раҳбаровман, – дарҳол ўзини таништирди ҳуқуқшунос. Сўнг режиссёрга синовчан тикилиб, такрорлади: – Раҳбаров.

– Яхши, – деди Даврон. Сўнг, ҳар эҳтимолга қарши, одоб юзасидан кўшиб қўйди: – Эшитгандайман.

Мамнунликдан ҳукуқшуноснинг юзи ёришиб кетгандай бўлди.

– Эшитгансиз, акажон, эшитгансиз. Албатта эшитгансиз. Ҳозирам менга кизиқиб қараб турганингиздан буни билипман. – Раҳбаров ғурур ила кўкрагини керди: – Адашмадингиз, мен ўша судьяман.

Даврон ҳарчанд уриниб кўрди, бироқ “ўша судья”-ни эслолмади. Ким билади, балки бирон мафия-пафияни суд қилиб тилга тушгандир-у, журналистлар телевидениеда кўкка кўтариб макташгандир, иши билан банд Даврон эса бундай оламшумул воқеадан беҳабар колгандир.

Режиссёрнинг пешонаси тиришаётганини кўрган бозорқўм кўмакка келди, аммо одатига кўра беписандлик билан ғудраниб қўйди:

– Қозилигида бир қоп буғдойга ўн икки йил берган бу...

– Ҳечам бир қоп эмас-да, ҳечам бир қоп эмас-да! – кизғин эътироз билдирди Раҳбаров.

Бозорқўм саховат кўрсатди:

– Ҳа, ана, икки қоп.

Бироқ бу миқдор ҳам Раҳбаровни қаноатлантирмади:

– Ҳечам икки қоп эмас-да. Ўта катта миқдорда эди.

Бозорқўм энди ҳукуқшуносини майна қилишга ўтди:

– Ол-а...

Тайёр турган эканми, чўнтагидан қоғоз-ручка олган Раҳбаров бутун эътиборини гап нима ҳақида кетаётганини тушунмасдан, гарангсиб турган режиссёрга қаратди:

– Давронжон акажон! Сизга ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Бошидан бошлайман. “Зийнат” жамоа хўжалигида истикомат қиладиган, вақтинча ишсиз фуқаро Маҳмадалиев июль ойи тунларидан бирида хўжалик ҳудудида жойлашган элеваторга, яъни ғалла омборига дон олиб кетаётган, эътибор беринг, юриб

кетаётган тракторнинг тиркама воситаси, яъни тележ-касига ғараз мақсадда, касддан, олдиндан белгиланган боскинчилик режаси асосида чикиб олиб, қўйнидаги қопни ғаллага тўлдириб, пастга ташлаган маҳал хушёр милиция ходимлари томонидан далилий ашё билан қўлга олинади. Камина раислик қилган суд жараёнида айбланувчи маҳалласидан ижобий тавсифнома келтирди, ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринди. Нима эмиш, бола-чакаси оч қолганлиги учун шундай йўл тутишга мажбур бўлган эмиш, ўғирликка биринчи марта чикқан эмиш, бор-йўғи бир қоп буғдой олмоқчи бўлган эмиш... Хуллас, шунақа гаплар-да. Шартта ўрнимда турдим-у, “Бунақа чўпчакларингни энангга айт, Маҳмадалиев! Сен давлат мулкани катта микдорда ўғирлаган ашаддий рецидивистсан!” дедим. Адвокати эътироз билдирмоқчийди, тўрт сонияда гапимни исботлаб ташладим... Мана бундай. Қаранг, бир қоп буғдой етмиш кило келади.

Бозорқўм пичинг қилди:

– Нима, у қопни шошмасдан тўлдириб, эринмасдан оғзини бойлаб, кейин ташлабдими? Солса ўн кило сол-гандиру пастга отган...

– Йўк, йўк, – айёрона бош чайкади собиқ қози. – Сиз амалиётни гапиряпсиз. Назарияга кўра эса бир қопга шунча буғдой кетади. Хўш, айбланувчи ҳар куни бир қопдан ғалла ўғирлаган деб ҳисоблаймиз-да, етмишни уч юз олтмиш бешга кўпайтирамиз. Демак, бир йилда у камида йигирма беш минг беш юз эллик кило буғдойни ўғирлаб, ўз шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган бўлиб чиқади.

Бозорқўм пихиллаб кулди:

– Ғалла бир ярим ой, нари борса икки ой ташилади.

– Сиз амалиётни гапиряпсиз-да, акагинам, – қизғин эътироз билдирди ўз-ўзидан завқланиб кетаётган Раҳбаров. – Мен эса масаланинг назарий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратаман... Демак, айбланувчи бир йилда йи-

гирма беш тоннадан кўпроқ ғаллани гум қилган бўлиб чиқяптими? Энди бу миқдорни бешга кўпайтирамиз.

Маърузадаги чуқур мантиқни илғаб олишга ҳаракат қилаётган режиссёр ҳайрон бўлди, беихтиёр:

– Нега? – деб юборди.

Собик қози бажонидил ҳукукий тушунча берди:

– Чунки хўжалик ҳудудидаги элеватор беш йилдан бери ишлаб келаётганди-да.

Режиссёр ниманидир тушунгандай бўлди:

– Демак фукаро...

Унинг чайналиб қолганини кўрган Раҳбаров кўмакка келди:

– Фукаро Маҳмадалиев.

– ...ўша одам... элеватор очилганидан бери ҳар куни ўғирликка борган бўлиб чиқадими?

– Ҳа, ҳар куни, бирор кун қанда қилмасдан! Айтдим-ку, мен масалага назарий жиҳатдан қарайман. Хуллас, менинг ҳисобларимга кўра беш йил ичида у жами бир юз йигирма етти минг етти юз эллик минг кило буғдой ўғирлаган бўлиб чиқди. Бунга, табиийки, аниқлик учун яна етмиш кило кўшдим.

– Униси нега? – ажабланиб сўради Даврон.

– Қанақасига нега? – режиссёрдан баттар ҳайрон қолди Раҳбаров. – Ахир биз қамраб олган беш йилнинг ичида биттаси кабиса йили-ку. Яъни 29 февраль, йил уч юз олтмиш беш эмас, уч юз олтмиш олти кун.

– Ҳа...

– Шунақа. Ишқилиб, жами ўғирлик бир юз йигирма етти тоннаю саккиз юз йигирма кило чиқди. Рақам аниқ эсимда. Бу нима дегани? Бу икки йирик фермер хўжалигининг йиллик ҳосили, баланд хирмони. Ўзингиз айтинг, бу катта миқдордаги ўғирлик эмасми? Давлат мулкани, халқ мулкани талон-тарож қилиш эмасми? Ахир шундай кўриниб турибди-ку... Бу ҳали фақат битта айбланувчининг жинойти. Мен унинг камида яна иккита шериги бўлган деб ишонаман. Булар жиной

гурух бўлиб, олдиндан тил бириктириб қилишган бу ишларни. Ҳалиям майдалашиб ўтирмадим, терговда шахси аниқланмаган шерикларингни айт, деб айбланувчини кисти-бастига олмадим, ишни қайта терговга юбормадим, етказилган зарарни учга кўпайтирмадим. Ваҳоланки, шеригинг учта эмас, камида бешта бўлган деб туриб олишим ҳам мумкин эди-ку. Бешта-я! Ҳайрон қолишингиз мумкин, лекин қора курсида ўтирган бандага раҳм қилдим... Ўшанда буларнинг ҳаммасини ҳисоблаб кўрсатгандим, айбланувчининг кўзи пешонасига чиқиб кетиб, гапиролмаям қолди. Адвокати ундан баттар... Хулласи калом, Давронжон акажон, – собиқ қози қафтларини бир-бирига қарсиллатиб урди, – мен ўғирликнинг ўта катта миқдорда эканлигини ҳисобга олган ҳолда айбдорга ўн икки йил бердим, бир юз йигирма етти тоннаю саккиз юз йигирма кило олий нав бўғдойнинг ҳақини давлат ғазнасига тўлаш шарти билан, албатта. Буни эшитиб атиги уч йил сўраб турган прокурорам тилдан қолди денг... Хуллас, энг асосийси, Давронжон акажон, ҳисоб-китобларим тўғри эканки, прокурор протест келтирмади, жиноятчининг ўзи апелляцияга ариза бермади. Эшитишимча, маҳбусимиз ўша ёқларда касалга чалиниб, олти ой ичида ўлиб кетибди. Ўзи суддаям ранги сарғайиб ўтирганди. Уч-тўрт йил чидаб турганида амнистияга илиниб қолармиди... Майли, бу менинг ишим эмас. Мен ўз вазифамни бажардим. Лекин, шундан кейин денг, акажон, бир-икки ҳамкасбларим менга ола қарайдиган бўлиб қолишди. Биласиз-ку, бизнинг соҳада ким кўп – муваффақиятингни кўролмайдиганлар кўп. Шунақалар у қилишди, бу қилишди, охири ёшим етганлигини рўқач қилиб, мени пенсияга чиқишга мажбур этишди. Бўлмаса яна анча йиллар халққа хизмат қилишга қурбим етарди... Ҳалиям, шукрки, билими, тажрибаси бор одам кўчада қолмас экан, мана, неча йилки, – қўлини кўксига қўйган собиқ қози қисик кўзлари баттар қисилганча, биров

арпасини хом ўргандай ўшшайиб ўтирган бозорқўмга эҳтиром ила ним эгилди, — акамизнинг шарофати билан бозорчада оддийгина ҳуқуқшунос сифатида ризкимизни териб еб юрибмиз. Минг катла шукр. Шундай буюк калбли инсонларнинг бориға шукр.

“Буюк калбли инсон”нинг бир туки ҳам килт этмаганига, ҳатто йўлига мактовни рад этиб қўймаганига караганда, бундай хушомадларни кўп эшитган, эшита-вериб, эти ҳам ўлиб бўлган.

— Ўшандан кейин, — дея гапида давом этди Раҳбаров, — ўшандан кейин, хафа бўлманг-у, Давронжон акажон, сизга ўхшаган зиёлилардан анча-мунчаси худди мен еб, улар қуруқ қолгандай менга олайиб қарайдиган бўлишди. Ваҳоланки, аслини олганда мен ўша ҳукм билан жамиятга, давлатга жуда катта фойда келтирдим, Давронжон акажон, жуда катта фойда! Ҳатто бунинг учун менга орден беришсаям арзирди!

Ҳалидан буён бир қоп ғалла учун шунча йилга камалиб кетган шўрликни ўйлаб, ичида собиқ козини ёмон кўриб ўтирган Даврон беихтиёр:

— Йўғ-э, — деб юборди.

— Ҳа-да! — ҳовлиқди собиқ кози. — Атай текшириб кўрдим, менинг ҳукмимдан кейинги беш йил ичида наинки “Зийнат” жамоа хўжалигидан, балки ён-атрофдаги хўжаликлардан ҳам бирон фукаро, эътибор беринг, бирон фукаро дон ўғирлашга бормаган! Бор-ма-ган! Хўш, нима учун?

— Қўрқишгандир-да, — тахмин қилди режиссёр.

— Бу иккинчи сабаб. Биринчи сабаб хўжаликлар аҳли ҳар қандай жинойт учун жазонинг муқаррарлигини, жинойтнинг катта-кичиги бўлмаслигини тушуниб етганида. Онгли равишда тушуниб етганида!

— Кўз олдиларида жонли мисол турганидан кейин, албатта тушуниб етишади-да...

Раҳбаров баттар жўшди:

– Пичинг қилманг, Давронжон акажон, пичинг қилманг! Ундан кўра очик тан олинг: мен ғалаба қилдим! Мен, якка ўзим, битта ҳукм билан катта ҳудуддаги ўғирликни таг-туғи билан, илдизи билан йўқ қилдим. Мен шунга эришдим! Тўғри, каттиққўллик қилдим, аммо бундан бошқа иложим йўқ эди, ярани ҳам кесиб даволайдилар, акажон, кўз ёши тўкиб эмас. Мен ҳам сизлар сингари ўша бандага ачинсам, кўшилишиб хўнграб ўтирсам, суд залидан озод қилиб юборсам бўларди. Аммо мен бундай қилмадим, чунки бу билан ўша яранинг газак олишига сабабчи бўлардим, маълум маънода бўлғуси ўғриларнинг шеригига айланардим! Мен, қайтариб айтаман, якка ўзим, кўксимни қалқон қилиб жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдек бурчимга содиқ қолдим!

Давроннинг тили кичиди:

– Ниманинг эвазига?

Собиқ қозининг кўзлари чакнаб кетди.

– Ҳа, яшанг, мана энди дилингиздаги тилингизга чиқди! Тўғри, қурбонлик келтирилди, лекин бу ўнлаб, юзлаб, балки минглаб қурбонларнинг олдини олди. Аслида шундай-ку, Давронжон акажон, мард бўлиб тан олинг-да! Сизлар бўлса – кўр ҳассага ёпишгандай – мени ёмонотлик қилиш учун фақат иккинчи сабабга ёпишиб олгансизлар. Тўғри, одамлар чўчиб қолишди. Лекин бусиз ҳам мумкин эмас-да. – Раҳбаров столни қарсиллатиб урди: – Жамиятда шундай тушунчалар борки, улар фуқаро миясига фақат кўркув орқали, мажбурлаб киритилади, бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Қўрқмаган одам – хавфли одам. Қўрққан одам – қонунга итоат қиладиган одам. Мана асл ҳақиқат!.. Бунга эътироз билдириб кўринг-чи...

Режиссёр қаршисида ўзининг мутлақо ҳақлигига юз фоиз ишониб турган Раҳбаровга эътироз билдириш фойдасиз эканлигини англаб, минғирлаб қўя қолди:

– Бу масалада ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор...

Собиқ кози кизгин эътироз билдирди:

– Асло бундай эмас! Ҳақиқат битта ва у мен томонда!

Шундан кейин яна нима дейиш мумкин? Даврон ҳам тилини тишлади.

Хонага яна сукунат чўкди. Яна икки жуфт кўз ўзига бақрайиб тикилиб турганини кўрган Даврон бу ўхшовсиз томошага барҳам беришга қарор қилиб, ўрнидан кўзғалиб қўйди:

– Раҳмат, акалар. Энди рухсатларингиз билан биз турсак.

Режиссёрнинг назарида раҳбар билан ҳуқуқшунос кўз уриштириб олишгандай бўлди, аммо қўлларини кенг ёйганча ўрнидан турган Раҳбаровнинг гап оҳанги самимий эди:

– Давронжон акажон! Бу нима деганингиз? Бир баҳонаи сабаб кеп копсиз-у, ҳали икки оғиз чакчақлашиб улгурмасимиздан кетаманга тушасизми? Асло ва асло! Ўзбекчилигимиз қайда қолди? Бир пиёлагина чойимизни ичмасингиздан бурун сизга жавоб йўқ, акажон! Айтиб қўяй, шундай кетиб қоладиган бўлсангиз, биз ўзимизни кечирмаймиз!

Даврон чин дилдан қарорини асослашга уринди:

– Раҳмат. Лекин иш... Ҳали монтаж бор, диктор матнини ўқитиш...

– Э, – бепарво қўл силтади собиқ кози, – иш қочиб кетармиди? Керак бўлса Обидали акамнинг ўзларини шу ерга чакирамиз, бўладими? Бир оғиз таклиф қилсак бас, етиб келадилар.

Раҳбарининг исмини эшитган Даврон сесканиб кетди. Қачондан бери Обидали бу ҳуқуқшуноснинг “акаси”га айланиб қолди? Хотиржам тилга олишига қараганда бир балоси борга ўхшайди... Демак, эртароқ кетиш керак. Агар бу баччағарнинг айтгани чин бўлиб, Обидали кириб келсами, тамом, ана кейин кўринг томошани: иш пайтида кўрсатув қаҳрамонлари билан

чойлашиб ўтирган Давроннинг шўрига шўрва тўкилиши аниқ.

Режиссёрнинг безовталаниб қолганини ўзича тундими, Раҳбаров кейинги саволини сал гумонсиратган оҳангда берди:

– Ўзи бу ерга келишингиздан Обидали акамларнинг хабарлари бормиди?

Даврон аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Умуман олганда, у киши бизга умумий раҳбарлик қиладилар... Шу маънода ҳар бир ижодий ходим съёмкага бориш учун у кишидан рухсат олиши шарт эмас...

– Шарт эмас бўлса шарт эмас-да, акажон! – кўтаринки кайфиятда яна кафтларини бир-бирига урди собиқ қози. – Келинг энди, қирқ йилда бир эшак ўйин, дейдилар-ку, бизам бир яйраб ўтирайлик...

Эшик очилиб, Ҳасан-Ҳусанлар егулик-ичимликлар, газаклар тўла икки патнис кўтариб киришганди, хонани иштаҳа қўзғар кабоб иси тутди. Эгизаклар патнисларни столга қўяётган маҳал шишалар шикирлаб кетди. Терлабгина турган хориж ароқларини кўрган Давроннинг пешонасига совуқ тер тошди.

– Мен ростданам кетмасам бўлмайди, ака, – дея ўрнидан туриш асносида энди у бозорқўмга мурожаат қилди.

Жавобни эса яна Раҳбаровдан эшитди:

– Вақти соати етиб, ҳаммамизам кетамиз, шунинг учун шошилишнинг ҳожати йўқ, акажон. Вах-ҳах-ҳа!

Собиқ қози ўзи гапириб ўзи кулди, бозорқўм ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатиб қўймади. Бирдан жиддий тортган собиқ қози режиссёрни аврай бошлади:

– Йигитларингиз қўшни хонада. Келинг, ҳеч бўлмаса ўшаларнинг бир пиёла чойни ҳалоллаб ичишига, аниқроғи заказ сомса еб олишига халакит бермайлик, акажон. Ундан кейин, қайси ўзбекнинг уйига келган қўноқ ҳеч бўлмаса бир бурда нон емасдан кетади, а? Где мусулмончилик?

Даврон ноилож жойига қайтиб ўтирди. Шунини кутиб тургандай бозорқўм ўрнидан турди:

– Қўл ювиб келай...

– Бемалол, – дея раҳбарига изн берди ҳуқуқшунос.
– Биз бу ерда акамиз билан бошлаб турамиз. Сиз кейин етиб оласиз.

– Хўп, – дея тўнғиллаб қўйди кабинетдан чиқаётган маҳал бозорқўм.

Шунда Даврон кўрди: чинданам раҳбар калтабақай эди, кўпчиб турган қорни уни баттар пастак кўрсатарди, баайни полдан ўсиб чиққан мавжудот...

Раҳбаров шошиб чой қайтарди, нон ушатди, бир пиёла чой узатди, тинмай “олинг-олинг”лаб манзират қилиш асносида шишалардан бирига қўл чўзганди, Даврон уни тўхтатди.

– Ишдаман, ака.

Бу залворли дастак собик қозини ажаблантирди:

– Нима қипти? Бизам давлат ишида ишлаганмиз, лекин бу зормандани ҳеч хафа қилдириб қўймасдик.

– Энди бизда талаб бошқачарок...

Ҳуқуқшунос яна бепарво қўл силтади:

– Талабни ким қўяди? Обидали акамми? Ё, бир оғиз айтиб қўяйми?

– Шарт эмас! – жон ҳолатда эътироз билдирди Раҳбаровнинг оқ қайишига осилган телефон ғилофига қўл чўзаётганини кўрган Даврон.

– Зоримиз бор, зўримиз йўқ, укажон. Унда, мана, ка-бобга қаранг. Рухсатингиз билан, Давронжон акажон, – ҳуқуқшунос шишага ишора қилди, – ўзимга озгина, а, йигирма грамм...

– Э, сиз бемалол, ака, менга қараманг.

– Раҳмат-э. Сиз борсиз – биз бормиз-да...

Собик қози негадир иккита қадахга тўлдириб арок қуйди ва бирин-кетин иккаласини ҳам “оқ” қилиб ич-гач, кўзлари ёшланганча “оҳ-оҳ”лаб газакка ёпишди ва ногоҳ, чапиллатиб сабзи чайнашдан тўхтади-да, ре-

жиссёрга бир култур хам ичмаган одамдай ўта жиддий, хаттоки синовчан тикилди:

– Давронжон акажон, биз кап-катта одамлармиз, “сичқон-мушук” ўйини бизга тўғри келмайди. Келинг, эркакча гаплашиб оламиз. Ваъда бераман, гап шу ерда қолади, кўчага чиқмайди.

Даврон энди қўлига олган сихни ликопчага қайтариб қўйиб, ҳуқуқшуносга ажабланиб қаради:

– Тушунмадим.

– Кабинетда камера йўқ, текшириб кўришингиз мумкин, – атрофга аланглади Раҳбаров. – Йўқ. Овозингизни ёзиб ҳам олмаяпман. Ишонмасангиз, телефонимни ўзингизга бериб қўяман. Буларни айтаётганимнинг сабаби, бизга тўла ишонсангиз бўлади. Биз ўз гапига жавоб берадиган одамлармиз. Сиздан биттагина ўтинчимиз: ҳақиқатни айтинг.

Давроннинг назарида собиқ кози қандайдир ўйин ўйнаётгандай эди, ҳозир имо-ишораларга тўла, сирли гапларини тугатади-да, “Аҳа, боладимми!” дея “вах-хаҳ-ха”лаб кулиб юборади. Режиссёр ўзини бу масхарабозликка қўшилгандай тутди:

– Яъни, ака?

Раҳбаров овозини пасайтирди:

– Яъни бизга ўша одамнинг отини айтсангиз етарли.

– Қайси одамнинг?

– Буюртмачининг.

– Қайси буюртмачининг?

Меҳмон ўзини майна қилаётганидан озор чеккан мезбондай, ҳуқуқшуноснинг юзи қайғули тус олди:

– Давронжон акажон, ўзингиздан катта одамни аҳмоқ қилиш яхши эмас.

– Лекин мен ростданам кимни айтаётганингизни билмаяпман, ака. Қанақа буюртмачи? У нимани менга буюртма қилган? Бундай тушунтириб гапиринг-да, Раҳбаров ака.

Ҳуқуқшунос илжайди:

– Мен ўйлагандан кўра анча айёр экансиз... Ҳа, майли, очик савдога ўтамиз. У қанча бермокчи? Биз икки баробар тўлаймиз.

Режиссёр ўзи ҳазил-хузил деб ўйлаган нарса жиддийлашиб бораётганлигини тахмин қилиб, хушёр тортди:

– Ростини айтсам, ака, нима деяётганингизни уму-ман англамадим. Лекин барибир яхши ўтирдик. Энди турсам. Меҳмондорчилик учун раҳмат.

Раҳбаров меҳмонга синчков тикилди:

– Демак, айтмайсиз?

Ғазабдан Давроннинг “дод” деб юборишига бир баҳя қолди:

– Нимани айтишим керак эди?

Мезбон “ўйин”ни бошидан бошлади:

– Буюртмачини.

Калта-калта нафас ола бошлаган, бўйин томири ўқлоғдай бўртиб чикқан Даврон бир амаллаб ўзини босди, сўнг, иложи борица хотиржамлик билан гапиришга уринди:

– Энди... энди кетсам дегандим.

Хукукшунос эшик томонга қаради, худди шуни кутиб тургандай, эшик сассиз очилди ва хонага семиз ғозга ўхшаб лапанглаб кириб келган бозорқўм қўлидаги жажжи телефон апаратини режиссёрга тутди:

– Сўрашяпти.

Бир пайтлар “унинг магнит тўлкинлари касалликлар манбаи... мия функцияларини ишдан чиқаради” деб ўқигани учунми, ўзи сира қўл телефони олиб юрмайдиган, уйдаям ундан фойдаланмайдиган Даврон хайрон бўлиб аппаратни қўлига олди, кулоғига яқинлаштирди:

– Эшитаман.

У тарафдан... Обидалининг дарғазаб овози эшитилди:

– Даврон?!

– Ҳа, мен... – дея олди негадир юраги увишиб кетган режиссёр.

– Пишириб кўйибдими сизга у ерда? Нега ўзбошим-чалик қилиб, ҳар жойга бурнингизни сукаверасиз, а? Ё нима, мени кўмиб келганмисиз?

– Йўғ-э...

– Бўлмаса бир оғиз рухсат сўрасангиз, нима, ўлиб коласизми? Менам бу ерда пашша кўриб ўтирмагандирман, қаерга бориш, қаерга бормаслик кераклигини билсам керак...

– Обидали ака, – тушунтиришга уринди Даврон, – мен шунчаки бозорни съёмка қилдириб кетмоқчийдим, холос.

– Нега?

– Кўрсатувга-да. Матн ўқиладганида...

Обидали жаҳл билан унинг гапини бўлди:

– Бошқа бозор куриб қолганмиди сенларга? Тагла-рингга машина бериб қўйган бўлсам...

Бозорқўмнинг Обидалига яқинлигини тахмин қилган Даврон ҳаммасини бошидан тушунтирмоқчи бўлди, яъники бу бозор студияга энг яқин бўлгани учун танланди, ижодий гуруҳда ҳам, шахсан ўзида ҳам бошқа мақсад йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо улгуролмади.

– Энди ўзингиз пиширган ошни ўзингиз ичинг! – бўқирди Обидали. – Узр сўранг, дискни беринг, энг муҳими, ҳеч кимни хафа қилмасдан, ишхонамизнинг обрўсини туширмасдан чиқиб кетинг. Кейин олдимга келиб, тушунтириш хати ёзиб берасиз: ким сизни у ёққа юборди ва нима мақсадда? Уриб беришингиз учун қанча ваъда қилишди?.. Тамом!

Обидали гўшакни “так” этказиб қўйди ҳамки, Даврон гарангсиган аҳволда телефонни қулоғига тутиб тураверди. Илло у бир нарсани сира англаб етмаётганди: кимдан узр сўраши керак, қайси гуноҳи учун? У ўзи нима нотўғри иш қилди? Айби кўрсатув чиройли чиксин дея қуйиб-пишиб ишлаётганими? Йўқса зарил-

миди унга шу ёшида иссиқда терга кўмилиб лўкиллаб юриш...

Бозорқўм анчайин такаллуфсизлик билан телефон аппаратини Давроннинг кўлидан олди ва индамасдан чиқиб кетди. Дарди дунёси қоронғи режиссёр номаълум нуқтага тикилиб қолаверди.

Собиқ қози оҳиста йўталди. Ана шунда... ана шунда куппа-кундузи тухматга қолган Давроннинг ичида бир ғалаён уйғониб кела бошлади: бу нима деган гап ахир, қачон, қай маҳал бировнинг буюртмаси билан кўрсатув тайёрлабди; қачон, қимми “уриб берибди”; қачон, қимдан бу хизмати учун ҳақ, яъни пора олибди?.. Тўғри, телевидение катта даргоҳ, элчилик дегандай, Даврон шунақанги учар ҳамкасблари ҳақида бир-икки эшитгани бор, аммо Худо шохид, мана, неча йилдан бери ишлаб келяпти, бирон марта бировнинг кўлига қарамаган, бировдан бир сўм олмаган. Тан олади, суратга туширишга чиққан маҳаллари гуруҳи билан бир пиёла чой ичган жойлари бор, акс ҳолда мезбонлар астойдил хафа бўлиб қолишарди, аммо... аммо бировнинг ногорасига ўйнамаган, оиласига ҳаром пул егизмаган... Ё раб, қаммиди ўзи аввалги йилнинг фожиаси, энди бошига бундай тухмат тошларини ёғдиришдан муродлари не буларнинг? Устига-устак, айбловнинг нақадар мантиқсизлиги шундоқкина кўриниб турибди-ку: бозорлар макталган кўрсатув учун манзилсиз намоёиш этилади-ган бозорга келиб, таъмагирлик қиладими...

Кўз олди қоронғилашиб кетаётган Давроннинг юраги ҳаприқиб, кўксига сиғмай қолаётгандек эди. У оғзини қаппа-қаппа очиб, оғир нафас олар, вужудидаги титрокни сира тўхтатолмасди.

Ҳукушунос ҳаммасини тушунгандай ачиниб бош чайқаб қўйди ва ҳали-ҳамон терлабгина турган, сув томчилари кўз ёшлари каби оқаётган шишага ишора қилди.

– Қу...қуйинг-э! – деб юборди Даврон.

Раҳбаров одатига кўра иккита кадаҳни тўлдириб куйди ва уларни режиссёрнинг олдида сурди.

...Биринчи кадаҳ томоқдан бошлаб ичакларни ловуллашиб ўтиб кетган бўлса, иккинчи кадаҳ миясидан то оёғининг учига қадар жимирлатиб юборди. Таъмиям ғалатиروق... Бир ярим йилдан буён ичмай юрган Даврон тили қарахтлашаётганини сезди.

– Раҳбаров ака... узр... биз билмасдан... эгаси бор худудга келиб қолибмиз... Айб биздан ўтди. Дискни олиб қолишларинг мумкин. Узр... Энди бизга жавоб.

Режиссёрга масхаромуз қараб турган ҳуқуқшунос сўради:

– Бўлдимми?

– Агар бу етмаса, шахсан бозорқўмингиздан ҳам узр сўрашим мумкин.

– Шарт эмас. Фақат эслатиб қўймоқчийдимки, хўжайин сиздан узр эмас, исм-фамилия талаб қилганди.

Даврон негадир бунақа талаб бўлганлигини эслоллади:

– Қанақа исм? Қанақа фамилия?

Ҳуқуқшунос сўзларни дона-дона қилиб такрорлади:

– Буюртмачининг исм-фамилияси.

– Э-эй, яна шу магзава гапми? – тутақиб кетди Даврон. – Бўлди-да энди. Ҳаммангиз тентак-пентак бўлмагансизларми мабодо?

Раҳбаров илжайди:

– Худди шу гапни ўзингизга нисбатан ишлатиб кўрсангиз яхши бўларди, акажон. Чунки сиз ишингиз, келажагингиз, обрўйингиз – ҳамма-ҳаммасидан бир буюртмачининг уч-тўрт тангасини авло кўряпсиз.

Давроннинг кўзларига қон тўлди:

– Ўзимни ўзим сўйиб ташласам, гапим чинлигига ишонасизларми, а?

Ҳуқуқшунос пинак бузмади:

– Харакири сизнинг айбдор эканлигингизни билвосита исботлайди, холос.

Шу сўзларни айтгач, Рахбаров янги шишани очди, яна иккита кадахга тўлдириб қуйди, бу сафар бирини ўзи олди, иккинчисини меҳмон томон сурди.

– Қани, олдик, ака.

Даврон бош чайқади:

– Менга етади. Ҳали ишга боришим, раҳбаримга тушунтириш хати ёзиб беришим керак.

– Ўзингиз биласиз. Майли, ака, кетишингиз олди-дан охириги марта сўрайман: ким у?

– Уф-ф... – Режиссёр яроқ излагандай атрофга аланглади. – Ўзимни ўлдиришим айбдорлигимни билвосита исботласа, яхшиси, сизни бўғизлаб қўя қолай.

Ҳуқуқшунос яна пинак бузмади:

– Бу айбдорлигингизни бевосита исботлайди.

Режиссёр уф тортди:

– Унда ўзим билан бирга битта бомба олиб келсам яхши бўларкан. Бевосита, билвосита деб ўтирмасдан, биратўла...

Рахбаров бош ирғади:

– Бу яхши фикр, аммо энди иложи йўқ-да. Хуллас, Давронжон акажон, ҳаётда шунақанги ғалати вазиятлар бўладики, унда сизнинг айбдор ёки айбдор эмаслигининг уч пуллик аҳамияти қолмайди: жавоб беришингиз шарт! Бошқа йўл йўқ!

Режиссёр ҳуқуқшуносна ўқрайиб қаради:

– Мени кўрkitмоқчимисиз?

– Асло ва асло, акажон! Мен ўзингиз тушиб қолган вазиятни тушунтиришга уриняпман, холос.

– Мен ҳеч қанақанги вазиятга тушиб қолганим йўқ, ишимни ҳалол бажаряпман. Ўзларингизнинг айбларингиз бор бўлса керакки, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, элдан бурун ваҳима кўтариб, оёқларингиз қалтираяпти.

– Ана энди тилингиз ечиляпти. Тўғри, айбимиз бор, бунни яширмайман. Аммо яна бир нарсани унутманг, кадрли Давронжон акажон, биз кунлик патта тушумининг эллик фоизини ўзимизда қолдираётган бўлсак,

ўша сизга буюртма берганлар камида саксон фоизи-
ни олиб қолишяпти. Бу бир. Иккинчидан, ўтган йилги
ёнгин, дўконларнинг қайта сотилишига келсак...

– Буларнинг менга қизиғи йўқ!

– Шунақами? Бўпти, бўлмаса асосий гапга ўтамиз.
Уларнинг асл мақсади бир амаллаб бизнинг хўжайинни
ишдан бўшатиб, бу бозорниям эгаллаб олиш. Ана ун-
дан кейин уларнинг айтгани айтган, дегани деган бўла-
ди, окиб келиб ётган пулни ўзлари бўлишиб олавери-
шади. Энди кимларнинг ногорасига ўйнаётганингизни
тушунгандирсиз?

– Эътиборингиз учун, Рахбаров ака, мен ўйинчи
эмасман, режиссёрман.

– Унда нега ходимларимизга “Бизга ҳаммаси маъ-
лум, йигитлар”, деб дўк урдингиз. Нархингизни ошир-
моқчи бўлгансиз, тўғрими? Шундай бўлгач, энди очик
айтинг-да баҳойингизни, нозга бало борми?

Ҳазабдан қалтираб кетган Даврон эгизаклардан би-
рига шундай деганини эслагандай бўлди, аммо...

– Ахир... мен... ҳазиллашгандим, – дея олди у ниҳоят.

Хукукшунос афсусланиб бош чайқади.

– Бунақа масалаларда ҳазиллашилмайди, бунақа ма-
салаларда тагдор ишора қилинади... Гапнинг бўлари,
жонингизга жабр қилманг, акажон. Барибир бир ўзин-
гиз қоласиз, орқангизда яшириниб турганлар тиркираб
қочиб қолишади, ҳатто сиз билан танишлигини тан
олмай туриб олишади. Яна бир гап. – Рахбаров бо-
зорқўмнинг бўш курсисига ишора қилди: – Бунақалар
бир излашга киришмасин, киришса, топмай қўймайди.
Чунки ҳаётнинг қонуни шунақа ўзи, акажон: излаган
– топади-да; ҳатто у аслида йўқ бўлган тақдирдаям.
Тўғриси, бизники ҳолва, бунақалар майдалашиб, учга,
бешга қўпайтириб ўтиришмайди, бирдан оч биқинин-
гизга ғарчиллатиб пичоқ санчиб, камига бураб-бураб
олишади... Бунақалардан қочиб қутулиб ҳам бўлмайди,
ҳатто вилоятдан қўчиб кетсангиз ҳам топиб олишади.

Ҳалиги, айтишади-ку, ерга кирсанг кулоғингдан, осмонга учсанг оёғингдан...

Давроннинг жони бўғзига келди:

– Бўлдида-эй, ака! Ҳадеб бир пластинкани айлантираверасизми? Гапларингиз мана бу еримга келди... Бўпти, мен кетдим. Омин...

– Майли, қарорингиз шу бўлса, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Фақат омин айтишга шошмай тулинг. Хўжайинни чакирай, сизга бесўроқ рухсат берворсам гап эшитиб қоламан, ахир.

– Унда чакиринг тез!

– Шесть секунд, акажон!

Ажабки, ҳуқуқшуноснинг гап-сўзида ачиниш оҳанги сезилгандай бўлди, аммо асабий Даврон бунга эътибор бериб ўтирадиган аҳволда эмасди.

Эшик сассиз очилиб, Ҳасан-Ҳусан кўринди. Уларнинг вазоҳат билан кириб келишларидан недир хатарни сезган Даврон учиб ўрнидан турди, бироқ эгизаклар осонлик билан режиссёрни йикитиб, қўл-оёғини нам арқонда боғлашди, ортда пайдо бўлган Раҳбаров тўғридан-тўғри шишадан унинг оғзига ароқ куя бошлади...

Воқеаларнинг кейинги ривожини анчайин чалқаш, уларнинг талқини ҳам шунга яраша бир-биридан кескин фарқ қилади. Бозор маъмуриятида тузилган, маъмурият ходимларидан ташқари бир неча холис гувоҳ, яъни расталарда савдо қиладиган сотувчилар имзолаган баённомада қайд этилишича, ўзини вилоят телевидениесининг режиссёри Даврон Шамсиевман деб таништирган бу кимса аввалига хизмат гувоҳномасини ҳам кўрсатмасдан “Съёмкам бор. Ҳаммангни телевизорга чиқариб, шарманда қиламан, ишдан ҳайдатаман!” деб бакириб-чакирган, ўзини тартибга чакирган ходимларни уят сўзлар билан сўккан, гап орасида “Бизга ҳаммаси маълум! Яхшиликча атаганларингни чиқаравринглар”, деб таҳдид қилган, сўнг, алоҳида кабинетда ўзига алоҳида дастурхон тузашларини буюрган. Таби-

ийки, доимо оммавий ахборот воситаларига, хусусан телевиденига хурмат билан муносабатда бўладиган ходимлар бу талабни ортиғи билан адо этишган. Режиссёр Даврон Шамсиев тўкин дастурхон устида тинмай арок ичган. Терговчиларнинг бахтига кабинетга кузатув камераси ўрнатилган экан, афсуски, Шамсиев тўполон қилган пайти зарар етганми, ёзув унинг ҳуқуқшунос Раҳбаров қаршисида бирйўла икки қадах арокни кетма-кет бўшатаётгани тасвиридан сўнг ўчиб қолган... Хуллас, режиссёр бўкиб қолганича арок симиради, кейин “Ҳаммангни каматиб юбораман!” деб кўркитади, қамоқдан саклаб қолиш учун эса уч минг АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилади. Ана шундан сўнггина тоқатлари тоқ бўлган бечора ходимлар милицияга кўнғироқ қилишга мажбур бўлишган. То милиция ходимлари етиб келгунга қадар эса ҳолислар иштирокида баённома тузилади. Ҳаддан ортиқ кўп ичиб юборганидан бўлса керак, милиция ходимлари етиб келишидан икки-уч дақиқа олдин Даврон Шамсиев оғзидан боди кириб-шоди чикиб сўкиниб турган жойида ҳушидан кетиб йиқилади.

Бироқ дастлабки суриштирув-текширув чоғида вилоят телевидениесининг режиссёри Даврон Шамсиев жамоат жойида амалга оширган безорилик айсбергнинг сувдан чикиб турган юза қисмигина эканлиги аниқланди. Зеро, ҳолислар иштирокида тинтув ўтказилганида ғирт маст, оёғида туролмайдиган Шамсиев шимининг чап чўнтагидан олти юз АҚШ доллари, ўнг чўнтагидан эса салафан халтачага ўралган кукун топилди. Экспертиза текшируви чоғида бу кукуннинг гиёҳванд моддаси эканлиги аниқланди, салафан халтачада ҳамда юз АҚШ доллари купюрасида топилган бармоқ излари ҳам айнан Шамсиевга тегишли эканлиги ўз исботини топди. Тиббий таҳлил эса вилоят телевидениеси режиссёри қони таркибида катта миқдорда алкоголь билан бир қа-

торда гиёҳванд модда унсурлари ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Дастлабки суриштирув-тергов жараёнида, холисларнинг гувоҳликлари ва бозор кузатув камераси ёзувларига кўра, гумондор Даврон Шамсиев бозор ҳудудида ўз шериги, зира сотувчиси никоби остида юрган курьер билан учрашгани, салафан халтачадаги гиёҳванд моддани ундан олгани ҳам аниқланди. Афсуски, дастлабки суриштирув-тергов жараёнида зира сотувчи шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади.

Телевидениеда гап ётармиди. Буюртмачидан “фало-о-он” доллар – микдорни эшитган одамнинг лабига учук тошарди – олган Даврон ака поранинг ярмини, ҳеч бўлмаса ярмининг ярмини, жудаям бўлмаса ярмининг ярмининг ярмини бўлишмагани учун жиғибийрон бўлиб юрган ижодий гуруҳ аъзолари режиссёрнинг гўрига ғишт қалашни бошлашди: “Ҳа, юриши қандайдир ғалати эди.... кўзлари аланг-жаланг эди... бозорга жуда шошди... худди биров билан учрашмоқчидай эди...” ва ҳоказо. Аламзада оператор Музаффар эса режиссёр бозорда ўзидан тезроқ кутулишга уринганига эътибор қаратди: тўғри-да, ортиқча гувоҳнинг нима кераги бор?

Бўлиб ўтган воқеа қаттиқ таъсир қилганми, кон босими ошиб, шифохонага тушиб қолган, у ерда бир неча марта ошқозонини ювдирган бозор ҳуқуқшуноси Раҳбаров порахўр, “шантажчи” режиссёрни бемисл нафрат билан “Жамият илдизига тушган курт” деб атаган ва уни фош этишда ҳам собиқ кози, ҳам фаол фуқаро сифатида ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрлигини билдирган.

Гумондор Даврон Шамсиев тергов изоляторида ҳушига келганидан сўнг ўзига қўйилган айбларнинг ҳаммасини инкор этди, лекин мавжуд далил-исботларни рад этадиган бирон далолат келтиролмади. Аксинча, “уюшган гуруҳ... буюртмачини аниқлашмоқчи бўлишди... менга ичиришди... киссамга солиб қўйишган...”

каби пойинтар-сойинтар сўзлар, асоссиз даъволар билан терговчининг шубҳасини баттар оширди. Натижада терговчи гумондорни тиббий экспертизага йўллади. Экспертиза гумондорнинг рухий ҳолати мўътадил эмас, балки бунга бир ярим йил олдин оиласида рўй берган фожиа сабабдир, деган ҳулосага келди. Гумондорнинг ишхонасидан ҳам “У кейинги пайтлари, айникса бундан бир ярим йилча бурун ўн бир яшар ёлғиз кизини машина босиб кетганидан сўнг асабий, сиркаси сув кўтармайдиган жанжалкаш бўлиб қолганди” кабилидаги тавсифнома олгач, терговчи ҳаммасини тушунгандай бўлди ва Даврон Шамсиевни мажбурий даволашга юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Аввал даволаниб келаверсин-чи, суд кейин...

(2016 йил)

“ҲАЛИЯМ ЁШ... ҲАЛИЯМ ЧИРОЙЛИ...”

Хизматга туҳмат ёмон; буни бошидан ўтказган яхши билади. Ўзбековуллик Карим муаллимнинг кенжатоғи Икром пойтахтда кимё фани бўйича мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган билимлар беллашувида катнашиб, бир олам таассуротлар билан тўлиб-тошиб қайтиб келдию, ўзига хос “ҳисобот” маҳали кутилмаганда наинки фақат бобоси, балки бобосининг энг яқин жўрасининг ҳам ғазабига дучор бўлди-қолди. Ваҳоланки, аввалига ҳеч нарса қувончу ҳаяжон қуёши порлаб турган кайфият осмонига қора булутлар чиқиб, момақалдирок гумбурлашидан, чакинлар чакнашию муздай жала қуйишидан шохидлик бермаётган эди. Билъакс, ҳаммаси рисоладигидай кетаётган эди.

Одатдагидай, иккала жўра новвот чой устида гурунглашибгина ўтиришган эди. Аҳмад бобонинг бир мақтаниб қўйгиси келдими, сафардан эндигина қайтган, ҳали нафасини ростлаб ҳам улгурмаган неварар-

сини хонага чорлади, сўнг намойишкорона ғурур ила – жуда яхши кўриб кетган пайтларидаги одатига кўра “сиз”лаб, албатта – сўрадики:

– Хўш, Икромтой, сўйланг, қай юртларда бўлдингиз, қай зотларни кўрдингиз?

Табиийки, Икромтой деганлари булбулигўё бўлиб “Тошкентга саёҳат” тафсилотлари баёнига тушди. Ҳали ҳаммаси яхши эди, яхши ҳамми, ажойиб эди; бунни юзи ёришиб кетган Аҳмад бобонинг мамнуният ила тинмай бош ирғашию чакнаб турган кўзларидан ҳам илғаса бўларди. Бирок гап орасида бийрон неварга тушмагур:

– ... Ҳа, айтгандай, театрга кираётиб Нафисахонимни кўриб қолдим, – деса бўладими.

Аҳмад бобо аввалига ногўғри эшитдим шекилли, деган хаёлда сал сергакланди, илло, бундай гумонга бориш қулоғи оғирлаша бошлаган қарияларда тез-тез учраб туради; аммо, айна сонияда қандайдир савқи табиийси ила чурвақа невараси айнан ўша номни тилга олганлигини аниқ-тиник туйди: исм қулоқлари тагида акс-садо янглиғ бир неча бор янгради... Бирдан безовталаниб қолган чолнинг юзидаги шоён табассум сўнди, ўзини йиғиштириброк ўтирди, жўрасига қараб, унинг ҳам туйкус жиддий тортганини, ранги сезиларли даражада қорайиб кетганлигини кўрди. Неварасининг бошқа сўзларини эшитмаётган Аҳмад бобо шошиб сўради:

Кимни дединг?

Бундай эътибордан оғзи қулоғига етган Икромтой янада жўшди, ўз қахрамонлигидан ўзи ҳузурланган кўйи тезкор жавоб қайтарди:

– Ўзимизнинг Нафисахонимни-да. Сизларга....

Раҳмат бобо ортиқ чидай олмади, кафтини хонтахтага урди:

– Алдама!

Икромтой ажабланди:

– Нега энди? Кўрдим. Мана, кишлокдошлардан салом айтиб, бирга расмгайм тушдим.

Икромтой сумкасидан сурат чиқариб кўрсатди. Дарҳақиқат, унда Икромтой кимсан машҳур шоиранинг ёнида турарди

Донг қотган қариялар қўллари қалтираб, суратни олишди, унга узок термулиб қолишди. Алоҳа Аҳмад бобо оғир хўрсинди:

– Ҳалиям ёш...

Раҳмат бобо пичирлади:

– Ҳалиям чиройли...

Ажабки, иккала қариянинг ҳам товуши титрарди...

“Қулт” этиб ютиниб олган Раҳмат бобо туйқусдан Икромтойга ёвқараш қилди:

– Ўтрикниям оларкансан-да. Бобонгга тортмапсан лекин. Ахир сен ким-у, Нафисахоним ким! Шундай улуғ шоира келиб-келиб... келиб-келиб сен билан расмга тушадими?

Аҳмад бобо пичинг қилди:

– Одам қуриб қолгандай...

Мактов эшитишга чоғланиб турган Икромтой гарангсиб-каловланиб қолди, кейин ягона исботи – фото-суратга қўлини никтаганча эътироз билдиришга уринди:

– Мана, ўзларингиз кўриб турибсизлар-ку! Бу мен, бу...

Дарҳақиқат, исбот шундайгина чолларнинг кўз олида турарди, моддий. Чўнтагидан кабарик кўзойнагини олиб тақиб, суратга диққат билан қараган Аҳмад бобо ўйлай-ўйлай, ахйири махфий сирнинг тағи етгандай қаноат ила писанда қилди:

– Исбот эмиш... Бу... ҳалиги... компьютерда расмдаги бир одамнинг бошини олиб, бошқага қўйса бўларди дердинг-ку...

– Фотошопми? – гап ўзани қаёққа кетаётганини англамаган Икромтой баттар каловланди. – Фотомонтажми?

Чуқур тин олган Аҳмад бобо хулосасини эълон қилди:

– Буям ўшанақа... шоп...

“Ҳа”, деган туяга мадад. Раҳмат бобо ҳам шу заҳоти
жўрасининг фикрини маъкуллади:

– Қип-қизил ўшанақа...

– Шоп, – жўрасига ёрдамга келди Аҳмад бобо.

– Ўша-да, – барибир нотаниш сўзга тили келиш-
маган Раҳмат бобо мутлақо ўрни бўмаса ҳам негадир
кадим ўзбек мақолинининг бир қисмини орага тикди: –
“Шап-шап” дегунча...

Бунга нима дейиш мумкин энди? Куппа-кундуз
куни бир эмас, икки қария томонидан тухматга қолган,
фотошопчига чиқарилган Икромтой нимадир демокчи
бўлиб, бир неча марта огиз жуфтлади, аммо тилига би-
рон жўяли сўз келвермагач, қўлини силтадию, жажл
билан хонадан чиқди-кетди...

Раҳмат бобо суратни кўзларига яқин олиб келди.

– Қара-я, қара, – гап билан ўртоғини ўйиб олиш им-
кониятини қўлдан бермади Аҳмад бобо. – Қариб, кў-
зинг кетиб қоптими десам, ёшлигингдаям гўр эмасдинг
ўзи. Нафиса бекорга сени “тўрткўз” демасди.

– Ҳечам-да, – жириллаб эътироз билдирди Раҳмат
бобо. – У мени сираям унақа демаган. Буни ғайирлик
килиб ўзинг тўқиб чиқаргансан.

– Сенинг нимангга ғайирлик қилардим? – хужум-
ни давом эттирди Аҳмад бобо. – Мана сен лекин мени
унинг ёнида кўрсанг бўлди, кўзинг чакчайиб, бо-
шингдан тутунинг чиқиб кетарди.

Даҳанаки жанг авжига чиқадигандай эди. Бироқ
туйқус иккала қария худди буйруқ берилгандай бирдан
суратга қарашди ва жим бўлиб қолишди.

Ниҳоят, орадан не фурсат ўтиб Аҳмад бобо маъюс
шивирлади:

– Сенга айтмагандим, жўра... бозор куни бориб,
узоқдан кўриб келдим. Ҳалиям чиройли...

Раҳмат бобо оғир хўрсинди:

– Биламан. Мен чоршанба боргандим. Роса қарадим... узоқдан.... Ҳалиям ёш...

Иккала чол яна машҳур шоиранинг суратига узоқ тикилиб қолишди.

– Биз синфдош бўла туриб, унинг ёнига яқинлашолмай юрсак-у, – ўпкалаб гапирмоқчи бўлган Раҳмат бобонинг ногоҳ ўпкаси тўлди, кўзлари ғилтиллади, – тирранча неваранг бориб...

– Шунини айт... Алам қилади-да...

Ўзини кўлга олишга уринаётган Раҳмат бобо беихтиёр жўрасининг фикрини аниқроқ ифодалади:

– Одам... қизғанаркан...

Аҳмад бобо тиззасига урди:

– Бўлмаса-чи... У ким-у...

Туйкус Раҳмат бобо аста суратга ишора қилди:

– Ҳассаси кўринмаяптими... Қизғиш эди...

Аҳмад бобо маъқуллаб бош ирғади:

– Ёнғоқдан тайёрланган... Анов тирмизак ҳассаниям шоп қилгандир-да...

– Унингдан кутса бўлади...

Яна бир муддат жим ўтиришди. Ҳар икковинингт нигоҳи ўз-ўзидан суратга бориб қоларди.

Ниҳоят Аҳмад бобо хўрсинди:

– Ҳалиям ёш...

Раҳмат бобо бош ирғади:

– Ҳалиям чиройли...

Ой тўлган окшомлари Ўзбековул ўзгача чиройли бўлиб кетади. Борлиқ аввал сутга чайиб олиниб, сўнг ҳарир пардага ўралгандай гўё.... Бироқ бу тун овул кўчаларини бемақсад кезган, сўнг, гупиллаб ураётган юраклари кўкрак қафасларига сиғмай қолгач, “хай-ё-хуйт” деганча кенг далага бош олиб чиқиб кетган икки қизғанчиқ қария нечукдир ҳеч нарсани, хаттоки

атроф-жавонибнинг фусункор хуснини илғамаётган кўзларидаги армон ёшларини бир-бирларидан яширганларича ора-сира “Ҳалиям ёш... Ҳалиям чиройли...” деб шивирлаб қўйишар, бу дил розларининг кимга тегишли эканлигини эса фақатг ўзлари билардилар...

(2017 йил)

ОСМОН ОҒУШИ

Адирда ўтлаб юрган молларга Аваз қараб турадиган бўлгач, болалар чувиллаб тепаликка кўтарилишди.

Собир белига боғланган арконни ечиб, сарғайган майсалар устига узун қилиб ташлади. Колганлар мана шу ўзига хос старт чизиғига юмалатиб келинган трактор балонлари ичига кўзойнакли Усмон билан Эралининг жойлашиб олишига кўмаклашишди.

Собир бир кўлини юкорига кўтариб буйруқ берди:

– Диккат! Кўзни юмиш йўқ. Бир, икки, уч, етти... Кетди!

Балонлар куч билан қуйига юмалатиб юборилгач, болалар бақир-чақир билан уларнинг ортидан чопишди.

Йўлидаги дўнгчаларга, тошларга урилиб, сакраётган балонларнинг тезлиги тобора ошиб борарди. Уларнинг ичида ғужанак бўлиб кетаётган, кўз олдиларида еру осмон шиддат билан айланаётган Усмон билан Эралига ҳавас қилиб бўлмасди.

Ниҳоят балонлар ялангликка тушиб келгач, тезлиги пасайди, чайқалиб, майсалар устига кулади. Уларнинг ичидан Усмон билан Эрали гандираклаб чиқиб келишди. Бироқ ҳали синов тугамаган эди. Собир арконни яна ерга ташлади:

– Етти кадам. Тўғри ўтган ютади. Бошладик!

Турган ўрнида чайқалиб кетаётган Усмон арконни босиб юра бошлади, Эрали унга эргашиди. Болалар ғала-ғовур билан далда беришарди:

– Бўл!.. Оз колди, Усмон!.. Олдинга қара, Эрали!..

Арконнинг ярмига етганда Усмон гандираклаб, бир томонга сурилиб кетди, оёғи чалишиб, ерга ўтириб колди. Болалар афсусланиб ғувранишди:

– Эх-х... Етай дегандинг-а!..

Эрали кийналиб бўлса ҳам тўғри юришда давом этди. Нафаси ичига тушиб кетган болалар энди унга диққат билан қараб туришарди. Ахийри Эрали арконнинг охирига етиб келди, хансираб, чуқур нафас олгач, энгашиб, кўллари тиззасига тиради. Болаларнинг шодон хайкриклари янгради:

– Қойил!.. Дорбоз бўлиб кет-э!

Жахлдан ранги кўкариб кетган Усмон жўрабошига им коққанди, буни тушунган Собир дархол кўлини кўтарди.

– Жим! Ҳали ўйин тугамади! Бу биринчи тур эди.

– Қанақасига? – хайрон бўлиб сўради Турсун.

– Шунақасига! Иккинчи тур Ажинакўприкда!

Буни эшитган Эралининг сесканиб кетганини зимдан кузатиб турган Усмон мамнун бўлиб, ўрнидан турди.

– Майли, кетдик эмаса.

Эрали довдираб қолди:

– Йўқ... мен бормайман. Биз... биз бунга келишмагандик.

Собир ўз билганида туриб олди:

– Келишгандик. Қулоқни тозалаб юриш керак, жўра!

Эрали атрофга ночор аланглади:

– Мен... молга қарашим керак.

Усмон адирда таёкка суяниб ўтирган болакайга қараб кичқирди:

– Аваз!

Аваз кафтини соябон қилиб шу тарафга ўгирилди:

– Нима дейсиз?

– Яна бир соат қараб турсанг “кола”га қўшиб иккита морозний ҳам обераман.

Аваз хурсанд бўлиб жойида ирғишлади:

– Қоғозга ўралганиданми?

– Ўралганидан.

– Бўпти!

Собир Эралига каради:

– Мана, масала ҳал бўлди. Энди борасан, а?

Эсанкираб колган Эрали зўр бериб жўялирок сабаб кидирарди:

– Э, йўк... мен... халиги...

– Сўкишда қочиш бўлмайди, жўра, мард бўлсанг охиригача туриб бер, – насихатомуз оҳангга ўтган жўрабоши тўсатдан болаларга кескин буйруқ берди. – Олдик!

Навбатдаги мусобақа завқини ўйлаб ҳаяжонга тушган болалар жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатишга уринаётган Эралини тоғ томонга судраклаб олиб кетишди.

Бир замонлар, аниқроғи бундан ярим асрча мукаддам ҳашар йўли билан тоғ ёнбағридаги кенг ва чуқур жарлик устига ёғоч-тахталардан омонат осма кўприк қурилган. Вакт ўтиши билан ёғочлари чириб, арконлари қуруқшаб-мўртлаша бошлаган кўприк ҳар Йилбошида оқсоқоллар раҳбарлигида амал-тақал таъмирлаб қўйиларди. Бироқ ўн беш йилча бўлиб қолди, беш-олти қақирим пастга замонавий темир-бетон кўприк қурилдию, бунисига эҳтиёж қолмади. Тубсиз жар устида лопиллаб қолган, тахта-ёғочларини ўт-ўсимлик босган, шамол эсган маҳаллари ожизона ғийқиллаб қўядиган кўприк катталарга болаларни кўрқитиш воситаси бўлиб қолди: “У томонга борма, ажиналар бор... Ажина йиғлаб қақиради-да, кейин сени алдаб олиб кетиб қолади...” ва ҳоказо. Алал-оқибат унут кўприк шу ваҳимали гап-сўзларга мутаносиб тарзда “Ажинакўприк” деб атала бошланди.

Мана шу кўприк ёнида гердайдган Усмон билан ранги қув ўчган Эралини қолдирган болалар икки-уч қадам ортга чекинишди.

– Диккат! – эълон қилди Собир. – У бошига биринчи бўлиб бориб келган ютади! Бир, икки, уч, етди... Кетди!

Усмон биринчи кадамини кўйган палладаёк кўприк вахимали лопиллаб кетди. У эҳтиёткорлик билан юришда давом этаркан, ортига ўгирилиб, Эралига мазахомуз қаради:

– Марҳамат, ўрток!

Кўзлари олайиб, пешонасига совук тер тошган Эрали ноилож кўприкка кадам кўйганини кўрган Усмон атай чайкалиб кетгандай бўлиб, кўприкни қаттиқрок лопиллатди. Қўркаётганини сездирмасликка уринган кўйи иккинчи, кейин учинчи кадамини босган Эрали беихтиёр куйига қарадию, тубсиз жарни кўриб, боши айланиб кетди.

Турсунали қўлларини кўвача қилиб бакирди:

– Жўра, пастга карама! Қарама пастга...

Эрали шошиб бошини кўтариб ўзига ҳамон мазахомуз тикилиб турган ракибини кўргач, омонат кўприк четидаги арқондан маҳкам ушлаганча юришда давом этди.

Кадамини тезлаштирган Усмон Эрали масофанинг ярмига етганида кўприкни янада қаттиқрок лопиллатиб юборди. Йиқилиб тушишига бир баҳя қолган Эрали жон ҳолатда чўккалаб ўтириб қолди, арқонга ёпишиб, даҳшат оғушида куйига қаради.

Болалар чувиллашди:

– Ютқазди!.. Ютқазди!.. Тур!.. Пастга карама...

Эрали ўрнидан туришга уринди, аммо оёқлари қалтираб, буни эпполмади. Бу орада жарнинг нариги лабига бориб қайтаётган Усмон унинг ёнида тўхтаб, энгашди-да, нафрат ва ғазаб билан, тишлари орасидан шивирлади:

– Агар яна бир марта Нафисанинг олдида кўрсам, ўлигинг шу ерда қолади! – Шу таҳдиддан кейин у жилмайиб, қўлини узатди, баланд овозда сўради: – Ёрдамлашворайми, ўрток?

Эрали қўлини чўзган маҳал Усмоннинг кескин ҳаракати боис кўприк яна лопиллади. Усмон дарҳол кў-

лини тортиб олиб, атрофга аланглади ва ваҳима билан эълон қилди:

– Ёғочлари чириб кетибди. Икки кишини кўтаролмайди-ёв.

Усмон чаққонлик билан Эралининг ёнидан сирғалиб ўтди ва болаларнинг шовкинли далдалари остида илдам юриб кўприк бошига, жойларида сакраб “Ура!” деб бакираётган болалар ёнига келди.

Собир Усмоннинг кўлини баланд кўтарди:

– Усмон ютди!

Болалар жўр бўлишди:

– Усмон ютди!.. Ютди!.. – Кимлардир мағлуб томонни мазахлашга ўтди: – Эрали – қиз бола! Қиз бола!..

Собир кўлини кўтариб, ҳаммани жим қилди:

– Қизларни ҳақорат қилманглар! Мен аниқ биламан, бу кўприкдан қизларам бемалол ўтади! Иккита отни кўтаради бу...

Турсунали жаҳл билан жўрабошининг гапини бўлди:

– Бўлдида-эй энди! – Сўнг Эралига ўгирилди: – Эрали, қайт энди.

Собир мағлубнинг устидан кулишда давом этди:

– Ё ёрдамлашворайликми, жўра?

Эрали аранг жавоб қайтара олди:

– Йўқ... ўзим...

Усмон кўзойнагини тўғрилаб олиб, баланд овозда эълон қилди:

– Мендан ҳаммага морожний! Иккитадан!

– Уре-е-е!.. Кетдик!

Болалар Усмон бошчилигида пастга чопишди. Ёлғиз ўзи кўприк ўртасида қолган Эрали шунча қарамайман деса ҳам барибир тубсиз жардан нигоҳини узолмас, нимадир, иродасидан, онг-шууридан ҳам кучлироқ бир куч уни пастга чорлаётгандек, авраб-имлаётгандек, мудҳиш хотирани кўз ўнгида намоён қилаётгандек эди.

Ўшанда куз эди. Намозшом палла ота-бола тўйдан кайтишди. Тоғ ёнбағрига яқинлашганлари маҳал изғирин шамол эсиб, кўкда момоқалдирик гумбурлади. Қашқа хуркиб кетди. Ғани ака жиловни тортиб, уни тинчлантиришга уринди:

– Ҳа, жонивор-а... Ўзи шу тўйга оёғим тортмаганди-я...

Тўсатдан жала қуйиб берди. Ота-бола бирпасда ивиб кетишди. Тишлари такиллаётган Эрали базўр гапира олди:

– Оз қолди, ота.

Ғани ака тоққа томонга ташвишланиб қараб қўйди:

– Ишқилиб, кўчки-пўчки кеп қолмасин-да... Йўлни кесиб чиқмасак бўлмайдиганга ўхшайди, улим.

Чакмоқ чакдию, унинг бир лахзалик ёруғида тоғдан шиддат билан тушиб келаётган қора кўчки кўринди. Ғани ака ваҳимага тушиб:

– Эрали, маҳкам ушла! – дея бақирганча отига қамчи босди: – Чу! Чу, жонивор!..

Эрали отасининг белидан қучоқлаб олди. Қашқа сирпанчиқ йўлда елиб кетди. Навбатдаги чакмоқ ёруғида кўчки анча яқинлашиб қолгани кўринди. То бетон кўприкка қадар етиб боролмасликлари равшан эди.

– Ажинакўприкдан ўтамиз! – деган қарорга келди Ғани ака. – Мени маҳкам ушла!

Эрали:

– Ота! – дейишга улгурди, холос. Ғани ака Қашқани кўприк томон қайириб, қамчи урди.

От Ажинакўприкка етиб келган маҳал бирдан тўхтаб, аянчли кишнади, иккала оёғини юқорига кўтарди. Ғани ака Қашқани бош-кўзи аралаш аёвсиз қамчилайверди:

– Чу! Чу дейман!

Бу зарбаларга чидай олмаган от ўзини Ажинакўприкка отдию, лопиллаётган осма кўприкдан тойиб-суриниб ўтаётди, нариги қирғоққа етай деган маҳал мун-

киб кетди. Ҳалиям Ғани ака Қашқадан учиб кетгудай бўлган Эралини жон-жаҳди билан ушлаб қолди. От гавдасининг бир қисми пастга, тубсиз жарга осилди.

Эрали чинқириб юборди:

– Ота!

– Ҳозир, болам, ҳозир. Қўркма! Факат сен қўркма!..

Ғани ака Қашқанинг гавдаси тобора жар томон силжиб бораётганлигини кўриб-сезиб турарди. Шу боис ота жон алпозда Эралининг билагидан чангаллаб, улоқни ракибидан тортиб олгандай ўрнидан юлкиб олди ва қирғокка қараб отди:

– Ё пирим!..

Эрали лой қирғокка учиб келиб тушди. Бирок бу ҳаракат отнинг гавдаси янада кўпроқ жар томонга осилишига сабаб бўлди. Ғани ака оёғини узангидан чиқармоқчи бўлди, аммо иккинчи оёғини Қашқанинг гавдаси босиб қолганлигини кўриб уриниши бенаф эканлигини сезд.

Ғани ака момақалди роғу чакмоқ овозларини босгудай бўлиб бақирди:

– Қоч, болам! Қирғок ўпирилиб кетади! Қоч...

Қашқа гавдасини тутиб туrolмади: тубсиз жарга кулади. Отга кўшилиб Ғани ака ҳам пастга учди.

Отанинг тобора сусайиб бораётган овози эшитилди:

– Қоч, болам...

Ногоҳ чакмоқ чакди ва Эрали даҳшат ичида кўзлари олайиб куйига шиддат билан учиб бораётган, аммо ҳамон зўр бериб ўғлини хавфдан қутқаришга уриниб бақираётган отасини аниқ-тиниқ кўрди.

– Ота-а-а!..

Ҳамон осма кўприк ўртасида, қалт-қалт титраганча чўккалаб ўтирган, баайни қандайдир афсун измида тубсиз жардан кўз узолмаётган Эралининг кулоқлари тагида “Ота-а-а!..” деган садо янгради. Ҳатто мана шу садо ҳам ўсмирни жарликнинг тубсиз қаърига, падари ҳузурига қорловчи маккорона оҳанглар бордек эди. Бу

истак, бу хохиш аста-секинлик билан унинг бутун калбини, онгини ўргимчак тўридек эгаллаб кела бошлаган сайин ўзни қуйига отмоқ, ҳаммасидан бир йўла кутулмоқ, ҳаммасига бир йўла қўл силтаб кетмоқ, ҳаммасидан бир йўла мосуво бўлмоқ ва айна пайтда барисига бирданига эришмоқликдек ғайритабиий, эҳтимолки калбнинг қай бир олис пучмоғида, онг остида ғимирлаб қолган, қўрқув-вахимага асосланган аҳд серхосил заминга тушган уруғдек ниш уриб, барг чиқарди, оний сонияларнинг ўзида ҳосил ҳам бера бошлади. Бир кадам ва ҳаттоки кадам ҳам эмас, ўзи жон-жаҳди билан чангаллаб олган чирик арқонни қўйиб юбориб, салгина сурилса бас, жар узра бор-йўғи бир неча лахзалик парвоз ва сўнг ҳаммасидан кутулади... Ҳаммасидан! Ў, бу балким қанчалар манфур истак бўлиб кўринар, аммо унинг макрига, жилосига дош бермоқликнинг ўзи бўладими?.. Ўсмирнинг арқонни маҳкам чангаллаган қўллари ўз-ўзидан бўшаша бошлади ва айна шу лаҳзада қайдандир бошқа бир, хавотирга тўла таниш овоз эшитилгандай бўлди: “Қўркма! Факат сен қўркма!..” Ҳа, бу Ғани чавандознинг овози эди, отасининг овози эди. Ўзининг жонини бериб, унинг жонини қутқарган отасининг овози эди. Овоз тобора кучаярди. “Факат сен қўркма!” Бу тирикликка чорлов эди. Баайни қуёш нурлари қуюқ туманни тарқатиб юборгандай, акашак бўлиб қотиб қолган қўл-оёқларига аста-секин жон бахш этганча жумлаи жаҳонда факат шу хавотирли чорловгина қолди. Овоз кулоқ пардаларни тешиб юборгудай даражага етганида Эрали ортиқ чидай олмади: ҳўнграб йиғлаганча нажоткор кирғок томон эмақларкан, кўз ёшларига ғарқ бўлган қўйи тинмай нола қиларди:

— Ота... отажон...

* * *

Бўйнига дурбин осиб, қўлтиғига альбомини қистириб олган Эрали қишлоқ йўлида тонгги шабадада эти

жунжикибгина хаёл суриб кетаётганди, кутилмаганда каршисидан ўроқ тутган синфдоши Нафиса чиқиб қолди. Салом-аликдан сўнг киз одатдаги:

– Йўл бўлсин? – саволини берди.

– Бир жойга борётгандим. Хохласанг, сениям обораман, – шошиб жавоб қайтарди Эрали.

– Қаерга, билсак бўладими?

Эрали аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Айтсам, кизиғи қолмайди-да.

Киз қўлидаги ўроққа ишора қилди:

– Ўт ўриб келишим керак.

– Кейин ўзим ёрдамлашвораман.

– Ҳм-м... – Нафиса бир зум ўйланиб қолди, кейин Эрали қўлтигида тутиб турган альбомга ишора қилди: – Хотира дафтарими?

– Шунга ўхшашроқ, – мужмал жавоб берди Эрали.

– Кўрсатсанг, бораман.

– Кўрсатаман, – ваъда берди Эрали. – Фақат борган еримизда. Юр, Нафис.

– Майли...

Кунботар тарафда, қишлоқ худудидан нарида кичикроқ аэродром жойлашганди. Эрали қизни ўша ёққа бошлади.

Икковлон аэродром чеккасида, тизза бўйи ўт-ўланлар орасига ётиб олиб кичик самолёт билан вертолётларни роса томоша қилишди. Эрали альбомига самолёт расмини чиза бошлади. Қизнинг қўлидан дурбин тушмасди:

– Вуй, зўр экан!

Эрали маъқуллади:

– Зўр, зўр...

Нафиса альбомга қаради:

– Ҳаммасини ўзинг чизганмисан?

– Йўқ, журналлардан олинганлариям бор.

Эрали альбомни варақлаб кўрсатди. Унинг саҳифаларига газета-журналлардан қирқиб олинган самолёт-

лар, вертолётлар фотосуратлари ёпиштирилган. Кўплаб саҳифаларда эса рангли каламлар, бўёқларда чизилган расмлар. Эрали шавқ билан самолётлар ҳақида билганларини гапира бошлади.

Тўсатдан альбом саҳифасига соя тушди. Эрали ажабланиб бошини кўтарди. Эллик ёшлардаги, корни тўнтарилган қозондай семиз, юзи офтобда қорайиб кетган, сочи тақир олинган, кенг шляпа кийган шопмўйлов Фармон фермер ўз кўзларига ишонмаётгандай болаларга очган оғзини ёполмасдан, ажабланиб қарар турарди.

– Ҳой, бу нима қилганларинг, а? – ниҳоят забон битди фермерга. – Куппа-кундузи-я!

Эрали билан Нафиса илкис ўринларидан туришди.

– Уят-пуят борми ўзи сенларда? – Фармон фермер кизнинг ғижим кўйлагига шубҳаланиб қаради. – Роса, а...бир-бирларингни, а...

Эрали тушунтиришга уринди:

– Фармон ака, биз...

– Гапирма-е, бадбахт! – ўшқириб берди фермер. – Ҳаммаси кўриниб турибди-ку. Сен болани танидим, раҳматли Ғани чавандознинг улисан! Бу қилиғингни кўриб, отанг гўрида тик тургандир ўзиям...

– Фармон ака...

– Гапирма, дедим! Гапирма-е! Башарангга совораман! – Эралига мушт ўқталиб кўйган фермер энди Нафиса дикқат билан тикилди. – Сен... сен келбатингдан Солиҳа момонинг неварасига ўхшаб турибсан. Ҳозир тўппа-тўғри момоннинг олдида бораман-да, устларингдан чиқиб қолганимни айтиб бераман... Ўзиям терингга сомон тикар, уятсиз! Шу ёшингда эрсираб қолдингма, а?

Бу гапни эшитиб, юзи ловуллаб кетган Нафиса бир лаҳза каловланиб-анграйиб қолди, кейин ҳўнграб йиғлаб, кафтларини юзига босганча қишлоқ томон чошиб кетди.

Киз ортидан қараб қолган Фармон фермер мамнун ишшайди:

– Қўрқиб кетди. Айби бор-да, айби. – У Эралига ўгирилди. – Қани, Ғани жўрамнинг ули, гапир-чи, пана-панада шуйтиб юрибсан экан-да, а?

– Фармон ака...

– Гапирма, дедим! Гапирма-е! Оғзингни очсанг совораман! Ҳозир туври милисага бораман-да, барисини айтиб бераман. Кейин нима бўлади? – Фермер бармоқларини панжара қилиб кўрсатди. – Туври мана бу ерга опкетишади! У ерда сенга ўхшаганларни нима қилишларини эшитганмиз, ҳа, эшитганмиз.

– Биз ахир...

Аммо фермер Эралини оғиз очгани кўймасди:

– Ўчир овозингни-е! – У майсалар устида ётган дурбинни кўлига олди. – Бу нима, видеога оладиганми?

– Йўк. Бинокль. Дурбин.

– Ҳа. Биламиз, биламиз. – Фармон фермер дурбинни кўзига яқин олиб бориб, қишлоқ томонга қаради. – Ҳали чопиб кетяпти бу энағар. Ёмон абжир эканда бунинг, а? Момомнинг олдига ўзим бормасам бўлмайди барибир. Билиб қўйсин қўйнида илон асраётганини.

– Фармон ака. Илтимос...

Фермер дурбинни бўйнига осиб олди:

– Буни жиянларинг ўйнар.

– Олаверинг...

Фармон фермер яна ўшқирди:

– Шу билан қутулмоқчимисан хали? Сен бола бу ёкка юр-чи...

Фармон фермер шоша-пиша альбом, ўрокни кўлига олган Эралини ғалла даласига бошлаб кетди. Дарвоқе, Эрали эслади: аэродромга туташ дала шу кишига қарашли эди.

Икки томонида дарахтлар бўй чўзган бетон нов бўйида дала шийпони жойлашган. Шийпон ёнида чала қурилиш: афтидан, алоҳида ошхона қурилмоқда.

Фармон фермер Эралини тупроқ уюлган хандак ёнига бошлаб келиб, аввал бўш пакирларга, сўнг бетон новга ишора килди:

– Сувни анов ердан ташийсан. Лойни шундай кориб ташлаки, хамирдай юмшок бўлсин. Ушлаган пайтинг, хи-хи-хи, киз боланинг чочидай майин бўлсин. Тушундинг, а? Ўзим текшириб кўраман.

Эрали тупроқ уюмига каради. Эх-хе... Аммо на илож.

– Бўпти, – деди у шимининг почасини қайириб, кўйлагини ечаркан.

Фермер писанда қилиб қўйди:

– Ҳалиям отангнинг хурматига индамадим, бола... Бу яхшилигимни унутмассан...

* * *

Шу билан Эрали ярим кечаси уйга бурнидан тортса йиқилгудай ахволда, котиб қолган белини ушлаганча букчайиб кириб келди.

Она-бола кўрпа кавиб ўтиришган экан. “Тик” этса эшикка караётган Ойгул хола сал енгил нафас олди:

– Вой, бормисан, болам? Куни билан қаёқда эдинг?

Эрали аранг гапира олди:

– Фармон ака... ҳашарга чакирганди. Гувала куйишдим. Шунга...

Бармоғига игна санчиб олиб, аламини кимдан олишни билмай турган Гулзода тутаб кетди:

– Калланг ишлайдими сенинг? Ҳашар эмиш! Бу ёқда шунча иш турган пайти-я?! Сигирам оч қолиб, куни билан мўъради...

Ойгул хола қизининг гапини бўлди:

– Қорнинг очми, болам?

Гулзода баттар тутакди:

– Ойи, ўйлаб гапиряпсизми? Ҳашарга борган одам канакасига оч бўлади? Заказ сомса билан ошни кўрган-дан кейин уйниям эсдан чиқарган-да бунингиз. Далада

юрган мой ютади, уйда юрган қон ютади ўзи... – Ҳовли четидаги молхонага туташ усти ёпиқ айвонга боғланган ориқ ола сигир аянчли мўъради, унга бузоқчаси жўр бўлди. Гулзода шу тарафга ишора қилди: – Кўрдингми? Шуларнинг уволи тутади сени...

Опасининг ҳали узок жаврашини тушуниб турган Эрали шошиб орага гап қўшди:

– Мен ҳозир, опа. Икки боғ ўриб қўйгандим. Эсимдан чикибди. Югуриб бориб олиб келаман.

Эрали кўлидаги Нафисанинг ўроғи билан қайтиб кетаркан, дераза раҳида турган нон бўлагини сездирмасдан олиб, чўнтагига солди. Ҳарна-да.

Ойгул хола ўғлига ачиниб қаради:

– Бир кун минг кун бўлмас, болам. Эртан боқиб келарсан.

Асабий Гулзода ойисини гап билан қайириб ташлади:

– Сиз ҳадеб эркатойингизнинг ёнини олаверманг! Оч сигир сутдан қолади... Бор, Эрали, оркангга қайрилмасдан кетавер. Овқатинг ҳам бироз ҳазм бўлади...

* * *

Барибир бу “темир қанот”ларнинг бошқача меҳригиёси бор-да. Уларни кузатмаслик, улардан хайратланмаслик мумкин эмас. Ҳаётда битта игнани сувга ташласанг, чўкади-кетади. Бу ерда эса тонна-тонна темир ҳеч зўриқмасдан, укпар мисоли ҳавога кўтарилади, булутлар бағрида сайр этади. Мўъжиза эмасми бу? Инсон ақл-заковати чўпчакни ҳақиқатга айлантиришининг исботи эмасми бу?.. Шуларни бошқараётган одамларнинг ҳам армони бормикан?..

Эрали аэродром чеккасида, тизза бўйи ўт-ўланлар орасида ётиб олганча самолёт-вертолётларни ҳавас билан томоша қиларкан, альбомига уларнинг расмини чиқишга уринади.

Аэродром биқинидаги ғалла даласига якин жойда яланг ўтлоққа арқонлаб қўйилган сигири бир силтанганида қозик ердан суғурилганинию, сигир ғалла даласига шошганини машғулотиға берилиб кетган Эрали кўрмай-сезмай қолди. Аммо тасодифлар занжири бугун ўсмирга қарши ишлаётганди. Кун иссиқлигига қарамасдан қора костюм-шим кийган, энли бўйинбоғ таққан вакил қора хизмат машинасининг орт ўриндиғида чанг ва терга ботиб келаётган маҳали буғдойга тушган сигирни кўриб қолди-ку! Вакилнинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бўлди. Бу нима деган гап ахир?

– Тўхтат-чи.

Машина тўхтади. Вакил шошмасдан машинадан тушиб, чўнтагидан ёндафтарча билан ручкасини чиқарди. Бу иссиқда дала бошига вакилдан бошқа ким ҳам келарди? Машхур машинани кўрган захоти Фармон фермер дала шийпонидан оёғини кўлига олиб чопиб келди. Юзидан дувиллаб тер қуйилаётган, ҳарсиллаб нафас олаётган фермер иккала кўлини кўксига қўйганча, ним эгилди:

– Асса...

Вакил далага ишора қилди:

– Сеникими?

Фермер вакил кўрсатган томонга қаради ва буғдой ичида бемалол юрган сигирни кўриб, жиноят устида кўлга тушгандай типирчилаб қолди:

– Йўк-йўк, ўлипманми энди, уполномочен акажон. Бу...

Вакил яна фермернинг гапини бўлди:

– Қайси валлломатники бўлсаям гўштга топшириб юбор! Кечқурун лично ўзимга доложит киласан!

Фармон фермер янаям эгилди:

– Хўп бўлади, уполномочен акажон!.. Келинг, бир пиёла...

Фермернинг гапи учинчи марта кескин бўлинди:

– Бу қайси контур?

– Етмиш иккинчи, уполномочен акажон...

Вакил дафтарчасига ниманидир қайд этиб қўйгач, машинага ўтирди, кудратини намоиш қилмоқчидай эшикни қарсиллатиб ёпди. Машина куюк чанг кўтарганча юриб кетди.

Машина анча узоклашгандан сўнггина эгик қаддини ростлаган Фармон фермер тишлари ғижирлаб, атрофга аланглади. Шундоққина тупрок йўл ёнида худди буюртма қилингандай каттагина сўйил ётарди. Фермер сўйилни азот кўтарганча сигирга отилди.

– Ҳа, ҳаром котгур!

Самолёт-вертолётларни кўзлари ёниб томоша қилаётган Эралининг қулоғига ногоҳ сигирнинг аянчли мўрагани эшитилгандай бўлди. У учиб ўрнидан туриб, шу тарафга ўгирилди.

Дала бошида сўйил билан унинг сигирининг бикинига қарсиллатиб уриб, шийпон томон ҳайдаб кетаётган Фармон фермер кўринди. Гап нимадалигини тушуниб, юраги орқасига тортиб кетган Эрали шу томонга отилди.

Эрали қулочини кенг ёйганча Фармон фермернинг йўлини тўсиб, ялиниб-ёлворишга тушди:

– Жон ака! Фармон ака! Билмай қопман! Хаёлим кетиб қопти. Жон ака, қайтариб беринг сигиримизни. Ўла-ўлгунимча хизматингизни қиламан!

Фармон фермер оғзидан тупук сачратиб бўқирди:

– Сен аҳмоқни деб Тошкентдан келган текширувчининг хатига тушдим! Ўтга тушдим, бола, ўтга тушдим! Еримни оп қўйса нима қиламан?! Ҳўкимат у, оғзининг бир ели: олади-қўяди! Еримга кўз олайтириб, менга тиш қайраб юрган қанча! Атаганини кимга берарини билмай юрган қанча! Шуни тушунасанми, сен эси-паст?! Мен мисқоллаб йиккан обрўни ботмонлаб сочдинг-ку, тентак!..

– Жон ака! Мени тириклай ўлдирманг! Беринг қайтариб... Жон ака! Айтган ишингизни қиламан... Қайтаринг сигиримни...

Фармон фермер бош бармоғини иккала бармоғи орасига тикиб кўрсатди:

– Мана сенга сигир! Нима, кечкурунги нарядда ўзимни топшираманми гўштга?..

Фармон фермер сигирни ҳайдаб кетаётганини кўрган Эрали жон алпозда арқонига ёпишди. Ғазаби кўзиб турган фермер сўйил билан унинг елкасига туширади. Эрали “вой” деганча елкасини чангаллаб букчайдию, тупрок йўлга “гурс” этиб ўтириб қолди. У жон алпозда ўрнидан туришга уринди, аммо оёқлари унга бўйсунмасди.

Эрали тиззалаб бўлса ҳам фермерга етиб олишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди:

– Жон ака... жон ака... Ундан кўра мени ўлдириб кетинг, жон ака... жон ака...

Фермер тезликда узоқлашиб борарди. Эрали ногоҳ тизза бўйи тупрокка “гуп” этиб қулади ва алам билан бошига муштлаганча хўнграб йиғлаб юборди:

– Ота... отажон...

Қоронғулик тушган маҳал ариқда оқаётган лойқа сувга юз-қўлини чайиб олган Эрали уйга судралиб кириб келди. Ҳовлидаги супада ёнига сут челақни қўйиб ўтирган Ойгул хола ўрнидан туриб, челақни қўлига олди. Эралини таниди чоғи, ҳовли четидаги бузқоча шодон маъради.

– Чарчамадингми, болам? – меҳрибонлик билан сўради Ойгул хола.

– ...

Ойгул хола бир ўғлига, бир дарвозага қаради, сигир негадир кўриनावермасди.

– Говмиш қани, болам?

Эрали бош эгди. Ичкаридан чиқиб келган Гулзода укасини гап билан ўйиб олди:

– Гапир, тилингни ичингга ютганмисан?

Чекинишга бошқа қўл қўймаган эди. Эрали очигини тан олди:

– Бугдойига... тушган экан... Фармон ака... Фармон ака гўштга... топширди...

Ойгул холанинг қўлидан пакир тушиб кетди, даранглаган овозни Гулзоданинг чинқириғи босди:

– А?

Бу ёмон зарба эди. Телбавор аҳволга тушган, гапиролмасдан, негадир тинмай бош чайкаётган Гулзода пакирни ердан олиб укасининг устига ақлдан озган калхатдай бостириб келди-да, пакир билан Эралининг бошига туширди. Пакир яна даранглаб кетди. Шундан кейингина энтикиб нафас олган, ранги кўкариб кетган опага забон битди:

– Фармон биттаю битта сигиримизни гўштга топширса, сен индамай туравердингми, гўрсўхта? Ҳеч бўлмаса ош-катиғимизга шу яраб турибди, демадингми?

Эрали индамай бош эгиб турарди. Ваҳимадан адоий тамом бўлган Гулзоданинг бутун вужуди титрарди.

– Индамагансан! Чунки айб ўзингдан ўтган. Молга карамагансан! Ўйнаб юргансан! Чўмилгансан! Тўғрими? Тўғрими деяпман сенга?

Эрали яна индамади.

– Гапир, гапир деяпман сенга! Сигир кани? Кани сигир?

Гулзода бу сафар жон аччиғида пакир билан Эралининг бошига урди. Каттик урди. Ўғлига жони ачиган Ойгул хола изиллаб йиғлаб келиб кизининг қўлига ёпишди, уни маҳкам кучоклаб олди:

– Қўй! Ўлдириб кўясан укангни!

Гулзода жунунваш киёфада фарёд чекди:

– Ўлдираман! У аввал бошлаб бизни ўлдирди. Энди уни ўлдираман!

Гулзода шу ҳолида онасининг кучоғидан чикди ва бўш пакирни даранглатиб укасининг дуч келган жойига ура кетди.

Эрали чидаб туrolмади – хўнграб йиғлаганча тиз чўкиб, бош эгди:

– Уринг! Ўлдилинг мени, опа! Мен айбдорман! Мен... мен... факат мен... уринг мени, опа... уринг... ўлдилинг...

Туйкус Гулзода пакирни отиб юборганча, бўзлаб йиғлаётган укасини маҳкам кучиб олди. Опанинг кўзларидан ҳам шашкатор ёш оқарди. Болаларининг бошида карахт аҳволда туриб қолган Ойгул хола, ожизона маъраётган бузoқча бу манзарага янада алам, умидсизлик ва чорасизлик бағишлаётгандай эди...

Тун бўйи мижжа қоқмай чиққан Эрали тонг сахарда Ажинакўприкка ёлғиз келди. У кўприкка шахт билан қадам қўйгач, беихтиёр пастга, тубсиз жарга қаради. Кўз ўнгида ёмғирли тун, момокалдирoқ ва чакмоқлар, жар тубига оти билан қулаётган отаси пайдо бўлган Эрали яна бир қадам босганди, кўприк қаттиқ лопиллаб кетди. Йигитча жойида туриб қолди, сўнг аста пастга энгашди. Бир лаҳзадан сўнг у жар тубига учадигандек эди гўё...

Ногоҳ тепада ниманингдир овози эшитилгандай бўлди. Эрали бошини кўтариб кўкка қаради. Мовий осмондан самолётлар қарвони ўтмоқда эди. Улар ортида эса пастлаб учаётган вертолётлар.

Эрали бу манзарага лол қараб қолди. Бу недан дарак? Бу ненинг аломати? Наҳот...

* * *

Ҳаёт давом этарди. Яшаш керак эди.

Киши баъзан тасаллига муҳтож бўларкан. Ҳеч бўлмаса ўзинг ўзинга айтадиган тасаллига. Эрали мана шундай йўл тутди: “Сигир гўштга топширилиб кетди, аммо бу охирзамон бўлди, ҳаммаси тугади, деган гап эмас-ку. Яшаш керак...”

Бугдой ўрилди. Режасини ортиғи билан бажарганидан хурсанд бўлиб кетганиданми ёки Ғани чавандоз билан эски жўрачилиги ёдига тушдими, балки гўштга топширилган сигирни эслаб хижолат бўлгандир, хайтовур, ҳеч кутилмаганда Фармон фермер “капсан ҳақи” дея қўярда-қўймай уйга тўрт коп бугдой ташлаб кетди. Унгача Гулзода билан Эрали бугдойи ўрилган даладан уч қанор машоқ териб келишганди. Бунча бугдой билан қишдан чиқиб олса бўлади.

Ишқилиб, ҳаёт давом этарди. Фурсат шу тарзда ўтиб борарди.

Коллежда ўқиш бошланган ҳафтанинг охирида Эрали туман марказига йўл олди. Албатта, опаси билан онасининг қишлоқдошларга кўрпа қавиб, кийим-кечак тикиб бериши эвазига топаётган уч-тўрт сўмини йўлга харжлаш ўзига ўтакетган ноинсофлик бўлиб туюлди. Аммо бормаса ҳам бўлмасди. Ички бир даъват, тушунтириш қийин бўлган ҳавас туйғуси уни сира тинч қўймаётганди.

Муаллимлар тўғри айтишган экан: туман марказидаги болалар ижодиёти саройида бошқа тўғараклар қатори авиамоделчилар тўгараги ҳам ишларкан. Эрали мана шу тўғаракка ёзилиб келди. Машғулотлар ҳафтасига икки марта экан. Эрали чамалаб кўрди: қишлоқдан туман марказигача нари борса ўн беш чақирим келади. Агар қичаб юрса, бемалол икки соатда пиёда босиб ўтса бўлади. Демак, йўлга пул сарфлаш ҳам шарт эмас.

Шу билан Эралининг тўғаракка қатнаши бошланди. Кузда-ку, унчалик билинмаганди, аммо қишга келиб туман марказига пиёда қатнаш анча оғир кечди. Айниқса қаҳратон совуқ бўлганида у бир-икки машғулотга боролмай ҳам қолди.

Ниҳоят кўкламнинг илиқ нафаси келганида Эрали анча енгил тортди. Ҳар қалай, энди бу ёғига чўчимаса ҳам бўлади.

Шундай кунларнинг бирида ўтган тўғарак машғуло-тида Бахриддин ака топшириқни бергач, деразага сун-ганча ташкарига ўйчан тикилиб қолди. Столдаги турли кийқимлардан самолёт моделини йиғиш вазифасини биринчи бўлиб Эрали бажарди. У ўрнидан туриб:

– Бўлди, устоз, – деди.

Деразадан нигоҳини узган Бахриддин ака яқин ке-либ самолёт моделини синчиклаб кўздан кечиргач, мамнун бўлиб Эралининг елкасига қокиб қўйди:

– Баракалла, Ғаниев! – Сўнг моделни қайтариб бер-ди. – Энди буни бир учириб келинг.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Каёққа?

Устоз кулимсиради:

– Ҳозирча шу атрофга.

Эрали моделни бир қўлда баланд кўтарганча само-лётни ҳавода учираётгандек ҳаракатлар билан шошиб хонадан чиқди, йўлак орқали ҳовлига ўтаётган маҳал қарши тарафдаги “Инглиз тили тўғараги” деб ёзилган эшикдан папка қўлтиқлаган Усмон устози билан чиқиб келди.

– Good bye, my teacher! – дея хайрлашди Усмон.

Устоз:

– Good bye, – деди.

Чиқиш эшиги томон юрган Усмон Эралини кўриб қолди.

– Ия, ўртоқ, ўзингмисан?

– Ўзимман, – деди бунақа учрашувни кутмаган Эра-ли ёқтирмасдан.

– Бу ерда нима қилиб адашиб юрибсан? – Усмон аввал ўртоғининг қўлидаги самолёт моделига, кейин эшикка қаради, яқин келиб тахтачадаги лавҳани ўқиди: – “Авиамоделчилар тўғараги”. – У ҳуштак чалиб юбор-ди. – Ўҳ-ҳў! Гап бу ёқда дегин... Авиация... самолёт... осмон... Туя ҳаммомни орзу қилибди-да.

Эрали ўзини синфдошининг пичингини эшитмагандай тутишга ҳаракат қилди:

– Ўзинг нима қилиб юрибсан?

Усмон ҳар бир сўзни таъкидлаб жавоб қайтарди:

– Биз ўз имкониятимизни тўғри ҳисоблаган ҳолда тил ўрганаёпмиз, репетиторга қатнаёпмиз, айримларга ўхшаб осмонга сакрамаяпмиз.

Қовоғи уйилган Эрали йўлакдан ҳовлига чикди, Усмон унга эргашди.

– Жўра, дарсинг тугаган бўлса юр, кетдик, кишлоққа олиб кетаман. – Усмон ҳовлида ўзини кутиб турган “Нексия”га ишора қилди. – Юрдикми? Ё кутиб турайки?

Эрали бош чайқади:

– Мен... ўзим қайтаман.

Усмон кулимсиради:

– Ҳарна автобус пули эконо-ку, жўра.

– Ўзим қайтаман дедим-ку.

– Ихтиёринг. – Усмон машинага яқин борган маҳал ортига ўгирилиб, кўзойнагини тўғрилаб олди: – Сенга бир ақлли гап айтайми? Эмаклаб юрадиганлар ҳеч қачон учолмайдилар. Шунингдан чиқарма!

Усмон орқа ўриндиққа ўтирди, ҳайдовчи моторни ўт олдирди, машина оҳиста юриб кетди. Кайфияти бузилган Эрали машина ортидан термулиб тураркан, кабинет деразасидан устози ўзига қараётганини илғади. Эрали шиддат билан ҳовлини айланиб чопди, ҳолдан тойгунга қадар қўлидаги самолётни гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб ўзича уни учирди...

Кейинги машғулотга келаётгани маҳал Эрали узоқдан истироҳат боғида айланаётган улкан чархпалакни кўриб қолди. Кабиналарда ўтирган болаларнинг шўх кийкириқлари хатто шу ергаям эшитиларди. Бир оз иккиланиб қолгач, Эрали боғ дарвозаси томон юрди.

Ҳа, бу ўша боғ эди. Бундан тўрт йил муккаддам бутун синф болалари Наврўз байрамида туман маркази-

га айлангани келишганида кимнингдир таклифи билан ҳамма чархпалакка чикадиган бўлди. Баландликдан кўрқишини ҳаммадан яшириб юрадиган Эрали сирим ошкор бўлиб қолмасин деган хавотирда баҳона устига баҳона тўқиб ташлаётганини кўрган, бундан шубҳаланган Усмон уни мажбурлаб ёнига ўтказиб олганди. Кейин... нима бўларди, чархпалак тепага кўтарилган сайин пастдан кўз узолмаётган, тутқичга тобора маҳкамрок ёпишиб олаётган Эралининг пешонасига совуқ тер тошиб, кўзлари олая бошлади, оёқ-қўллари қалтиради. Усмонга эса шу керак эди. Ўшандан буён у Эралининг кўзини очирмайди, ҳеч гап тополмай қолса атай Эралига эшиттириб аллақандай “фобия”лар мавзусида ва-лақлай бошлайди...

Ўша боғ, ўша чархпалак. Фикридан қайтиб қолишдан чўчиётган Эрали илдам бориб оҳиста айланиб турган чархпалакнинг дуч келган биринчи кабинасига ўтирди. Унинг қаршисидан ўн яшарлар чамаси иккита болақай жой олишди. Кабина юқорига кўтарилаётган маҳал Эрали ҳар эҳтимолга қарши ўртадаги тутқични маҳкам ушлаб олди. Болақайлар эса хурсанд бўлиб ён-атрофга, пастга аланглашади. Жойида қотиб ўтирган Эрали секин куйига қарай бошлагандаёқ боши айланиб кетди, пешонасига совуқ тер тошди. У кўзлари-ни маҳкам юмиб олди. Болақайлар бир-бирига Эралини кўрсатишиб, пиқирлаб кулишди ҳамки у кўзларини очмади.

– Кап-катта бўлиб баландликдан кўрқаркан, – ўртоғининг қулоғига қаттиқ шивирлади биттаси.

Иккинчиси ҳам шундай жавоб қайтарди:

– Биринчи чиқиши бўлса керак-да...

Изза бўлган Эрали кўзларини очди, ўзини мажбурлаб баланд дарахтларга, осмонга қарамоқчи бўлади, аммо барибир нигоҳи яна пастга қадалди. Юраги оркасига тортиб кетган Эрали кўзларини яна маҳкам юмиб олди, тутқичга жон-жаҳди билан ёпишиб олди. Унинг

ранги ўчганини кўрган болалар яна пикирлаб кулишди. Нихоят улардан бири сўради:

– Мазангиз қочяптими? Дўхтир чакирайликми, ака?

Эрали кўзларини очмасдан бош чайқади:

– Керакмас, мен яхшиман.

Алоха Эралини баттар ваҳимага солган кўйи баланд нуқтада мангуликка қотиб қолгандай туюлган кабина аста-секин пастга тушди. Ранги бўздай оқариб кетган Эрали кабинадан чиқасола ўзини кўчага урди.

* * *

Умидсизликка тушган Эралини ваҳима босди: нахотки бир умр бу лаънати кўрқувдан қутулолмайди. Унда орзулари нима бўлади?..

Дарсдан кейин йигитча ўз-ўзидан Ажинакўприкка келиб қолди. Ҳайтовур, якин-атрофда ҳеч ким йўқ, демак, унинг шармандагарчилигига ҳам ҳеч ким гувоҳ бўлмайди.

Эрали бу сафар эҳтиёткорлик билан бўлса ҳам кўприкда бир неча кадам ташлагач, қандайдир куч измида барибир пастга қаради: одамнинг бошини айланттириб юборадиган тубсиз жар... У шошиб нигоҳини олиб қочди, ўзини мажбурлаб нариги қирғокдан кўз узмаган кўйи олдинга юрди ва шу алфозда кўприк ўртасига етиб келди.

Тўсатдан кўприк даҳшатли даражада қаттиқ лопиллади. Чўчиб кетган Эрали салқи арқонга ёпишганча ортига ўгирилди. Кўприк бошида қўлларини белига тираб олган Усмон турарди.

– Мен сенга Нафисанинг ёнига яқинлашма, деганмидим? Дегандим! Агар яна бир марта олдига борсанг, ўлигинг шу ерда қолади, деганмидим? Дегандим. Шунча гапдан кейинам бугун ликиллаб ёнида юрибсан. Ваъ-

да вафоси билан, жўра. Сен бу қисматни ўзинг ўзингга сотиб олдинг. Кўзингни кузғунлар чўқийди энди!

Усмон жаҳл билан кўприкни тепиб, осма арконларини торта бошлади. Кўприк баттар лопиллади, нари бориб-бери келди. Эрали жон аччиғида ёпишган омонат туткич синиб кетиб, йигитча йиқилиб тушди, оёқлари ҳавода осилиб қолди.

– Қўркасан, а? Қўркасан!.. – бўғилиб бақирарди Усмон. – Сенинг бу ерга келиб, машқ қилиб юрганингни кўрганлар бор. Ўзингча ботир бўлмоқчи бўлгансан-да. Лекин мана, кунлардан бир куни тап этиб қулаб тушдинг-у, жарга учдинг... Палакат-да, палакат... Нимаям қилардик...

Усмон пастга эниб кетди.

Гавдасини тубсиз жар ўзига тортаётган Эралининг тахталарга чангақдай ёпишган қўллари тобора бўшашмоқда эди. Шу пайт осмонда таниш овоз эшитилди. Эрали кўкка каради. Мовий осмонда ёлғиз самолёт.

Эрали бир муддат эмин-эркин учаётган самолётни кузатди. Сўнг тиришиб-тирмашиб гавдасини ўнглагач, ҳансираб нафас олганча бир муддат узала тушиб ётди. Шундан кейин қирғоқ томон эмаклай бошлади...

Тинка-мадори қуриган Эрали кўчасига қайрилган маҳал йўл бошида турган таниш машинани кўрди. Рулда Усмоннинг ўзи эди.

Усмон ўшшайиб унга караб турди-турди, сўнг жаҳл билан калитни буради ва машинасини Эралининг ёнидан катта тезликда, ҳаммаёқни чангга кўмиб ўтди-кетди.

Эрали кейинги машғулот учун баланд чўққини танлади. Аввалига чўққининг тик ёнбағридан қуйига каттарок бир тошни ташлади. Тош узок учди, ахийри унинг пастда бошқа тошга бориб урилгани эшитилди. Эрали ўзи ясаган самолёт моделини қўлига олди ва учаётгандек ҳаракатлар қилиб чўққида уёқдан-буёқка чопаверди, чопаверди.

Эрали туман марказидаги беш қаватли уй ёнидан ўтиб бораётган маҳал томдан қора тутун кўтарилаётганини кўрди. Ишчилар сакич тўшашмоқда экан.

Ана, кексарок ишчи том лабига келиб хотиржам ўтирди. У қоп-қора пақирни ёнига қўйиб, телефонида ким биландир гаплашаётган маҳал қўли тегиб кетди шекилли, пақир пастга тушиб кетди.

Бир ўт-ўланлар орасига “поп” этиб тушган пақирга, бир ишчига қараган Эралининг хаёлига бир ўй келди. У пачақ бўлган пақирни олиб подъезддан юқорига кўтарилди, охириги қаватдаги нарвондан томга чиқди-да, тўғри кекса ишчининг ёнига борди.

– Ҳорманг.

– Бор бўл, болам, – деди телефонини ички чўнтагига жойлаётган ишчи.

Эрали пақирни тутди:

– Бу сизникими?

– Э, бу сабилни ташлаб юборсанг ҳам бўларди. Овора бўпсан-да. Лекин барибир раҳмат.

Эрали пақирни бергач, оҳиста юриб том четига келди, эҳтиёткорлик билан пастга қаради. Уни зимдан кузатиб турган кекса ишчи сарғайган мўйловини силаганча мийиғида илжайиб қўйди. Йигитчанинг ногоҳ чўчиб ўзини четга олганини кўрган ишчи унинг ёнига келди.

– Кўрқинчлими?

Эралининг тан олгиси келмади:

– Сал-пал.

Ишчи худди ҳовлидаги супага ўтиргандай хотиржамлик билан том лабига ўтирди.

– Эр йигит кўркувини енгиши керак. Айниқса, – у юрагига ишора қилди, – мана бу ердагини эмас, – ишчи пешонасига ишора қилди, – мана бу ердагисини.

Эралининг ўзига хайрон бўлиб тикилиб қолганини кўрган кекса ишчи мулойим жилмайиб, дўстона кўз қисиб қўйди.

Эрали сахар палла уйғониб кетди. Уфк энди ёришиб келмоқда эди.

У спорт кийимларини кийиб кўчага чикди-да, тоғ томонга бир маромда чопиб кетди. Бирпасда шудрингдан уст-боши хўл бўлган Эрали соф хаводан тўйиб нафас олганча тепаликка югуриб кўтарилгач, аввал тош отиб машқ қилди, кейин чўккига лабига келиб қуйига, тубсизликка қадалиб тикилиб тураверди.

* * *

Коллеж битирувчиларига тантанали равишда диплом топширилган куни кечкурун уйда андаккина дилхиралик бўлиб ўтди.

Гапни Ойгул хола бошлади:

– Энди қайси фермердан илтимос қилиб кўрамиз, ўғлим? Қайси бири сени ишга олар экан?

Эрали ўйлай-ўйлай, охири кўнглидагини айтди:

– Ойи... мен аввал бир ўқишга уриниб кўрсам дегандим.

Она-ку, индамади, аммо Гулзоданинг жаҳли чикиб кетди:

– Ўқишга? Уйда шунча иш турганда сен ўқиш баҳона қочвормоқчимисан? Айтиб қўяй, ҳозир иссиғида ишга кирсанг кирдинг, кейин сени бирон фермер олмайди.

Ойгул хола ҳам бу фикрга қўшилди:

– Августда далада иш ҳам қолмайди-да, ўғлим.

Укасининг мунғайиб бош эгиб қолганини кўрган Гулзода сал ховуридан тушди:

– Қўй, Эрали. Ўқиш бойнинг боласига ярашади. Биз икки аёл сенинг коллежни битиришингга кўз тикиб ўтирибмиз. Энди оғзимиз ошга етди деганда ўйинбузқлик қилма.

Эрали ялинди:

– Ойи... опа... бир уриниб кўрай.

Гулзода азалдан жаҳли тез киз. Ҳозир ҳам ўзини тутиб туролмай, бақириб берди:

– Ҳов, бола, бўлмайдиган ишга вақтингни кетказиб нима қиласан? Шаҳарга бориб келишнинг ўзи бўлади-ми?! Қадамнинг пул.

Ойгул хола орага тушди:

– Ўзи қайсинисига бормоқчисан, болам?

Эрали оғир тин олди:

– Учувчиликка... Узоқ эмас... Жиззахда ўкитишаркан.

Гулзода яна тутлади:

– Эсинг кетиб қолибди ўзи сен боланинг! Сен қаёқда-ю, учувчилик қаёқда?!

Эрали ўзини оқлашга уринди:

– Нима қипти? Учувчи бўлсам, бир кун келиб сизларни самолётимда олиб юрсам ёмонми?

Гулзода бўш келмади:

– Ўпкангни босиб ол, бола. Осмонга сакрашдан бурун, йикиладиган жойингга ҳам бир қараб қўй.

Ҳовлига сукут чўкди. Ҳамма ўз хаёли билан банд эди.

– Опа... – илтижо қилди Эрали.

– Бормайсан! Сенинг шаҳарда ўйнаб келишингга берадиган бир сўмимиз ҳам йўқ.

Яна сукунат. Ойгул хола аста ўрнидан турди, хонага кириб, тахланган кўрпалар орасидан ниманидир олиб келди.

– Ма, болам. – Онанинг кафтида бир дона энли тилла сирға бор эди. – Биттасини... отангнинг қирқига ишлатгандим. Бунисини сенинг тўйингга деб асраб юргандим... Майли, ўқиш кўнглингда армон бўлиб қолмасин. Буни сот-да...

Гулзода чинқириб юбори:

– Ойи! Барибир киролмайди-ку. Осилган дорини қаранг.

Ойгул хола ўғлига ғурур билан боқиб, жилмайиб кўйди:

– Отасининг боласи-да... Бир уриниб кўрсин, кейин биздан домангир бўлиб юрмайди.

Гулзода барибир ўзини босиб ололмай, тўнғиллади:

– Бунинг пулига тўртта кўзи олсак...

Ойгул хола қўлларини дуога очди:

– Омин, отангнинг руҳи қўлласин сени, болам.

Учовлон кафтларини юзларига сийпашди.

Улар намозшом палла, йўл бўйидаги кекса дарахт тагида, ҳар тарафга олазарак қараганлари кўйи бир неча дақиқага учрашишди. Қиз Тошкентга бораяпти экан. Эралининг ҳам уриниб кўриш ниятида эканлигини эшитган қиз хурсанд бўлди:

– Ишқилиб, ўтиб кетинг.

– Яхши бўларди. – Эрали кўнглидигани айтиб қолишга шошди: – Ўтиб кетсам... биласанми нима қилардим?

– Нима қилардингиз?

Йигит чуқур нафас олди ва сўзларни дона-дона қилиб, худди тантанали ваъда бераётгандай деди:

– Сени ЗАГСга самолётда оборардим.

Хижолатдан иссиғи чиқиб кетган қиз қўл силтади:

– Қўйинг-э...

Чорраҳа томондан шу тарафга яқинлашаётган одам кораси кўринган заҳоти қиз илдам йўлга тушди:

– Майли, мен кетдим. – Кейинги гапини Нафис йўл-йўлакай, аммо йигитга эшиттириб айтди: – Илойим ўтиб кетинг...

Юраги гупиллаб уриб кетган Эрали беихтиёр қиз ортидан талпинди, аммо дарахтга яқинлашиб қолган шарпани илғаб, шу томонда иши бордай қизга тескари тарафга юрди.

* * *

Ҳолва деган билан оғиз чучиб қолмайди, деганларидай, бу билим юртига ўқишга киришнинг ўзи бўлмас

экан. Аввал туман харбий комиссариатида жанговар учувчи бўлишни истаган йигитларни тиббий кўрикда элаб ташлашди. Гох у шифокор текширади, гох буниси. Униси “ўтир” деса, буниси “тур” дейди; униси “гапир” деса, буниси “жим тур” дейди...

Хуллас, силласи куриган Эрали барокамерадан чикиб, кейинги кабинетга ўтганида кекса шифокор бир йигитчани айланма стулда чирпирак айлантирарди. Ниҳоят стулни тўхтатган шифокор йигитчага полга бўр билан чизилган оқ чизикни кўрсатди:

– Шундан юринг.

Жойида гандираклаб кетаётган йигитча бир қадам босар-босмас чайкалиб, бошқа томонга оғиб кетди.

– Уф-ф... Бўлмади... Бораверинг. – Шифокор норози тарзда қоғозга белги қўйди. – Навбатдаги.

Шифокор Эралини ўтказган айланма стулни бир неча дақиқа айлантиргач, тўхтатиб, оқ чизикка ишора қилди:

– Шу линиядан иложи борица узоқлашмай юрингчи.

Эрали чизикни тўппа-тўғри, ҳеч бир қийналмасдан, совукконлик билан босиб ўтгани, шифокор анграйиб қолди.

– Ё тавба... Қани, болам, бери кел-чи. Яна бир синаб кўрсам бўладими?

Эрали елка қисиб қўйди:

– Бўлади.

Шифокор бу гал стулни тезроқ ва узоқроқ айлантирди. Бироқ Эрали яна чизикни хотиржам босиб ўтди. Та-лабгорни гох “сиз”лаб, гох “сен”лаётган шифокор ҳовликиб уни ҳовлига олиб чикди. Бу ерда оддий арғамчи бор эди, холос. Шифокорнинг ишораси билан икки бақувват йигит Эралини арғамчига чиқариб, унинг кўзини боғлашди-да, жуда тез учиришди. Сўнг арғамчини тўхтатиб, Эралини пастга туширишгани, боғични ўзи ечган йигит шифокор кўрсатиб турган чизикни ҳеч нар-

са бўлмагандай бир текис босиб ўтди: балонда юмалай-вериб, пишиб кетган йигит учун бу синов нима деган гап, ахир...

– Яшавор! – кичкириб юборди шифокор. – Ажойиб! Фамилиянг... фамилиянгиз нимаиди?..

Тиббий текширувлар шу билан тугаб қолмади: билим юртида ҳаммаси бошидан бошланди. Навбатдаги машаққатли чиғириқдан ўтганларгина тест имтиҳонлари топширишга киритилди.

Каттагина жомадонини кўтарган Эрали уйга жиддий тарзда, ковоғи уйилган ҳолда кириб келди. Дераздан бўйлаган Ойгул хола ҳовлига чопиб чиқди.

– Келдингми, болам!

Ойгул хола ўғлини кучоклаб кўришди.

– Озиб кетибсан. Роса қийналибсан-ов.

– Йўғ-э... Опам қани?

– Даладайди. – Она ўғлига ачиниб қаради. – Болам, сен хафа бўлма, ҳамма ўқийверса, подани ким боқади. Ўн икки йил ўқидинг, етади...

Ниҳоят Эрали чидай олмасдан, баралла кулиб юборди:

– Ойи, мен ўқишга кирдим! Кирдим!

– А?.. – Ойгул хола аввал эсанкираб-довдиради, сўнг куйилиб келган қувонч ёшларини тиёлмасдан Эралини маҳкам кучоклаб олди, титраб-қақшаб шивирлади: – Минг шукр... минг шукр... Ўзингга шукр...

* * *

Омад бир келса қўшалоқлаб келавераркан: Нафисанинг ўқишга кириб кетганини эшитиб, боши осмонга етгудай қувонган Эрали дарслар бошлангунга қадар Тошкентга бирров бориб келишга улгурди.

Улар Талабалар шаҳарчасида айланиб юришганлари маҳал Нафиса кўп қаватли бинога ишора қилди:

– Ётоқхонамиз. Шу ердан жой беришди.

– Яхши бўпти... – Эрали айтсамми-айтмасамми дегандай бироз иккиланиб тургач, очиғига кўчди: – Нафиса. Бизда интизом сал каттиқроқ.

Нафиса тушунгандай бош ирғади:

– Армия қаторими?

– Шунга яқинроқ, дейишяпти... Шунга... ҳар ҳафта олдингизга келолмасман...

Нафиса тўсатдан пиқирлаб кулиб юборди. Эрали гапидан адашиб, унга ажабланиб қаради.

– Биринчи марта... – ҳамон куларди қиз, – биринчи марта мени “сиз” лаяпсиз. Ғалати эшитиларкан-у, лекин шунинг ўзиёқ талаба бўлишга арзиркан.

Эрали кизариб кетди:

– Ҳа, энди, катта бўлиб колдик.

– Майли, майли... Дарров ўзингизга олаверманг-да. Ўқишми, ўқиш. Телефон бор-ку.

– Бор, бор... Энди сизни ётоқхонангизгача кузатиб қўйсам.

– Йўқ, шу ерда хайрлашамиз. Тағин кечикиб юрманг. – Атрофга аланглаб қўйган қиз худди муҳим сирни айтаёгандай Эрали томон сал энгашиб, паст овозда маълум қилди: – Суриштириб билдим, анави тарафда аэродром бор экан, шундай шаҳардан чиккан жойда.

– Аэродром? – гарангсиб сўради ҳеч нарсани тушунмаган Эрали.

Энди киз дув кизарди. Афтидан, у йигит бир пайтлар берган ваъдасини аллақачон унутган деган ўйга борди, шу сабаб, нокулай аҳволга тушганини яширишга уринган қўйи шоша-пиша:

– Шунчаки... Ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўйгандим-да. Мабодо... мабодо бирон кун самолётда келиб колсангиз... Хайр. Яхши боринг, – деди-да, ётоқхона томон чопиб кетди.

Шундагина ҳамасини тушунган, аламдан пешонасига шапатилай деган Эрали қўлларини оғзига қўвача қилиб қиз ортидан бакирди:

– Келаман, албатта самолётда келаман! Самолётда!..

Йигитнинг назарида ётоқхона эшигидан кираётган маҳал Нафиса ўгирилиб қарагандай, ҳаттоки жилмайиб ҳам қўйгандай туюлди.

* * *

Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртида дарслар бошланди. Ўқув машғулотлари билан жисмоний машқлар узлуксиз алмашиб туради, орада амалиёт: компьютерда самолёт-вертолёт бошқарувини таъминлаш; сал вақт қолса кутубхонага чоп. Булар-ку, майли, чидаса бўлади, аммо ўқув йилининг уч ойи ўтар-ўтмас баланд тепаликка олиб чиқиб, пастга ўқув парашютида сакратишлари ёмон экан.

Мактабдаги аччиқ тажриба ёдидан чикмаган Эрали жон-жаҳди билан бировга сир бериб қўймасликка уринарди. Шу боис баъзан шошқалоқликка йўл қўярди: у тепаликка чикқан захоти куйига қараб қўймаслик учун дарҳол ўзини пастга отар, натижада майор Жўрабоевнинг даккисини эшитарди.

Мана шундай кунларнинг бирида ётоқдаги икки кишилик хонада дарс қилиб ўтирган Эралини навбатчи-посбон чакириб қолди: .

– Ғаниев! Сенга келишибди.

Эрали хайрон бўлди:

– Менга?.. – У учиб ўрнидан туриб, шоша-пиша кийимларини текисларкан, ҳаяжон билан шивирлади: – Ойижон! Опа...

Эрали кириш дарвозаси ёнига учиб борди. Бу ерда одам гавжум эди: якшанба, курсантларни кўргани келишган. Ичкаридан чиқиб келаётган курсантларни яқинлари қучоклаб олишган, сал нарида, дарахтлар тагига тўшалган дастурхонлар томон бошлашган.

Кўзлари чакнаб турган Эрали атрофга аланглади, аммо дарвозага кўз тикиб турганлар орасида онаси ҳам, опаси ҳам кўринмасди. Шу пайт йўлак ёнига қўйилган

кора рангли “Мерседес” машинасидан олифта кийинган, кора кўзойнак таккан Усмон тушиб келди.

– Қалайсан, бўлғуси генерал!

Эрали кучок очиб турган собиқ синфдоши, гуруҳдошига ноилож қўл узатди. Бироқ Усмон барибир уни кучоклаб олди.

– Унака эмас-да энди, ўрток. Ҳар қалай, бегона эмасмиз-ку. Ё ҳарбийлар шунақа дийдаси қаттиқ бўлиб кетишадими?

Эрали аниқ жавобдан ўзини олиб кочди:

– Нега энди...

Усмон қўлидаги бошқарув калити тугмачасини “чик” этказиб босганди, машинанинг юкхонаси оҳиста очилди.

– Қисқаси, тандир-пандир, шашлик. Командирларингга тозасидан ҳам бор. Ҳаммаси сенга, ўрток.

Бунақа сахийликни кутмаган Эрали баттар хайрон қолди:

– Раҳмат-у, лекин бу ерда мумкин эмас.

Усмон бепарво қўл силтади:

– Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, ўрток. Агар ҳозир анави ғўдайиб турган соқчига тўрт сўм қистирсам, нарсаларни ўзи хонангга обориб кўяди...

Эрали катъий туриб олди:

– Ростданам мумкин эмас. Тартиб-қоида шунақа.

Усмон ён берди:

– Бўпти, бўпти. Тартиб-қоида сенга ўхшаган лохларга чиқарилган ўзи. Қисқаси, оғайни, бир маслаҳатли иш чикиб қолди. – У Эралини қўлтиқлаб чеккароққа олиб ўтаркан, одатига кўра йўл-йўлакай кўзойнагини тўғри-лаб қўйди. – Энди гапни аччиқ ичакдай чўзиб ўтирмайман... Битта ақлли гап айтайми? Мен эркин тадбиркорман. Қўлида пул ўйнайдиган ишбилармонман. Мен бировнинг буйруғи билан тонг сахарда ўрнимдан туришни, чопишни, машқ қилишни, ғўдайиб қоровул-

ликда туришни, хожатхона тозалашни ўзимга раво кўрмайман...

Гап ўзани қаяққа кетаётганини тусмол қилган Эрали унга эътироз билдиришга уринди:

– Менга қара...

Усмон дарров шахтидан тушди:

– Бўпти, бўпти, фақат ватанпарварликдан маъруза ўқимай қўя қол. Ўзи шароитингни кўриб турибман. Ҳар якшанба тўрт соатга шаҳарга чиқишга рухсат, шунақами?

– Нима эди?

– Шунақа! Аллақачон сўраб-суриштирганман. Демак, беш йил умринг шу режимда ўтади. Бу ёқда эса гулдай бир қиз сени кутиб сўлиб ўтириши инсофданми? Хоҳлаган пайтинг олдига боролмасанг, хоҳлаганча бирга юролмасанг. Шуям ҳаётми? Қўлингдан келгани “алё... салом... хайр...” Шу, холос. Бир кун келиб генерал бўлганингда эса, ҳаёт аллақачон ўтиб бўлган бўлади.

Жаҳли чиқиб бораётган Эрали ўзини оғирликка солди:

– Тушунмадим.

– Ҳозир тушунасан. Қисқаси, – Усмон кўзойнагини олиб, Эралига тик боқди: – мен Нафисаникига одам юборяпман.

Титраб кетган Эралининг кўзлари қисилди:

– У сенга тегмайди!

Усмон хотиржам эди:

– Тегаси. Бу ерга келганимнинг сабаби, мабодо телефон қилиб қолса, яна минғирлаб ўтирма демоқчиман. Эркакчасига келишиб олайлик. Яна кўзингнинг сувини оқизиб “Сенга ўзим уйланмоқчийдим...” деб ўтирма-я. Биласан, қиз боланинг кўнгли бўш бўлади. Бунинг устига “Йўқолган пичоқнинг сопи олтин” деган гапларам бор...

– У сенга тегмайди дедим! – тишлари орасидан та-
крорлади Эрали.

Усмон очикдан-очик мазахга ўтди:

– Нима, ваъдасини олиб қўйганмисан? Ё ихтиёри
сендами?

Нимадир демокчи бўлган, лекин лаблари титраб, га-
пиролмаган Эрали жаҳл билан қўл силтаганча, дарвоза
томон юрди. Усмон унинг ортидан бакириб қолди:

– Ҳой жинни! Тандир-чи? “Тентак сув”-чи?

Эрали бу гапларни эшитмагандай ичкарига кириб
кетди.

Йигит хонасига чошиб борган заҳоти телефонида
кайта-кайта ўзига ёд бўлиб кетган рақамларни терди.
Аксига олиб телефондан “Абонент хизмат кўрсатиш
доирасидан ташкарида”, деган жавоб келаверди. Эра-
лининг бўлари бўлиб, фиғони фалакка чикиб тургани-
да хонага иккита катта-катта сумка қўтарган навбатчи
терлаб-пишиб кириб келди.

– Ғаниев, сенга берворишди. Ўртоғинг экан. Ҳиди-
ни кара, хидини... Сўлак безларим ишлаб кетди-я...

Навбатчи гапини тугатиб улгурмасидан бурун Эра-
ли шартта сумкаларни унинг қўлидан юлкиб олди-ю,
очик деразадан пастга отиб юборди. Сумкалар асфальт
йўлакка гурсиллаб тушди, шишаларнинг шикирлаб
сингани эшитилди. Ётоқхона ёнидан ўтиб бораётган
майор Жўрабоев тўхтаб, жаҳл билан тепага, иккинчи
кават деразасига қаради.

– Ким бу? Қайси хона? Қирқ иккими?

Энди барибир яшриниб бўлмасди. Тажрибали май-
ор хоналарнинг жойлашишини ёддан биларди. Эрали
деразадан бўйлади.

– Курсант Ғаниев! Ўзимам сиз бўлсангиз керак деб
ўйловдим. Қани, тез бу ёққа тушинг-чи.

Эрали оёғини қўлига олиб югурганча бир дақиқада
майорнинг қаршисида ҳозир бўлди:

– Ўртоқ майор. Биринчи боскич курсанти Ғаниев буйруғингизга биноан...

Майор унинг гапини бўлиб, сумкаларга ишора қилди:

– Аввал мана бу ерни ёғ тушса ялагудай қилиб тозалайсиз, тушунтириш хати ёзиб, менга топширасиз, кейин эса уч суткага гауптвахтага равона бўласиз. Тушунарлими?

– Худди шундай, тушунарли, ўртоқ майор.

– Тушунарли бўлса, бажаринг.

Майор ҳавони хидллаб-хидлаб қўйгач, афсуслангандай бош чайкади-да, йўлида давом этди. Эрали энгашган маҳал бунинг сабабини билгандай бўлди: сумкалардан биридан ароқ сизиб оқмоқда эди.

* * *

Сармоядоррок оилада эркатой бўлиб ўсган, ўзи истаган нарсани доимо қўлга киритиб ўрганган Усмон совчиларнинг иккинчи гал ҳам куруқ қайтишганини эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Қанақасига? Биринчи сафарни-ку, онаси айтганидай, кизи борнинг нози бор, қабилидаги хикматга йўйганди, аммо иккинчиси-чи? Ҳатто “Ёшлар бир учрашиб кўрсин” ҳам дейишмапти. Уялмай-нетмай “Қизимиз кўнмади” дейишибди. Бу... бу унга нисбатан ҳақорат эмасми? Ким бўлибсанки... Ҳе ўша сенга тарбия берганларнинг...

Ҳа, айнан шундай: ким бўлибдики... Бир кўнгли шартта қўл силтаю, кет, дейди; ана, ҳаммаёқ сулувлару барнолар, дарахтни тепсанг камида тўртта маликаи Ҳуснобод ёғилади. Лекин, иккинчи томондан қараса, бу қилиғи билан қиз Усмонни писанд қилмаслигини кўрсатмаяптими? Агар шунақа манманлик килаётган экан, бу ўзига зарар: Усмон жимгина бўйин эгиб кетаверадиғанлардан эмас. Илло, қайси бир муаллим айтганидай, қаршилиқ қаршилиқ туғдиради. Мана энди сен билан бошқача гаплашамиз, яхши қиз!...

Азалдан аён ҳақиқат бу: қасдлашган кўнгилда бадбин режалар патос бойлай бошлайди...

Усмон вилоят марказидаги шоҳбекатга бориб турди. Тошкентдан келиб тўхтаган автобусдан йўловчилар гуриллаб тушишди. Машинасини чеккароқда қолдирган Усмон сумка кўтарган Нафисанинг ёнига борди.

– Яхшимисиз, Нафисахон.

Нафиса йигитни кўриб хижолат чекди:

– Вой, Усмон, ассалому алайкум.

– Ваалайкум. Уйгами?

– Ҳа.

– Опкетай. Менам қишлоққа.

– Раҳмат. – Қиз бўйнини чўзиб, катта йўлга қаради:
– Мен маршрутқада...

Усмон илжайди:

– Майли, жуда қўймасангиз маршрутқа пулини оларман. Ўзи бу ерга синглимни опкетишга келгандим, бир дугонасиникида экан, йўлга чиқиб тураман деди.

– Роҳилами?

– Ҳа. Кетдикми?

Нафиса иккиланиб туриб қолди.

– Ишонмасангиз Роҳила билан гаплашинг, у мени қайрилишда кутиб турибди. – Усмон телефонини узатди: – Номерини терайми?

– Йўғ-э, – хижолат чекди Нафиса. – Роҳила бўлса... майли. Бирга...

– Ҳа-да. Юринг. Манави ёқда аравам...

Нафиса орт ўриндикқа ўтирди. Катта йўлга чиқишгач, Усмон ўриндик ёнидаги термосдан чашкага шарбат қуйиб узатди.

– Марҳамат. Онам ўз қўли билан тайёрлаган. Самарканд гилосидан.

– Раҳмат.

– Аввал ичиб кўринг, раҳматни кейин айтасиз. Чет элликларга бергандим, жинни бўлиб қолишди ўзлари-

ям. “Бунака ширин сокни умримизда ичмаганмиз”, дейишди. Табиий-да.

Нафиса чашкани олиб, шарбатдан хўплади.

– Бемалол “оқ” қилиб ташлайверинг. Қўркманг, спирти йўқ.

Нафиса кулимсираб қўйгач, шарбатни ичди.

– Ростданам ширин экан.

Усмон кўтаринки оҳангда қизнинг гапини маъкуллади:

– Ширин ҳам гапми, асал, асал!

Нафиса минг истихола билан, узр сўраётгандай оҳангда деди:

– Усмон. Роҳила йўклигида айтиб олай. Мендан хафа бўлгандирсиз. Лекин...

Усмон қизни гапиргани қўймади:

– Асли ўзим нотўғри иш қилдим. Аввал олдингиздан бир ўтишим керак эди. Бекорга шунча одамни овора қилиб... Қайтанга ўзим уялиб қолдим... Лекин, эшитишимча, уйдагиларингиз “Шундай одамлардан совчи келди”, деб роса хурсанд бўлишган экан.

Нафиса кулимсиради:

– Сиз уларга эмас, менга одам қўйгансиз шекилли...

– Бу гапингизам тўғри. – Кўзойнагини тўғрилаб қўйган Усмон тезликни пасайтириб, ортига ўгирилди: – Бир ақлли гап айтайми?

– Айтинг. – Жилмайиб турган Нафиса беихтиёр эс-нади, бундан хижолат тортди. – Вой узр.

– Ҳечкиси йўқ.

Йигитнинг яна ўгирилиб йўлга қараб олганини кўрган киз сўради:

– Ақлли гап... айтмоқчи эдингиз.

– Айтаманам! – мамнун илжайди Усмон. – Қўлга келиб қўнган кушни учириб юбориш ё бошқа бировга қўшқўллаб тутиш – ғирт нодоннинг иши.

Ҳеч нарсани тушунмаган Нафиса бўшашиб:

– Яъни... – деди, афтидан, ниманидир аниқлаштирмакчи бўлди, аммо бошқа гапиролмади. Бунинг ўрнига кўзлари сузилиб, боши “шилқ” этиб тушди: киз ухлаб қолганди.

Усмон машинани орқага қайириб олиб, бирдан тезликни оширди:

– Мана шунақа!

* * *

Бир ҳафтача бўлиб қолди, Нафисанинг телефони ўчган. Кўнгил – душман; ҳаёлга нималар келмайди.

Эрали кечки овқатдан кейин кийим-бош ювиладиган хонага қамалиб олиб, рақамларни тераверди, тераверди. Аммо бундан нима наф?..

Эрали шу ҳолатда юраги сиқилиб ўтирганида хонага икки курсант кириб келди. Озғин, нимжонроқ Тоҳир билан хирсдай бақувват Носир деярли ҳамиша бирга юришади. Носирдай танқўриқчисига ишонса керакки, Тоҳир унча-бунча курсантни писанд қилмайди, бемалол осмондан келиб муомала қилаверади. Шунгами кўпчилик уни орқаворатдан “Чиранчик” деб атайди. Аммо Тоҳирнинг калласи балодай ишлайди, айниқса чет тилидан олгани “аъло”. Тоҳир билганларини ҳимоячисига ўргатса керакки, ҳозир ҳам улар ўзаро инглизча ғужурлашишарди. Тоҳир кўйлак-ёқаларни ичкарига ташлаб, махсус жойга кир ювиш кукунидан солгач, тугмачани босган эди, машина автомат ғириллаб ишлаб кетади.

Носир тумтайиб ўтирган Эралидан ҳол сўраган бўлди:

– Тинчликми?

Эрали хушламайгина жавоб қайтарди:

– Тинчлик.

Носир тирғалишини қўймади:

– Ҳозир биз нима деганимизни тушундингми?

– Йўқ.

– Эртага учиш амалиёти дедик.

Тоҳир истехзоли илжайди:

– Шу оддийгина гапларниям тушунмадингми, нодон?

Эрали асабийлашди:

– Сенам менга ўхшаб мактабда тўрт йил немис тили, беш йил француз тили, коллежда уч йил инглиз тили ўқиганингда кўрардим аҳволингни.

Тоҳир мактанди:

– Мен махсус мактабда ўқиганман.

– Шунга чулдираяпсан-да, – бўш келмади Эрали хам.

Тоҳирнинг авзойи бузилди:

– Менга қара, тушунмадим, сен менга дўк уряпсанми?

Эралига барибир эди:

– Тушунганинг.

– Ҳов бола, – Тоҳир Эралига якин келди, сал энгашиб, унинг иягидан тутди: – мен билан ўйнашма, бир урсам нақ кишлоғингга бориб тушасан-а!

Бу чиранчикнинг ўзини қандай уришини тасаввур этиб, кулгиси кистаган Эрали ўрнидан турди:

– Ўзинг бирга бир чиқасанми, – дея у Носирга ишора қилди, – ё телехингни ўртага соласанми?

– Сени ўзим эзиб ташлайман!

Тоҳир ҳезланиб, Эралининг юзига мушт туширмоқчи бўлди, аммо у ўзини чаққонлик билан четга олганди, мушти бўш ҳавога йўлланган чиранчикнинг ўзи мункиб кетди. Бундан фойдаланган Эрали чап қўлда унинг иягига мушт солди. Тоҳир бўш қопдан орқага учиб кетди. Ниҳоят аралашмаса бўлмаслгини тушунган Носир осонлик билан Эралини ўзи томон қайириб олиб, бир уришда уни эшикка қапиштириб ташлади.

Шовкинга навбатчи чопиб келди.

– Нима гап?

Носир кир ювиш машинасига диққат билан қараб турган ҳолда жавоб қайтарди:

– Негадир яхши ишламаяпти. Курсант Ғаниев шуни сизга айтишга бораётиб, тойиб кетди. Шу.

Навбатчи аввал Эралига, сўнг иягини чангаллаб турган Тохирга қаради:

– Курсант Исомиддиновга нима қилди унда?

Носир Тохирга бир қаради, икки қаради, аммо нима дейишни билмасдан пешонасини қашлади.

– Ҳали ёлғон тўкиб улгурмадингизми?

Навбатчининг бу гапига жавобан Носир очикқўнгиллик билан кулиб юборди:

– Тўғриси, улгурмадим. Жуда тез етиб келдингиз-да. – У навбатчининг ёнига борди: – Ўртоқ навбатчи. Эртага ҳақиқий самолётда биринчи учишимиз. Шунга болалар ҳаяжонланишяпти-да. Бўлиб туради. Бошингиздан ўтган-ку...

Носир навбатчини қўлтиклаганча яна нималарнидир гапирган кўйи хонадан олиб чиқиб кетди.

Тохир Эралига ўқрайиб қараб, дўк урди:

– Ҳали кунингни кўрсатаман! Менга қўл кўтарганинга минг пушаймон бўласан!

Аллақачон ўзининг ташвиш-хавотирли ўйларига фарқ бўлган Эрали лоқайд жавоб қайтарди:

– Қўлингдан келганини қилмайсанми!

Дарҳақиқат, бу кун курсантлар учун ўзгача ҳаяжонларга тўла кун эди. Улар эрталабдан ҳарбий машқлар аэродромида йўриқчи-учувчи бошчилигида самолётларда учишга тайёргарлик кўра бошлашди.

Сафни охирги марта кўздан кечириб чикаётган майор Жўрабоев Эралининг бир томони кўкарган юзини кўриб қолди.

– Курсант Ғаниев! Бу яна нимаси?

Эрали дархол жавоб қайтарди:

– Йиқилиб тушдим, ўртоқ майор!

Майор унга шубҳаланиб қаради, аммо гумонини айтиб ўтирмасдан, таъкидлаб сўради:

– Учоласизми ишқилиб?

– Худди шундай, ўртоқ майор, учоламан.

Майор ишонқирамасдан бош чайқаб қўйгач, сафни кўрикдан ўтказишда давом этди.

“Эркин!” буйруғи янграганидан кейин курсантлар хаяжон билан самолётда учиш навбати келишини кутиб, уймалашиб туришди. Шу маҳал Эралининг телефони жиринглаб қолди. У шошиб чўнтагидан аппаратни олдию, экранчадаги “Нафиса” ёзувини кўриб, хаяжон билан чеккароқка чопиб ўтди. Эрали шовқинни босиш учун бакириб гапира бошлади:

– Яхшимисиз, Нафиса... Нега телефонни кўтармайсиз? Юз марта кўнғирок қилдим ўзиям... Алё, эшитяпсизми? Алё... Нафиса...

Самога кўтарилган самолёт узоклашди. Бирдан атрофга жимлик чўкди. Ва мана шу сукунат ичида Нафисанинг пичирлагани аниқ-тиниқ эшитилди:

– Бугун... бугун тўйим...

– А?

Қисқа гудоклар. Кўз олди қоронғилашиб, қалт-қалт титраётган Эрали қайта кўнғирок тугмачасини босди. Телефон ўчган...

Аллақаякдан, узок-узокдан майорнинг овоз кучайтиргичда айтаётгани эълони эшитиларди:

– Курсант Ғаниев!.. Ғаниев! Кармисиз, нима бало? Сизнинг навбатингиз! Ғаниев деяпман!

Эрали бирдан оғирлашиб қолган оёқларини базўр судраб, маст одамдай чайқалган қўйи ҳарбий самолёт ёнига борди, судралиб кабинага чикди, учувчи жойига ўтирди. Унинг ҳаракатларини энсаси қотиб қузатиб турган майор норози тарзда бош чайқади ва рўйхатга ниманидир белгилаб қўйди.

Қулоғи шангиллаётган Эрали минглаб бўлақларга бўлиб ташланган, парча-парча бўлиб кетгандай туюла-

ётган танасини, энг муҳими, пароканда ўйларини бир жойга йиғиб олишга уринаркан, қаршисида ўзига мулойим жилмайиб турган йўриқчи-учувчи Қўлдош акани кўрди. Эллик ёшлардаги, қўй кўзлари кулиб турадиган Қўлдош ака, курсантларнинг меҳрибон устози.

– Ҳаммаси жойидами? – деб сўради йўриқчи-учувчи.

Эрали бир амаллаб жавоб қайтарди:

– Жойида.

– Унда кетдик.

Паррақлар ишга тушди, улар тобора тезроқ айлана бошлади. Ниҳоят йўриқчи самолётни ўрнидан кўзга-тиш рухсатини берди. Самолёт аэродром четига қадар шиддатли тезликда борди ва юқорига кўтарилди.

– Яхши. Биринчи парвоз муборак бўлсин, Ғаниев!

– Раҳмат.

– Давом этамиз...

Парвоз бир маромда кечмоқда. Эрали неча йиллар интиқиб кутган парвоз кувончига қўшилган ногаҳоний айрилик алами унинг қалбини остин-устун қилиб ташлаган эди. Наҳот орзулари саробга айланган бўлса. Наҳотки...

Йўриқчи-учувчининг лукмаси Эралини ўзига келтирди:

– Хаёлинг жойида эмасга ўхшайдими, Ғаниев?

Эрали хўрсинди, беихтиёр тан олди:

– Юрагим куйяпти, Қўлдош ака.

Қўлдош ака жилмайди:

– Ерда дўхтирлар кутиб туришсинми?

– Шарт эмас... – Эрали чуқур нафас олди, пастга, куйида қолган булутлар катламига қаради. – Қизик, тепадан қаралса, булутлар... шудгорланган ерга ёққан корга ўхшаркан, а.

Қўлдош ака бош ирғаб, бу ўхшатишни маъқуллади:

– Шундай.

– Ўртоқ йўрикчи-учувчи. Бошқаришни тўла зим-
мамга олишга рухсат беринг.

Кўлдош ака бир зум ўйланиб қолди, сўнг, йигитнинг
овозидаги ҳазинлик, ғусса таъсир қилдими, бош ирғаб,
ёнидаги тугмачани босди:

– Рухсат.

Нимагадир аҳд қилган Эрали булутлар орасини
ёриб ўтдию, курсни қишлоғи томон олди.

Кўлдош ака беозор тўнғиллаб қўйди:

– Оббо, сенинг юрагингни деб бошимиз балога қол-
масайди ҳали.

Эрали бу гапни эшитмагандай самолётни пастлата-
верди.

Қишлоқдан чиқиб келган тўй машиналари сафида-
ги қора “Мерседес”да келин-куёв ўтирарди. Олдинги
ўриндикда, хайдовчининг ёнида аллақачон кайф бўлиб
қолган куёвжўра Собир.

Тўсатдан тиниқ осмонда пайдо бўлиб, шиддат билан
шу тарафга учиб келган самолёт пастлаб, машиналар
қарвони устидан ўтди. Машинадагилар бақир-чақир ки-
либ ўз қувончларини изҳор қилишга шошишди. Аммо
келинчакнинг ранги оқариб кетди, шошиб орқага ўги-
рилиб, самолёт изидан қараб қолди.

Собир ойнадан бошини чиқариб, шодон қўл силкиди:

– Эҳ-хе-хей!... – У бошини ичкарига олиб, ортга ўги-
рилди, куёв йигитга ҳасад аралаш ҳавас билан қаради.
– Самолётни ўзинг заказ қилдингми, оғайни? Соккаси
канча бўлди? Ё Эрали қарашвордими? Бира тўла бир
эскадрилясини чақирмабсан-да. Осмонда “Усмон плюс
Нафиса” деган ёзувни ёзишарди. Даҳшат бўларди ўзи-
ям!

Усмон бу мактовларнинг ўзига даҳли йўқдек йўл-
дан кўз узмай, миқ этмасдан кетаверди.

Самолёт айланиб, иккинчи бор келганида ваҳима-
ли даражада пастлаб учди. Видеочи камерасида, куёв-

жўралар эса қўл телефонларида жон-жаҳдлари билан самолёт томошасини суратга олишарди.

Самолёт машина қаршисидан учиб ўтаётганида Нафиса кабинада ўтирган Эралини кўрди. Аник кўрди. Йигит ҳам кизга кўз ташлашга улгурди.

Самолёт шиддат билан тепага кўтарилди. Келинчак орт ойнада оппоқ доғ мисоли кўкка термулиб колаверди.

Усмон кўзойнагини тўғрилаб олиб, Нафисага ўғирилди:

– Бир аклли гап айтайми?

Аммо келинчак уни эшитмаётгандек ҳамон мовий кўкдан, узоқлаб, нуктага айланаётган самолётдан кўз узмасди...

Эралининг кўзлари жикка ёш эди.

– Сал босилдими, ўғлим? – меҳрибонлик билан сўради Қўлдош ака.

Эрали бош чайқади.

– Ҳечкиси йўқ, ўзи шунақа бўлади, – уни юпатишга уринди Қўлдош ака. – Яра бир ловуллаб оғриб, кейин тузалади. Ҳар қалай, у энди бировнинг ҳасми. Бахтли бўлсин... Хўш, энди реал ҳаётга қайтайлик.

Йўриқчи-учувчи алокани ишга туширди. Шу захоти майор Жўрабоевнинг фиғони фалакка чикиб бакираётгани эшитилди:

– Йўриқчи-учувчи Жалилов! Жалилов! Жалилов!

– Ўртоқ майор, – айбдорона оҳангда изоҳ берди Қўлдош ака. – Кутилмаганда алоқа узилиб қолди денг. Мана, ҳозиргина тикланди.

– Шунинг учун курсни ўзгартирдингизми? Бу нима ўзбошимчалик? Тез базага қайтинг!

– Хўп бўлади, ўртоқ майор! Алоқа тугади. – Қўлдош ака Эралига қараб жилмайиб қўйди. – Рухсатингиз билан бошқарувни ўз зиммамга оламан, жигит.

Эрали унсиз бош ирғади. Самолёт кескин бурилиш ясаб, аэродром томон учди.

Бир муддат алоқа йўқолган самолётни курсантлар аэродромда шовкин-сурон билан қарши олишиб, экипажни саволларга қўмиб ташлашди: “Нима бўлди?.. Айб каерда экан?.. Қўркмадиларингми?..” Фақат ковоғидан қор ёғаётган майорнинг:

– Бу нима шовкин? Бозорми бу ер сенларга? – деган бакириғидан сўнггина ҳамма жимиб қолди.

Хатто телефонига қараб, бирдан ҳовликиб қолган, энди майорга мурожаат қилмоқчи бўлган Тоҳир ҳам тилини тишлади. Ҳамма ўз жойини эгаллади ва машғулот давом эттирилди.

Албатта, бу масала шундай қолиб кетиши мумкин эмас эди. Майор Жўрабоев ҳам амалдаги тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда машғулотлар тугаб, билим юртига қайтишган заҳоти муассаса раҳбари полковник Расуловга мурожаат қилди.

– Ўртоқ полковник. Буларга нисбатан қатъий интизомий чора кўрмасак бўлмайди.

Йўриқчи-учувчини неча йиллардан бери яхши биладиган полковникнинг бу гапга ишонгиси келмади.

– Қўлдош ака тажрибали йўриқчи. Жуда тажрибали. Балки чиндан ҳам алоқа узилиб қолгандир.

Майор истехзоли илжайди:

– Шу арзимаган баландликда-я. Бўлиши мумкин эмас.

– Техника бу, ўртоқ майор. Ҳар нарса бўлиши мумкин.

– Унда бунга нима дейсиз? – Майор қандайдир қониқиш билан қўл телефонидаги видеоёзувни кўрсатди. Унда келин-куёвнинг машиналар қарвони устидан шиддат билан, жуда пастликда учиб ўтаётган ҳарбий самолёт кўринди. – Касални яширсанг иситмаси ошқор қилади, деганлари шу-да. Алоқа узилган эмиш. Бизни

аҳмоқ деб ўйлаганми булар... – Полковникнинг кошлари чимирилаётганини кўрган Жўрабоев бирдан жиддий тортди: – Бу уставни, барча йўриқномаларни ҳамда техника хавфсизлиги меъёрларини атай ҳамда қасддан бузиш ҳисобланади, ўртоқ полковник.

Полковник кумуш сочларини силаганча ўйланиб қолди. Сўнг кизиқиб сўради:

– Айтгандай, сиз бу ёзувни қаердан олдингиз, ўртоқ майор?

– Интернетдан, прямой репортаж қилиб қиритиб юборишибди азаматлар.

– Ҳм-м... Нима, ўзингиз интернетга кириб турасизми? Иш пайтида.

– Йўғ-э, вақт қайда. Курсантларимиздан бири тасодифан кўриб қопти... Хуллас, мана менинг рапортим. Мен курсантни билим юртидан ҳайдашни, йўриқчини эса уч ойлик синов муддати билан механикликка ўтказишни талаб қиламан.

Полковник рапортни олди.

– Мен бир ўйлаб кўрай.

Майор ўрнидан турди:

– Кетишга рухсат беринг.

Полковник ҳўрсинди:

– Рухсат.

Полковник рапортга тезгина кўз югуртириб чиққач, дераза ёнига бориб, ташқарига қаради, курсантларнинг машғулотини биров кузатган бўлди, сўнг қайтиб жойига келиб ўтирди-да, столдаги тугмачани босди.

– Жалилов келган бўлса, айтинг, кирсин.

Эшик охишта очилиб, Қўлдош ака кирди.

– Чақиртирганмидингиз, ўртоқ полковник.

Расулов шошиб ўрнидан турди:

– Келинг, Қўлдош ака, келинг. Сиз билан бир гаплашиб олай деб чақирдим-да... Марҳамат, ўтиринг.

Ҳаммаси тамом бўлди...

Эрали хонасида тушкун кайфиятда, ҳукмни кутиб ўтирарди. Низомга кўра билим юртидан ҳайдашлари тайин. Ишқилиб, Қўлдош акага гап тегмаса бўлди эди. “Менинг касримга...”

Эшикдан бўйлаган Тоҳир ёш боладай тилини чикариб, майна қилаётгандай бошини чайқади:

– Бай-бай, курсант Ғаниев... Ие, нега ҳалигача нарсаларингни йиғиштирмадинг?

Мушт бўлиб тугилган бармоклари кисирлаб кетган Эрали аста ўрнидан тура бошлади:

– Кир, ёрдамлашворасан.

Тоҳир хушёр эди – қочиб қолишга ўнғай бўлсин учун гавдасини сал оркарокка олди, аммо гапдан қолмади:

– Ўзлари баҳузур.

Энди мазах қилиш навбати Эралига ўтди:

– Ёнингда телехинг бўлса кирардинг-а.

Бунака пичингларни эшитавериб, бети қотиб кетган Тоҳир пинагини бузмади:

– Сен яхшиси ўзингнинг келажагингни ўйла, нодон.

– Сенам мен ҳақимда қайғурмай қўя қол.

Тоҳир билағонлик қилди:

– Ўлибманми қайғуриб! Ҳамаси кафтдагидай кўри-ниб турган бўлса. Сени мардикорлик, қора иш кучок очиб кутиб турибди, тўнка. Энди бундан кейин кимга сакрамаслик кераклигини билиб оларсан. Лекин кеч.

Қўзи қонга тўлган Эрали ичкарига таклиф қилди:

– Бу ёкка кириб гапир-чи.

Унинг вазоҳатини кўрган Тоҳир жон алпозда жуфтакни ростлаб қолди. Эрали эшикни маҳкам бекитди-да, нарсаларини йиғиштира бошлади.

Бу сафар эшикни навбатчи очди:

– Курсант Ғаниев. Сизни сўраб келишибди.

Бу хабарни эшитган Эрали гарангсиб колди. Ким экан? Нахотки яна ўша аблах... Нега келади?

Назорат-ўтказиш постидан не хаёлларда чиқиб келган Эрали дарахт бахайбат эман дарахти ёнидаги ўриндикда ўтирган онаси билан опасини кўрди.

– Вой, ўргилай болам...

– Укажон!..

Улар кучоклашиб кўришишиб кетишди.

– Баттар озибсан-ку, болам.

– Қорайибсан. Энди ҳақиқий йигитга ўхшабсан.

Ҳаяжонли ҳол-аҳвол сўрашишлар, пича кўз ёши ҳам тўкиб олишлардан сўнг Ойгул хола ўғлига диққат билан қараб туриб сўради:

– Кайфиятинг йўкми, болам?

– Йўғ-э, – шошиб жавоб қайтарди Эрали, – сал чарчаган бўлсам керак-да.

Ойгул хола енгил тин олди:

– Унда майли... Камандирларингга раҳмат айтиб қўй, бугун бозор бўлмасаям сени чакириб беришди. Биз ўзи Жиззах бозорига келгандик. Йўл-йўлакай сениям бир кўриб ўтайлик дедик.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Бозорга. Тинчликми, ойи?

Ойгул хола мағрур тарзда, ҳаттоки қаддини сал ростлаброк дедик:

– Опангга нон синдирдик. Худо хоҳласа, – она уялиб, ўзни четга олган кизига қараб, кулимсираб қўйди, – худо хоҳласа кўклам тўй. Шунга мато-чўбарак дегандай...

Эрали ҳам яйраб кетди:

– Почча ким?

– Яхши одамларнинг боласи. Олмалидаги Тиркаш муаллимнинг кенжаси. Сен танимасанг кераг-ов. Улар асли найман уруғидан...

КППдан чиқиб, атрофга аланглаган навбатчи шошиб Эралининг ёнига келди:

– Курсант Ғаниев. Зудликда полковник Расуловнинг кабинетига кираркансиз.

Жазоланиш фурсати етиб келганини англаган Эрали бўшашиб ўрнидан турди:

– Хўп бўлади.

– Майли, болам, боракол. Бизни деб гап эшитиб юрма тагин. – Ойгул хола имлаб қизини чақиргач, ўриндик ёнидаги рўзғор сумкаларини ўғлининг қўлига тутди: – Бу ерда озроқ туршак, майиз, чакки... Мумкин-ку, а?

Эралининг иккиланиб турганини кўрган навбатчи жавоб қайтарди:

– Мумкин, холажон, мумкин.

Эрали нарсаларни олди, ҳамон яқин келмасдан, нарирокда турган опасига қўл силкиб қўйди:

– Бахтли бўлинг, опа.

Гулзода ҳам бунга жавобан қўл силкиди.

Навбатчи билан маъмурий бино томон бораётган Эрали йўл-йўлакай сўради:

– Ҳаммасидан хабаринг бордир?

Навбатчи боши ҳам курсантга ачиниб қаради:

– Бунака гаплар тез ёйилади.

– Демак ҳозир паттамни қўлимга тутқазишади, шундайми.

– Буйрукни де.

– Нима фарқи бор... – Эрали сумкаларни навбатчига берди. – Ол. Эслаб юрарсан. Олавер...

Кенг-мўл кабинетда Расуловдан ташқари майор Жўрабоев, фукаро кийимидаги йўриқчи-учувчи Жалилов ҳам бор экан.

Полковник ҳеч қандай савол-жавоб ўтказмади, воқеа тафсилотларини ижикилаб сўраб ўтирмади, гапни ҳам қисқа қилди:

– Юз берган ҳодиса юзасидан суриштирув ишлари олиб борилди. Йўриқчи-учувчи Жалилов ёзиб берган тушунтириш хатида ҳамма айбни ўз зиммасига олган.

Тумшайиб ўтирган Жўрабоев ажабланиб, ўрнидан туриб кетди:

– Лекин...

Полковник майорнинг гапини бўлди:

– Жалилов ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзган. Биз бу илтимосни қаноатлантирдик. Курсант Ғаниевнинг ҳали тажрибасизлигини ҳисобга олган ҳолда унга огоҳлантириш эълон қилинади.

Майор яна:

– Лекин... – дейишга улгурди, холос.

Полковник кескин оҳангда машваратга якун ясади:

– Ҳаммага жавоб!

Воқеа бунақа якун топиши мумкинлиги етти ухлаб тушига кирмаган Эрали маъмурий бинодан гарангсиб чиққач, машқ майдони ёнида анча туриб қолди. Нихоят эшикда Қўлдош ака кўринди. Эрали чопиб унинг ёнига борди.

– Қўлдош ака! Нега бундай килдингиз?

Собиқ йўриқчи-учувчи маъюс кулимсиради:

– Ўзи... ўзи пенсияга чиksam деб тургандим.

– Қўлдош ака, – титраб-қакшаб ёлворди Эрали. – Сиз кетманг. Мен ўрток бошликнинг олдига кираман, ҳаммасини тушунтираман.

– Бу энди ҳеч нарсани ўзгартирмайди, чунки буйрук муҳокама қилинмайди, – дея Эралининг елкасига қоқиб қўйди Қўлдош ака. – Поезд кетиб бўлди, жигит. Энди бу ёғига хушёр бўл. Хайр.

Қўлдош аканинг ортидан анграйиб қараб қолган Эралини кимдир туртгандай бўлди. У шошиб ортига ўгирилди ва қаршисида ўзига қадалиб тикилиб турган майорни кўрди. Жўрабоев надомат билан пичирлади:

– Қўлдош ака... осмон жинниси эди... Сен шу курсантликка арзийсанми, курсант?

Овози титраб кетган майор жавоб ҳам кутмасдан ўқув биносига қараб тез юриб кетди. Оёқларидан мадор қочган Эрали деворга суяниб қолди.

Биринчи имконият туғилиши биланок Эрали шаҳарга чикиб, Қўлдош акани излади. Беш каватли уйнинг энг юкори каватида яшаркан. Аммо эшик кўнғироғига ҳеч ким жавоб бермади. Эрали кўни-кўшнилардан суриштириб билди: уй эгаси аёли билан кишлоққа кетибди. Бунақа пайтлари табиий равишда айтиладиган “Бола-чақаси-чи?” деган савол ҳар сафар муаллақ қолаверди. Ахийри узоқ суриштиришлардан сўнггина Қўлдош ака ёши қиркка яқинлашганда укасининг кизчасини асраб олганлигини, киз бўй етиб, тўрт-беш йил бурун ўша кишлоққа турмушга чикиб кетганлигини аниқлади. Хуллас, ҳозир Қўлдош аканинг иккита суюкли невараси бор экан: бир ўғил, бир киз.

Билим юртида эса машғулотлар давом этмоқда эди. Энди Эрали янада астойдил ўқиши, жони борица машқ қилиши, спорт залида, тренажёрда терлаб-пишиб шуғулланиши шарт эди. У чарчаб-ҳориган маҳаллари ўзига майор Жўрабоевнинг изтиробли саволини берарди: “Сен шу қурбонликка арзийсанми, курсант?” Жавоб... жавоб қандай ҳам бўларди! Бунақа маҳаллари Эрали сакраб ўрнидан туриб кетар ва дарсни қайта бошдан ўқишга ўзини мажбур қиларди.

Аммо ўзлаштириш осон кечмасди. Айниқса ёзма ишда саводи ҳаминкадарлиги яққол сезиларди-қоларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Майор Жўрабоев синов натижаларини эълон қиларкан, фақат курсант Тоҳир Исомиддиновнинг иши “аъло” баҳога арзишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Курсант Ғаниев.

Эрали учиб ўрнидан турди:

– Мен.

– “Уч”. Минуси билан.

Курсантлар кулиб юборишди, хатто ҳазил аралаш чапак чалганлар ҳам бўлди. Эрали кизариб-бўзариб майорнинг қўлидан ёзма ишини олди, жойига ўтириб,

вараклаб кўрди. Деярли ҳар бир жумлага кизил ручка теккан эди.

Шу тун Эрали мижджа қокмади ҳисоб. У хонада кўзлари кизарганча ёзма иши матнидаги ҳар бир сўзни китобга қайта-қайта солиштириб чиқди. Ҳатто ҳамхонасининг ўрнида ағдарилиб:

– Сен ухлайсанми ўзи, бойқуш? – деб тўнғиллаганига ҳам эътибор бермади.

Ҳа, тан олади: хатолари мўл эди. Ҳалиям майор аябди: бемалол “икки”, ҳатто “бир” қўйса ҳам бўларкан. Уят...

Баайни Эралининг эзилиб юрганини сезгандай эртаси куни курсантлар ясаган самолёт моделларини синчиклаб текшириб чиқаётган катта лейтенант Довуров кутилмаганда:

– Курсант Ғаниев. Баҳойингиз “аъло”, – деб қолса бўладими!

Эрали қувончдан ўзини еттинчи осмонда ҳис қилди. Бўларкан-ку...

* * *

Тез орада ҳарбий ўқув аэродромида амалий машғулотлар бошланиб кетди. Юраги така-пука бўлиб турган бўлса-да, Эрали каттикқўл йўриқчилар кўмагида самолёт-вертолётларни хотиржам, совуққонлик билан бошқаришни ўрганди.

Навбатдаги амалиётдан кейин машғулот спорт залида давом этди. Кимоно кийган курсантлар мураббий раҳбарлигида шарқ яккакураши билан шуғулланишаётган пайт тасодифан Эрали спарингга Носир билан тушиб қолди.

Пайтдан фойдаланиб қолишни истаган Тоҳир зипллаб келиб, Носирнинг қулоғига шивирлаб кетди:

– Бир таъзирини бериб қўй бу жўжахўрознинг!

Мураббий иккала рақибга қараб, ўзича уларнинг қучини чамалаб кўрдими, Эралидан сўради:

– Вазн категорияларинг тўғри келмаяпти. Алмашти-райми?

Ҳамманинг қулоғи динг бўлиб, унинг жавобини ку-таётганани сезган Эрали катъий бош чайкади:

– Йўқ. Ҳаммаси жойида, сэнсэй.

“Ўзинг биласан” дегандай елка қисиб қўйган мураббийнинг рухсатидан сўнг татамида “жанг” бошланди. Носир бакуват, тажрибали спортчи. Бу унинг хотир-жам, ўзига ишонч уфуриб турган ҳаракатларидан ҳам яққол сезилиб турарди. Эрали жон-жаҳди унга бўш келмасликка тиришди, ҳатто икки-уч марта аниқ зарба ҳам берди. Буни кутмаган курсантлар иккига бўли-ниб, ишқибозликка, бақир-чақир қилиб далда беришга ўтишди:

– Урсанг-чи тузукрок!.. Жонинг борми ўзи?.. Сол...

Рақибини санокли сонияларда бир ёкли қиламан деб ўйлаган Носир жаҳл билан хужумни кучайтирди, Эрали ҳимояни. Олишув янада кизиди.

Носирнинг кескин оёқ зарбаларидан бири кутил-маганда пешонасига қарсиллаб тегган Эрали татамига “гуп” этиб кулади. Тоҳир бадхоҳлик билан эълон қил-ди:

– Тамом!

Бу машъум ҳукмдан сўнг залга бирдан ўлик сукунат чўкди. Ҳатто ранги кордай оқариб кетган мураббий ҳам бир оғиз сўз айтишга ожиз эди. Эрали нафас олмасди. Ҳамма лол-хайрон.

Туйкус коғоз устида қалам юрган каби нимадир китирлагандай бўлди. Ер билан битта бўлиб ётган курсантга жон битмоқда эди. Ана, аввал у қўлларини йиғиштириб олди, кейин уларга таянганча қаддини ростлади. Сўнг оёқларида маҳкам турди-да, мушт қи-либ тугилган қўлларини ёрилган лаблари ёнига олиб боргач, мураббийга қаради, сўзларни дона-дона қилиб деди:

– Тайёрман. Давом эттирамиз, сэнсэй.

Лаблари пир-пир учаётган мураббий Эралини аста елкасидан кучиб олиб, шивирлади:

— Сен ютиб бўлдинг, курсант...

* * *

Ўқишнинг қолган даври шувиллаб ўтди-кетди. Битирувчиларга тантанали равишда диплом топшириш маросимига курсантлар ўзларига қуйиб қўйгандай ярашиб турган лейтенант формаларида келишди.

Байрамга ота-оналар, қариндош-уруғлар йиғилишди. Улар орасида кўз ёшларини яшириб йиғлаётган Ойгул хола, эрининг ёнида катта гулдаста билан қаппайган қорнини яшириб турган Гулзода ҳам бор эди.

Жанговар ҳарбий учувчиларга қисмларга йўлланмалар берилди. Бу тасодифми, Тохир Исомиддинов, Носир Тошбоев, Эрали Ғаниевлар бир қисмга тушиб қолишди.

Улар белгиланган пайтда қисмга етиб келишди, подполковник Раҳимов томонидан қисм жангчиларига таништирилди. Шундан сўнг ҳарбий хизмат бошланди.

Кеч кузнинг бадқовок кунларидан бири эди. Қутилмаганда ҳарбий учувчилар қисмида тревога янграб қолди. Учувчилар, экипажнинг бошқа аъзолари чошиб келишиб самолёт ва вертолётлар қаршисида саф тортишди.

Қисм командири подполковник Раҳимов буйруқ берди:

— Жанговар топширик! Зудликда десантчи аскарларни вертолётларимизда тоғли худудга етказиб боришимиз шарт! Зудликда!.. Экипажлар, ҳарбий машиналарга!

Экипаж аъзолари вертолётлар томон чопишди. Усти ёпиқ машиналарда етиб келган десантчи аскарлар командирлар буйруғига кўра гуруҳларга бўлиниб, аллақачон парраклари айлана бошлаган вертолётларга чошиб чиқишди.

Десантчилар ошиғич жойлашиб бўлишгач, самога учта ҳарбий вертолёт кўтарилиб, ёнма-ён учиб кета бошлади.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас ҳаво кескин айниди. Қора булутлар ҳамма томонни қоплаб олди, момоқалдирок гумбурлади, чакмоқлар чакди. Булар ҳам камдай кучли бўрон кўтарилди. Қудратли шамол забтида худди ўйинчоқдай гоҳ пастга тушиб, гоҳ тепага кўтарилаётган вертолётни бошқариш тобора қийинлашиб борарди.

Чап тарафдаги яшил чирокча пирпираганини кўрган Тоҳир радиоалоқага чикди:

– База, биринчи эшитади! Қабул.

Учишни бошқариш марказидан навбатчининг ташвишли овози эшитилди:

– Биринчи! Ҳозиргина метеорология хизматидан шошилиш хабар олдик. Сизлар учаётган ҳудудда кескин ҳаво ўзгариши кутилмоқда. Жала, чакмоқ. Зудликда базага қайтинг!

– Тушундим. – Тоҳир қаршисидаги тугмачалардан бирини босди. – Иккинчи! Эшитяпсанми мени?

Қайдандир узоқдан Носирнинг таниш овози келди:

– Эшитяпман.

– База билан боғланингми?

– Ҳа.

– Орқага қайтиш керак.

Ташқарида шиддат билан жала қуя бошлади.

– Бошқа илож йўқ, – хўрсинди Носир. – Бўлмаса кулашимиз аник.

Қора булутлар бағрида чакмоқ, момоқалдирок гумбурлади. Жала дўлга айланди.

Учинчи вертолётни бошқариб кетаётган Эралининг ёнига келган десантчилар гуруҳи бошлиғи, ёшгина лейтенант бақириб сўради:

– Нима гап, командир?

– Қайтишга буйруқ берилди. – Эрали ташқарига ишора қилди: – Хавф максимал даражада. Чакмоқ урса, бир ховуч кулга айланамиз.

– Чакмок урмаса-чи?

Эрали тушунтирди:

– Унда бўрон вертолётимизни суриб бориб токка уради.

Лейтенант афсусланиб бош чайкади:

– Эх, аттанг... Ҳеч иложи йўкми, командир?

– Озгина иложи бўлса ҳам жоним билан эди. Йўриқ-номага кўра ҳам ҳозирок ортга қайтишимиз шарт! Шунча одамнинг ҳаётини хавф остига қўялмаймиз!

Лейтенант ҳаммасини тушунгандай бош ирғади-ю, бирдан ёлвориб илтимос қилишга тушди:

– Бир йўлини қилинг, ака. Биз етиб бормасак, у ёқда дўстларимиз ҳалок бўлишади.

Эрали ҳайрон бўлди:

– Нима гап ўзи, тушунтириб гапиринг.

Лейтенант оғир уф тортди:

– Тоғдан бир гуруҳ жангарилар ошиб ўтишга ури-нишмоқда. Уларнинг ҳужумини чегарачиларимиз қайтариб туришибди. Лекин агар улгурмасак... Эх, етиб борсак эдик...

Эрали каршисидаги тубсиз зулматга, ора-сира чакнаётган чакмоқларга, дўл-жалага бир муддат тикилиб қолди, сўнг икки ёнига қаради. Иккала вертолёт чирокларидан уларнинг орқага қайрилаётгани равшан эди.

Радиоалока ишга тушди:

– Учинчи! Учинчи!

Эрали яшил тугмачани босди:

– Учинчи эшитади.

– Қайтишда ҳам эҳтиёт бўлинг. Бўрон кучаймоқда.

– Тушундим, база.

Вертолёт янада каттиқрок силкина бошлади. Дастакни бир амаллаб ушлаб турган Эрали ортида бошини чангаллаб ўтирган десантчига ўгирилди.

– Ўртоқ лейтенант!

У бирдан жонланиб қолди:

– Нима гап, командир? Буйруқ ўзгардимми?

– Йўқ, буйруқ ўз кучида қолди... – Эрали икки ёнга қараб, тобора узоқлашаётган чизил чироқларни кўрди.

– Етиб борсак, қанча одамни асраб қоламиз?

– Бир рота аскарни!

Негадир айна лахзада Эралининг кўз ўнгидан му-
дом мулойим жилмайиб турадиган йўриқчи-учувчи
Қўлдош ака ўтдию, у шахт билан радиоалокани ўчирди.

– Ўртоқ лейтенант, негадир алоқа ишламай қол-
ди-я...

Лейтенант унга хайрон бўлиб қаради. Эрали давом
этди:

– Шунга буйруқни яхши эшитолмай қолдим. Эшит-
сам ҳам англолмадим. Қайта сўрай десам, ахвол бунақа.

Шундагина лейтенант ниманидир англагандай бўл-
ди:

– Айтмоқчисизки...

Эрали ўзи ўзига буйруқ берди:

– Олға!

Лейтенант ҳаяжонланиб Эралининг елкасига қоқиб
кўйди. Митти вертолёт жунбушга келган чексиз осмон
бағрида ожиз хас мисоли учиб кетди.

Шу сонияларда ҳарбий учувчилар қисмининг бо-
шқарув пультада вазият таранг эди. Зеро пульт ёнида
ўтирган Раҳимовга навбатчи:

– Учинчи билан алоқа узилди, – дея рапорт берганди.

Подполковник ўрнидан илкис турди:

– Қанақасига узилади?

– Билмадим, аниқ бир нарсa деёлмайман, – чайнал-
ди навбатчи. – Балки... балки ҳалокатга учрагандир...

– Ёмон нафас қилма! – жеркиб берди уни Раҳимов. –
Нима қилиб бўлсаям алокани тикла. Ҳозироқ!

– Хўп бўлади, – деган навбатчи овози хириллаб қол-
гунча микрофонга бакираверди: – Учинчи! Учинчи!
База гапиряпти! Қабул! Қабул...

Охири тоқати тоқ бўлган подполковник буюрди:

– Биринчига билан иккинчига хабар килинг.

Навбатчи энди:

– Биринчи! Биринчи! – дейишга ўтди.

Тоҳир дарҳол алоқага чиқди:

– Биринчи эшитади.

– Учинчи билан алоқа узилди. Вазият ҳақида хабар беринг.

Тоҳир атрофга аланглаб, ўнг тарафида ўзига параллел равишда келаётган чироқни кўрди. Орқада эса узоқлашиб кетаётган митти ёруғ нукта. Тоҳир жаҳл билан елка қисиб қўйди.

– База. Иккинчи ўнг ёнимда учиб кетяпти. Учинчи кўринмаяпти. Вазият: хавф максимал.

Раҳимов микрофонга эгилиб, ҳорғин овозда буйруқ берди:

– Биринчи, базага қайтинг... Нима қилиб бўлса ҳам эсон-омон етиб келинг!

– Ҳаракат қиламан, ўртоқ подполковник! – бийрон жавоб қилди Тоҳир.

– Ҳаракат қиламан эмас, бажараман денг, Исомидинов!

– Худди шундай, ўртоқ подполковник, бажараман!

Навбатчи энди иккинчини алоқага чақириб, учинчи билан алоқа узилганини хабар қилди ва вазият борасида ҳисобот сўради.

Нодир ён-атрофга, орқага қараб олгач, рапорт берди:

– База. Биринчи чап ёнимда учиб кетяпти. Учинчи... ҳозир... учинчи ортимда, узоқда кўрингандай бўлди. Менимча у курсни ўзгартирмаган...

Подполковник микрофонни навбатчининг қўлидан деярли юлқиб олди, ҳовлиқиб сўради:

– Нима дедингиз, иккинчи? Учинчи омонми?

Носирнинг шовкин-сурон ичидаги овози аранг эшитилди:

– Узоқда кўрингандай бўлганди. Қани, яна бир қарай-чи... Йўқ, ўртоқ подполковник, ҳеч нарса кўринмаяпти. Ҳеч нарса.

Умид шами бир ёниб ўчган Раҳимов ноилож буйруқ берди:

– Иккинчи. Зудликда базага қайтинг!

– Хўп бўлади.

Пешонасига совуқ тер тошган подполковник стулга беҳол ўтириб қолди.

Яна бир муддат микрофонга:

– Учинчи!..Учинчи!.. Кабул!.. – деб кичкириб турган навбатчи ўзига ўзи гапираётгандай аста деди: – Менимча биз учинчини йўқотдик...

Бошқарув пульти марказига оғир сукут чўкди.

Қалтираб-титраётган вертолётни аранг бошқараётган, ортига шунча тикилиб ҳам бирон ёруғ нуктани кўрмаётган Носир ахийри биринчи билан алоқага чиқди.

– Эшитдингми, учинчи билан алоқа узилибди.

– Айтишди.

– Бир қараганимда курс бўйича кетаётгандай кўринганди. Энди ҳеч нарса кўринмаяпти.

Тоҳир гапни калта қилди:

– Демак етиб келган.

Носирнинг юраги шувиллаб кетди:

– Унақа дема, Тоҳир.

– Бу машқ эмас, Носир, нега тушунмайсан? – куйиниб гапирди Тоҳир. – Бу ҳақиқий жанг. Уруш эса қурбонсиз бўлмайди.

Носир иккиланган оҳангда сўради:

– Ё орқага қайтиб, хабар олайми?

– Тентакмисан? – бакириб берди Тоҳир. – Шунча одамнинг ҳаётини хавф остига қўясанми? Бунинг учун сени трибуналга беришади! Агар тирик қолсанг, албатта!

Носир очигига кўчди:

– Барибир кўнглим ғаш.

– Кўнглингга эмас, буйрукка кулоқ сол! Қайт дейишди, қайтиш керак! Тушундингми, иккинчи!

– Тушундим, биринчи!

Тохир тез ҳовуридан тушди:

– Бу бошқа гап...

Тим қора осмонда бўруну жала кўйнида ёнма-ён учиб кетаётган иккита миттигина вертолёт учувчилари то не машаққатлар билан, бир амаллаб базага етиб келгунларига қадар бошқа бир оғиз ҳам гаплашишмади.

* * *

Тим қора осмон бағрида, бўруну жала забтида қолган вертолёт учувчисига йўналишни аниқ олиш осон эмас. Эрали ҳам десант ғуруҳи бошлиғининг харитасига қараб кўр-кўрона йўл танларди.

– Бўш келма, командир, – деб кўярди уям харитага дамо-дам қараб. – Яна бир соатча чидаб берсанг, объектда бўламиз.

Кутилмаганда бирдан мотор ўчиб, паррақлар айланиши тўхтадию, вертолёт бўрон измида номаълум томонга учиб кетди. Эрали жаҳл билан дастакни урди:

– Лаънати!

– Нима бўлди, командир? – хавотирланиб сўради лейтенант.

Эрали очигига кўчди:

– Мотор ишдан чиқди.

– Энди нима қиламиз? Созлаб бўлмайдими?

– Ҳавода-я. Йўқ... Иккинчи моторни ишга туширишга уриниб кўраман.

Эрали калитни буради. Бир неча уринишдан сўнг ниҳоят захира мотор ишлаб кетди, варрақлар айланди. Вертолёт чайқалиб-калтираб йўналиш бўйича учишда давом этди. Лейтенант хурсанд бўлиб кетди:

– Яшавор, командир!

Эрали бакириб тушунтирди:

– Бу мотор тинч ҳавода бир соат учишга чидаб беради. Бунақа бўронда эса... билмадим...

– Бир амалла, командир. Ахир у ёкда...

Эрали унинг гапини бўлди:

– Ортикча юкларни ташлаш керак.

– Ҳозир.

Лейтенант бошчилигидаги аскарлар вертолёт эшигини очиб, зарур эмас буюмларни, юкларни пастга ирғита бошладилар. Бир пасдан сўнг ёмғир-дўл ичкарига ҳам ура бошлади: вертолётни енгиллаштириш учун аскарлар оғир эшикни ҳам кўпориб олиб, ташлаб юборишганди.

Фарк терга ботган Эрали ёнига чошиб келган лейтенантга қарамасдан ҳам гапирди:

– Ҳеч нарса кўринмаяпти. Бу аҳволда тоққа бориб урилишимиз мумкин.

– Чирокларни нега ёкмаяпсиз?

Эрали изоҳ берди:

– Моторга ортикча зўриқиш керак эмас. Чирокларни кўниш олдидан ёкамиз. Харитани кўринг-чи, агар ростданам сиз айтган жойда бўлсак, кўнишга текисроқ жой бормикан?

Десантчи харитага каради.

– Мана, мана бу ер яланглик экан.

– Етиб борармиканмиз...

Эрали шу сўзларни айтган маҳал вертолёт лапанглаб кетиб, мотор яна ўчди. Вертолёт пастга, зулмат қаърига кулай бошлади. Шунча уриниб ҳам захира моторни юрғазга олмаган Эрали жон аччиғида чирокларни ёкиб юборди. Уларнинг хира ёруғида қуйида тоғ чўққиси кўринди.

Вазият ўта қалтислигини, омон қолишга умид қолмаганини англаб турган бўлса-да, Эрали десантчиларга иложи борица хотиржамлик билан кўрсатма берди:

– Сакрашга тайёрланинглар!

Бўрон вертолётни ёнламасига суриб кетаркан, кутилмаганда ялангликда гулхан шуъласи кўзга ташланди. Лейтенант кичкириб юборди:

– Бизникилар!

Эрали бор кучи билан вертолётни шу ялангликка кўндиришга уринар, аммо бўрон вертолётни жарлик томон суриб кетаверарди. Вертолёт ялангликка тахминан олти-етти метр яқинлашганида Эрали аскарларга ишора қилди:

– Сакранглар!

Бошлиқнинг буйруғидан сўнг десантчилар бирин-кетин ўзларини қуйига ота бошлашди. Вертолёт пастлаб бориб, яланглик чеккасига ғичирлаб кўнди. Бир кадам нарида тубсиз жар. Вертолёт яна озгина сурилди ва жар чеккасида лапанглаб туриб қолди.

Лейтенант Эралига:

– Сакра, командир! – деб бакирганча ўзини пастга отди.

Вертолёт жар лабида бир сония лапанглаб турди, сўнг қуйига кулади. У чуқур жар тубига шиддат учиб бориб, тошларга урилдию, ёниб кетди.

Жар лабига чопиб келган лейтенанат хиркироқ овозда пастга караб бакирарди:

– Командир! Командир!

Вертолёт портлашидан ҳосил бўлган шуъла десант гуруҳи бошлиғининг юзини ёритди. У йиғларди...

Шу пайт жар лабига пастдан бир қўл ёпишди. Кейин иккинчиси. Буни кўриб десантчилар бошлиғи аввал котиб қолди, сўнг шошиб тиз чўкди. Қўллар ортидан Эралининг боши кўринди.

Лейтенант жон алпозда учувчини тортиб олди.

– Омонмисан, командир!

Эрали ҳансираб, аранг жавоб қайтарди:

– Шунакага ўхшайди, лейтенант.

– Хурсандман. – Юзини енгига артган лейтенант шошиб ўрнидан турди. – Сен ўзингга келиб тур. Биз

анави ярамасларнинг таъзирини бериб келайлик. Кейин бир отамлашамиз.

Гуруҳ бошлиғи аскарлари томон чошиб кетди.

Эрали эмаклаб жар лабига келди ва ёнаётган вертолётига узоқ тикилиб қолди...

* * *

Ҳарбий учувчилар қисми майдонида байрам либосидаги ҳарбийлар саф тортишди. Одатдагидек, Тоҳир билан Носир ёнма-ён туришди.

Ҳалидан буён асабийлашаётган Тоҳир ғижиниб вишиллади:

– Нима, яп-янги вертолётни портлатиб юборгани учун мукофотлашяптими?

Бу гапни эшитиб сесканиб кетган Носир биринчи марта Тоҳирга каттиқ, синчков тикилди.

– Ҳа, нима бўлди? – энсаси қотиб сўради Тоҳир.

– Ўшанда... ўшанда Эралининг орқасидан боришим керак эди, – деди Носир дабдурустан.

Тоҳир баттар тутакди:

– Хўш, борганинда нима бўларди? Ўлардинг-кестардинг. Ҳалиям менга раҳмат де.

Носир бош чайкади:

– Эрали ўлмади-ку. Менам эплардим. Бу... кўрқоқлигим учун ҳеч қачон ўзимни кечирмасам керак.

Тоҳир майнавозчиликка ўтди:

– Ҳай-хай, ўзингни бос. Ювош, ўртоқ, ювош.

Носирнинг ранги ўзгарди, кўзлари нафратдан қисилди:

– Мен сенга ўртоқ эмасман. Сенинг ёнингда туриш-ням истамайман!

Носир жаҳл билан нари кетди. Тоҳир ўнғайсизланиб атрофга аланглади, ўзига тикилиб турганларга қараб ночор кулимсиради.

Минбарга қисм командири подполковник Рахимов кўтарилди.

– Азиз ҳамкасблар! Мухтарам ҳарбийлар! Бугун бизнинг қисмимиз учун, ҳаммамиз учун жуда кувончли кун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра ҳарбий операцияни амалға ошириш пайтида кўрсатган алоҳида жасорати учун жанговар учувчимиз, лейтенант Эрали Ғаниев “Жасорат” медали билан тақдирланди!

Эрали шахдам қадам ташлаб майдонға чиқиб келди. Подполковник унинг кўкрагига “Жасорат” медалини тақиб қўйди. Эрали ҳарбийлар томон ўгирилиб, честь берди:

– Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

Гулдурос қарсаққа ҳарбий оркестр ижро этаётган танатанали мусиқа садолари кўшилиб кетди.

Тантанали маросимдан сўнг ҳарбийлар трибуна қаршисидан саф-саф бўлиб ўта бошлашди. Кўкрагига “Жасорат” медали тақилган лейтенант Эрали Ғаниев уларнинг олдинги каторида эди.

Шу куни Эрали бир эркалик қилди: қисм командирининг рухсати билан онаси, опаси, поччаси, жиянчаси ва устози, ўзи атай чақиртирган Қўлдош акани самолётға олиб чиқиб, уларни осмон бағрида роса сайр қилдирди.

(2017 йил)

ГУДБАЙ, АМЕРИКА...

Қисса

Шуълалар оғушига чўмган, кўчаларида сон-саноксиз машиналар ғизиллаб ўтиб турган шаҳар уйку-ором нималигини билмайдигандек гўё. Бу ҳол айниксанимаси биландир бетиним чумоли уясини эслатадиган халқаро аэропортда якқол кўзга ташланади: жомадон кўтарган йўловчилар, уларни кузатаётганлар; рўйхатдан ўтаётганлар; яқинларини кутиб олаётганлар; юкларни ташиётганлар; кўкка кўтарилаётган, қўнаётган самолётлар; нима дейилаётганини аранг англаб олса бўладиган, қандайдир ғалати талаффузда янграётган эълонлар...

Аэропорт биносининг иккинчи каватидаги залда рўйхатдан ўтган йўловчилар самолётга чиқишга рухсат бўлишини кутиб ўтиришибди. Парвоз арафасидаги ҳажон йўловчиларнинг ўзларини тутишларидан, дейлик, чакнаётган кўзларидану, ҳуда-беҳудага ўринларидан туриб кетаверишларидан, бир-бирларига шодон қараб қўйишларидан сезилади.

Зал чеккасига “Туғён” миллий рақс дастаси раққоса ва созандалари йиғилишган. Даста раҳбари, жинси шим-нимча, кроссовка кийиб олган жингалак соч Тальат ака гуруҳи аъзоларига ёд бўлиб кетган қондаларни қайта-қайта уқдириб чарчамайди:

– ...Дикқат билан кулоқ солинглар. Охирги марта тушунтираман.

Қўлтиғига ғилофдаги доирасини қистириб олган Эркин пичинг қилди:

– Охирги мартанинг эллик биринчиси...

Талъат ака унга ўқрайиб қаради:

– Чунки сенга ўхшаганларга юз марта гапирса ҳам кам... Хуллас, қўполлик, ковок солиш деган нарсаларни унутинглар. Ҳамиша очик чехра билан, жилмайиб юринглар, ҳамма билан хушмуомала бўлинглар. Бировнинг оркасида туриб қолсангиз ёки ким биландир билан гаплашсангиз, ҳамиша орадаги масофа энг камида қўл етгудай бўлсин. Мана бунча... Меҳмонхонадан кетаётганда хонада икки-уч доллар чойчақа қолдириш эсдан чиқмасин. Ресторанда ўн фоиз чойчақа берилади.

Эркин деганлари яна чидаб туrolмай, гап қўшди:

– Сизларга ўша очкўз официантнинг ўрнига мен хизмат қилсам бўлмайдими? Айтиб қўяй, беш фоизга розиман.

– Сен хизмат қилсанг, қарз бўлиб қоласан. Чойчақа шунчаки берилмайди, факат официантнинг хизматидан кўнглинг тўлганида...

Доирачи шошиб раҳбарининг гапини бўлди:

– Унда хотирингиз жам бўлсин, олдиндан айтиб қўйишим мумкин, официант хизматидан менинг кўнглим ҳеч қачон тўлмайди. Ҳеч қачон! Ҳатто у овқатимни едириб қўйсаям.

– Йиғиштир майнабозчиликни, Эркин... Давом этамиз. Кўча-пўчада бомж-помжни кўриб қолсангиз, этибор берманг, олдига борманг.

Раққоса Наргиза ажабланиб сўради:

– Ие, уларда бомжлар ҳам борми?

– Ҳаммасидан бор. Улар ўзларига шунақанги турмуш тарзини танлашган. Картон қутиларда маза қилиб яшашади.

Эркин яна орага суқилди:

– Тўқликка шўхлик-да.

– Чалғиманглар. – Талъат ака доирачига муштини дўлайтириб қўйгач, йўриқномани давом эттирди: – Ҳўш, ҳеч қачон қаршингиздан келаётган одамга кўзингизни лўқ қилиб қараманг. Шундай қилсаларинг, у

сизга салом беришга мажбур бўлади. Дўконларда бир дунё нарса очилиб-сочилиб ётгандай бўлади, уларни бемалол ишлатиб кўришингиз, ёкмаса, хоҳлаган жойга ташлаб кетишингиз мумкин, лекин бирон нимани чўнтагингизга солиб кўйишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Ҳамма жойга яширин камералар ўрнатилган бўлади, сўраб-суриштириб ўтиришмайди, дарров обориб тикиб кўйишади.

– Меҳмоннинг ҳурмати йўқ экан-да, а?

Бу яна доирачи эди.

– Меҳмоннинг ҳурмати бор, Эркинтой, лекин қонунам бор. Америкада эса қонун ҳаммасидан кучли... Хуллас, ҳеч нарса чўнтакка тикилмасин, сумкага солинмасин, мабодо камера кўрмай қолсаям, ҳамма нарсанинг штрих-коди бор, касса ёнидан ўтаётганингизда чийиллаб юбориб шарманда қилади... Баъзи ресторонларда кечқурунги соат бешдан еттигача спиртли ичимликлар текин.

Обид ғижжак энтикиб кетди:

– Оҳ-оҳ-оҳ! Мана шундан эртароқ гапирмайсизми, Талъат ака?

– Ҳовлиқма. Текинлиги рост, лекин ҳар бир қадах учун камида бир доллардан чойчақа бериш керак бўлади.

– Дод! – деб юборди Обид ғижжак. – Уловидан тушови қиммат экан-ку!

– Шунақа, Обидтой. Нима, ароқ кўчада окиб ётади деб ўйлаганмидинг? – Талъат ака кафтларини бир-бирига ишқади. – Хуллас, бундан кейин фақат ва фақат табассум, кўтаринки кайфият, ишчанлик! Нима учун? Чунки биз бораётган жой...

Жамоа хор бўлиб раҳбарнинг гапини якунлади:

– Америка!

Наргиза ўрнидан туриб, шеър ўқий кетди:

– Америка – сеҳрли диёр,

Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.

Денгиз ортин ёритди илк бор

Берунийнинг ақл машъали...

Жилмайиб кўйган Талъат ака кўл силтади:

– Етади, Наргиз.

Гурухдан сал чеккароқда эллик ёшлардаги, семириб кетган, қора костюм-шим кийиб, катта бўйинбоғ тақиб олган Муродбек Қиличевич викор билан, савлат тўкиб ўтирибди. У ора-сира даста аъзоларига ҳам, йўловчиларга ҳам менсимагандай кўз ташлаб кўярди. Талъат ака шу одам томон ўгирилди. Умуман, Талъат ака Муродбекка мурожаат қилган пайти овозида яхшилаб бекитилган енгил истеҳзо сезилиб қолади. Одатда, баъзи ижодкорлар ўзлари ҳурмат қилмаган ёки жонларига тегиб кетган одам билан шундай гаплашишади.

– Сизнинг бирон кўшимчангиз йўқми, мухтарам Муродбек Қиличевич?

Муродбек Қиличевич “Сенлар ким-у, мен гаплашсам...” дегандай мағрур бош чайқаб кўйди.

Наргиза эгилиб, дугонасининг кулоғига шивирлади:

– Бизга шу одамнинг овозини эшитиш бахти насиб этармикан, а?

– Бунинг учун пул тўлаш керакка ўхшайди.

Қизлар кафтлари билан оғизларини тўсганларича пикирлаб кулиб юборишди.

Энди залдаги йўловчилар билан танишишда давом этамиз.

Ўриндиклардаги йўловчилар орасида бир неча қора танли эркак-аёл, хитойликлар, корейслар, болтиқбўйликлар, америкаликлар, олмонлар, чақалоқ кўтарган ҳинд аёли ҳам кўзга ташланади. Бироқ биз эътиборимизни юртдошларимизга қаратамиз.

Мана, қаршимизда оила. Эр – самарқандча чопон-дўппи кийиб олган Тоштемир ака. Хотин – атлас кўйлак, пахталик нимча, маҳси-калишда, бўйнига мунчоқ-туморлардан бир нечтасини осиб олган Бувсора. Уларнинг ёнида фарзандлари Ҳасан-Зухра.

Кейинги каторда ўттиз ёшлардаги, озгин, рангпар, ёноклари туртиб чикқан, одмирок кийимдаги Нажмиддин. У ора-сира йўталиб қўяди, аммо бунга эътибор бермайди, кўзлари телбавор ёнади, қўллари мушт бўлиб тугилган. Атрофга кескин карашидан, вужуди калт-калт титраб қўйишидан унинг бирмунча асабий ва хаста эканлиги сезилади.

Ўрта катордаги ўриндикдан таникли театр ва кино актёри Давронбек жой олган. Оппок костюм-шим кийган, капалакнусха бўйинбоғ, кора кўзойнак таккан, қўлида олифтарок ўйма ҳасса, оёқларини чалиштириб, ёлғиз ўзи ўтирибди. Раккосалар аллақачон уни бир-бирларига имлаб кўрсатишиб, шивирлашиб қолишган.

Залда энг чеккага ўтириб олган, ковоқ солиб ўтирган, оғир ўйларга чўмган, кўзлари киртайиб қолган бир эркак ҳам бор. Бу қирқ ёшлардаги, кориндор, собик ДАН ходими Холмирза.

Ўйноқи Алижон. Ичида пружинаси бордай дамо-дам жойидан сакраб туриб кетади, оғзи қулоғида.

Яна бир оила. Низомиддиновлар. Эллик ёшлардаги, зиёли кўринишдаги, кумуш сочли, бўйинбоғ таккан эр – Шамсиддин, унинг анча-мунча очик-сочик кийинган, юзига упа чаплаган аёли Нозима.

Китоб ўқиб ўтирган кўзойнакли журналист Собир.

Янги чикиб келаётган замонавий эстрада вакиласи Зарифа-Зета. Қиз бўяниб-бежанмагиданми, бир карашдаёқ таниб олиш мушкул: ҳар қалай, камтарингина ўтирган бу қизни сахнада ирғишлаб, бакириб-чакириб ашула айтаётган ҳолатда тасаввур этиш мушкул. Шунгами, Зарифа-Зета раққосалар назаридан четда қолган.

Нихоят қахрамонимиз Нодир. Кайфияти кўтаринки, ора-сира табассум қилиб қўяётганлиги эса унинг ширин хаёллар сураётганлигидан шохидлик беради.

Алижон деганлари ҳам ҳеч ўзини босиб туролмади, гапирмаса ёрилиб кетадигандай атрофига аланглади. Ахийри унинг бесаранжом нигоҳи хотиржам ўтирган

Давронбекнинг кўзлари билан учрашдию, йигитча энтикиб бидиллай кетди:

– Артист ака, саккиз миллион талабгор ичидан мени, айнан мени танлашгани... шунинг ўзи мўъжиза эмасми?

Давронбек мийигида илжайиб, “тушунаман” дегандай бош ирғаб кўйди, аммо огиз очмади. Лекин Алижоннинг гап сандиги очилиб кетишига шунинг ўзи кифоя қилди:

– Йигит кишининг бошига уч марта бахт куши кўнади дейишади. Менинг бошимга биринчи кўнишиям шу, иккинчисиям, учинчисиям! Қолганини ўзим эплаб кетаман, ака!

Алижон баттар ҳаяжонланиб “артист ака”сидан жавоб кутди, бироқ актёр юзини четга бурганча, диққат билан девор нақшларини томоша қилишга ўтди. Ҳафсаласи пир бўлган йигит чор-атрофга аланглаб, ўзига янги суҳбатдош қидиришга тушди.

Шу маҳал диктор овози эшитилди: “Ҳурматли йўловчилар! Нью-Йоркка Рига оркали учадиган 101-рейсга йўловчиларни чиқариш бошланди”. Шу эълон рус ва инглиз тилларида янгради.

Йўловчилар ҳаракатга тушиб қолишди.

* * *

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар ортда қолди: самолёт кўкка кўтарилди.

Хавфсизлик камарларини ечишга рухсат беришгач хушмуомала стюардессалар хизматга киришиб кетишди. Экранда кулгили фильм намойиши бошланди. Айрим тажрибали йўловчилар кулоқлик тақиб, ўзларига маъкул тилдаги кўшиқлардан эшитишга ўтишди.

Алижон ёнида ўтириб қолган Обид ғижжакнинг қулоғини қоқиб кўлига берарди:

– ...Элчихонага чақириб, “Америкада қариндошларингиз ё танишларингиз борми?” деб сўрашди. Таниш

нима қилсин? “Энди грин-картамини бекор қилишса-я”, деб қўриб кетдим. Лекин ростини айтдим. “Ҳеч кимим йўқ”, дедим. Шунда улар нима дейишди денг?

Ғижжакчи эсноғини аранг яшириб, сўраган бўлди:

– Ҳўш, нима дейишди?

– “Асло хавотир олманг, сизга ўхшаган янги америкаликларни кутиб олиш билан шуғулланадиган махсус ташкилотлар бор. Сизни ана ўшалардан биттасига бириктириб қўямиз”, дейишди.

Ғижжакчи ўзини ҳайратга тушганга солди:

– Ё тавба, шунақа дейишдимми?

– Худди шунақа дейишди. Масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб қўйишганини қаранг!

– Ҳа, – тан олди ғижжакчи, – пишиқ халқ, пишиқ.

– Шунинг учун сизлар билан Нью-Йоркда хайрлашиб, Ютага кетаман...

– Қаерга дейсан, болам?

– Юта штатига. Солт Лейк Ситига. Мормонлар шаҳрига.

Ғижжакчи яна тушунмади:

– Кимлар дейсан?

– Шунақа одамлар бор. Мормонлар.

Обид ғижжак эслагандай бўлди:

– Гўшт емайдиганларми?

– Шунга ўхшашроқ, – кулиб қўйди Алижон. – Лекин эркаклари кўп хотинли... У ерда бир-икки йил ишлаб, кейин Сан-Францискога жўнайман... Эҳ, тезроқ етиб борсак эдик, отахон...

– Боряпмиз-ку, болам.

Алижон қўлларини кенг ёзди:

– Учиб кетгим келяпти!

– Ҳалиям учиб кетяпмиз-ку. – Обид ғижжак ёнларидан ғилдиракли аравачасини суриб ўтиб бораётган стюардессага мурожаат қилди: – Кизимка, девушка, кизилидан бер, кизилидан. Бирам таъми яхши экан курғурнинг...

Сутга чайиб олингандай оппоқ юзли стюардесса тўхтаб, ғижжакчига баайни минг йиллик кадрдонини кўраётгандай жуда хурсанд бўлиб, таъбир жоиз эса, садафдай оппоқ, текис тишларини намойиш этаётгандай чараклаб қаради:

– Do you need anything?¹

Обид ғижжак аравачада турган қизил вино шишасига ишора қилди:

– Анави, қизилидан бер, қизимка.

Ғижжакчига ачиниб қараб қўйган Алижон кўмакка келди:

– Red vine².

Стюардесса пластмасса стаканга қизил вино қуйиб, шундай эхтиромлар ила узатдики, гўё йўловчи унга топшириқ бериб, бахтнинг етти қават осмонига олиб чикиб қўйгандай. Ғижжакчи яйраб кетди:

– Кулишларингдан аканг! Одамнинг жонини олади-я!

– Булар бари шунақа! – ишонч билан таъкидлади Алижон. – Лекин айтиб қўяй, энди “қизимка-пизимка”ларингиз ўтмайди, отам. Улар билан мана бундай гаплашиш керак. – Шундай дея йигитча стюардессага мурожаат қилди: – I have won green card. And now I’m flying to America.³

Ходима – бундай ноёб омад ўзига насиб этгандай – табассумларга кўмилди:

– Congratulations!⁴

Рухланиб кетган Алижон келажакка мўлжалланган режалариниям очиб ташлади:

– In five years I will become an American citizen.⁵

Стюардесса ўзининг буюк ҳайратини изҳор этишга шошди:

¹ Марҳамат, бирон нима керакми?

² Қизил вино.

³ Мен грин-карта ютиб олдим. Шунинг учун Америкага келаяпман.

⁴ Табриклайман!

⁵ Беш йил яшаганимдан кейин Америка фуқароси бўламан.

– Wow, that’s great!¹

– You know, billionaire Abramovich has married to stewardess. So don’t forget it and remember me!²

– Ok, ok I will remember it.³

Стюардесса ширин жилмайган кўйи нари кетди.

Журналистимиз Собир эса касб тақозосига кўра ҳам аллақачон қаҳрамонларига сездирмасдан интервью олишни бошлаб юборган, унинг навбатдаги суҳбатдоши Тоштемир ака эди.

– ...Элчихонага чакириб, “Америкада танишлариниз борми?” деб сўрашди. “Нега бўлмас экан? Қайинсинглим олти йилдан бери ўша ерда-ку”, дедим. “Қайинсинглингиз сизларни қабул қиладими?” дейишади денг. Ҳайрон бўлдим. “Ие, опасини қабул қилмайдиган сингилам бўладими?” дедим. Ишонмагандай қараб туришувди: “Қабул қилмасин-чи, мен уни нима қилиб ташларканман!” дедим. Йўқ, барибир Лобардан сўраб кўришибди.

– Рози бўлибдими?

– Рози бўлмай қаёққаям борарди. Опаси бизда-ку.

– Кейин шундай, оилавий келавердиларингизми?

– Йўғ-э, аввал обдон ўйладик. Грин-карта шартига кўра эр-хотин ўзи билан йигирма бир ёшгача бўлган болаларини олиб келиши мумкин экан. Эгизакларим йигирмада. Кейинги йилга ўтиб кетса, боролмай қолади деб ўйладик-да, шартта буларниям оводдик.

Собир ўзини ўйлантириб турган саволни берди:

– Ҳеч қайсингиз инглиз тилини билмас экансиз. Қийналиб қолмайсизларми?

Тоштемир ака кўз қисиб қўйди:

– Режа бор, ука, режа.

¹ О, нақадар бахт!

² Миллиардер Абрамович стюардессага уйланган. Шуни унутманг ва мени эслаб қолинг!

³ О, албатта, албатта эслаб қоламан.

Журналист, табиийки, кизикиб колди:

– Эшитсак бўладими?

Тоштемир ака айёрона бош чайқади:

– Э, йўқ, сир бу, сир.

Собир кулиб кўйди:

– Майли, ака, омадларингизни берсин...

Булардан кейинги ўриндикда эр-хотин Низомидди новлар. Нечукдир жувонинг кўзлари олазарак, дикка билан хорижлик йўловчиларни кузатади, ўйчан эрининг айрим гапларини эшитмай ҳам қолади.

– ...Энди бир умр Америкада яшасак ҳам, Ўзбекистон фуқароси бўлиб қолаверишимиз мумкин экан, дерди Шамсиддин. – Менга шуниси маъқул кўринди.. Ҳар қалай, киндик конимиз тўкилган тупроқ...

Нозима тўсатдан томдан тараша тушгандай саво бериб колди:

– Нима деб ўйлайсиз, дадаси, анави ўтирганлар ичида, – аёл хорижликларга ишора қилди, – биронта миллионер бормикан?

Шамсиддин оғринганини яширишга уринган кўйи бош чайқади:

– Йўқ.

– Йўқлигини қаердан биласиз? – тирғалишини кўйи мади жувон.

– Миллионерлар бизнес-классда учишади. Бизники оддий...

Нозима бундай асосга эга далилга ишонқирамади:

– Мен бўлсам Америкада миллионерлар атай бойлигини кўз-кўз қилмай, оддий одамга ўхшаб юради дей ўқигандим.

– Ўқиганингнинг ҳаммаси ҳақиқат бўлавермайди аяси...

Жувон асабийлашди:

– Илтимос, факат яна фалсафа сўқишга тушиб кетманг. Аудиторияда эмассиз! Эътиборингиз учун, янги ҳаёт остонасида турибмиз. Бутунлай янги ҳаёт!

Шамсиддин хўрсиниб қўйди:

– Сенинг талабинг билан.

– Тўппа-тўғри қилдик “Грин-карта” ўйнаб! Бўлмаса ўтираверардингиз ўша институтингизда пўпанак босиб, арзимаган носвой пулига қаноат қилиб! Ҳали менга кўп раҳмат айтасиз...

Шамсиддин мунғайиб қолди.

Нозима яна атрофга аланглади. Қора танли йўловчилардан бири шу тарафга қараб қолдию, кўз-кўзга тушгач, табассум қилди. Нозима ҳам шоша-пиша илжайди.

Тоштемир ака билан гурунгни тугатган Собир ҳали-ҳамон хўмрайиб ўтирган Холмирзанинг ёнига борди.

– Кечирасиз, ака, мен журналист Собир Ниёзов бўламан. Нью-Йоркка миграция масаласига бағишланган халқаро конференцияга бораётгандим. Рухсат берсангиз, сиз билан озгина...

Холмирза унга қарамасдан ҳам қўли билан “Ўтавер” ишорасини қилди.

Собир:

– Узр, – деди-да, ёлғиз ўтирган Муродбек Қиличевичнинг ёнига борди. – Ассалому алайкум. Кечирасиз, мен журналистман. Собир Ниёзовман. Миграция масаласига бағишланган халқаро...

Муродбек Қиличевич Собирга ўшшайиб қаради, сўнг “Йўлингдан қолма” дегандай қўл силкиди. Яна бир бор узр сўрашга мажбур бўлган журналист жойига бориб ўтирди.

Бу орада гуруҳидагилар билан нималарнидир пичирлашиб олган Талъат ака ўрнидан турди.

– Хонимлар ва жаноблар. Азиз юртдошлар. Бошларига бахт куши қўниб, “Грин-карта” ютиб олган, энди Америкага бораётган ватандошлар. Атлантика океани сатҳидан ўн минг метр баландликда учиб кетаётган айни шу лаҳзаларда бизнинг “Туғён” миллий рақс ан-

самблимиз сизларнинг хизматингизда! Марҳамат, жонли ижродан баҳраманд бўлинг!

Раҳбарнинг ишораси билан чолгучилар “Тановар” куйини чалиб юборишди. Йўловчилар ажабланиб шу тарафга қарашди, айримлар кулокларидан наушникларни олди.

Дилбар, баданларни жимирлатиб юборадиган даражада нафис, таниш мусиқа янграр, йўловчиларнинг аксарияти мусиқа оҳангига монанд тебранишарди. Кутилмаганда ўрнидан турган Зарифа-Зета янгроқ, тиник овозда куйлаб юборди:

Сумбулаю, сумбула,

Ўраб олай гул билан.

Менинг кўнглим сиз билан-о,

Сиз кетарсиз ким билан?

Қадамингизга гуллар сочилсин...

Ана шунда... замонавий кийимлардаги раққосалардан бир нечтаси ўринларидан туришди ва қаторлар оралиғидаги йўлакчада назокат билан рақсга тушиб кетишди. Ҳатто стюардессалар ҳам йиғилиб келишди, кўшиқ ва ўйинга махлиё бўлганча оҳиста қарсақ чала бошлашди.

Зарифа-Зета яйраб, жон-дилидан берилиб авжга чиқарди:

Андижонда ўт ёқсам

Фарғонада тутуни.

Бу дунёда бормикан

Юрак-бағри бутуни...

Раққосалар сони кўпайди: уларга бошқа йўловчилар, чет элликлар ҳам қўшилишганди. Фақат биргина Муродбек Қиличевич лоқайд ўтирар, бошини эгиб олган Холмирза эса юм-юм йиғларди...

Бу дунёда бор бўлса,

Юрак-бағри бутуни,

Қоғоздан ўчок қилай,

Гулдан бўлсин ўтини.

Кадамингизга гуллар сочилсин...

Салонда кўшиқ ва рақс давом этар, юзлаб йўловчиларни бағрига олган улкан самолёт зулмат бағрини ёриб, ваҳший тўлкинлари кўкка сапчиётган улкан Атлантика океани осмонида миттигина юлдуз мисоли учиб кетмоқда эди...

* * *

Деярли ўн олти соат давом этган парвоздан сўнг ниҳоят самолёт Нью-Йорк аэропортига келиб қўнди.

Йўловчилар аэропорт “фейс-назорат”идан ўтиб, бир жойга йиғила бошлашди. Собир йўловчиларни кутиб олаётганлар сафидаги “Sabir. Journalist. Tashkent” деб ёзилган тахтакач кўтарган кишига қўл силкиб қўйди.

Чор-атрофга хайратланиб, тўймай боқаётган Нози-ма хаяжонини яширолмасди:

– Қойил! Шундай катта аэропортдан ярим соатда чикиб келдик-а. Бизда камида уч соат қолиб кетган бўлардик. Текширувчиларнинг кулиб туришини айтмайсизми...

Кўзлари чакнаётган, кувончдан вужуди титраётган Алижон қўлларини кенг ёйиб хитоб қилди:

– Welcome to America!¹

Эркин доирачи кулиб, бош чайкади:

– Дарров чулчитча чулдираб қолганини бунинг!

Алижон қўлларини кўксига қўйди:

– Бўпти, бу ёғи бизга транзит. Шўр қўл деган шаҳарга учаман.

Обид ғижжак хайрон бўлди:

– Отини бошқачароқ айтмаганмидинг?

– Солт Лейкнинг инглизчадан таржимаси бу, отахон. Хўп, бай-бай.

– Ўзингга эҳтиёт бўл, болам, – тайинлади ғижжакчи. – Жа гижинглаган отдай ҳар ёкка чопаверма, хомлаб қолма тағин.

¹ Америкага хуш келибсиз!

– Отахон! – Алижон ғижжакчини маҳкам кучиб кўйди. – Ахир мен бу кунни қанча вақт зорикиб кутдим. Ғайратим ичимга сиғмай кетаяпти. Катта-катта ишлар қилиб ташласам деяпман... Эҳ, ҳали мен ҳакимда эшитиб қоласизлар. Мана кўрасизлар, мен бу мамлакатни забт этаман! Беш йилда миллионерга айланаман! Ўн йилда миллиардерга!

Обид ғижжак йигитчанинг елкасига қоқиб кўйди:

– Худо хоҳласа де, болам.

Алижон янада жўшди:

– Худо хоҳлагани учун шу ерда турибман-да, отахон! Энди бундай имкониятдан фойдаланмасликнинг ўзи гуноҳ!... Эҳ, майли... Кўрганда кўришгунча. Good luck to everone! ¹

Йўловчилар “Хайр!.. Яхши боринг!.. Сизгаям омад!” дея хўшлашишди. Бахтиёр Алижон транзит йўловчилар учун мўлжалланган терминал томон кетди. Ҳалидан буён бир чеккада турган бадқовоқ Холмирза ғилдиракли жомадонини судраганча унинг ортидан юрди. Алижон ўзига эргашган йўловчини кўриб ажабланди.

– Ие, сиз ҳам ўша ёққаи, ака?

Холмирза индамай олдинга ўтди.

– Элчихонада икки киши бўласизлар дейишганди-я. Мен бўлсам шеригим келиш фикридан қайтган нодон деб юрибман. Сиз экансиз-да, ака. Э, зўр бўлди-да!..

Алижон ҳамон миқ этмай кетаётган Холмирза ортидан шошди.

Бошқа йўловчилар ғуж бўлиб чиқиш эшиги томон юришди.

“Туғён” дастасини кутиб олган мезбонлар гуруҳ аъзоларини кичик автобусга бошлашди. Собирни мезбон америкалик ўзининг машинасига олиб кетди.

Даста раққоса ва созандалари автобусга чиқиб бўлишса-да, Муродбек Қиличевич кимнидир кутаётган-

¹ Ҳаммага омад!

дай чеккарокда ўшшайиб тураверди. Талъат ака асабийлашиб, унинг ёнига борди:

– Муродбек Қиличевич...

Муродбек Қиличевич, гўё даста раҳбари арпасини хом ўргандай, унга ўқрайиб қаради. Шу пайт автобус ёнига келиб тўхтаган эскироқ машина сигнали эшитилди, кейин ичкаридан бўйлаган ўттиз беш ёшлардаги калта соқолли ҳайдовчи қўл кўтариб қўйди. Бунни кўриб сал чиройи очилган Муродбек Қиличевич виқор билан машина томон юрди.

Талъат ака бутунлай гарангсиб қолди:

– Қаёққа ахир, Муродбек Қиличевич?

Автобус ойнасидан қараб турган раққоса Наргиза дугонасининг биқинига туртди:

– Ҳозир шу одамнинг овозини эшитадиганга ўхшаймиз.

– Қани, кани, шундай бахтдан бенасиб қолмайин, – дея бу киз ҳам ўрнидан шошиб турди.

Дарҳақиқат, аэропортда ҳам, йўл бўйи ҳам тилини ичига ютиб юборгандай “мик” этмай келган Муродбек Қиличевич деганларида ахийри садо чикди – у саволомуз тарзда қошларини керганча:

– Ҳм? – деди.

– Кечикаяпмиз, ахир, – куйиб-пишиб тушунтира бошлади Талъат ака. – Бизнинг ҳар бир соатимиз ҳисобланган.

– Бўпти, кетаверинглар.

Бу буйрукни эшитган Талъат ака анграйиб қолди:

– Ие, бу нима деганингиз? Қанақасига кетаверамиз? Сиз-чи?

Муродбек Қиличевич пинак бузмади:

– Менинг ишларим бор.

Талъат аканинг бўйин томирлари бўртиб чикди:

– Муродбек Қиличевич. Дастамизнинг маъмури сифатида сизнинг ишингиз...

– Кими?

Талъат ака адашиши мумкин эмасди: каршисида турган бақалок уни очикдан-очик мазах қилмокда эди. Даста рахбари тишини тишига босди ва иложи борица хотиржамлик билан такрорлади:

– Маъмури. Агар ёдингиздан чиккан бўлса, яна бир марта эслатиб қўйишим мумкин: “Туғён” миллий рақс дастасининг маъмури. Ўрисча айтганда администратори.

– Сен менинг кимлигимни биласанми ўзи?

Ана шу сонияларда “маъмур”нинг асл қиёфаси кўринди-колди. Бу беписанд, ижирғаниш аралаш оханг... Гўё “Сен ҳам одаммисан” дегандай... Афтидан, Муродбек Қиличевич олис йўл бўйи жим келишга мажбур бўлганининг аламини олмоқдайди. Ҳатто даста рахбарининг ёшини ҳам ҳурмат қилмади, бўлмаса, ўзидан бир мучал катталигидан жуда яхши хабардор.

– Билганим, сизни менга янги маъмур деб таништиришди...

– Маъмур эмиш! – Муродбек Қиличевич ўхшатиб ерга тупурди. – Мана сенга маъмур!.. Билиб қўй, бу ер сенга Ўзбекистон эмас. Мен энди эркин мамлакатнинг эркин одамиман. Энди сен менга хўжайинлик килолмайсан!

Даста рахбари тамомила гарангсиб колди:

– Бу нима деганингиз, Муродбек Қиличевич, тушунмадим?

Муродбек Қиличевич ғолибона ишшайди, жомадонини машина юкхонасига жойлаётган ҳайдовчига бир караб қўйгач, атай кўпчиликка эшиттириб вишиллади:

– Бу бор, тошингни тер деганим!

Ана шундан сўнг Муродбек Қиличевич салобат билан ҳайдовчи ним эгилиб, орт ўриндик эшигини очиб турган машинага ўтирди. Машина охиста сузиб кетди...

Талъат ака жойида қоккан қозикдай туриб колди. Обид ғижжак унинг ёнига келди:

– Бу кизиғар “тош” дедими?..

– Ўзи... – даста раҳбари нималарнидир эслаётгандай ўйланиб колди, – ўзи учишимизга тўрт соат колганида буни бошлаб келишганидан шубҳалангандим-а...

Автобус ҳайдовчиси сигнал чалди, ҳайдовчи ёнида ўтирган таржимон аёл уларни чакирди:

– Let's go.¹

Автобус катта йўлга қайрилган маҳал майдончада колган йўловчилар ёнига коп-қора машина учиб келиб, чийиллаб тормоз бериб тўхтади. Ундан тушган олифта кийинган қора кўзойнакли йигит Зарифа томон салло-на-саллона юриб келаверди.

– Ва-ув, ўз кўзларимга ишонмайман! Кимни кўряпман! Жаҳон шоу-бизнесининг бўлғуси мега юлдузи Зарифа!

Қиз қўлини кўтариб қўйди:

– Ҳай, Малик!.. Лекин Зарифа эмас, Зета.

– Узун сочларини қора икрада ювадиган Зета-Жонс хонимман денг!.. О'кей! Марҳамат қилсинлар. Сизни мухлисларингиз зорикиб кутишмоқда...

Малик кучоқ очиб келиб, Зарифанинг юзидан ўпиб кўришди.

– Чексиз имкониятлар юртига хуш келибсиз, асалим!.. Дарвоқе, энди менинг исмим ҳам Малик эмас, Майкл... Рухсат этинг.

Малик-Майкл Зарифанинг жомадонларини юкхонага жойлади, кизнинг машинага чиқишига кўмаклашди ва улар тезликда жўнаб кетишди.

Атрофга аланглаётган Нозима ўзлари томон шошиб келаётган басавлат эркакни кўриб қолиб, хурсандлигидан чапак чалиб юборди:

– Ана... ана Баҳром акам!

Баҳромга кўзи тушиб, Шамсиддиннинг афти буришди:

– Хотини қани?

Шодон қўл силкиётган Нозима эрини жеркиб берди:

¹ Кетдик.

– Хотинини бошингизга урасизми?

Шамсиддин эслатишга уринди:

– Ахир ўзинг бизни эр-хотин кутиб олади дегандинг...

Бу орада Баҳром етиб келди.

– Ассалом алайкум! Хуш келибсиз, сафо келибсиз дунёдаги энг кўп...

Шамсиддин енгил истехзо билан унинг гапини давом эттирди:

– ...имкониятлар мамлакатига.

– Худди шундай!

Баҳром Шамсиддин билан кучоклашиб кўришди, кейин Нозима билан ҳам. Буни кўрган Шамсиддин баттар тумшайди.

Баҳром сал нарида қолдирган машинасига ишора қилди:

– Марҳамат.

– Баҳромбой, – деди Шамсиддин, – бу... келин кўринмадими?

Баҳром шарақлаб кулиб юборди:

– Қайси бириси, Шамсиддин ака, оқими, қорасими?

– Қонунийси.

Нозима эрининг билагидан аста чимчилади:

– Дадаси, ҳадеб савол беравермасдан атрофга қаранг, баҳра олинг.

– Сен баҳра олавер. Мен ҳол-аҳвол сўрашиб олай ахир. – У қафтларини очди: – Қани, омин...

Бироқ Баҳром бетокатлик билан унинг гапини кесди:

– Фотиҳани уйда қиламиз, Шамсиддин ака.

– Шунақами? – Изза бўлган Шамсиддин қафтларини юзига сийпади. – Майли. Айтгандай, Баҳромжон, сизга собиқ ҳамкасбларингиз салом айтиб юборишганди...

– Саломат бўлишсин. Қани, кетдик. Ҳол-аҳвол сўрашишга ҳали улгурамиз. Бу ерда вақт пул. Шошилмасак бўлмайди.

Дархакикат, бу ерда ошиғиб юриш урф шекилли, эр-хотин машинага ўтиришган заҳоти Баҳром газни босди.

Алоҳа қаҳрамонимиз Нодирга ҳам навбат етиб келди чоғи. Илло у қачондан буён йўлга илҳақ кўз тикиб турибди.

Ҳа, мана, У келаяпти! Жамила! Жингалак сочлари очик елкаси билан битта бўлиб ёйилган, сиймин тан, шахло кўзли гўзал киз! Ўзи чиқибди-я Нодирни кутиб олишга! Ўзи!..

Юраги гурсиллаб уриб кетган йигит амаллаб тўдадан ажралиб, олдинга ўтди. Нодирга кўзи тушган кизнинг юзи табассумдан ёришиб кетгандай бўлди.

– Ассалому алайкум, Нодир ака.

– Яхшимисиз... Жамилахон.

Улар қўл бериб кўришишди.

– Яхши етиб келдингизми?

– Раҳмат. Уйдагилар яхшими? Қодир ака...

– Ҳаммаси соғ-саломат. Кечқурун бир мирикиб гурунг қиламиз, меҳмон шарафига ош қилинглари деб тайинлаб кетганлар. Унгача мен сизга шаҳарни кўрсатаман. Юринг, нарсаларингизни машинамга жойлайлик...

Нодир хайрлашишни ҳам унутган қўйи чиройли киз билан машина томон юргач майдончада Нажмиддин, актёр Давронбек ва Тоштемир ака оила аъзолари билан қолишди. Қурама йўловчиларнинг айримлари уларга қараб-қараб ўтишади, сариқ рангли таксилар сигнал чалади.

Ранги ўчган Давронбек асабий равишда ҳассасини силтаганча нари бориб-бери келиб турди. Ора-сира калта-калта йўталиб кўяётган, бутун вужуди калт-калт титраётган Нажмиддин йўлга термулиб қолган.

Тоштемир ака анчайин бепарворок тарзда жомадонига ўтириб олган. Ваҳоланки хотини билан болалари аллақачон ваҳимага тушиб қолишганди.

– Отаси, келмаяпти-ку? – деди Бувсора шивирлаб.

Тоштемир ака хотиржам жавоб қайтарди:

– Келади, онаси, келади. Ўзи айтарди-ку, соатлаб пробкада тураман деб. Ўшанақа жойда туриб қолгандир-да. Ҳозир кеп қолади куйиб-пишиб. Лобарни биласан-ку, тегирмонга тушса бутун чиқадиғанлардан у.

Бувсора яна умид билан йўлга қаради.

Бир пайт Ҳасан чинкириб юборди:

– Холам!

Бувсора ҳовлиқиб қолди:

– Қани? Қани у?

– Ана!

Тоштемир ака ўрнидан отилиб турди. Зухра акаси кўрсатган жувон томон чопди, Бувсора кизига эргашди. Қиз йўл-йўлакай:

– Хола! Хола! Биз келдик! Биз бу ёқдамиз! – деб бақирди.

Бувсора ҳам қичқирди:

– Лобар! Ҳой Лобар! Лобар деяпман!..

Зухра чопиб келиб аёлнинг елкасидан ушлаб ўзига қаратди. Аммо хансираб турган она-болага ҳам ажабланиб, ҳам кулимсираб қараётган бу калта қора сочли аёл Лобар эмасди. Зухра нима деярини билмасдан гарангсиб қолди.

Аёл самимий жилмайди:

– Hi. Are you okay? Can I help you?¹

Иссиғи чиқиб, қизариб-бўзариб кетган киз бир амаллаб:

– Excuse me...² – дея олди.

Бувсора изоҳ беришга шошди:

– Болам адашибди, сизни синглимга ўхшатибди. Холасига. Тётясига.

Аёлнинг ҳамон ҳайрон бўлиб турганини кўрган Зухра чала-чулпа инглизчалаб гапира кетди:

¹ Салом. Муаммо борми? Балки ёрдам бера оларман?

² Мени кечирасиз...

– I made a mistake... I thought... you... my aunt. My mother's sister.¹

– It's okay.²

Аёл шундай дея қизга рағбат билдиргандай яна бир жилмайиб қўйди-да, йўлида давом этди. Зухра билан Бувсора сувга тушган мушукдай бўшашиб жойларига қайтиб келишди.

Тоштемир ака ўғлига дўк урган бўлди:

– Сен бола чолни кўрсам бувам деяверма-да. Аввал яхшилаб кара.

– Ўхшаб кетди-да, – ўзини оклади Ҳасан. – Айникса причёскаси...

Ота кулиб қўйди:

– Причёска эмиш. Ўзиям армияга кетаётгандай бўлибди-қолибди...

Нимадир ўйлаб турган Бувсора бирдан қизига қаради:

– Зухра. Анави хотинга бир нарсалар дедингми?

– Коллежда инглизча ўтишганди. Шундан эсимда қолганлари...

– Ҳм-м... Лекин у хотин сени тушундими дейман, кулиб қўйди-ку.

– Билмадим-ов. Талаффузим ёмон.

– Кўрдингми, Ҳасан, – деди Тоштемир ака. – Синглингдан ибрат ол. Сенга гапир инглизчалаб.

– Ўзингиз мени дарсга қатнаштирмагансиз, далага опчиқиб кетгансиз.

– Бўлди, бас. Ўпқалашга топган вақтингни... Опчиқсам бир марта опчиққандирман, икки марта, ҳа, ана, уч марта. Сенга баҳона бўлса бўлди-да. Ундан кўра йўлга яхшилаб кара, холангни аниқ таниганингдан кейин биздан суюнчи ол, хўпми?

– Хўп.

¹ Мен адашибман... мен ўйлабманки... сиз.... менинг холамсиз. Онамнинг синглиси.

² Ҳечкиси йўқ.

Бутун оила аъзолари яна йўлга умидвор кўз тикишди.

Жомадон-рюкзаклар юкхонага жойлангач, Жамила билан Нодир машинага ўтиришди. Баайни йигитнинг туйғуларини, ўзига соғинч билан термулаётганини ҳис этгандек, қиз бир муддат калитни бурамасдан, ўйланиб қолди.

– Сиз... ўзгариб кетибсиз, Жамила.

– О, албатта, – жилмайди қиз. – Ўзгармай бўладими?! Ҳатто ўзимнинг Жамила эмас, Жулия эканлигимга ҳам ишониб қолдим. Лекин сиз ҳам ўзгарибсиз. Анов кунни спайкда гаплашганимизда танимай қолай дедим.

– Мен бўлсам сизни дарров танидим...

Жамила моторни ўт олдирди, машинани қайириб, яқиндагина Ўзбекистондан келган йўловчилар ғуж бўлиб турган жойдан ўта бошлади. Нодир ойнадан қаради: майдончада ҳамон Нажмиддин, актёр Давронбек, Тоштемир ака оила аъзолари билан сарғайиб туришарди.

– Жамилахон, бир дақиқага тўхтаворинг. Ўзбекистондан мен бирга учиб келган одамлар булар. Мумкин бўлса...

– О, албатта.

Машина йўловчилардан сал нарида тўхтади. Нодир бетоқат тўлғаниб турган Давронбекка ишора қилди:

– Анов кишини танидингизми?

Жамилар йўловчига диққат билан қаради, сўнг бош чайқади:

– Йўқ. Ким у?

– Машҳур актёрларимиздан. Кўп киноларда ўйнаган.

– Америкаликми?

– Э, йўқ, ўзимиздан. Кутиб оладиган одами кечикяпти шекилли. Ҳозир қаёкка юрамиз, Жамилахон?

– Аввал Бруклиннинг Боро паркига, кейин Квинсга ўтамиз.

– Яхши. У ерларни харитада роса ўрганганман. Йўлимиз бир бўлса, уларни ташлаб ўтишимиз мумкинми?

Қиз одатдаги жавобини такрорлади:

– О, албатта.

Нодир пастга тушиб, бирданига ҳаммага мурожаат қилди:

– Биз ҳозир Бруклин тарафга юряпмиз. Ким шу ёкка бўлса, олиб кетишимиз мумкин.

Тоштемир ака оила аъзоларига ўтирилди, уларнинг елка қисишганини кўргач, ишонч билан жавоб қайтарди:

– Биз манзилени ёзиб олмаган эканмиз. Лекин сиз хавотир олманг. Синглимиз албатта келади. – Сўнг кулишга уринди: – Келмаям кўрсин-чи. Опаси бизда ахир...

Нажмиддин нимагадир аҳд қилгандай бир қадам олдинга юрди, шу тарафга қараб турган Жамилани кўргач эса туйқусдан шартта ортга қайтди-да, Нодирга бош чайқаб қўйди.

Нодир актёрга мурожаат қилди:

– Сиз-чи, Давронбек ака?

– Раҳмат, менинг йўлим бошқа, ука.

Нодир ноиложлигини билдиргандай қўлларини кенг ёзди:

– Майли, ўзларингиз биласизлар.

Йигит қайтиб жойига ўтирди, машина шитоб билан юриб кетди.

Сабр косаси тўлиб тургану, Нодирнинг таклифи сўнгги томчи вазифасини ўтадим, хартугул Давронбек жаҳл билан жомадонини судраганча сариқ таксилар каторлашиб турган жойга борди. Биринчи навбатдаги такси ҳайдовчиси шошиб чикиб, юкхонани очди ва яқин келган йўловчининг қўлидан жомадонни олди.

Давронбек ён чўнтагидан ўзбекча-инглизча сўзлашгич китобчасини олиб, керакли саҳифасини очди ва қийналиб ўқий бошлади:

– Hello! I would like to...¹

Ҳайдовчи кулиб юборди:

– Ўзбекчалаб гапираверинг, ако.

– Э худо! – чин дилдан ҳайратланиб хитоб қилди шоша-пиша китобчасини ёпган Давронбек. – Дунё қанчалар тор!

– Дунё кенг, ако. Уни ўзимиз тор қиламиз. Марҳамат, ўтиринг.

Давронбек машинага чикди. Такси шаҳар йўлига қайрилди.

– Бруклингами?

Энди сал ўзини босиб олган Давронбек “и”ни чўзиброк талаффуз қиладиган ҳайдовчига кизиқиб қаради:

– Қаердан билдингиз?

– Ўзимиздан келган ўнта одамдан тўққизтаси албатта шу ёққа боради-да. Юзингиз кўзимга иссиқ кўринганди... Ҳа, сизни танидим, артист ако. Роса ўзбекча дисклар олиб келганман, сиз ўйнаган киноларниям қайта-қайта томоша қиламан, артист ако.

Давронбек сал оғринганини яшириб ўтирмади:

– Умуман олганда мен артист эмас, актёрман.

– Бунинг нима фарқи бор?

– Бу гапингиз ҳам тўғри, нима фарқи бор? Энди, рухсатингиз билан, сиздан бир нарсани сўрай.

– Сўранг, ако.

– Ўзбекистонда яшаётган меники танисангиз, шу шаҳарда яшаётган Иззатилла аканиям биларсиз.

Ҳайдовчи ўйланиб қолди:

– Қайси Иззатилла ако? Эслолмаяпман.

– У киши бир пайтлар ўзимизда ҳам таникли актёр, ҳам ҳофизлардан бири эди. Ўн йилча бурун аёли, икки ўғли билан кўчиб келган.

– Йўқ, танимас эканман-а. Шаҳарда ўн миллиондан ортиқ одам яшайди, ако. Лекин истасангиз топиб бераман. Одам игна эмас-ку. Бунинг устига, худога шукр,

¹ Салом! Мен истардимки...

бунақа масалада юртдошлар дарров бир-бирига қарашиб юборишади.

Давронбек суюниб кетди:

– Раҳмат, катта раҳмат, анча енгил тортдим.

Бир зум ўйланиб қолган ҳайдовчи минг истиҳола билан пул ҳисоблагичга ишора қилди:

– Фақат, кўнглингизга келмасин-у, артист ако, ма-нави шақиллаб айланаверади. Сабаби тирикчилик шу ерларда юрибмиз-да.

Даврон ҳайдовчининг муддаосини тушунди.

– Ҳакингишни тўлайман, ука.

Ҳайдовчи яйраб кетди:

– Бу бошқа гап. Бир хил юртдошларимга ўзбекча гапирсам бўлди, кейин бир цент бермай туриб олишади. Худдики мен уларнинг падарларининг пулига келган машинани ҳайдаб юргандай. Ахир биздаям бола-чақа бор...

Такси улкан мегаполис – Нью-Йорк шаҳрига кириб келарди.

– Бўлмаса, артист ако, Иззатилла аконгизни йўл-йўлақай “Самарқанд” ресторанига кириб бир суриштириб чиқсам. У ерда билишмаса “Чорсу”га ўтамиз.

Давронбек ҳайрон бўлди:

– “Самарқанд”, “Чорсу”... Шунақалариям борми?

– Бор, ако, бор. Одам соғинган жойининг номини кўяди-да ресторанига. Ҳалиги... ностальгия деган нарсаси бор-ку. У ерлардан дарагини топмасак, “Феруза”, “Афсона”, “Самарқанд гумбазлари”, “Регистон” гаям ўтамиз. “Фуркати Самарқанд” гаям кирсак бўлади, лекин уни яқинда сотиб юборишди. Адашмасам, эронликлар олишди...

Давронбек ҳайратланиб бош чайқади:

– Ўҳ-ҳў!

– Шунақа, ако...

Нью-Йорк... Дунё бизнес маркази, деб ҳам юритиладиган баҳайбат шаҳар...

Жамила кенг, равон, уловлар турнақатор йўлда машинасини абжирлик билан бошқариб бораркан, Нодир баланд, тигиз биноларни, ён-атрофни ҳайратланиб кузатарди.

Жамила йўл-йўлакай “чаласаводликни битириш курси”дан маъруза ўқиб кетди:

– Нодир ака. Америкага кириш қийин, яшаш осон. Аэропортдан ўтдингизми, тамом, сиз мукамал ишлайдиган тизим ҳимоясида бўласиз. Америка – қонунлар мамлакати. Уларга амал қилиб яшасангиз, муаммога дуч келмайсиз.

– Буни тушунтиришди.

– Барибир эслаб қолинг. “Грин-кард”, – қиз бу атamani америкача талаффузда, тилини бураб айтди, – “грин-кард” сизга катта ҳуқуқлар беради. Чунки сиз нолегал эмассиз, қонун ҳимоясидаги фуқаросиз. Фақат сайлаш-сайланиш ҳуқуқингиз йўқ, холос. Қолган ҳаммаси о`кей! Ҳуқуқларингиздан максимал фойдаланиб қолинг. Биринчидан, коллежда ё университетда бошқаларга қараганда камроқ пул тўлаб ўқишингиз мумкин. Иккинчидан, Америка ҳудудидаги исталган компанияга ишга киришингиз мумкин. Учинчидан, ўзингизнинг шахсий бизнесингизни очишингиз мумкин. Тўртинчидан, агар бу ерда ўн йил ишлаб берсангиз, пенсияга чиқишда имтиёзларга эга бўласиз. Бешинчидан, беш йилдан кейин Америка фуқаролигини олиш учун ариза бера оласиз. Олтинчидан, уй сотиб олиш учун бемалол кредит оласиз. Еттинчидан, ҳаётингизни суғурталайсиз. Бу Америкада жуда катта аҳамиятга эга. Саккизинчидан, машина, тўппонча сотиб олиш ҳуқуқингиз бор. Тўккизинчидан, камроқ солиқ тўлайсиз. Ҳа, яна эсингиздан чиқмасин: сизнинг “Social Security Number”ингиз икки ҳафталардан кейин грин-картангиз билан по-

чтадан келади. Шундан кейин иш берувчингизга бу ракамларни маълум қилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ҳужжат тўғрилашга киришсангиз бўлади. Бу ерда ҳайдовчилик гувоҳномаси асосий ҳужжат ҳисобланади...

– Буларни биламан, Жамилахон. – Нодир шаҳарни томоша қилишдан тўхтаб, жойлашиб ўтириб олди-да, кизга қаради. – Яхшиси, ўзингиздан гапиринг.

– Ниманиям гапирардим. Кўриб турибсиз, яшаяпман, хусусий коллежда ўқияпман. Қиммат эмас, йилига ўн саккиз минг доллар тўлаймиз. Келажақда яхши адвокат бўлсам дейман.

– Осон бўлмагандир бошқа юртга кўникиш, ўрганиш.

– Тўғриси, осон бўлмади. Бошида ҳатто қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин энди кўникиб кетдим. Худди бир умр америкалик бўлгандай ҳис қиляпман ўзимни...

– Шунақа денг... Айтгандай, Жамила, аэропортда қолган юртдошларимни ўйлаб қолдим. Мана, сиз кўп нарсаларни биласиз. Мабодо ваъда берган одамлари уларни кутиб олишга чиқишмаса, давлат ёрдам берадими?

– Йўқ, лекин бунга уларнинг ўзлари айбдор, давлат эмас.

– Қанакасига? – ажабланиб сўради Нодир. – Ахир улар шу давлатга ишониб келишди бу ерга...

– Бунинг учун аввал бошидан “Америкада танишимиз йўқ” деб айтишлари керак эди, шунда давлат улар ҳақида ғамхўрликни ўз зиммасига оларди. Билиб қўйинг, бу ерда лаллайган муҳожирларга ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ. Шусизам мамлакатда ўн икки миллион ноқонуний муҳожир биқиниб-яшириниб ишлаб юрибди. Ҳамманинг ўз иши, бизнеси бор. Вақт эса йўқ. Айтгандай, биласизми, нима учун дадамнинг сизни кутиб олишга чиқишларига қарши бўлдим?

– Билмадим.

– Чунки дадамнинг кўнгиллари жуда бўш. Ўзбекча. Ўтган йили шунақанги кўчада қолган бир оилани олиб келган эканлар. Худди шу тарих. Уларни кутиб оламан деган қариндошлари солиқни алдагани учун қамалиб қолган. Бир ҳафта тураман деган оила уч ой туришди уйимизда. Ёш болалари ҳам бор денг. На тилни билишади, на қонун-қонидани. На ҳаракат бор, на интилиш. Қўлларида “грин-карта” бор-у, қора ишга ёлланмоқчи бўлишадими-ей. Ҳалиги гап бор-ку, “Берсанг ейман, бермасанг ўламан”, деган. Худди шунақа-да. Охири бир амаллаб Виржинияга учуриб юборишга дадамни кўндирдим.

– Ўша ёқдан иш топишдими?

– Қаёқда! Қариндошлари ўша штат қамоғида экан. Қутулганимизга хурсанд бўлдим. Дадамлар бўлса уларнинг орқаларидан қўл силкиб, кўз ёшларини оқи-зиб қолдилар.

Нодир афсусланиб бош чайқади:

– Ҳа, кийин бўпти бечораларга.

– Нима ҳам қилардик, – йўлдан кўз узмай жавоб қайтарди Жамила. – Ҳаёт шафқатсиз. Бугун ҳам агар дадам келганларида, бояги турганларнинг ҳаммасини машинага босиб келиб, уйда меҳмон қилган бўлардилар. Бу билан аслида уларга яхшилик эмас, ёмонлик қилаётганликларини дадам тушунмайдилар.

– Тўғриси... – Нодир кулиб юборди, – мен ҳам тушунмадим.

Қиз бажонидил изох беришга ўтди:

– Бунинг ҳеч мураккаб жойи йўқ. Чунки улар ҳамма кийинчиликларни ўзлари енгилари керак. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ўзлари тобланишлари керак. Иссиқхона эффектининг кимга кераги бор? Шунда кейинчалик ҳаётлари осонроқ бўлади. Йўқса ҳар қадамда улар дадамга ўхшаган одамни қаердан топишади?

Нодир бундай темир мантиқли савол қаршисида нима дейишини билмай қолди. Йигит билан қиз бир

муддат жим кетишди. Ахийри Нодир кўнглига келган фикрни овоз чиқариб айтди:

– Сиз... сиз анча ўзгариб қопсиз, Жамилахон.

– Эҳтимол... Аммо ҳаёт шунга мажбур қияпти, Нодир ака. Бу ерда жон-жаҳдинг билан курашмасанг, ишламасанг, сени топтаб-янчиб ўтиб кетишади. Бунга йўл қўймаслик керак! Камбағалмисан – ўзинг айбдорсан, нега вақтида яхши ишламадинг? Касалмисан, яна ўзинг айбдорсан – нега вақтида ўзинг соғлиғинг ҳақида қайғурмадинг? Итнинг кейинги оёғимисан, яна ўзинг айбдорсан – нега вақтида, имкон борида ҳаракат қилмадинг, осмондан чалпак ёғилишини кути-иб ётдинг?

– Ҳа, ғалати фалсафа экан.

– Фалсафа эмас, ҳаёт ҳақиқати бу! – кизгинлик билан эътироз билдирди киз. – Ҳаётда бирон нимага эришаман деган одам мана шу оддий ҳақиқатларга риоя этиши шарт! Бу ерда ўттиз беш ёшигача бир миллион доллар топиб, банкка қўймаган одамни “омадсиз” дейишади. Менинг эса омадсиз бўлгим келмайди...

Баногоҳ ёқимсиз ниманидир ўйлабми, маҳзун тортган Жамила маърузасини тўхтатди-ю, тарки одат амри маҳол деганларидек, барибир Нодирга жилмайиб қаради:

– Қари кампирдай вайсайвериб, сизниям зериктириб қўйдим-а?

– Йўғ-э, нега энди. Жуда қизиқарли маълумотлар...

– Ҳозир бундай қиламиз. Омадимиз келиб, машина қўйишга жой топсак, шаҳарни пи ёда айланмиз. Ўзингиз кўрасиз, ишонч ҳосил қиласиз: буюк шаҳар бу...

Кеч тушиб бораётган палла ҳам аэропорт ёнидаги майдончада ҳамон Нажмиддин, Тоштемир ака оила аъзолари билан ўтиришарди.

Юзи қорайиб кетган, жағида олхўридай ғудда пайдо бўлган, нечанчи маротабадир соатига қараб олган Нажмиддин бир нимага аҳд қилгандай шахт билан Тоштемир аканинг ёнига келди:

– Кечирасиз, ака, сизларни ким кутиб олиши керак эди?

– Қайинсинглим. – Тоштемир ака дилига оралаган шубҳа илонини янчиш учунми, зўр бериб суҳбатдошини, тўғрироғи, ўзини ишонтиришга урина бошлади: – Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Кўнгил душман. Шошиб келаётганида йўл-пўлда бир нима бўлиб қолдими деб кўнглим алағда.

Отанинг кайфиятини ҳис этиб турган Нажмиддин мужмалрок жавоб қайтарди:

– Эҳтимол.

– Сизни-чи, ука?

– Жўрам.

– Келиб қолар, ука, келиб қолар.

– Ҳай энди билмадим-ов. Келса... шу пайтгача келарди-да.

Нажмиддин жаҳл билан жомадонини ғилдиратиб шаҳарга қараб пойи пиёда йўл олди. Унинг ортидан анграйиб қараб қолган Ҳасан беихтиёр:

– Ҳали бизам шунақанги аҳволга тушмасак эди, ота, – деб юборди.

Тоштемир ака портлаб кетмаслик учун муштларини каттиқ сиқди, аммо барибир ўғлига ўшқириб беришдан ўзини тийиб туrolмади:

– Оғзингни юм, бола! Холанг... унақанги аёл эмас. Бизга шунча ёрдам қилган... Мана кўрасан, келади.

Бувсора енгини юзига босганча пиқиллаб йиғлаб юборди:

– Гапингиз рост, отаси. Унга бир нима бўлган. Бўлмаса эмаклаб бўлсаям етиб келарди, бизни мусофир юртда буйтиб ташлаб қўймасди. Ахир жиянларини қандай яхши кўрарди...

Оила аъзолари яна илинж билан йўлга кўз тикишди.

Таксичи йигит – асли самарқандлик Тошпўлат бало экан: “ако-ако”лаб ундан суриштирди, бундан суриштирди, у ерга кириб чиқди, бу ерга кириб чиқди,

ишқилиб охири “бир пайтлар Ўзбекистонда артистлик килган” Иззатилланинг оиласи билан Бруклиндаги кўп каватли уйлардан бирида яшабини аниклади, Давронбекни шу уйнинг подъезди тагига қадар олиб келиб ҳам кўйди. Сўнг йўловчисидан айнан ҳисоблагич кўрсатиб турган пулни олди, ўн фоизлик чойчақани дарҳол қайтариб берди:

– Уят бўлади, аҳо, бир тупрокнинг одамимиз...

Кайфияти сал жойига тушган Давронбек юқори каватга кўтарилди.

Кўнғирок икки-уч бор жиринглаганидан сўнг эшикни рўмол ўраган аёл очди.

– Whom you?¹

Давронбек диққат билан қарабгина устозининг аёлини таниди:

– Ҳабиба хола!

Аёл унга ажабланиб тикилди, сўнг ҳаяжон билан шивирлади:

– Давронбек!

– Ахийри сизларни топдим-а! Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом. – Аёл Давронбекнинг елкасига қоқиб кўришди. – Келинг, иним, келинг. Акангиз айтгандилар, рост экан-да.

– Тинчликми, бугун Иззатилла ака билан аэропортда кўришишимиз керак эди.

– Акангиз мазалари бўлмай ётиптилар. Киринг, марҳамат.

Давронбек шошиб ичкарига кирди, жомадонини йўлакда қолдириб, Ҳабиба холанинг ортидан юрди.

Алоҳида, одмигина хона. Диванда боши танғиб боғланган Иззатилла ётарди. Давронбек илдам бориб, диван ёнига тиз чўкди, устозини кучоклаб олди:

– Ассалому алайкум!

Давронбек устозига қараркан, ўз кўзларига ишонмасди. Бир пайтлар кучга тўлган ҳўкиздай бақувват, ла-

¹ Сизга ким керак?

панглаб юрса ер гумбурлайдиган, кураш бўйича спорт усталигига номзод Иззатилла энди озиб-тўзиган, кўзлари киртайиб қолган, юзини ажин босган муштдеккина қарияга айланганди. Ваҳоланки, агар адашмаётган бўлса, устоз ҳали олтмишга ҳам қирмаган... Беҳол Иззатилла бошини Давронбекнинг кўксига қўйганча пикиллаб йиғлаб юборди. Ҳабиба хола дарров хонадан чиқди.

Давронбек хавотирга тушиб қолди:

– Устоз, сизга нима бўлди?

– Эсон-омон келдингизми, Давронбек, – базўр гапира олди бир амаллаб қаддини ростлаб ўтириб олган Иззатилла. – Минг бор, милён бор узрларим, сизни кутиб олишга чиқолмадим.

– Ҳечқиси йўқ, устоз. Муҳими соғ-саломат экансиз. Сўраб-сўраб Маккани топибди деганларидек...

– Қани, омин, босган қадамингиздан гуллар унсин, дилингиздаги барча ниятларингиз амалгашиб... – шу маҳал қўшни хонадан қаттиқ томоқ қириш эшитилди, Давронбекнинг назарида бундан Иззатилла ака сесканиб кетди-ю, дуосини тугатиб қўя қолди: – Омин, Аллоҳу акбар.

– Омин.

– Юртдагилар ҳаммаси эсон-омонми, Давронбек. Ҳамкасблар, таниш-билишлар, ҳеш-уруғлар?

– Ҳаммаси яхши, Иззатилла ака. Салом айтиб юборишди.

– Саломат бўлишсин.

– Ўзингиз яхшимисиз, ишкилиб, устоз?

– Яратганга минг катла шукр.

Ҳабиба хола чой олиб кирди.

– Чойнакни менга беринг... Сиз яхшимисиз, хола.

– Шукр, иним, Аллоҳнинг сояси давлатида. Мен ҳозир...

Ҳабиба хола хонадан чиқди.

– Айтгандай, болалар яхшими, устоз? Эрали билан Шерали эди-я? Аллақачон Голливуд юлдузлари бўлиб кетишгандир.

Давронбекнинг чой кайтаришини жилмайиб кузатиб ўтирган, кўзлари жикка ёш Иззатилла ака яна бир бор сесканиб кетгандай бўлди, аммо индамади. Меҳмон пахта гулли пиёлага чой қуйиб узатди:

– Марҳамат.

Иззатилла бир қўлидаги пиёлага, бир Давронбекка каради, сўнг овозини пасайтириб, титрок товушда шошиб гапира бошлади:

– Давронбекжон. Эртами-кечми, барибир шу мавзуда гаплашиб олишимизга тўғри келади, шунинг учун ҳаммасини очик айта қолай. Кинони ҳар қанча яхши кўрмайин, ҳар қанча саъй-ҳаракат этмайин, болаларимни Голливуд юлдузи қилолмадим. Бировдан ёзғирмайин, аслида айб ўзимда. Эралижоним билан Шералижонимни пуллик санъат студиясига топширгандим, синема бўлимига. Зўр актёрлар бўлиб етишишади деб ишдан бош кўтармай юраверибман. Пул бўлса бас деб ўйлабман-да. Шуларни деб қора ишларда ишладим. Улар бўлса... студияни ташлаб, диний мактабга ўтиб кетишибди. Киностудияларнинг продюсерларига сарфлаган пулларимнинг бариси осмонга учди. Иккаласи ҳам муштдай бошидан сокол қўйиб олишган, мачитдан бери келишмайди, бир амаллаб оналариниям намозхон қилиб олишди. Дастурхон устида нонни билмасдан чап қўлимда ушлаб қолсам ҳам тўполон қилиб юборишади, худдики мен катта бир жинойат қилгандай. Булар майли. Бир йилдан бери “Динимиз санъатни қоралаган, санъаткор аҳли муртад бўлади” деб мен билан қирпичок бўлишади. Шекспирнинг “Бу ҳаёт ўзи сахна...” деган гапини айтсам, “У кофирнинг номини тилга олманг, еган лукмангиз ҳаром бўлади”, дейишади... Сизни уйимга қабул қиламан деб розилик берганимдан бери кўрган кунимнинг... дўзахдан фарқи қолмади, укажон. Мен нодон Тошкентдан истеъдодли шогирдим келаяпти “грин-карта” билан, мен уни Голливудга олиб бораман, юлдуз қиламан деб қўйган эканман. Шундан бери

бошимда ёнғок чакишади. Бугунам эрталабдан атай мени пойлаб ўтиришибди... Жуда сиқилган пайтларим, торимни олиб, ўзим ўзимга қўшиқ айтиб ўтирардим. – Мезбон бурчакдаги шкафга ишора қилди: – Қаранг.

Давронбек узалиб, шкаф эшигини очди. Ичкарида иккига бўлинган тор турарди.

– Бу ёкка олинг. Қаранг, кадрдон торимни не кўйга солишди. Яна буни... бегоналар эмас... ўз жигарларим...

Баттар мунғайиб қолган Иззатилла синган торини меҳр билан силаб-сийпади, бағрига босди.

– Мен учун бунчалик куйиб-пишиш шарт эмасди, устоз, – дея олди музтар бўлган меҳмон.

Бу гап мезбоннинг ярасига туз сепди шекилли, бир жойи огригандай инграб юборди, кўзларидан яна дувиллаб ёш оқди:

– Не қилай, ахир Ўзбекистондаги актёрларимизнинг бу ердагилардан ҳеч кам жойи йўқ. Ўшалардан бирон-таси Голливудда юлдуз бўлиб порласа, буни кўрсам, дунёдан беармон ўтардим деб ният қилиб қўйгандим-да...

Давронбек устозини кўп қийнагиси келмади:

– Муҳими сизнинг соғлиғингиз, устоз.

Бир фурсат жим қолган Иззатилланинг ногоҳ юзи табассумдан ёришди, кўзлари сузилди: афтидан, недир ёкимли хотираларга берилганди. Ниҳоят у шивирлаб, худди Тошкентдаги даврларидагидек шогирдини “сен”лаб сўради:

– “Ўжарлар”да ўйнаганим эсингдами?

– Ҳа, лекин қийиб қўйгансиз, устоз. Кейин ҳеч ким сиздай ўйнай олмади.

Иззатилла мамнун бўлди, хотиралар лаззатидан кўзлари юмилиб кетди...

Шу маҳал хонага узун соқолли, оқ кийимли икки йигит кириб келишиб, қўлларини кўксиларига қўйганларича:

– Ассалому Алайкум ва Роҳматуллоҳи ва Барокатуху, – дейишди.

Кўзлари “ярк” этиб очилиб кетган Иззатилла йигитларни кўриб, бесаранжом бўлиб қолди. Давронбек алик олди. Меҳмоннинг хайрон бўлиб ўтирганини кўрган мезбон йигитларни таништирди:

– Болаларим...

Давронбек ўрнидан отиб турди, йигитлар билан қучоқлашиб кўришди.

– Эрали, Шерали, бормисизлар!

Ўтиришганларидан сўнг Эралими-Шералими қўлларини очди:

– Қани, омин, тинчлик-омонлик, хотиржамлик, тансиҳатлик бўлсин, ҳаммамизга мусулмонобод даврларда, мусулмонобод гўшаларда яшамоқ саодати насиб айласин. Омин, Аллоҳу акбар!

Давронбек йигитларга ҳайратланиб қаради:

– Яхшимисизлар, йигитлар. Ўх-хў, кап-катта бўлиб кетибсизлар-ку. Соқоллар... Қай бирингиз Эрали, қай бирингиз Шерали, энди ажратиб бўлмай ҳам қопти. Сизларни охирги марта кўрганимда мана бундай...

Шералими-Эралими меҳмоннинг гапини бўлди:

– Давронбек ака. Узр, мачитга шошиб турибмиз. Аммо сизга икки оғизгина мулоҳазамазни айтиб кетмоқни ўзимизга жоиз деб билдик. Токи чин дунёда сизнинг гуноҳи кабирингиз учун падари бузрукворимимз беҳудага азоб чекмасинлар учун.

Меҳмон ғалати аҳволда қолди:

– Буёғи кизик бўлди-ку. Ҳали уйларингизга етиб келмасдан бурун нима гуноҳ қилиб улгурибман?

Эралими-Шералими, хуллас, ака-укалардан бири тикандай нигоҳини меҳмонга тиккан кўйи комил ишонч билан, ҳар бир сўзни алоҳида таъкидлаб гапиришга ўтди:

– Энг катта гуноҳлардан бири саҳнага чикиб, азиз ва муқаррам инсон зотини масхаралаб намойиш этишдир.

Бунақанги хужумни кутмаган Давронбек – гарчанд меҳмон бўлса ҳам – эътироз билдиришга уринди:

– Лекин...

Аммо кескинроқ оҳангга ўтган воиз уни гапиргани қўймади:

– Ҳар кимнинг гўри бошқа, Давронбек ака. Агарки шу макруҳ касбни танлаган экансиз, марҳамат, қарши-лигимиз йўқ. Аммо падаримизни тинч қўйсангиз, илло у киши энди охиратларини ўйлаб, беш вақт намозини қандай қилмайдиган ёшга етдилар.

Гоҳ болаларига, гоҳ мезбонга жавдираб қараётган Иззатилла инграб юборди:

– Эрали! Шерали! Ахир Даврон акаларинг менга ишониб келган бу ерга. Ҳеч бўлмаса уйимизда яшаб турсин.

Бироқ Эрали-Шералилар ўз аҳдларида собит шекли – қай биридир киприк қокмасдан таъналар ўқини ёғдирди:

– Сиз аралашманг! Балодан нари! Бир номусулмоннинг касри ўн, юз, ҳазор чин мусулмонга уради. Биз бу уйдан баракот кетишини истамаймиз.

– Эрали! – қичқириб юборди шўрлик ота.

– Биз ўз фарзандлик бурчимизни адо этаяпмиз, ота. Не қилсак, аввало сизни ўйлаб қилаяпмиз, ота!

– Шерали!

– Акам ҳақ...

Жанжал авж олиб кетаётганини, энг асосийси, устозининг ранги бўзариб, ҳансираб, калта-калта нафас олаётганини кўрган Давронбек шошиб иккала қўлини кўтарди:

– Бўпти, бўпти! Ҳаммаси менга боғлиқ бўлса, ҳозирок кетаман. Фақат сиз, устоз, асло ташвишланманг. Ишга жойлашиб олсам, ўзим хабар олиб тураман... – Эралинингми-Шералинингми ўзига ўқрайиб, худди каттол душманни кўраётгандек қаттиқ тикилаётганимни кўрган меҳмон гапини тўғрилади: – ...телефон қилиб тураман. Хайр, устоз.

Давронбек шошиб ўрнидан турди, йўлакка чиқди, жомадонини судраб ташкарига йўл олди. Унинг ортидан шарпадай бўлиб Ҳабиба хола чиқди:

– Илоё умрингиздан барака топинг, иним...

Лифтни ҳам кутиб ўтирмасдан пастга пиёда тушишга қарор қилган Давронбек ўтирилди:

– Хайр, хола. Устозни авайланг.

Онанинг ортида икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаб қолган соқолли ака-укалар кўринишди. Шу маҳал... Иззатилла ичкаридан кўлида синган тор билан гандираклаб чиқиб келди. Тик вужуди дир-дир титраётган отанинг кўзлари фавкулудда ёнар, кўкраги темирчининг босқонидай кўтарилиб-тушарди. Устозини бу аҳволда кўрган Давронбек лол бўлиб туриб қолди.

– Давронбек! – дея хайкирди устоз... гулдурлаган овозда. Ҳа, бу ўша, бир пайтлар Ўзбекистон театрларида, кино экранларида янграган, минглаб-миллионлаб томошабинларни ўзига мафтун этган қудратли овоз эди. – Санъат муқаддас! Санъат илоҳий! Инсон умри бир сониялик, аммо санъат абадий! Мен динимиз санъатни инкор этишига мутлақо ишонмайман. Бу уч-тўрт чаламулла мутаассибнинг гапи бўлса керак. Агарким... агарким... шу рост бўлса, майли, мен... мен номусулмон бўлай.

Ака-укалардан бири соқолини чангаллаганча бўкириб юборди:

– Ота!

Иккинчиси унга жўр бўлди:

– Ота! Гуноҳга ботманг!

– Мен гуноҳга ботиб бўлган одамман, – қаддини тик тутиб турган ички қудратдан аста-секин мосуво бўлиб бормоқда эдими, Иззатилла бирдан қалқиб кетиб, деворга суяниб қолди, кўзларидан шашқатор ёш оқди: – Энг катта гуноҳим – сизларни бу ерга олиб келганим бўлди, болаларим. Қандай иқтидорли эдиларинг-а! Мен бир нарсани тушунмаган эканман: ўзга юртда юл-

дуз бўлгунча, ўз юртларингда оддий инсон бўлиб юрганларинг минг карра авло эди-ку! Аммо энди ғишт колипдан кўчди, сўнгги пушаймонлиғ ёмондир, сўнгги пушаймон ёмон...

Ҳабиба хола ваҳима ичида пичирлади:

– Дадаси... осий бўлманг... ширк келтирманг...

Иззатилла хотинига ачиниб каради:

– Мен гумроҳни кечир, аяси... Сенинг бу қўйга тушишингга асли ўзим айбдорман... Сиз эса, Давронбек, санъатни ташламанг... Сизни дунё тан олмагунча қўйманг... Кўрсатиб қўйинг уларга кимлигимизни!.. Во дариғ! Умрим кўз очиб-юмгунча бесамара ўтди-кетди-я! Ҳазрат Навоий не демишлар: “Эй, мусулмонлар, билингким, бўлди умрим ҳосили Нафси кофир фитнасининг номусулмонлиғда ҳайф...”

“Оҳ” тортиб юборган Иззатилла ногоҳ юрагини чангаллаганча “гуп” этиб кулади, торнинг нолали саси эшитилди.

Ҳабиба хола чинкириб юборди:

– Дадаси!

Давронбек жомадонини ташлайсола Иззатилла томон отилди:

– Устоз!..

Худди шу маҳал шаҳар чеккароғидагии қаҳвахоналардан биридаги ним қоронгу залда Муродбек Қиличевич ўзини аэропортда кутиб олган ҳайдовчи йигит билан овқатланиб ўтирарди. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиганлар қабилдан бўлган Муродбек Қиличевич ёнидан ўтаётган очик-сочик кийинган, ўзига хумор-хумор қараб қўяётган жувонларга хирс аралаш гердайиб боқарди.

–Зўр-ку, Латиф! – деб юборди Муродбек Қиличевич.

Латиф кулимсиради:

– Бир юз йигирма.

– А?

Латиф тушунтирди:

– Соатига бир юз йигирма доллар тўлашга рози бўлсангиз, хоҳлаганини танлаб олишингиз мумкин.

Муродбек Қиличевич аччикланиб кўл силтади:

– Заҳардан қиммат экан-ку бу занғарларинг... Бўпти, ҳо анавиниси, дўмбоққинаси, тирсиллаб турибди ўзи-ям, ўшани гаплаш... Менга қарайвериб кўзлари ғилай бўлиб кетди бечоранинг...

Латиф суҳбатдоши ишора қилган томонга қиё ҳам бокмади:

– Бу ерда қўшмачи талаб қилинмайди, ҳаммаси очик савдо.

– Ҳм-м, буниси яхши экан, – кафтларини бир-бирига ишкади Муродбек Қиличевич. – Бекорга эркин мамлакат дейишмайди-да, а?

– Ҳа, бекорга айтишмайди. – Латиф соатига қаради. – Муродбек ака. Беш дақиқадан кейин кетаман. Сиз хоҳласангиз бемалол ўтираверинг. Мен столнинг пулини тўлаб кўяман.

– Яхши. Кейин анави ойимча билан қаерга бораман?

Латиф муштини иягига тиради ва биринчи марта суҳбатдошига диққат билан қаради. Бу нигоҳда интиқом алангаси шу қадар ошқора ловулардики, унча-мунча нарс таъсир қилмайдиган Муродбек Қиличевичдек одам ҳам сал ҳушёр тортгандай бўлди.

– Ойимча билан қаерга бораман, дейсизми? Билмадим. Бу энди сизнинг муаммойингиз, Муродбек ака.

Муродбек Қиличевич пиво симиришдан тўхтаб, суҳбатдошига ўқрайди:

– Латиф! Бу нима деганинг?

– Ҳозиргина ўзингиз эркин мамлакатда яшаяпмиз, дедингиз-ку. Хоҳлаган жойингизга бораверинг, катта кўча. Хоҳласангиз ўша ойимчага яна юз қўшиб бераман денг, жойиниям ўзи тўғрилаб беради.

– Латиф! – Муродбек Қиличевич ҳов бир даврлардагидек столни қарсиллатиб урди. – Нега мен билан бун-

дай гаплашяпсан? Тилинг чикиб колдими? Ё менинг кимлигимни эсан чиқариб қўйдингми? Мен кимман-у, сен кимсан!

Латиф энди очикдан-очик мазах килишга ўтди:

– Нега энди эсимдан чиқаркан? Сиз кимсан кудратли, бой-бадавлат амалдор Муродбек Қиличевичсиз.

Муродбек Қиличевич оғир гавдасини стул суянчиғига ташлади:

– Билсанг, қисиб ўтир!

Истеҳзоли илжайиб қўйган Латиф навбатдаги зарбани берди:

– Фақат Ўзбекистонда шунакасиз... тўғрироғи, шунақа эдингиз. Устингиздан жиноят иши очилаётганини эшитиб, бу ёққа шаталок отиб қочиб келдингиз. Чунки айбингиз бор-да.

– Бундан тўрт йил бурун камокдан сени ким кутқариб колгани эсингдан чикиб колмадими, ишқилиб, Латифбой?

– Йўқ, эсимдан чиқмади. Сиз. Мени бу ёққа юборган ҳам ўзингиз бўласиз.

– Эсингдан чиқмагани яхши, – пишиллади Муродбек Қиличевич. – Энди қарзни қайтарадиган вақт келди, ука.

– Албатта. Хўш, кўнгиллари нимани тусайди?

– Бу бошқа гап. Индамаса жа... Хуллас, алоҳида хона. Шароитлари яхши бўлсин. Анавиниям ўзинг оборасан!

Ана шунда Латиф бош бармоғини икки бармоғи орасига тиқиб кўрсатди:

– Мана алоҳида хона!

Ақлини таниганидан бери бунақанги ҳақоратни кўрмаган-эшитмаган Муродбек Қиличевич бўғрикиб кетди, кўзлари қонга тўлди:

– Ҳаддингдан ошма, Латиф! Мастмисан?

– Кўрдингиз, бир шиша пиво ичдим. Бу ерда бир шиша пиво ичиб, машина ҳайдаш мумкин. Қонун бунга рухсат беради.

Муродбек Қиличевич хезланди:

– Пачағингни чиқариб ташлайман лекин, бола!

Латиф беписанд кулди:

– Афсуски, қўлингиздан келмайди.

Муродбек Қиличевич урмоқчи бўлиб қўл кўтарди, аммо Латифнинг ўзига жиддий, хаттоки хотиржам тикилиб турганини кўриб, секинлик билан қўлини туширди.

– Шунақа, – илжайди Латиф. – Энди мени эшитинг. Тўрт йил бурун мени бу ёқларга юборганингиз рост. Кейин “Омбор мудир кочи кетди” деб бутун ўғирликларингизни менинг бўйнимга илганингиз ҳам рост. Жим туринг... Сиздан миннатдорман, шу ерга келиб, мусофир бўлиб, мусулмон бўлдим, юртимнинг қадрига етдим, бола-чакамнинг қадрига етдим. Сиз билан олти йил бирга ишлаб, маишатдан бошим чикмаганди. Кўзим кечроқ бўлса ҳам очилди.

– Кўрдингми, барибир одам қипман-ку.

– Ниманинг эвазига?

– Натижа муҳим.

– Шунақа денг. Бўпти. Мана сиз ўзингизга алоҳида хона талаб қияпсиз. Ўзим қаерда яшашимни айтаяинми? Эскириб кетган, хароба уйдаги бир хонани ўн икки киши ижарага олганмиз. Ўша иркит хонага ойига юз доллардан тўлаймиз. Кечкурун пайпоқлар сассиғига чидаб бўлмай қолади. Қулоғимга бир марта суварак кириб кетди... Лекин ўша ерда яшашга мажбурман. Бошқасига қурбим етмайди.

– Алдама. Менам суриштирганман. Уйингга ойига беш юздан юбориб турган экансан-ку.

Ёнларидан ўтиб бораётган полициячини кўриб Латиф дарров нигоҳини қуйига олди, полициячи узоқлашгандан кейингина бошини кўтарди.

– Тўппа-тўғри, юбориб турдим. Лекин биласизми тўрт йил қаерда ишладим? Мексикаликнинг новвойхонасида. Иш кечкурун соат бешда бошланиб, эрталаб

соат саккизда тугайди. Ўн беш соат тинмайман. Соатига беш доллардан ҳақ тўлайди. Бундан ортиғини бермайди. Чунки мен ноқонуний муҳожирман. Ишдан кейин ўтирсам туролмай қолардим, турсам ўтиролмасдим. Тўрт йил умрим шундай азобда ўтди. Бундан кўра қамоқхона яхши... Бир йилдан бери қурилишдаман. Қора ишчиман. Ойига бир минг икки юз оламан. Беш юзи уйга. Қолганини бир амаллаб етказаман.

– Лекин... телефонда ўз оғзинг билан “Ҳаётим зўр, сизам келинг, маза қилиб яшайсиз”, дединг-ку.

– “Ёмон” деганимда ишонармидингиз? Ишонмасдингиз. Ўзингизча доллар осмондан ёғиладиган жойга келдим, энди аҳмоқ Латиф бу ерда бир умр мени боқадди, деб ўйлагансиз-да. Бекорларнинг бештасини епсиз! Энди, агар хоҳласангиз, сизнинг ҳаётингиз бу ерда қандай кечишини айтиб бераман.

– Хўш, қандай кечаркан?

– Расво! – деди Латиф ишонч билан. – Бир ойдан кейин виза муддатингиз тугайди. Америка қонунчилигига кўра, яна бир ой бемалол юришингиз мумкин. Ана ундан кейин ҳеч қанақа ҳуқуқи йўқ ноқонуний муҳожирга айланасиз. Унғача олиб келган икки минг долларингиз тугайди. Биламан, оғир меҳнатга тобингиз йўқ, аммо мардикор бозорига чиқишга мажбур бўласиз.

– Ие, бу ердаям борми шунақа бозор?

– Бор. Энг кам ҳақ тўланадиган бозор бор. Ўша ерга боришдан бошқа иложингиз қолмайди. Тил билмайсиз. Демак соқовдан фарқингиз қолмайди. Оч қолиб ўрганмагансиз. Аммо оч қолишга, ахлат титишга мажбур бўласиз. Аста-секин манави меш қорнингиз пучаяди, ўзингиз бўлса бир бурда нондан бошқасини ўйламайдиган хайвонга айланасиз. Кейин аламдан ича бошлайсиз. Тўғри, бу ерда полициячи кўчада тўғридан-тўғри келиб, ҳужжатларингизни кўрсатишни талаб қила олмайди. Аммо барибир худди жинойтчидай яшириниб-писиб юришингизга тўғри келади. Мабодо ичиб

жанжаллашсангиз, шу заҳоти обориб тикиб қўйишади. Аввал олти ой камокда ётасиз, кейин депортация! Ўзбекистонга борсангиз эса ҳам жинойтчи, ҳам кочок сифатида, – Латиф тилинган-шилинган, қорайиб кетган бармоқларини панжара қилиб кўрсатди, – мана бунақанги жойга, узоқ муддатга тикиб қўйишади. Шунинг учун шу ерда гадо бўлиб, хор бўлиб, бир бурда нонга зор бўлиб юришга мажбурсиз. Мана сизнинг келажагингиз!

Муродбек Қиличевич семиз қорнини селкиллади кулди:

– Роса кўрkitвординг-ку. Ўзингники-чи, ўзингнинг ҳаётинг қандай кечади?

– Ўзимми? Шу яқин кунларда полицияга ўзим бораман, ўзимни топшираман. Уч ойлар камокда ўтирсам, кейин депортация қилишади. Балки бир ой ўтирарман.

Муродбек Қиличевичнинг капалаги учди:

– Калланг борми сен боланинг? Ўзбекистонда устингдан очилган жиной иш ҳали ёпилмаган. Самолётдан тушганингдан оёғингни ерга текизмай олиб кетишади.

Латиф қандайдир самимий, худди орзусини айтиб бераётган ёш боладй жилмайди:

– Майли, опкетишсин. Бу ерда ҳар куни камокда ўтиргандан кўра, у ерда муддатни ўтаб чикқаним яхши. Бунинг устига мендаям забон бор, ўша пайтлари мингни ўзингиз еб, бирни бизга томизганингизни айтаман.

– Қурук гапингга ким ҳам ишонарди, тентак! – қўл силтади Муродбек Қиличевич.

– Майли, ишонишмасин. Қамашсин. Кейин соф виждон билан оиламга қайтаман.

Муродбек Қиличевич шахт билан Латифнинг билангидан маҳкам чангаллади, эннгашиб, вишиллади:

– Мени бу ерга ташлаб кетишни ҳаёлингга ҳам келтирма, бола! У ёқда ишлар сал босилсин, кейин бирга қайтамиз! Бирга! Сен бу ерда менга шароит яратиб бер,

у ёққа боргач, ўзим сенинг ташвишингни қиламан. Еганинг олдингда бўлади, емаганинг кетингда...

– Бу чўпчакни энди бошқаларга айтасиз. – Шундай дея қўлини ҳамсухбатининг чангалидан суғуриб олган Латиф чўнтагидан юмалоқ қилиб ўралган пул дастасини чиқариб, столга ташлади. – Бу ерда минг доллар. Ўғлимга суннат тўйи қилганимда шунча тўёна бергансиз. Ўшани қайтаряпман. Буни эҳтиётлаб ишлатинг. Чунки бу ерда қоладиган бўлсангиз, тез орада бир долларгами зор бўлишингиз аниқ. Шу билан пул масаласида орамиз очик. Лекин битта масала қолди.

– Яна пул бермоқчимисан?

– Йўқ. – Ўпкаси тўлган Латифнинг товуши титраб кетди. – Йўқ. Сиз бу ерда анави фоҳишага соатига юз йигирма доллар тўламоқчи бўлиб турибсиз. Лекин... бу ерга энди келган пайтларим... менинг... кийналиб қолган хотиним сиздан ёрдам сўраб борганида... юз доллар бергансиз...

– Тўппа-тўғри, берганман! Ўз қўлим билан берганман! Кўрдинг, яхшилик барибир қайтади-да. Ҳа, кейин яна кел дегандим, лекин келин нимагадир келмади. Шу билан хабар олишгайм вақтим бўлмади.

– Вақтингиз бўлган, – бемисл нафратдан Латифнинг тишлари ғижирлаб кетди. – Вақтингиз бўлган. Юз доллар берган кунингизнинг эртаси куниёқ. Уйга боргансиз. “Пул бериб тураман”, деб аёлимга ёпишгансиз...

– Латиф! Тухмат қилма! Келиб-келиб хотин кишининг гапига ишонасанми? Қанчадан-қанча аёлларнинг ўзлари олдимга ликонглаб келиб туришганида сенинг хотинингга зормидим...

Аммо Латиф бу эътирозни эшитмаётгандек, ҳамон чўғдек ёнаётган кўзларини ҳамсухбатига тикканча тишлари орасидан оғули сўзларни битта-битталаб ситиб чиқарарди:

– ...Аёлим кўнмаган, сизни ҳайдаб чиқармоқчи бўлган. Сиз унга ташлангансиз... Шунда аёлим столдаги

ваза билан пешонангизга солган. Қани, кўрсатинг-чи.

Қарахт аҳволга тушган Муродбек Қиличевич қилт этолмай колди, Латиф унинг сочини суриб, пешонаси тепароғидаги чандик ўрнини кўрди.

– Мана бу аёлимга кўз олайтирганинг учун!

Латиф собиқ раҳбарини бир зарбда ерга қулатди. Қахвахонадагилар шу томонга қарашди, аммо, ажабки, икки осиеликнинг жанжалига ҳеч ким аралашмади.

Латиф ерда чўзилиб ётган Муродбек Қиличевичнинг юзига тупурди:

– Мана энди орамиз очик, ифлос!

Латиф чекакарокда хотиржам турган официантка билан ҳисоб-китоб қилгач, қахвахонадан чикиб кетди. Лаби қонаган Муродбек Қиличевич бир амаллаб ўрнидан туриб, жойига ўтирди. Шу заҳоти анчадан бери Муродбек Қиличевичга кўз сузаётган чиройли жувон келиб, Латифнинг жойига ўтирди, кафти билан унинг лабидаги конни артиб қўйди-да, ишва билан сўради:

– Are you okay?¹

– Окей, окей, – амаллаб жавоб қайтарди Муродбек Қиличевич.

* * *

Жамила билан Нодир кечки Нью-Йоркни анча маҳалгача пиёда сайр қилишди. Манхэттен, Бродвей... Ҳаммаёқда ялтир-юлтир рекламалар, осмонўпар бинолар... Нодир кўраётганларидан хайратда эди. Жамила уни зимдан кузатаркан, мамнун бўлди.

Сайрдан сўнг киз йигитни шаҳар бикинидаги қатор ҳовлилар жойлашган мавзегга олиб келди. Нодир “бир қаватли Америка” деганларини шу ерда кўрди.

Қодир аканинг каттагина ҳовлиси чироклар ёғдусидан чароғон эди.

Кенг-мўлгина меҳмонхонада ерга жой қилинган. Ўртада хонтахта. Дастурхон анвойи неъматларга тўла.

¹ Ҳаммаси жойидами?

Ўзбекистондан келган азиз меҳмон шарафига Қодир ака иккинчи жаҳон уруши йиллари қуршовда қолиб немисларга асирга тушган, концлагер азобларини боши-ан ўтказган, кейин “Туркистон легиони”да хизмат қилган, уруш тугагач эса аввал Чехословакияда яшириниб яшаб юриб, сўнг бир амаллаб Америкага қочиб келган, шу ерда уйланиб, бола-чақа орттирган, тузуккина сар-моя тўплашни ҳам уддалаган Адҳам бобони кўноққа чорлабди. Оппоқ соқоли кўксига тушган тўксон ёшли бобо тўрдан жой олди. Бир тарафда Қодир ака ўтирди, “атоий худо” меҳмон Нодир иккинчи томонда.

Фотиҳадан сўнг Адҳам бобо Нодир олиб келган Тошкент патирини кўлига олиб, узок хидлади:

– Оҳ-оҳ, юртнинг тупроғида пишган-да бу.

Қодир аканинг ишораси билан Нодир чўнтагидан тугунча чиқарди:

– Мана, бобо, ўша тупроқдан бир ҳовуч олиб кел-гандим.

Адҳам бобо энтикиб тупроқни кўлига олди, баайни патирни хидлагандай тўйиб хидлади, кўзларига ёш кел-ди.

– Ватан тупроғи бу... Қодиржон, васиятим эсдан чикмасин-а, шу тупроқни бошимга кўясиз...

Қодир ака кулди:

– Адҳам бобо, қўйсангиз-чи васият-пасиятларни. Ҳали камида юз йил яшайсиз, Ўзбекистонга ям неча бо-риб келасиз.

– Ҳаммаси Аллоҳдан... – Адҳам бобо Нодирга қа-раб, кўлини кўксига қўйганча ним эгилди: – Қуллук, меҳмон, сиз бизни сийлабсиз, худойим сизни сийласин. Шоиримиз айтганидай: “Бизни писанд қилганларга минг бора қуллук...”

– Арзимамайди, бобо.

Қодир ака таништиришга тушди:

– Бобо, меҳмонимизнинг исми Нодиржон. Салкам адашим. Тошкентдаги техника университетини би-

тирган. Мухандис. Бир маҳаллада яшаганмиз, шундок кўшни бўлиб. Адалари яқин дўстим, шифокор. Нодиржоннинг “Грин-карта” ютиб, бу ерга келаётганини эшитдим, дарҳол уйимизга таклиф этдим.

Адҳам бобо мамнун бош ирғади:

– Кўп савоб иш қилибсиз, Қодиржон.

– Мен бу оилага ҳар қанча хизмат қилсам ҳам оз, бобо, – деди ўпкаси тўлиб Қодир ака. – Биз бу ёқларга келиб қолиб... келингизнинг қабрига шулар қараш-моқда.

– Барака топишсин, – дея соқолини силаб қўйди бобо. – Ажр Ўзидан...

Бунчалик тайёргарлик, тараддудни кўриб хижолат чекаётган Нодир узр оҳангида деди:

– Сизларни ҳам ташвишга қўйдим...

Бобо мийиғида кулимсиради:

– Гапингизни шакар билан кесай, болажоним. Сиз бизга бугун дунёнинг ганжу хазиналарига топилмас бойлик келтирдингиз-у, бошимиз кўкка етмасинми? Она юртимиз ифориин олиб келган либосларингизни, она юрт нафасини олиб келган ўзингизни ҳазор-ҳазор тавоб этсак-да арзийди.

Нодир баттар ўнғайсизланди:

– Йўғ-э...

– Айни вақтда, – дея қироат ила гапида давом этди Адҳам бобо, – бир ўтинчим бор эдики, вақти соати билан, ўрни-мавриди келганда, имконият туғилиб қолганда, агар лозим топсангиз, албатта, буни элимизнинг ҳур фикрли зиёлиларига ошкор этиб кўрарсиз. Шу ўтинчимни айтмоққа изн этсангиз.

– Бемалол, бобо.

– Назаримда, жуда қисқа муддат ичида, иложи топилса, шу яқин йиллар ичидан бошлаб Амрикода истикомат қилаётган ўзбек фарзандлари орасида “Грин-Ўзбекистон”ми ё бошқа номдами, мунтазам ўйинлар ўтказилиб турилсаю, голибларга она юртга қай-

тишдек улуғ мукофот ҳадя этилса. Имоним комил, талабгорлар сони жуда ва жуда кўп бўлади.

Қодир ака кулимсираб:

– Барибир Ватан дейсиз-да, бобо, – деб кўйди.

– Ватан демасдан яшаб бўладими, ўғлим!.. Ахир, каранг, болаларни-ку, бир амаллаб она тилимизга ўргатгандик, аммо неvara-чевараларни ҳеч эплаб бўлмай қолаяпти. Нари борса “бобо” дейишади, ё “момо”, шундан сўнг англизча лисонда сайрайдилар. Бу аҳволда яна бир авлод алмашар-алмашмас она тилимиздан жудо бўламиз-ку. Она тилисиз миллат руҳсиз тана билан баробар эмасму?..

Қодир ака бош ирғади:

– Жиддий муаммони тилга олдингиз, бобо.

– Тилни унутган авлод ўзбекча андишани, одоб-ахлоқи, тарбияни ҳам унутаяпти. Мени маъзур тутинг, Қодиржон, мана, меҳмонимиз неча минг чакирим йўлдан, неча-неча мукаддас мазорларни босиб ўтиб келдилар. Аммо бу кишини зиёрат қилишга нечун дўст-биродарларимизни чорламадингиз?

Қодир ака хижолат ичида дастурхон попуғини эзгилади:

– Чакирдим, бобо, кўпларни чакирдим. Ўзингиз биласиз, таниш-билишларимиз штатларга сочилиб кетишган, иш билан банд, вақт кам...

Ҳаммасини тушунган бобо бош чайқади:

– Пул ўлсин-а, пул ўлсин...

– Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас, дейдилар ахир, бобо, – дея Қодир ака меҳмондорчиликка кела олмаган ватандошларини оқлашга ҳаракат қилди. – Шояд уч-тўрт йиллик заҳмат ортидан чин мусулмонлик насиб этса...

Адхам бобо ўсик қошлари орасидан мезбонга синчиклаб қаради:

– Юртдошларимиз келишсин. Уларни кучоқ очиб кутиб оламиз. Уч-тўрт тангасини топишсин ҳам. Аммо

вактида қайтиб кетишни ҳам билиш керак-да, ўғлим.

– Нимасини айтасиз, бобо. Қанча элдошларимиз келишга келиб қўйиб, энди қайтиб кетишнинг иложини қилолмай юришибди-ку.

– Ишкилиб, эртанги томошага таниш-билишларнинг барисини чакирдингизми?

– Концертгами? Албатта... Қани, бобо, дастурхонга қаранг.

Маҳобатли, одамлари кечаси ҳам ухламайдиган Нью-Йорк шаҳрида нима кўп – тунги клуб кўп. Келинг энди мана шундай ошёнлардан бирига кадам ранжида қилайлик.

Кичкинагина хона. Деворда одам бўйи кўзгу. Кўзгу ёнидаги юмалок стулчада Зарифа-Зетахоним эшикка термулиб ўтирибди. Қиз ҳаяжон оғушида, нозик бармоқларини синдиргудай қисирлатади.

Нихоят эшик сассиз очилди ва бир қўлида мини-диск, иккинчи қўлида сумка тутган Малик кириб келди:

– Табриклайман, Зета! Инглизча қўшиқларингни эшитиб кўришиб, маъкул дейишди.

Елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортган Зарифа чапак чалиб юборди:

– Вой, бунча яхши, Малик ака!

Ўйигит кўрсаткич бармоғини кизнинг пешонасига тиради:

– Малик ака эмас, оддийгина Майкл. Эслаб қол... Хуллас, Зета, бу ерда қўшиқлар фақат жонли ижро этилади. Ҳозир компьютерчиларга бераман, улар мусиканинг ўзини қолдириб, овозингни ўчириб беришади. Бироздан сўнг саҳнага чиқасан. Бор маҳоратингни ишга сол. Билиб қўй, бу сенинг имкониятинг! Шоу-бизнессени кутяпти. Сен буни уддалайсан!

– Уддалайман! – хитоб қилди қиз.

– Сен ҳали ўзбек Мадоннаси бўласан!

– Бўламан!

– Яхши. – Майкл сумкани тутказди. – Манавиларни кийиб, косметикангни кучайтириб тур. Мен тез кайтаман.

Малик шошиб чиқиб кетди. Оғзи қулоғида, қувончдан дир-дир титраётган Зарифа ҳаяжон билан сумка ичидаги либосларни олди. Аммо у кўйлақларни бирин-кетин ўзига ўлчаб кўрган сайин қувончи хира тортиб, ўзи безовталана бошлади: либослар ҳаддан ортик калта, ёқалари эса ўйик эди. Зарифа нима қилишини билмай иккиланиб туриб қолди.

Чорак соатча вақт шу алфозда ўтди. Ҳамишагидай шошқин Малик-Майкл ҳовлиқиб кириб келганида Зарифа ҳамон бир қарорга келолмай турарди.

– Ҳаммаси тайёр! – оstonаданок бақириб кириб келди йигит. Сўнг, қизнинг ҳалиям эски кийимларида, бўяниб-бежанмай турганини кўриб, анграйиб қолди: – Ие, бу нима ўтириш. Нега кийинмадинг?

Қиз иложи борича юмшоқ оҳангда гапиришга, вазиятни тушунтиришга уринди:

– Малик ака, мен...

– Майкл! – кескин тарзда қизнинг гапини бўлди бирдан тумшайиб қолган йигит.

– Майкл, уларни бир-бир ўлчаб кўрдим. Ҳамма ёғи очик. Худди яланғоч бўлиб қолаётгандайман.

Майкл мактаб ўқувчисига сабоқ бераётгандай, ётиғи билан тушунтиришга уринди:

– Томошабинга эса худди шу керак. Сен тушун, Зета, бу ерда юлдуз бўлиш осон эмас. Бунинг учун ҳамма ўтиши шарт бўлган босқичларни босиб ўтишинг шарт.

– Ўша босқичларни ўзимнинг кийимларимда босиб ўтсам бўлмайдами? Адрас кўйлагимам бор...

Тутаб кетган Майкл қўлларини бир-бирига қовуштириб, кўкка илтижо қилди:

– О, ёввойи Осиё!.. Шу рўдапо кийимда-я? Саҳнага чиққан заҳотинг ҳуштак чалиб ҳайдаб солишади-ку.

Хуллас, ўзинг биласан, Зета, мен сени мажбурлаб чақирмадим. Юлдуз бўламан дедим. Мен сени юлдуз қиламан. Фақат ҳамма айтганларимни бажаришинг шарт. Айтиб қўяй, кўчага чиқсам, элликта қиз оркамдан югуради, “мени шоу-бизнес оламига киритиб қўйинг”, деб. Эски танишлигимиз ҳурмати сенга яхшилик қилмоқчийдим. Раҳматнинг ўрнига...

Зарифа ўйланиб қолди. Қизнинг зўр бериб ўзи билан ўзи курашаётгани, ўзини нимагадир ишонтиришга уринаётгани бир оқариб, бир қизараётган юзидан ҳам сезилиб турарди. Ахийри Зарифа сумкани қўлига олди.

– Сиз... сиз чикиб туринг.

– Бу бошқа гап. – Суюниб кетган Майкл чўнтагидан кичкина шишача чиқарди. – Аввал мана буни ичиб ол.

– Нима бу?

– Витамин. Ёрдам беради.

Зарифа шишадаги суюқликни ичаркан, кўзлари ёшланиб кетди.

– Ух-х... Аччиқ экан.

– Энди тез тайёрланиб тур. Помада билан пудрани кўпроқ ишлат. Саҳнада кўпроқ ғамза қил. Шунда сени эслаб қолишади. Томошабинларнинг кўзига тик қара, пайтини топиб кўз қисиб қўй...

– Чикиб турасизми?

– Хўп, дедик-ку.

Малик ортидан эшик ёпилгач, негадир боши айлана бошлаган Зарифа сумкани очиб, яна либосларни қўлига олиб кўра бошлади. Уларнинг бари бири биридан баттардай эди. Ниҳоят қиз биттасини танлади. Аммо барибир кўзгуда ўзини бу аҳволда кўришдан уялдими, аввал пардоз-андоз қилиб олди. Шундан сўнггина ечиниб, қўйлак аталмиш бир парча матони устига ташлаб, ойнага қарадию, уят-номусдан “дод” деб юборай деди. Кўзгудан унга ҳамма жойи очиқ-сочик, Тошкентдаги бир меҳмонхона олдида мижоз пойлайдиган “тунги капалак”ка ўхшаш қиз ҳуркибгина қараб турарди.

Хонага бўрондай отилиб кирган Майкл:

– Вакт бўлди! – деганча кизни кўлидан тортиб олиб чикиб кетди.

Майкл кизни тунги клубнинг дискотека залига қадар диконглатиб судраб борди. Бутун зални қоплаган қуюк тутун, ўчиб-ёнаётган чироқлар. Маст-аласт ёшлар жазава билан рақсга тушишмоқда. Майклнинг ишораси билан Ди-жей мусикани тўхтатди ва бўкириб эълон қилди:

– Now we see brunette Zeta from the mysterious Orient!¹

Шўх мусиқа янгради. Майклнинг турткисидан сўнг саҳнага сакраб чиққан Зарифага кимдир микрофон тутди. Чироқлар шиддат билан ёниб-ўчарди. Ҳамон ўзининг ярим-яланғоч кийимидан уялаётган, ердан бош кўтаролмаётган киз инглиз тилидаги шўх қўшиғини бошлади. Қиёфасиз оломон ер тепиб, жазава билан рақсга тушиб кетди...

Биз окшомги Нью-Йорк бўйлаб саёхатни давом эттирамиз.

Чоғроқ ресторанда Баҳром, эр-хотин Низомиддиновлар овқатланишмоқда. Ўзини “Боб” деб атаётган Баҳром тинмай жаврайди, ора-сира Нозиманинг кўлидан ушлаб қўяди. Жувон хурсанд, арзимаган гапга ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулади. Буни кўриб Шамсиддиннинг гаши келади, аммо очик бир нарсга деёлмайди.

Сокин мусиқа янграган маҳал Баҳром ўрнидан туриб, қўлларини ғалати силкитган кўйи реверанс қилган бўлди:

– Рухсат этинг, хоним.

Нозима шу таклифни кутаётгандай – на эрига қаради, на бир оғиз рухсат сўради – “дик” этиб ўрнидан турди.

Шамсиддин ер остидан кузатиб ўтирди: икковлон бир-бирларига капишиб, роса рақсга тушишди.

¹ Ана энди сирли Шаркдан ташриф буюрган қора сочли Зета!

Жуфтлик жойига кайтиб келганидан сўнг тановул-ни тугатишди. Баҳром-Боб эр-хотинни меҳмонхонага бошлаб борди. Улар лифтда учинчи қаватга кўтарилишди, Баҳром бир хона эшигини очди:

– Бизнинг камтарин кошонамизга марҳамат.

Шамсиддин хайрон қолди:

– Меҳмонхонада яшайсизми?

Баҳром мактаниб қўйди:

– Ўтиборингиз учун, Шамсиддин ака, меҳмонхонада яшашни ҳамманинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди.

Ичкарига киришди. Нозима йўрғалаб дераза ёнига борди, пардани суриб, ташқарига қаради ва милёнлаб чироқлар оғушида ястаниб ётган шаҳарга сармаст термулганча:

– Нақадар гўзал! – дея хитоб қилди.

Бундай ўхшамаган артистлик Шамсиддиннинг энсасини қотирди, бироқ Баҳром илдам бориб жувоннинг қўлидан тутди ва баайни бутун кентни маликасига инъом этаётган шахзода мисоли тўлкинланиб деди:

– Энди ҳар куни шу гўзалликни томоша қилиб яшайсиз, хоним!

– Оҳ!

Баҳромнинг лабини чўччайтираётганига қараб, чучмал “Оҳ! Вой!..”лар кучайиб кетишидан чўчиган Шамсиддин орага гап қўшишга улгурди:

– Баҳромбой, келинни кўрсатаман дегандингиз.

– Баҳром эмас, Боб, ака, Боб. Ваъдам эса ёдимда. Мен эса сиздан қайси бирисини, оқиними, қорасиними деб сўрагандим.

Нозима шарақлаб қулди:

– Вой қўп хотинли ухажор Боб-ей.

– Мен эса сизга қонунийсини кўрсатинг дегандим, – эслатди Шамсиддин.

– Жудаям яхши-да. Қаранглар, кадамларинг қутлуғ келди, эртага яқунловчи судда янги умр йўлдошим билан кўришаман.

Шамсиддин анграйиб колди:

– Ажрашяпсизларми?

– Аксинча, никоҳдан ўтяпмиз.

Шамсиддин ҳеч нимани тушунмади:

– Унда нега судда?

– Бу ерда қонун шунақа, – тушунтирган бўлди Боб.

– Аввал никоҳнинг қонунийлиги кўриб чиқилади, сўнг суд рухсат беради.

– Кейин-чи?

– Эҳ, домла, кейин нима бўлишини ўйласам, бошим айланиб кетади! Мен Америка фуқаросига уйланаман! Америка фуқаросига! Демак тез орада ўзим ҳам Америка фуқароси бўламан! Бу мендек ноқонуний муҳожир учун қанчалар бахт эканлигини сизлар ҳатто тасаввур ҳам этолмайсизлар!

Шамсиддин масалани ойдинлаштириб олмоқчи бўлди:

– Келин америкаликми?

– Ҳа, лекин у ок ҳам эмас, қора ҳам. Қизил танли у. Мексикалик.

– Севишиб қолдиларингми? – савол беришини қўймасди Шамсиддин.

Баҳром кафтларини бир-бирига қарсиллатиб урди:

– Соддалигингиз қолмади-қолмади-да, домла. Қанақа севги? Айтяпман-ку, у билан эртага судда биринчи марта кўришаман деб.

Барибир Шамсиддин ҳеч нарсани тушунмади:

– Унда қанакасига ўйланыпсиз?

– Ким айтди сизга мени ўйланыпти деб?

Буниси энди ҳаммасидан ошиб тушди. Шамсиддин ҳатто бу мени хотинимнинг олдида майна қилмоқчимидега гумонга ҳам борди. Шу сабаб жон аччиғида:

– Ахир ҳозиргина ўзингиз айтдингиз-ку, – деди.

– Домла, мен ўйланыпман демадим, никоҳдан ўтаяпман дедим. Бу иккаласи бошқа-бошқа нарсалар.

Шамсиддиннинг пешонасига тер тошди:

– Қанақасига бошқа-бошқа нарсалар?
– Шунақасига. Суд бизга никоҳ қонуний деб ажрим
чиқариб беради, кейин биз никоҳдан ўтамиз. Бўлди.

– Кейин-чи?

– Кейин иккаламиз икки томонга кетаверамиз.

Тамомила калаванинг учинии йўқотиб қўйган Шам-
сиддин Баҳромга анграйиб қаради:

– Нега?

Баҳром икки қарра икки тўрт бўлишини исботлаб
бераётгандай жўнгина изоҳ берди:

– Чунки биз қоғозда эр-хотин бўламиз, ҳаётда эмас.

Ниҳоят Шамсиддин ниманидир англагандай бўлди:

– Ҳа, сохта никоҳми?

– Хайрият, энди етиб борди! Йилингиз туями нима
бало! – Баҳром-Боб яна Нозиманинг қўлидан тутди.
– Ахир атрофимда шунча гўзал аёллар турганда, бир
турқи совук қизил танлига уйланаманми?

Нозима ноз билан қулди, ёлғондан пўписа қилди:

– Ёмонсиз, ёмон!

Шамсиддин яна чалкашиб кетди:

– Агар уни танимасангиз, учрашмаган бўлсангиз,
қандай қилиб топдингиз? Қани бу ерда мантиқ?

– Уф-ф, нега шу оддий нарсани тушунмайсиз-а,
домла. Унинг адвокатини топдим, гаплашдим, пулини
келишдим. Бўлди. Шу.

– Ие, ҳали пул ҳам берасизми?

– Бўлмаса-чи, бу ерларда мушук ҳам текинга офто-
бга чиқмайди. Адвокати йигирма беш минг долларни
қуртдай санаб олди.

Ҳайратдан Нозиманинг оғзи очилиб қолди:

– Шунча... шунча қиммат турадимки сохта никоҳ?

Баҳром мағрур тарзда жавоб қайтарди:

– Ҳалиям менга арзонроғи учраб қолди. Ўттиз беш
минг бераётганлар ҳам бор...

– Ўх-хў! – ичикоралик билан бош чайқади Нозима.
– Бўл, бўл, америкалик бева хотин бўл экан-да...

Баҳром жувонга хушомад қилди:

– Сизга ўхшаган гўзаллар, хоним, кеч қачон бева қолишмайди. Менга ишонаверинг.

– Биз бу ерда ётсак, сиз қаерда ётасиз, жаноб Боб?

Шамсиддиннинг саволига жавобан Баҳром ичкари хонага кирадиган эшикни кўрсатди:

– Мен бунисида. Агар кечаси бирон нима керак бўлиб қолса, чакирарсизлар-а? Ёки ўзларингиз чиқарсизлар. Телевизор кўришни истаганлар эса мана бу хонага ташриф буюришлари мумкин. Холодильникда пиво, вино, коньяк – ҳаммасидан бор. Энди эса рухсатларингиз билан...

Бугунги сон-саноксиз таассуротлардан чарчаган, боши ёрилиб кетгудай бўлиб лўқиллаётган Шамсиддин шоша-пиша:

– Яхши ётиб тулинг, – деди.

– Сизлар ҳам яхши ётиб туринглар. Good night.¹

Баҳром хонасига ўтиб кетди. Шамсиддин тўнғиллади:

– Тавба! Никоҳдан ўтиш учун судга борармиш! Тен-таклик-ку бу!

Нозима эрининг фикрига қўшилмади:

– Менга эса ёқди. Қандайдир романтика бордай.

Шамсиддин хотинига ёвқараш қилди:

– Манфаатдан бошқа ҳеч нима йўқ... Бўпти, итдай чарчадим бугун. Ётамиз.

– Мен биров телевизор кўрсам дегандим, дадаси. Нимагадир уйқум келмаяпти.

– Кўнгиллари яна нимани тусайди? – жаҳли чикиб кетган Шамсиддин беихтиёр овозини кўтарди. – Шунча қийшангладинг, индамадим, етар. Бўлди, бас! Тунги қийимларимни обер!

Нозима афтини буриштирганча диван ёнидаги жомадоннинг боғичини еча бошлади.

¹ Хайрли тун.

Қодир аканинг уйидаги зиёфат анча маҳалгача давом этди. Гурунг мавзуси яна ва яна Ўзбекистонга қайтаверарди. Савол бериб чарчамайдиган Адҳам бобони юрт билан боғлиқ ҳамма нарса қизиқтираркан...

Меҳмонни кузатиб қўйишгач, ётиш олдидан Нодир уй эгасининг ижозати билан ҳовлини бироз айланди. У фаввора ёнида, сувга термулиб ўтирган маҳал темир дарвоза овозсиз тепага кўтарилди, ичкарига таниш машина кирди. Нодир адашмаган эди: рулда Жамила.

Машинадан тушган киз йигитга ҳайрон бўлиб қаради:

– Ҳа, Нодир ака, уйку келмаяптими? Бошида мендаям шундай бўлган.

Нодир беихтиёр тил учида турган саволини берди:

– Сиз... сиз қаердан келаяпсиз?

– Дискотекадан.

Нодир машинага қаради: бошқа ҳеч ким йўқ.

– Бир ўзингизми?

– Ҳа, нима кипти?

Йигит чайналиб қолди:

– Шунчаки... ўзим...

Қиз кулиб юборди:

– Ҳа, тушунарли... Бу ер Америка, Нодир ака, Америка. Уйга қамалиб олиб яшаб бир нарсага эришиб бўлмайди. Хайр, яхши ётиб туринг. Узр, эрталаб вақтли уйғонишим керак.

Шу сўзлар билан Жамила ичкарига кирди-кетди. Нодир бўшашиб, унинг ортидан қараб қолаверди.

Одамлари тунда ҳам ухламайдиган шаҳарда эса жўшқин ҳаёт давом этарди.

Зарифа кўшиқ айтаётган тунги клубда ҳам дискотека бир зумга бўлсин тўхтамади. Иккинчи чиқишидан сўнг чарчаган, терга ботган Зарифа сахна ортига ўтди. Бу ерда мамнун Малик турарди.

– Малик ака... узр, Майкл, – деди киз хансираб, – залга шунча қарадим, сиз айтган жюри аъзоларингиз кўринмаяпти-ку?

– Улар одамлар орасида, – заррача ҳам шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада ишонч билан таъкидлади йигит. – Бу ерда тартиб шунақа. Атай кўринмасдан туришади. Лекин, менимча, ёмон балл олмаяпсан. Талаффузинг ҳам жойида.

– Ахир махсус мактабда ўқиганман.

– Яхши, шундай давом эт.

– Лекин инглизча кўшиқларим тугади.

– Ҳечқиси йўқ, бошидан бошлаймиз. Унутма, сен бугун жюри аъзоларини мафтун этишинг керак. Ҳаммасини шу окшом ҳал қилади: ё юлдузсан, ё ҳеч кимсан! Шон-шуҳрат осмондан тушмайди. Уни ишлаб топиш керак. Ҳеч нимадан уялма! Тақдирингни ҳал қиладиган бир неча дақиқа ва сен ё миллионерсан, ё гадо! Кўлингдан келадигани шуми, жонингни жабборга бериб бўлса ҳам ашула айт! Чарчаб йиқилиб қоладиган бўлсанг ҳам айтавер! Ҳушдан кетадиган бўлсанг ҳам айтавер! Ҳатто ўлиб қоладиган бўлсанг ҳам айтавер! Ҳаёт талаби шу: ё сен уни, ё у сени... – Майкл чўнтагидан шишача чиқариб берди. – Энержи витамини ёрдам беради. Ма, ол. Мен бориб дискни бошидан қўйдириб келай.

Малик кетгач, Зарифа афтини буриштирганча аччик суюқликни ича бошлади.

* * *

Ниҳоят улкан шаҳарда тонг отди. Ҳар қалай, осмонўпар бинолар ортида қуёш кўринмаса ҳам, борлик ёриша бошлаганидан бунини тахмин қилса бўларди.

Тунни бир амаллаб аэропортда ўтказган – яхшиям Зухра чала-чулпа бўлса ҳам тил биларкан – Тоштемир ака оила аъзолари билан саҳардан дилдираб яна майдончага чиқиб олишди. Уларнинг ёнига келиб тўхтаган такси машинасидан бу ердан Давронбекни олиб кетган Тошпўлат тушиб келди.

– Ҳалиям турибсизларми, а?

– И-я, – оғзи очилиб қолди Тоштемир аканинг. – Ўзбекмисиз?

– Ҳа, шундок. – Тошпўлат ачиниб бош чайқади: – Ўзи ким кутиб олиши керак эди сизларни?

Тоштемир ака жавоб берди:

– Бегона эмас...

– Оти Лобар, – шошиб орага қўшилди Бувсора. – Менинг синглим. Тўладан келган, сочи калта...

– Ётгандир тўшакда маза қилиб, – истехзо қилди Тошпўлат. – Хўп, майли. бирга излаймиз. Пул борми? Дўллар?

Тоштемир аканинг юзи аянчли буришди:

– Ўша сабилдан йўқ эди-да, ука.

– Пул йўқ бўлса одам ҳам йўқ, ако.

Бувсора кулоқларидаги тилла сирғасини ечиб, ҳайдовчига тутқазди:

– Асл тилла, болам.

Тошпўлат сирғаларни кафтида салмоқлаб кўрди.

– Ўхшаяпти... Бўпти, кетдик, ўша Лобар деган ваъдабоз, сирли аёлни излаб кўрамиз. Одамга савобам керак-ку, а, нима дедингизлар?

Жавоб беришга ҳам ҳоли қолмаган, совқотган йўловчилар бир амаллаб машинага чиқишди. Жомадонларни ҳайдовчининг ўзи юкхонага жойлади.

Энди шаҳарнинг ғарбий ҳудудига, асосан муҳожирлар истиқомат қиладиган харобароқ мавзегга ўтамиз.

Кичкинароқ хонада олтита каравот бир-бирига тақаб қўйилган. Ўртадаги журнал столида қотган нон бўлаклари, бўшаган пиво шишалари, эскироқ ноутбук. Хонада тартибсизлик: каравотларда ғижим кийимлар, қўлбола арқонга осилган майка-пайпоқлар. Эшик ёнидаги омонат стулда бизга таниш Нажмиддин ранг-кути ўчиб, қунишиб ўтирибди.

Ташқарида ғала-ғовур эшитилди, хонага бирин-кетин олти йигит кирди.

– Ие, меҳмон борми? – деди улардан бири хайрон бўлиб.

Нажмиддин кўлларини чўнтакларидан олмасдан ҳам ўрнидан турди. Йигитлардан бири хайрат билан:

– Нажим? – деб кичкириб юборди.

Нажмиддин хотиржамлик билан бу йигитга қаради:

– Салом, Маҳмудали... Нима, топиб келолмайди деб ўйлаганмидинг?

Маҳмудали довдираб қолди:

– Мен... тўғриси... хаёлимгаям келмаганди...

Келган оддий меҳмон эмаслигини, буларнинг орасида нимадир гап борлигини сезган бошқа йигитлар секин хонадан чиқишди.

– Туғилган кунингда Нью-Йоркда бўламан, кутиб ол деб ёзиб юборгандим. Нега чиқмадинг?

– Ўқидим, – деди шошиб Маҳмудали. – Лекин хўжайин сменага чиқариб юборди... Кейин... “Грин-карта” билан келсанг, ўзлари кутиб олишади деб ўйлаб.. ахир... асли шунақа... Ҳозир келиб почтамини кўрмоқчийдим...

– Тўғри, асли шунақа. Лекин мен ўзлари кутиб олишларини истамадим. Аввал сен билан кўришай дедим... – Нажмиддин ирkit ойна ёнига келди, ташқарига қараб, хароба уйларни кўрди. – Деразамдан “Озодлик” хайкали кўриниб туради, деб ёзгандинг.

Маҳмудали ўзини оклашга уринди:

– Ҳа, энди, ўрток... Келганимдан бери ҳали бирон марта бориб, кўриб келолмадим у хайкални... Сенга юборган суратларим монтаж эди...

– Ўзингнинг ишингми?

– Ҳа... анавинда... – Маҳмудали столдаги ноутбукка ишора қилди.

– Демак, Канадада ҳам бўлмагансан, – ташқаридан кўз узмай гапида давом этди Нажмиддин. – Ниагара шаршарасида ҳам чўмилмагансан...

– Рости... рости шу ердан чиқолмайман, ўртоқ... Ахир ноқонунийман... Суткасига ўн олти-йигирма соатлаб ишлайман. Ҳужжатларим йўқ. Тиббий суғуртам йўқ. Шахсимни тасдиқлайдиган оддий ҳужжатим ҳам йўқ... Бирон рўйхатда ҳам турмайман. Умуман мен бу бу дунёда йўкман. Сояман.

Нажмиддин ўғирилди, бужмайиб турган ўртоғига қараб пичинг қилди:

– Уйига ойма-ой пул юбориб турадиган соя. Ёмон эмас.

– Уйнинг каттаси бўлсанг, ортингда тўртта уканг “ейман-ичаман, кияман” деб чирқиллаб турса, ҳаммасини уйли-жойли қилиш керак бўлса аҳволимни тушунардинг.

– Ҳа, укаларингнинг тўйлари ёмон бўлмаяпти. Ресторан, артистлар... Чунки уларнинг акаси Маҳмудалибой Америкада ишлайди! Жарақ-жарақ доллар топади! Зериккан пайтлари Канадага ўтиб туради, модел қизлар билан Ниагара шаршарасида чўмилади.

– Ҳеч бўлмаса сен ярамга туз сепма, ўртоқ... Лекин сен ўйланма, сени бундай қисмат кутмаяпти. Яшил картанг сенга имкониятлар эшигини катта очади.

– Бас!.. Шу сўзни эшитсам кўнглим айнийдиган бўляпти... Бугун уйдამисан?

– Олти соат. Кейин ишга боришим керак.

Нажмиддин сумкасидан чопон, дўппи, белбоғ олди.

– Туғилган кунинг билан, жўра! – У дўстига чопон, дўппини кийгазиб, белини маҳкам боглаб қўйди. – Белинг бакувват бўлиб юрсин!

Бунақа бўлишини кутмаганидан тамомила эсанкираб қолган Маҳмудали нуқул:

– Раҳмат, жўра, раҳмат... – дерди.

– Энди битта ош қилиб берайин-а, – деб қолди Нажмиддин. – Ахир ҳар куни ўттиз учга киравермайсан-ку.

Маҳмудали баттар довдиради:

– Биласанми, бу ернинг гуручлари ғалати. Ҳеч ўзига ёғ юктирмайди. Кейин дўконларида пахта ёғи йўқ.

Нажмиддин хайрон бўлди:

– Йўғ-э, Америкада йўқ нарсанинг ўзи бор эканми?

– Бор-у, ҳалиги... сервисларда... машина тузатадиган устахоналарда бўлади. Хиди бор...

Нажмиддин бўш келмади:

– Унда қуйруққа қилиб бераман. Чойхона ош.

– Думбани бу ерда холестерин дейишади... Зарарли... – худди бу ишда ўзи айбдордай қисилиб-қимтиниб изоҳ берди Маҳмудали. – Шунинг учун дўконга чиқаришдан олдин гуштнинг ёғини шилиб олишади...

Нажмиддин хайрон қолди:

– Унда нима ейсизлар?

– Иш пайти фаст-фуд... Шу бўлади... Оч қолсак, пицца олиб келамиз...

Нажмиддин бу ерга келганидан бери биринчи марта тишининг оқини кўрсатди – кулимсираган бўлди:

– Шунга қуриб-қақшаб кетибсан-да.

Маҳмудали гапни бошқа мавзуга бурди:

– Бу ёғига режа қандай, жўра?

– Билмадим. Икки ҳафталарда қандайдир рақам беришаркан.

Маҳмудали ҳавас билан гапирди:

– Ҳа, SSN. Кейин сенга ҳамма йўллар очилади...

– Адашмасам, кейин тил ўргатадиган курсга борсам бўларкан.

– Ҳа, сенга ўхшаганларга текинга ўргатишади. Анави ташкилот-чи, сени кутиб оладиган, ўша Нью-Йорк-дами?

– Ҳа.

– Эҳ, сенга роса маза-да. Биласанми, эшитишимча, ҳозир бу ерга яшил карта билан келаётган бир одамга учта шунақанги ташкилот тўғри келаркан. Буям биз-нес-да.

– Бунисини билмадим... Айтгандай, нима, ўртоқларинг ташқарида уймалашиб тураверишадими?

Маҳмудали чақирганидан кейин ҳориб-чарчаган йигитлар хонага киришди.

– Ассалому алайкум... Сарпо муборак, Маҳмудали ака... Тўнлар муборак...

– Раҳмат, раҳмат.

Нажмиддин:

– Ҳорманглар, – деб қўйди.

Йигитлардан бири қизиқиб сўради:

– Ака, янги келганларданмисиз?

Чопонини ечаётган Маҳмудали таништирди:

– Бу менинг ўртоғим. Нажмиддин исми. “Грин-карта” билан келган.

Йигитлар ҳавас-ҳайрат, ҳасад билан хуштак чалиб юборишди:

– Ўх-хў, зўр-ку... Қойил... Омадингиз кепти-да...

– Роса чарчадим, – деди Нажмиддин. – Бугун шу ерда қолиб, дам олсам, анави ташкилотга эртага борсам дегандим.

– Бемалол, ўртоқ. Мана менинг каравотим.

Чарчоқдан оёқда базўр турган йигитлар ўзларини каравотларига тап-тап ташладилару, шу заҳоти ухлаб қолдилар. Битта Маҳмудалининг ўрни бўш қолди.

– Ўзинг-чи? – деб сўради Нажмиддин.

– Мен ерда ётавераман. Ўрганиб қолганман.

Маҳмудали чопон-дўппини салафан халталардан бирига эҳтиёткорлик билан ўраб солиб, чеккага қўйгач, ерга тўшалган матрас устига ўзини ташлади ва, Нажмиддин тахмин қилганидай, шу заҳоти уйкуга кетди.

Йўтал тутган Нажмиддин баъзилари безовталаниб, баъзилари хуррак отиб ухлаётган йигитларни бир пас кузатиб тургач, бориб деразани очиб қўйди.

Нодирга кенг-мўлгина алоҳида хона ажратишган экан. Кеч ётган бўлишига қарамасдан у эрта уйғонди,

кечаги кун воқеаларини эслаганча шифтга тикилиб ёта-верди.

Ногоҳ эшик тақилламасдан очилди ва патнисда бир финжон қахва кўтарган Жамила кириб келди. Қизариб кетган Нодир дарров чойшабга ўраниб олди.

– Good morning.¹ Нодир ака, ҳали ётибсизми? Мен хиёбонни икки марта айланиб чопиб келдим. Қани, тез манавини ичиб олинг-чи. Ўз қўлим билан тайёрладим. Сутли.

Йигит нимадир дейишга уринди:

– А...

– Нима бўлди?

– Мен ҳали юзимни ювганим йўқ эди.

Қиз хайрон бўлди:

– Менам ювганим йўқ. Нима қипти? Ҳозир сизга кофени бераману, сувга тушиб чиқаман. Ичкарида бассейн бор, хоҳласангиз юринг, бирга чўмиламиз.

– Йўқ, сиз бемалол, – шошиб таклифни рад этди Нодир. – Фақат айтмоқчийдимки, юзимни ювмасдан бурун...

Жамила ниманидир тушунгандай бўлди:

– Ҳа, сизам дадамнинг гапларини такрорламоқчисиз шекилли? Фаришталар қочиб кетади... йўқ, ризқ улашади, шекилли... Шунақамиди? Кўйинг бунақа гапларни, Нодир ака, биз ахир йигирма биринчи асрда яшайпмиз. Яна қаерда? Америкада!

Йигит кўзларини олиб қочди:

– Барибир... аввал юзимни ювиб олсам дегандим. Ноқулай...

– Ўзингиз биласиз.

Жамила қахвани қолдириб, хонадан чикди. Нодир сочиғини елкасига ташлаганча шошиб ювиниш хонасига ўтди.

Йигит ювиниб-артиниб, ховлига чиққани маҳал ўзи томон илдам келаётган Қодир акани кўрди.

¹ Хайрли тонг.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом. Нодиржон, мен ишга ошиқиб тургандим. Бемалол, ўз уйингда тургандай туравер. Нима керак бўлса Миленадан сўра. Тайинлаб қўйганман. Кечкурун кўришамиз. Роса мириқиб гаплашамиз, хўпми?

Нодир қўлини кўксига қўйди:

– Хўп бўлади.

Уй эгасини кузатиб қўйгач Нодир қайтиб хонасига кирди, деразадан ҳовлига қаради. Ичкаридан кўл телефонида гаплашиб чиққан хуш-хандон Жамила машинасига ўтирдию, бу дунёда Нодир исмли меҳмон йигит борлигини унутгандай хайр-хўшлашмасдан ҳам жўнаб кетди.

Елка қисиб қўйган Нодир кийина бошлади.

...Зарифа тонгга қадар тўрт марта саҳнага чиқди, аммо ҳар гал шунча уринса ҳам гўштини еб рақс тушаётганлар орасида ўзининг истеъдодига баҳо бериши лозим бўлган, инчунун, баҳо ижобий бўлган тақдирда – шундай бўлишига продюсер Малик-Майкл шубҳасиз ишонарди, ҳатто кафолат ҳам бериб қўйган – қўшқўллаб катта саҳнага, юлдузлик сари йўллайдиган одил ҳакамларни кўрмади: нукул бир хил, ҳатто ким қўшиқ айтаётганининг фарқи йўқ башаралар. Жонли ижро осон эмас: тонгга бориб қиз ўзиям бурнидан тортса йиқилгудай аҳволга келди; бунинг устига нукул кўнгли айниб, боши айланади, баъзан қаршисида рақс тушаётган ола-қурок оломон яхлит, жисмсиз шарпага айланадими-ей... Зарифа ҳолатини чарчокқа йўйди. Шу боис, Майкл тинмай етказиб турган дармондорили шишачаларни пайдар-пай ичиб турди. Майкл бўлса ҳар сафар ишлар “беш” эканлигини, жюри аъзолари “Шарқ гўзали”ни диққат ва кизиқиш билан кузатаётганлигини тақрорлаб чарчамасди.

...Юзига куёш нурлари тушган Зарифа аста кўзларини очди. Карахт бошини чангаллаб, ўрнидан турмоқ-

чи бўлди, бироқ ногоҳ бўйнидаги илон расми солинган кўлни кўриб, эсанкиради, кўрка-писа ёнбошига ўтирилди. Ёнида Малик-Майкл пишиллаб ухларди.

Дахшатга тушган, кўзлари катта-катта очилиб кетган яланғоч Зарифа жон ҳолатда кўкрагини чойшаб билан ёпганча атрофга аланглади. Торгина хона. Икки кишилик ётоқ дивани. Стол устида бўшаган шишачалар.

Зарифа нима бўлганини эслашга уринди. Концерт охирига бориб оёқлари чалишиб кетаётгани... гандираклаб қолгани... Маликнинг унга яна шишачадаги суюқликдан ичиргани... шу хонага олиб киргани элас-элас, аралаш-куралаш тарзда кўз ўнгидан ўтди. Зарифа кафтларини юзига босганча ўкраб йиғлаб юборди...

Йиғи овозига Малик уйғонди:

– Нима гап, жоним? Ёмон туш кўрдингми?

Жавоб ўрнига Зарифа чойшабга ишора қилди, сўнг дахшат ичида пичирлади:

– Нима килиб қўйдингиз?

Малик бепарво кўл силтади:

– Нега ваҳима қиласан? Қўрқинчли ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ҳамма шу йўлни босиб ўтади. Бу ерда юлдуз бўлиш осон эмас. Ана, Мадоннаям аввал фоҳишалик қилган...

Зарифа унинг сўзини бўлди:

– Лекин мен фоҳиша бўлиш учун келганим йўқ бу ерга! Мен қўшиқчи бўламан деб келдим. Сиз ваъда бердингиз.

– Зетахон, – ётиғи билан тушунтиришга уринди Малик-Майкл, – эски танишлигимиз хурмати, очиқ айтаман, бу ердаям дарахтни тепсангиз иккита узунёқ қиз “қўшиқчиман” деб тушиб келади. Ўшаларнинг орасидан ажралиб чиқиш учун эса талантдан ташқари ҳусн, жозиба ва озроқ тўшак ҳам керак.

Зарифа анграйиб қолди:

– Нима? Сиз ҳақи мени... Уйланаман дейишнинг ўрнига...

Йигит ажабланиб сўради:

– Нима деяпсан, Зета? Қанака уйланиш?

Қиз ток ургандай сесканиб кетди:

– Уйланмасангиз... унда... қўшмачилик килмоқчимисиз?

– Қўй бунақанги архаик сўзларни! – жеркиб берди Малик. – Мен сени бировнинг тагига мажбурлаб ётқизмайман. Лекин ишим юришсин, тезроқ мақсадимга эришай десанг, баъзи бировларнинг кўнглини олишга тўғри келади...

Зарифа баъзи нарсаларни тушунгандай бўлди:

– Демак... кечаги жюри ҳақидаги гапларингиз ҳам ёлғон.

– Зарифа. Ҳатто кеча мактабни битирган қизча ҳам дискотекада жюри бўлмаслигини жуда яхши билади. Сен ҳам буни фаҳмлаб тургандинг, фақат тан олгинг келмади, холос, ўзингни гўлликка солдинг. Ундан кейин, сен ўзинг телефон қилдинг, дунёга чикмоқчиман, юлдуз бўлмоқчиман, дединг. Мен “Кел бўлмаса, бир уриниб кўрамиз”, дедим. Ўзинг келдинг. Мен сени мажбурлаб чакирганим йўқ. Шундай экан, бирон нимага эришмоқчимисан, энди бу ёғига чидаб бер. Энди мен сенга ёт десам ётасан, тур десам турасан, фалончининг кўнглини ол десам...

– Ифлос!

Зарифа шахт билан ўрнидан туриб кетди, шоша-пиша кийимларини кийди. Малик унга мазахомуз қараб ётаверди.

– Чиқиш эшиги чап қўлда, Зетахоним. Бу бош эгиб қайтаётганингда адашиб колмаслигинг учун. Ҳа, айтгандай, яна бир гап: овозинг ўзинг мактанганингдай жа унака зўр эмас, эчкининг маърашидан сал берирок. Бу овоз билан узоққа боролмайсан. – Майкл сигара тутати. – Агар...

Эшикнинг қарсиллаб ёпилгани эшитилди. Йигит истехзоли илжайиб қўйганча сигара тутунини шифтга пуфлади.

Ҳар жойнинг факат ўзига хос урф-одатлари бор, албатта, ва уларни ҳурмат қилиш керак. Буни Давронбек билиб-тушуниб турарди, аммо... аммо майитни ёқиш... Бу нима деган гап ахир?.. Нимасидир олис кечмишдаги ваҳшийликни ёинки Освенцимни эслатаётгандай...

Шаҳар крематорийсидаги махсус хонада Иззатилла аканинг майити ёқиш учун печга кирититилаётганини ойна ортидан йиғлаб кузатаётган Давронбекнинг кўнглидан шундай ўйлар ўтарди. У ёнида букчайиб турган Ҳабиба холага, ҳатто ўта жиддий Эрали билан Шералига ҳам эмас, кўпроқ ўзига ўзи гапираётгандай изтироб билан шивирлади:

– Шундай одамга уч газ ер топилмайдими?

Ака-укалардан бири жавоб қайтарди:

– Топилади, лекин....

Иккинчиси гапни якунлади:

– Лекин жуда қиммат. Бу ерда энг бой одамларгина ўзлари, яқинлари учун олдиндан қабристондан ер сотиб олиб қўйишади. Қолганлар шундай...

Давронбек бошини чангаллади, унинг курукшаб кетган томоғидан аламли фарёд отилиб чиқди:

– Э худойим...

Майит махсус мосламада ловиллаб ёнаётган олов ичига киритилган маҳал баайни ўзи ёнаётгандай бутун вужуди оташ ичида қолган, нафас етмаётганидан оғзини каппа-каппа очаётган Давронбек бир қалқидиyo, ҳушдан кетиб йиқилди...

* * *

Тошпўлат таксичи асли ўзи изкувар бўлиб ишласа бўларкан: ундан суриштирди, бундан суриштирди, кимларгадир кўнғироқ килди, телефонида интернетга ям икки-уч марта кирди ва алал-оқибат топди! Лобарни топди!

Такси бир қаватли уй ёнида тўхтади. Бу тиниб-тинчимас Лобар дастлаб Нью-Аркда яшаган-у, сўнг тур-

мушга чикиб, шаҳардан эллик мил узокликдаги мана шу маконга келиб қолган экан.

Тошпўлат аввал кўлидаги қоғозчага, сўнг уйга диққат билан қаради.

– Шу. Лекин агар полицияга тушгиларинг келмаса ташқаридан чакиринглар, ичкарига кирманглар, бу ерда хусусий мулк дахлсиз эканини унутманглар... – Таксичи дарвоза томон чопиб кетаётган Бувсорани тўхтатди: – Ҳой, хола, тўхтанг! Бу гараж эшиги. Бу ерда уйнинг ховлиси орқа томонда бўлади. Юринглар-ей, кўрсатаман.

Тошпўлат оила аъзоларини эшик ёнига бошлаб борди. Зухра дарвоза кўнғироғини босди. Сабри чидамаётган Бувсора бакириб юборди:

– Лобар! Ҳов Лобар! Шу ердამисан?

Унга Зухра жўр бўлди:

– Хола!

Ҳасан ҳам чидаб туролмади:

– Лобар хола!

Анча кутишди, ичкаридан бир сас эшитилмади.

– Ҳеч ким йўқка ўхшайди, – деди Бувсора бўшашиб.

Тоштемир ака иягини қашлади:

– Балки ишга кетгандир.

Юраги така-пука Бувсора аламини эридан олди:

– Биз шу ёқдан шу ёққа келиб ўтирибмиз-у, ишда пишириб қўйибдимиз унга?

Зухра холасининг ёнини олишга уринди:

– Бу ерда тартиблар сал бошқачароқ, ая. Ишга бир соат кечикса, ҳайдаб юборишлари мумкин.

Ҳафсаласи пир бўлган Бувсора кўл силтади:

– Э, шуям ҳаёт бўлдими?

Худди шу маҳал ичкаридан заиф чинқирик эшитилди. Ҳа, бу Лобарнинг овози эди:

– Опа-а! Зухра!..

Эшик ёнида турганлар бир лаҳза тек қотишди, сўнг Бувсора бакириб юборди:

– Чақирди! Лобар чақирди!

Аёл жон-жахди билан эшикни итарди, аммо эшик қулфланган эди. Зухра билан Ҳасан эшикни дупирлатиб ура кетишди.

– Хола!

Ичкаридан яна аёл кишининг заиф чинкириғи эшитилди:

– Ҳасанжон!

– Лобар! Лобаржон! – Иложсизликдан жойида депсинаётган, юзини чангаллаб олган Бувсора хўнграб йиғлаб юборди: – Нега чикмаяпти? Нега? Айтдим-ку, унга бир бало бўлган деб! Бир бало бўлган унга...

Дарғазаб Тоштемир:

– Қани, четроққа туринглар-чи, – деди-да, бор кучи билан эшикни тепди, аммо эшик килт этмади.

Тошпўлат шоша-пиша эшикни тўсди:

– Ако! Бундай қилиш мумкин эмас! Мумкин эмас! Қонун йўл қўймайди. Хусусий мулк бу...

– Э, қоч-э!..

Тоштемир ака орқага уч-тўрт қадам чекиниб, чоғиб келди ва елкаси билан эшикка урилди. Эшик кўпорилиб, Тоштемир ака ичкарига гандираклаб кириб кетди.

Ҳайдовчи ваҳимага тушиб қолди:

– Энди полиция келади. Мен сизларни кўрмадим, сизлар мени...

Тошпўлат афсусланиб бош чайқади, чўнтагидан тилла сирғаларни чиқариб, Бувсоранинг кўлига мажбурлаб тутқазди:

– Бу юришларингда бу сизларга кўпроқ керак бўладиганга ўхшайди...

Шундан сўнг ҳайдовчи илдам бориб машинасига ўтирди-ю, жўнади-кетди.

Тоштемир аканинг ортидан қолганлар ҳолига киришди. Уйнинг очиқ деразасидан, қалин пажара ортидан яланғоч қўлларини чўзган Лобар изиллаб йиғлаб бақирмоқда эди:

– Почча! Опа! Ҳасан! Зухра!..

Бувсора изиллаб бориб синглисининг кўлларини маҳкам ушлади:

– Сенга нима бўлди, Лобаржон?!

Лобар эса ҳамон йиғлар, сира ўзини босиб ололмас, кўз ёши аралаш:

– Опа! Опа!.. – дея оларди, холос.

– Сени бу аҳволла кўрганча опанг ўлса бўлмасмиди, Лобаржон...

Болалар ҳам “Холажон”лаб йиғлаб келиб панжара ортидаги Лобар билан кўришишга уринишганча унинг кўлларини маҳкам тутишди. Кичик ҳовлини йиғи-сиғи тутди...

Ахийри кўз ёшлари тинди. Тоштемир ака тажанг аҳволда бориб уйга кирадиган темир эшикнинг туткичидан ушлаб, бир-икки силтаб тортиб кўрди, аммо бу бефойда эди.

Энтикиб-энтикиб қўяётган Лобар опасига нимадир деб шивирлади. Бувсора эри томон ўтирилди:

– Отаси, овора бўлманг, эшик бронланган деяпти.

Тоштемир ака ғазаб билан эшикни яна бир тепиб, беҳуда оёғини оғритганча нари кетаркан:

– Эҳ... Носнинг хумори тутди-да аммо-лекин, – деб тўнғиллади.

Онанинг ишораси билан болалар отанинг ёнига бориб туришди. Опа-сингил дардлашишга тушишди.

– ...Саёҳат визам муддати тугаганидан кейин шу ерда қолдим. Хоум-аттент бўлиб ишладим. Бир касал кампирга қарадим. Яхши қараганим учун кампир ўлимдан олдин менга ўттиз минг доллар мерос қолдирди. Хурсанд бўлиб кетдим. Ёш болаларга қарайдиган бебисистер бўлиб ишга кирдим. Ёмон топмаётгандим. Лекин бу ерда бутунлай қолиш учун америкаликка эрга тегишим керак экан. Бир воситачи шу Шаронни топиб берди. Элликдан ошган экан. Никоҳдан ўтдик, Миграция хизматидан менга “грин кард” беришди. Шаронга

Ўттиз беш минг бердим, воситачига беш минг. Энди тинчгина яшайман десам...

...Айни дамда юзи изтиробдан буришиб-корайиб кетган, бирдан қариб, кампирга айланиб қолгандай туюладиган Лобарнинг кўнглидан не ўйлар ўтмади. Аммо уларни кўчада турган меҳмонларга қай тарзда, қандай сўзлар билан тушунтиради? Умуман олганда, тушунармикан улар? Илло, бу ерда дунёкарашлар ўзга, мақсад-ниятлар ўзга, айниқса илк бор бу сеҳрли заминга қадам қўйиб турган одамнинг боши айланиб, айрим воқеликлар қаршисида эсанкиркаб-гангиб, тавбалар айтганча, кўксига тупуриши тайин. Эҳ-ҳе, бундай ҳодисотларнинг қанча-қанчаси Лобарнинг бошидан ўтмаган... Ҳаммасини билади... Лобар-ку, ҳамасига чидайди, нима қилса ҳам ўзи пиширган ош. Бирок бу бандалар-чи... Улар қачон кўникишида бу янгича ҳаётга, қачон сингиб кетишади. Ўшангача қанча уқубатларни, ҳаётдан ҳафсалалари пир бўлишларини бошларидан ўтказишар. Кейин-чи, маиший муаммоларни ҳал этиб, уч-тўрт доллар топа бошлаганларидан кейин, “олма пиш, оғзимга туш” деган ақидани буткул унутганларидан кейин, фақат давлатнинг томизғисига кўз тикиб ўтириш омилик эканлигини англаганларидан кейин кўнгиллари тўладими янгича турмуш тарзидан. Ёинки айрим юртдошларига ўхшаб, диллари сим-сим йиглагани ҳолда оғизларини кўпиртириб “Бизнинг Америкада...” деб юришадими. Балки ҳаммаси яхши бўлиб кетар, улкан мегаполис буларни туфлаб ташламас, аксинча, ўз бағрига олар. Ахир буларга рисолада гайдай имкониятлар берилган, ақл ва озгина сурбетлик билан фойдаланиб қолишса бас. Йўлини топса, солиқчию назоратчиини алдаш ҳам гап бўлибдими. Бу ерда ҳамма айтганларингга ишонишади... аввалига...

Ваҳоланки, янги издиҳомга сингишиб кетиш, уларга ўзиники бўлиб кўриниш, бир амаллаб янгича дунёкарашга эга бўлиш осон эмас: гоҳида арзимаган нимадир

панд бериб туради, баъзида ўзинг беихтиёр ковун тушириб қўясан; бундай ҳоларда баъзан даkki эшитасан, баъзан сукутли таҳқирга дуч келасан.

Бундан икки йил бурун, Лобар ҳайдовчилик гувоҳномасига имтиҳон топшираётганида бир маллавоy йўриқчи унинг ёнида ўтирди. Белгиланган йўналиш бўйича ярим соатча юришди. Лобарнинг назарида, ҳамма талабларни тўғри адо этаётгандек эди. Бироқ ўзини Жош Желькович деб таништирган йўриқчи норози бўлиб, афтини буриштиргани-буриштирган, унга норози бўлиб қарагани-қараган, уф тортгани-тортган эди. Охири тоқати тоқ бўлган Лобар сўради:

– Жаноб Жош...

Йўриқчи шу заҳоти кўкрагидаги бейжикка ишора қилиб, унинг мурожаатини кескинроқ тарзда бўлди:

– Жаноб Желькович.

– О, узр. Жаноб Желькович. Бирон нимада хатоликка йўл қўйдимми?

Йўриқчи энсаси қотганини яшириб ҳам ўтирмасдан, бетинг-кўзинг демасдан ўз хулосасини шартта айтди-қўйди:

– Сиз машинани америкаликка ўхшаб бошқармаяпсиз.

Лобар анграйиб қолди:

– Қанакасига?

Йўриқчи пинагини бузмади:

– Шунакасига.

Жувон ўзини оклашга уринди:

– Ахир мен асли...

Йўриқчи яна унинг гапини қўполлик билан бўлди:

– Бунинг менга кизиғи йўқ. Мен ҳам Польшада туғилиб ўсганман. Лекин энди америкаликман. Америкалик. Сиз ҳам шу номга муносиб бўлишни истасангиз, мисол учун, машинани ҳам америкача бошқаринг. Афсусдаман, хоним. Лекин бугун имтиҳондан ўтолмадингиз...

Ўша кеча Лобар тун бўйи йиғлаб чикди. Бу нима деган гап ахир... Шу мамлакатда яшаса-ю, ўзини юрт

фукароси каби тутолмаса. Отаси кишлоқда бирон кишини ёқтирмаса: “Қирк йил бир қозонда қайнатсанг ҳам суяги бизга қўшилмайди бунинг”, дерди. Рост экан-да... Польшалик, йўғ-э, америкалик Жош Желькович менга нисбатан дискриминацияга йўл қўйди деб шикоят қилгудай бўлса, маъмурлар йўриқчи қолиб, унинг ҳасби ҳолини текширишга тушиб кетишлари тайин. Кир ўранинг оғзини очмаган маъқул.

Ўша сабил қолгур ҳайдовчилик гувоҳномаси учинчи уринишда қўлга киритилди, лекин жувоннинг қалбида сезилар-сезилмас доғ қолди. Шу сабаблидир эҳтимол, ора-сира “Келиб тўғри қилдимми ўзи...” қабилидаги ўйларга борадиган ҳам бўлди. Аммо энди ортга йўл йўқ эди. Мақсад манзили олисда бўлса шакл-шамойини кўрсата бошлаган маҳал ҳаммасидан воз кечиб, орқага чекиш... америкаликка хос эмас. Олга, фақат олға! Ана у, орзудаги ҳаёт...

Сўнг дилрози... Ширин орзулар...

Коллеждан кейин Лобар вилоят марказидаги институтга ўқишга кирди. Тошкентда ўқишдан йиқилган Қобил кутилмаганда Кореяга кетворибди: кимдир ўқишга деса, бошқа биров ишлашга дейди.

Тезда Лобарнинг электрон почтасига хат келди. Йигит икки йилга мўлжалланган бир олам режаларини баён қилган, бу ҳаяжонли орзулар охири катта тўй билан тугаганди. Қобил мактаби охирида эҳтёткорлик билан: “Одам юбориб қўйсам... Белгилаб қўйишса... хотиржам бўлардим”, дебди.

Қиз жавоб хати ёзди, аммо сўнгги масалани атай тилга олмади. Қиз бола бўлса... нима дейди... уят-ку... Бироқ “Сукут – аломати ризо” эканлигини тушунган шекилли, Қобил совчиларини йўллади. Совчиларнинг учинчи ташрифидан сўнг, холаси томонидан қийин-қистокқа олинган Лобар дув қизариб бош эгганидан кейингина кичикроқ “нон синдириш” маросими ўтказилди. Тўй оз эмас, кўп эмас, нақ икки йилдан сўнг,

куёв тўра корейслар юртидан тўлиб-тошиб қайтиб келганидан сўнг ўтказиладиган бўлди.

Лобар шуларни тўкиб-солсинми? Забон қани бунинг учун?..

Лобар жимиб қолди. Лобар жимиб қолди.

– Кейин нима бўлди?

– Кейин... кутилмаганда Шарон ишхонамга бостириб келди. “Мен сенинг қонуний эрингман, мен билан бирга яшашинг керак, мени боқишинг керак!” деб тўполон қилди. Кўнмагандим, Миграция хизматига ариза ёзиб бераман деб кўрқитди. Шунақа ариза ёзса тамом, хужжатимни бекор қилиб, мамлакатдан чиқариб юборишади. Ноилож Шарон билан бирга яшай бошладим. Маньяк у... Зўрлайди, уради... Мен шаҳарда бир куни қўшнимизнинг тинмай ҳураверган итига бир тош отгандим, полиция келиб ўн суткага қамаб қўйди. Бошқа бир куни устимга сув сепган болани бир шапалок ургандим, полиция қирқ кунга қамаб қўйди. Бу ерда бўлса эрим хоҳлаган пайти мени уради, хўрлайди... Лекин полицияга боролмайман.

Бувсора ҳайрон қолди:

– Нега боролмайсан? Битта ариза ёзиб берсанг бўлмайdimи? Ўзинг бу ерда ҳаммаёқ қонун дегандинг-ку.

– Борсам, эрим никоҳимиз сохта эканлигини айтиб қўяди. Кейин мени мамлакатдан чиқариб юборишади.

Бувсоранинг ёмон аччиғи келди:

– Чиқарса чиқарар! Нима, шу ерда яшамасанг ўлиб коласанми?

Лобар бош эгди:

– Мен энди Америкага ўрганиб қолдим, опа.

– Уф-ф... Ўргилдим Американдан!

– Поччамнинг “Грин-карта” ютганини эшитгач, ялиниб-ёлвориб сизларнинг шу уйда яшаб туришларингизга Шаронни кўндиргандим. Ўзим чикиб кутиб олишимгаям рози бўлганди. Кеча нима жин урган, бирдан фикридан қайтиб, айтиб қолди, “Улар бирга

яшасин десанг ҳозироқ менга ўн минг берасан” дейди. Топганимнинг ярмини олиб турса, ўнг мингни қаердан йиғаман? Кўнмагандим... аввал урди... – Лобар бўйнидаги, билагидаги кўкарган жойларни кўрсатди, – кейин устимдан қулфлаб овга кетди...

– Яшшамагур!

– У касал, опа, маньяк у.

– Ажраш унда!

Лобар кўрқиб кетди:

– Йўғ-э! Шунга азоблардан кейин-а? Яна бир ярим йил чидаб берсам бўлди, кейин ҳақиқий Америка фуқаросига айланаман-да, Шарон билан ажрашаман.

Бувсора ачиниб бош чайкади:

– Бу аҳволда, бир ярим йил ичида ўлиб қоласан-ку, аҳмоқ киз!

– Чидайман, опа, чидайман!

Бувсора синглисини уришиб берди:

– Чидамай ўл, сен, чидамай ўл!

Дарвоза ёнига усти очик “Тойота” машинаси келиб тўхтади. Ундан бўйи чамаси икки метрлар келадиған, бир қўлида ов милтиғи, бир қўлида ўқ теккан жойларидан қон томчилаб турган ҳайвонларни кўтарган бақувват қора танли эркак тушади-да, кўпорилган эшикни кўриб, дарров ўлжасини машинага ташлади, милтиғини отишга тайёрлаганча эҳтиёткорлик билан ҳовлига кириб келди.

Уни биринчи бўлиб кўрган Лобар шайтонлаб қолди:

– Кетинглар, кетинглар тез! У келди!

Бувсора уришмоқчидай ҳезланиб шу томонга қарадию, анқайиб қолди:

– Вой, топганинг ҳали негрмиди, яшшамагур?

Лобар баттар ваҳимага тушди:

– Опа, негр деманг, бу ҳақорат ҳисобланади!

– Негрни негр дейман-да.

– “Қора танли” денг.

Шарон милтиқ милини бир четда ўшшайиб турган Тоштемир акага тўғрилади:

– Hands up!¹

Тоштемир ака ўзича мулозамат қилган бўлди:

– Ассалому алайкум.

Шарон бир кўзини юмганча Тоштемир акани мўлжалга олиб, секин яқинлашиб келаверди. Милтиқ ўз номи билан милтиқ-да, Тоштемир ака безовталаниб қолди:

– Бу тасқара ким бўлди тагин? Нега милтиқ ўқталляпти? Нима деяпти?

Зухра ёрдамга келди:

– Қўлингизни кўтаринг деяпти?

– Ҳа, “хенди хох”ми?

Тоштемир ака шошиб қўлларини кўтарди. Шарон милтиқ милини Ҳасан билан Зухрага тўғрилаганиди, улар ҳам ноилож шундай қилишди.

Бувсора ачитиб гапирди:

– Божангиз экан, отаси. Танишиб қўйинг.

– А? – Тоштемир ака ёқасига туфлади: – Ё тавба! Божа эмиш! Кўмирдан фарқи йўқ-ку бунинг!

Шарон аста юриб бориб, хотини билан нималарнидир шивирлаб гаплашди.

– Почча, – деди номусдан юзи ловиллаб, нигоҳини қаерга опқочишни билмаётган Лобар, – агар ҳозир кетсаларингиз, полицияга арз қилмас экан.

Тоштемир ака бутунлай каловланиб қолди:

– Ие, энди етиб келдик-ку, қаёққа кетамиз? Божачилик ҳам шунақа бўладими?

Ўзидан кўз узмай турган эрига қараб олган Лобар бу сафар дадилроқ гапирди:

– Почча! Опа! Мени тинч яшасин десаларинг... ҳозир... кетинглар. Биламан, сизларга ўхшаган картаси борларни кутиб оладиган, жой берадиган, иш берадиган ташкилотлар бор, шунинг учун кийналмайсизлар.

¹ Кўтар қўлингиз!

Кутилмаганда Зухра эътироз билдириб қолди:

– Лекин биз сизнинг гапингизга ишониб унаканги ташкилотлар хизматидан воз кечгандик, хола. Қариндошимиз бор, бизни кутиб олади, ҳамма муаммоларни ўзи ҳал қилиб беради, дегандик.

Лобар зўр бериб ўзини оқлашга тушди:

– Мен жон деб сизларга ёрдам берардим, Зухражон, лекин иложим йўқ. Ўзинг кўриб турибсан-ку. Бунақа бўлишини қаёқдан билибман. Менгаям осон тутманглар. Охирги имкониятим шу... Опамгаям айтдим, бор-йўғи бир ярим йил вақт қолди. Шунинг тинчгина, “ЧП”ларсиз ўтказсам бўлди, кейин ҳақиқий фуқарога айланаман. Ана ундан кейин бутунлай бирга бўламиз...

Тоштемир ака томоқ қириб қўйди:

– Бож божани кўрганда бир нарса бўлади, дейишарди. Қайинсигилжон, таржима қил-чи. Қани, қоравой, аввал бир кўришиб олайлик...

Тоштемир ака ачомлашмоқчидай қўлларини кенг ёзганча божаси томон бир қадам ташлаганди ҳамки, буни кўрган Шарон тепага ўқ узди. Тоштемир ака жойида лол қотиб қолди.

– Қайтинг, отаси! – чинқириб юборди Бувсора. – Бутентак отиб ташлашданам тоймайди. Ўзи нервнинг экан.

– Ҳм, шунакага ўхшайди, – тан олди Тоштемир ака. Лобар ёлвориб-йиғлай бошлади:

– Илтимос, кетинглар, бир ярим йилгина мени тинч қўйинглар. Ахир ўз ҳаётимга ўзим хўжайинман-ку... Бир ярим йилгина. Кейин мени хомталаш қилиб есаларинг ҳам майли. Озгина чидаб турунглари. Ахир сизлар қонуний мухожирларсиз-ку, менга ўхшаган эмас-сизлар-ку. Менга ўхшаб қийналмайсизлар... Ҳаммаси яхши бўлиб кетганидан кейин қаерда бўлсаларинг ҳам ўзим сизларни топиб оламан, яна ёрдам бераман, ўлай агар қараб турмайман... Ахир имконим борида сизларгаям ёрдам бериб турганман-ку.

Гарчанд миннат қилаётган бўлса ҳам, Лобар ҳақ эди. Вақтида океан ортидан окиб борган долларлар бу оиланинг кўп корига яраган... Еган оғиз уялади... Тоштемир ака бош эгганча эшик томон юрди, пиқ-пиқ йиғлаётган хотини, фарзандлари унга эргашишди.

Лобар панжара ортида бўзлаб қолаверди.

Залга одам тўлиб кетди. Бир пайтлар Туркистондан Америкага келиб қолган ўзбекларнинг авлодлари, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, озарбайжонлар, Бухоро яҳудийлари ва ҳаттоки малайзиялик мусулмонлар ҳам шу ерда. Адҳам бобо билан Қодир ака биринчи қатордан жой олишган.

Ўзбекистоннинг “Туғён” миллий рақс дастаси дастурни ўлмас “Муножот”дан бошлади... Сел бўлиб тебраниб ўтирган Адҳам бобонинг кўзлари жикка ёш эди.

Тўсатдан томошабинлар орасидан бир аёл ўрнидан турди ва Берта Давидованикига ўхшаш ширали овозда баралла куйлаб юборди:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади...

Кучли овоз микрофонсиз ҳам зални титратиб юборди. Яна бир неча аёл ва эркак кўшиққа жўр бўлишди:

Кўзларима кеча тонг откунча уйқу келмади....

Томошабинлар беихтиёр оёққа қалқишди. Бир неча аёл турган жойида эшилиб рақсга тушарди... Бу мусика, кўшиқ, рақс уйғунлашган ғаройиб манзара эди. Баайни бутун зал, юзлаб ватандошлар, собик ватандошлар кўз ёш аралаш мангуликка дахлдор кўшиққа жўр бўлишмоқда эди:

Лаҳза-лаҳза чиктиму чекдим йўлида интизор...

Кўшиқ, рақс тугаганидан сўнг ҳамон тик турган томошабинлар узоқ қарсак чалишди; бунақанги қайноқ кутиб олишни кутишмаганиданми, ҳаяжондан ёноқлари ял-ял ёнаётган даста ижодкорлари таъзим қилиб чарчашмасди..

Бу дунёда ҳар кимнинг ўз ташвиши, ҳаётни ўлчайдиган ўз қаричи бор. Худди шу маҳал шаҳар суди биниси ёнида ўзбекистонлик эр-хотин Низомиддиновлар қаршисида гердайиб турган Баҳром-Боб соатига қараб қўйгач яйраб, тантанали равишда эълон қилди:

– Ҳозир бизнинг кизил танли жонон келиб қолади.

Шамсиддин ҳеч чидаб тура олмади, хотинининг “Тушунмаган ишингизга бурнингизни сукманг” қабилдаги маъноли қарашлари, лаб қимтишларига эътибор бермасдан кўнглидаги мулоҳазасини айтиб қўя қолди:

– Баҳром, бу қандайдир ғалати эмасми, а? Сохта ниҳох, пул... Сиз ахир олий маълумотли, зиёли одамсиз, яхшигина илмий ишни бошлаб қўйгандингиз.

– Эътиборингиз учун, Шамсиддин ака, – ёш болага насихат ўқиётгандай оҳангда жавоб қайтарди Баҳром, – буни яхши яшаш учун кураш дейдилар. Мақсад эса воситани оклайди.

– Ўзимизда ёмон яшаётганмидингиз? – баттар хайрон бўлди Шамсиддин. – Уй-жойингиз бор эди, машинангиз, обрў-эътиборингиз...

Баҳром муғомбирона кулимсиради:

– У ерда шунчалик яхши яшаётган экансиз, ўзлари бу ерда нима қилиб юрибдилар, а?

Шамсиддин хотинини кўрсатди:

– Э, манави “Америка ундок! Америка бундок!..” деб миямни қокиб қўлимга берди. Шунинг хархашаларидан кутулиш учун бир ўйнаб кўрай дегандим, буни қаранг, қутилмаганда ютиб турибман-да.

– Сизда хотин, бизда америкача орзу, яъни Американинг миллионер фуқаросига айланиш... – бу гал файласуфона маъруза ўқишга тушган Баҳром тўсатдан типирчилаб қолди: – Ие, ана, бўлғуси рафиқамнинг адвокати ташриф буюрди. Мен ҳозир...

Баҳром шу томонга келаётган катта галстукли, тимсоҳ тери дипломат тутган мексикаликка пешвоз

чикишга шошди. Улар шундок йўл устида ўзаро нималарнидир кизгин гаплашишди. Шунда... ўзини кузатиб турган эр-хотиннинг кўз ўнгида туйкусдан Баҳром дами чиккан пуфакдай шалвираб, зинага ўтириб қолди. Адвокат кетгач, Низомиддиновлар Баҳромнинг ёнига боришди.

– Тинчликми, ука? – деб сўради хавотирга тушган Шамсиддин.

Довдираб-гарангсиган Баҳром галстугини бўшатиб, кафтида пешона терини артганча аранг гапира олди:

– Кетворибди, аблах... Пулни олибдию, Мексикасига сурворибди...

Нозима тушунмади:

– Ким кетибди?

– Ўша... мен билан никоҳдан ўтиши керак бўлган хотин...

– Энди нима бўлади?

Алам билан юзини чангаллаб олган Баҳром ногоҳ ваҳшиёна ўкириб юборди:

– Энди... мен синдим... Мен тамом бўлдим... Ишимдан айриламан!.. Бор йиккан-терганимни қўшқўллаб бергандим... Мен гадо бўлдим!.. Дод!

Суд биноси ёнидаги бунаканги хиссиётлар ифодасига ўрганиб қолишганми, ён-атрофдан ўтаётган одамлар Баҳромга эътибор ҳам беришмади. Эр-хотин хайрон бўлиб бир-бирига қарашди. Туйкусдан Баҳром қаҳр билан мрамор зинани муштлайверди, кафтлари қонга беланса ҳам муштлайверди-муқодир аканинг уйида дам олаётган Нодир ҳовлини айланди, шинам хоналарни бир-бир кўздан кечирди, кичкинагина кутубхонадан бир-икки китоб олиб ўкиди. Сўнг зерикиб, телевизор кўришга ўтирди. Аввалига биз юз саккизта каналнинг – булар текинлари экан, пуллилари қанча! – қайси бирини томоша қилишни билмай, унисидан бунисига ўтаверди. Бир каналда шаҳардаги криминал ҳодисаларни тўғридан-тўғри репортажларда намоёниш қилишмоқда

экан. Кимдир машина олиб қочибди, полиция уни ҳам ердан, ҳам осмондан таъкиб этаяпти. Уддабурон мухбир бевосита вертолётдан репортаж олиб бормоқда, оператор пастда, катта йўлда учиб кетаётган машинага камерасини тўғрилаб олган.

Детектив фильми эслатадиган бу манзарани қизиқиб кўрса бўларкан, аммо кутилмаганда кўрсатув бошловчиси бошқа жой билан бевосита боғланаётганини айтиб қолди: қахвахона ёни, қонга беланиб ётган икки-та гавда, мажакланган бош...

Кўнгли айниб кетган Нодир бошқа каналга ўтмоқчи бўлиб турган маҳал тўсатдан бошловчи шоша-пиша айна лаҳзаларда хусусий коллежда отишма бўлаётганини, у ерга каналнинг махсус мухбирлари етиб келишганини эълон қилди, хабарнинг таъсир кучини ошириш учунми, кадр ортидан пала-партиш ўқ овозлари эшитилди.

Нодир тугмачани босаётган жойида тўхтаб қолди. Чопиб бораётгани сезилиб турган оператор узоқдан коллеж биносини намойиш қилди. Ўқ овозлари шу тарафдан эшитилмоқда эди. Сиреналари чийиллаб полиция машиналари етиб келди. Воқеа жойидан репортаж олиб бораётган журналист камерага қараб бақира кетди:

— A schoolboy came to class with gun and began to shoot at his teacher and other children without any reason. Currently, victims are said seven. One teacher and six schoolboys have died. Also young murderer tried to commit suicide, but according to our information he has survived...¹

Тиниб-тинчимас оператор ошиғич эвакуация қилинаётган ўқувчилар ва ўқитувчиларни кўрсатди. Нодир бинодан чопиб чиқаётганлар орасида Жамилани кўриб қолгандай бўлди! Отилиб ўрнидан туриб кетган йигит жон алпозда ҳовлига чопди.

¹ Ўқувчилардан бири дарсга тўппонча кўтариб қирган ва сабабсиз ўқитувчига, ўқувчиларга қарата ота бошлаган. Ҳозирча қурбонлар сони еттита дейилаяпти. Бир ўқитувчи ва олтита ўқувчи. Қурол олиб келган ўқувчи ўзини ҳам отган, аммо айрим маълумотларга қараганда ўлмай қолган...

Асли серб миллатига мансуб уй хизматчиси Милена холанинг инглизчаси хаминкадар экан, то максadini тушунтиргунга қадар йигитнинг бўлари бўлди. Яхшиям холанинг ўзи оз-моз русча билишини айтиб қолди. Нодир Милена хола бергани ракамга кўнғирок қилди, аммо телефон ўчган эди. Дарди дунёи қоронғи бўлиб кетган Нодир нима қиларини билмай уйга кирди, кўчага чикди, яна уйга кирди, яна кўчага чикди. Қодир акага телефон қилай деса, экранда кўринган қизнинг аниқ Жамила эканлигига ишончи қомил эмас; телевизорга қараса, энди бутунлай бошқа ҳодисани кўрсатишяпти...

Вақт тўхтаб қолгандек эди... Хайрият, ахирри Жамиланинг ўзи қелди машинасида. Ранги бўрдай оқарган, қўллари титраётган қизга бир кўз ташлашдаёқ Нодир ҳавотири бежиз эмаслигини англади. Ҳовлига қиришгач, қиз воқеани гапириб берди.

– Юрагим ёрилиб кетай деди. Шундай қўшни аудиторияда бўлди... Неча марта отилганиниям аниқ эшитдим. Қий-чув... йиғи-сиғи... ваҳима... Чиқаётиб қарасам, ўша аудитория эшиги тагидан қон сизиб оқаяпти. Аввалам бунақанги воқеалар ҳақида кўп эшитгандим. Лекин эшитган бошқа экан, кўрган бошқа...

Шу пайт Жамиланинг телефони жиринглаб қолди.

– Дада!.. Ҳаммаси жойида. Уйдаман. Нодир ака билан... Йўқ, йўқ, биз бутунлай бошқа бинода эдик... Хўп, кечгача.

Жамила хўрсиниб қўйди:

– Бугун дарс бўлмайди энди.

– Қатик-патик ичиб олинг. Милена холага айтайми?

– Шарт эмас. Холодильникда бор.

– Иложи бўлса озрок қозон қуясида ҳам...

Сал ўзини босиб олган қиз Нодирга ажабланиб қаради:

– Қуя?

Йигит тушунтиришга уринди:

– Қаттик кўркқанда шунақа қилиш керак, дейишади.

Жамила ўйланиб қолди:

– Стрессни йўқотиш учунми? – Сўнг кулимсираб, бош чайкади: – Бошқа йўли топилиб қолар, Нодир ака.

Жамила ўз хонасига кириб кетди. Йигит уни бошқа безовта қилгиси келмади: бироз дам олгани яхши.

Нодир кутганича, Кодир ака уйга дарҳол учиб етиб келмади... Ишдан қайтгач, кизининг хонасига бирров кириб чикдию, ўзига саволомуз қараб турган Нодирга:

– Ҳаммаси жойида, – деди. Сўнг, йигитнинг нимадир демоқчи бўлаётганини, бироқ иккиланиб турганини кўргач, кўшиб кўйди: – Гулнинг тикани ҳам бўлади, укажон. Буни айтаётганим сабаби, Америкадай буюк мамлакатда бунақанги телбалар учраб туриши аник. Ҳаёт қонуни бу.

Нодир мик этолмай қолди.

Жамила кечки овкатга ҳам чикмади. Бундан Нодирнинг кўнгли баттар ғаш бўлди, ўзича “шўрлик касал бўлиб қолган”, деган қарорга келди. Ахир осонми қиз болага шунча даҳшатни бошдан ўтказиш.

Овкатдан сўнг йигит Жамиланинг хонасига бир кириб чикмоқчи бўлди-ю, истиҳола қилди. Балки ухлаётгандир... ўзига келиб олсин...

Шу ўйлар билан Нодир ҳовлини бемақсад айланиб юрганди, усти ёпиқ бассейн томондан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Овозлардан бири Жамиланикига ўхшаб кетдию, Нодир шу томонга шошди.

Бассейнда чўмилиш кийимидаги Жамила тебранма оромкурсида ўтирар, унинг қаршисидаги шундай курсида эса йигирма беш ёшлардаги сап-сарик, калта сочли, билак мушаклари бўртиб турган бакувват йигит. Ўртадаги столчада пиво шишалари.

Бу манзарага кўзи тушган Нодир эшик ёнида анграйиб туриб қолди. Ўгирилиб, унга қараган Жамила хотиржам қўл силкиб кўйди:

– Hi, Nodir aka? Are you here? I can't calm down still. Eventually I decided to call Jim. Let's introduce. It's Jim.

Jim it's Nodir, my friend from Tashkent. He won Green Card.¹

Жим деганлари оғзининг таноби қочганча қўл сил-
киди:

– Wow, that's great.²

Жамила ундан сўради:

– Do you know where Uzbekistan is?³

Жим ўйланиб қолди, тиришган пешонасини кашлади:

– Uzbekistan... Pakistan? No? Afghanistan? No?⁴

Жамила унга қўмак беришга уринди:

– Amir Timur, Navoi...⁵

Бироқ, афтидан, бу исмлар Жимга нотаниш эди.

– Timur... Was he American, Julia?⁶

Жамила-Жулия кулиб юборди:

– No, he was from Uzbekistan.⁷

Жим оппоқ тишларини намойиш этаётган Голли-
вуд актёридай чиройли табассум қилди ва тан олди:

– I don't know about them... Nice to meet you, Nodir.⁸

Жамила ҳамон гарангсиб турган Нодирга таънали
бокди:

– Нодир ака. Маданиятли одам нима дейиши керак?

Нодир қиз ўзидан нима сўраётганини англамади:

– А?

– “Мен ҳам танишганимдан хурсандман” дейиши
керак. Оддий одоб-ахлоқ талаблари шуни тақозо этади.
Ахир сиз инглизчани биласиз-ку.

Нодир Жимга каради:

– Me too.⁹

¹ Ҳа, Нодир ака, келдингизми? Бугун кўрқиб кетганимдан халигача ўзимга келолмаяпман. Охири Жимни чақирдим. Танишинг. Бу Жим... Жим, бу Тошкентдан, Ўзбекистондан келган танишим Нодир. У “Грин-карта” ютган.

² О, табриклайман.

³ Ўзбекистон қаерда эканини биласанми?

⁴ Ўзбекистон... Покистонми? Йўқми? Афғонистон? Яна йўқми?

⁵ Амир Темур, Навоий...

⁶ Темур... У америкалик бўлганми, Жулия?

⁷ Йўқ, у ўзбекистонлик бўлган.

⁸ О, эшитмаган эканман... Танишганимдан хурсандман, Нодир.

⁹ Мен ҳам танишганимдан хурсандман.

– Жим жуда яхши йигит, Нодир ака. Уни уйдагиларимиз ҳам яхши танишади. У менинг, нима десам экан, бойфрендим... Пиво ичасизми?

– Йўқ. Узр...

Нодир карахт аҳволда, оёқлари чалишиб бассейндан чикиб кетаркан, ортидан Жамила билан Жимнинг ўзларини сувга ташлаганликлари эшитилди.

Ҳаммаси тамом бўлди. У бўлса... у бўлса не-не орзу-истаклар билан келган эди. Жамила энди... бошқача... У ҳўв Тошкентдаги... Нодирни кўрганида юзлари лоладай кизариб кетадиган, кўзларини яширадиган, қисилиб-қимтиниб турадиган, сўнг... ортидан термулиб қараб қоладиган, баъзан дарахтми-деворми панасида туриб олганча – ўзича Нодир буни сезмайди деб ўйлаган-да – йигитни кузатадиган содда киз эмас. У энди бошқа. У энди Жулия... “Стресс”ни пиво, бассейн ва... “бойфренд”и билан йўқотадиган Жулия... Ўтган шунча вақт мобайнида йигит ҳузурида бирон марта мархума волидасини эсламаган, ҳеч қурса “Онамнинг қабрига қараб турибсизларми?” деб сўрамаган Жулия...

Дунё бирдан торайиб қолгандай бўлди...

Юраги сиқилиб кетаётган Нодир ховлида уёкка юрди, бу ёкка юрди, охири чидай олмасдан, кўчага чикди. Энди ухлаб бўлмасди. У ўйлай-ўйлай бу атроф-ҳудудда яшаётган ўзбекларнинг норасмий оқсоқоли ҳисобланадиган Адҳам бобоникига боришга қарор қилди. Яхшиям манзилини сўраб олган экан. Нодир такси тўхтатди.

Адҳам бобо Нодирни кучоқ очиб кутиб олди, алоҳида, ўзбекча безатилган хонага бошлаб кирди.

Икковлон бир пиёла чой устида гурунглашиб ўтиришди. Тўғрироғи, сира ичи ёришмаётган Нодир бобонинг саволларига жавоб берарди, холос.

Йигитнинг ҳардамхаёллигини сездими, Адҳам бобо ногоҳ гапдан тўхтаб, деворга осилган катта сиёсий ҳаритага ишора қилди. Унда Америка китъаси ўртада жойлашган, қолган китъалар унинг икки ёнида эди.

– Кўряпсизми, ўғлим, Америка марказда. Бу ердаги кўпчилик нимагадир ҳаётда ҳам шундай бўлиши керак

деб ҳисоблашади. Яъни Америка ҳамиша ва ҳамиша марказда. Ваҳоланки, ҳаёт сахнасида ҳар юртнинг ўзи-га хос ва мос ўрни бор. Шундайми?

– Шундай.

– Мен сизнинг кайфият-руҳиятингизга разм солиш-га уриниб кўрдим. Камина Америкага келган юртдо-шларимизнинг қайси бирлари келажакда катта муваф-фақиятларга эришишларини айтиб беролмасман. Аммо камина ким келажакда Америка ҳаётига, турмуш тар-зига сингиб кета олмастганини аниқ башорат эта оламан. Сиз шундайлардансиз. Сиз ҳеч қачон Америкага синги-шиб кетолмайсиз, ўзгача бўлиб қолаверасиз. Илло Аме-рика – ватансизлар ватанидир. Эътироф этамиз, у буюк мамлакат. Америка бизни оғир кунларимизда едир-ди-ичирди, бошпана берди, бунинг учун тоабод ундан миннатдоримиз, алқаб ўтамиз. Аммо у барибир ватан-сизлар ватани бўлиб қолаверади. Сизнинг эса, Яратган-га минг қатла шукрки, жаннатмонанд Ватанингиз бор. Сиз у юртдан кўнгил узиб кетолмайсиз. Мабодо кетган тақдирингизда ҳам чин инсонга ўхшаб умргузаронлик қилолмайсиз, қалбингизда кемтик, доғ билан яшайсиз. Мен кексанинг шу мулоҳазаларини бир мушоҳада этиб кўринг, ўғлим.

– Албатта, бобо.

– Менга қолса... – ўпкаси тўлган Адҳам бобо кийин-чилик билан гапирарди, – менга қолса Ватанга қайтинг, ўғлим, Ватанга. Чин Ватанга. Токи бир куни келиб биз каби ўзингизни ватангадо, юртнинг бир кафт тупрғига зор ҳис этманг. Дунёда ватангадоликдан оғирроқ азоб борми, дунёда ватангадоликдан оғирроқ изтироб бор-ми, болам... Ватанга қайтинг, чин Ватанга!

Нодир юм-юм йиғлаётган Адҳам бобони маҳкам қучоқлаб олди.

* * *

Шаҳар марказидаги маъмурий бинолардан бирида “Глобал миграция: ижтимоий-иқтисодий ва демогра-

фик омиллар” мавзуида халқаро конференция ўз ишини бошлади. Юмалоқ стол атрофидан жой олган меҳмонлар сафида ўтирган ўзбекистонлик журналист Собир Ниёзовга тушдан кейин сўз навбати келди.

Собир мавзу юзасидан маърузасини тайёрлашда кўп қийинчиликларга, муаммоларга дуч келди. Тўғриси, аввалига бу жуда осон бўлиб туюлганди. Ахир, интернат тармоғи бор, шунга яқин мавзуларни ёритадиган турли тиллардаги сайтлар бор, халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари ҳақида-ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ўшаларнинг ўзидан олган бир олам маълумотларни таҳлил этиш оқрали ҳам кўламдор, факт ва рақамларга, жадвалларга бой мақола тайёрласа бўлади. Устига-устак, журналист ўз юртида ҳам таниш-билишлари, хеш-уруғлари хорижга ишлашга кетган одамлар билан учрашган, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганган.

Шубҳасиз, мутахассислар глобал миқёсдаги миграциянинг ўзига хос томонларини яхши билишади, чуқур тушунишади ҳам. Аммо жойларда айрим маҳаллий маъмурлар билан суҳбатлашилганда ўз-ўзидан қатор муаммолар, чигал вазиятлар келиб чиқади. Одатда, бунақа маҳаллари Собир ўз мақсад-муддаосини айтса бас, ҳамсуҳбати тумшайиб, тўнини тескари қийиб оларди. Ва, ўз-ўзидан аёнки, энсаси қотган ҳамсуҳбат пичингга тўла саволини беради:

– Нима, уларни биз бу ерга чакирибмизми? Сен келмасанг, Америка иктисодиёти, маданияти, санъати таъназулга учрайди, деб ялиниб-ёлворибмизми?

Собир эътироз билдиришга уринади:

– О, йўқ, албатта. Лекин...

Лекин маъмур истиҳола қилиб ўтирмайди, юзинг-кўзинг демай шартта кўнглидаги гапни айтади-кўяди:

– Ҳар ким ўз тақдирига ўзи ҳўжайин. Уларнинг ўзлари шу йўлни билиб туриб, онгли равишда танлашган. Жавобни ҳам ўзлари беришсин. Америкада осмондан доллар ёғилмайди. Айниқса муҳожирлар учун. Ишлари юришмадими – ўзлари айбдор. Демак, астойдил меҳнат қилишмаган, ялпайиб ётишган. Камбағалми – демак яна ўзлари айбдор, ҳаммага тенг миқёсда бериладиган имкониятдан вақтида ва унумли фойдаланишмаган. Касалми – бунгаям ўзлари айбдор: вақтида даволашмаган, спорт билан шуғулланишмаган, Америкага келиб қолдик деб ёғли овқатлар еб ётаверишган. Биз, ҳукумат вакиллари, қайтариб айтаман, ҳаммага, жумладан муҳожирларга ҳам тенг имкониятлар берамиз. Ким ундан фойдаланиб, юксак муваффақиятларни қўлга киритади, “америкача орзу”га эришади, бошқа биров эса “мени давлат боқиши керак, қийинтириш керак” деб лаллайиб ўтираверади. Охири қашшоқ гадога айланади. Яна буларнинг уялмай ҳукуматни танқид қилганини-чи... Айтиб қўяй, Америкага бундай одамлар керак эмас. Марҳамат қилиб, ватанларига қайтиб кетишсин. Биз бундан ҳеч нарса йўқотмаймиз, аксинча, хроник дангасалардан қутулиб, ютамыз. Шу гапимни такрор ва такрор айтиб қўйинг: бундайлар учун бизнинг ортиқча бир центимиз ҳам йўқ. Пул қўчада ётмайди. Уни ишлаб топиш керак, йўқ ҳаққини талаб қилиб эмас... Айтгандай, ноқонуний суқилиб кириб олганлари-ку, умуман овоз чиқаришга ҳақли эмас...

Хориждан келган одам учун Американинг мафтун этадиган, ҳайратга соладиган жиҳатлари бисёр: ялтир-юлтир рекламалар, тун-кун ишлайдиган емакхоналар, ўйин-қулги жойлари, сертабассум одамлар. Аммо муносиб ҳаёт тарзига эга бўлиш, ҳамма қатори яшаш

учун ўзингни фидо қилиб ишлашинг, умумтомонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга оғишмай амал қилишинг шарт. Акс ҳолда сени четга суриб ташлашади, биров ахволингни сўрамайди, маъмурларнинг тили билан айтганда, бунга ўзинг ва фақат ўзинг айбдор бўлиб қолавексан...

Шуларни ҳаёлидан ўтказиб ўтирган Собир микрофонни ўзига яқинроқ сурди.

– Раҳмат... Хонимлар ва жаноблар. Кўпчиликка маълумдир, бугунги кунга келиб ер юзидаги мигрантлар сони 214 миллиондан ошиб кетди. Суръат шу тарзда кетадиган бўлса, 2040 йилга бориб бу миқдор 400 миллионни ташкил этиши кутилмоқда.

Конференциямизда мазкур муаммонинг илдизлари, кўринишлари ҳақида таҳлилий маърузалар бўлди. Мен ўз навбатида меҳнат бозорида мигрантларга муносабат, жумладан, уларнинг очикдан-очик дискриминацияга учраётганликлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Шубҳасиз, дискриминациянинг энг катта кўриниши мигрантларни ишга қабул қилиш жараёнида намоён бўлади. Хусусан, олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ишга қабул қилиниши юзасидан суҳбатдан ўтиш учун мигрантлар маҳаллий фуқароларга нисбатан икки баробар кўпроқ ариза билан мурожаат этишга мажбур бўлишмоқда. Фақат бугина эмас. Ҳатто ишга қабул қилинганларидан кейин ҳам мигрантлар маош ва хизмат пиллапоясидан юқори кўтарилиш масаласида кўплаб муаммоларга дуч келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси жамиятда мигрантларга нисбатан салбий стереотипларнинг кучайиб бораётганлигидан шохидлик беради.

Шу сабабли бўлса керак, мисол учун, Висконсин штати профессорлари ҳамда халқаро иммиграция ташкилоти мутахассислари олиб борган тадқиқотлар жараёнида кейинги йиллар “грин-карта” билан Қўшма Штатларга келган фуқароларнинг учдан икки қисми ўз ҳаётларидан норози эканликлари аниқланган. Статистика эса “бахтли лотерея” эгаларининг ўн беш фоиз-

дан кўпроғи ишсизлик нафақаси билан кун кечиришга ёки ўз ватанларига қайтиб кетишга мажбур бўлишаётганини кўрсатган.

Афсуски, мигрантларга нисбатан амалдаги дискриминация рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин...

Қаттиқ чарчаган эканми, Нодир қоронғу тушганча қотиб ухлади. Ниҳоят у ўз йўталиб уйғониб кетиб, атрофга аланглади. Хона бўшаб қолган, фақат иккита йигит эшик ёнида унга диққат билан тикилиб туришарди.

Биринчи йигит изоҳ берди:

– Маҳмудали ака ишга кетди. Сизни уйғотиб ўтирмади. Лекин бугун дам олсин, борадиган жойига эртага боради, деб тайинлаб кетди.

Иккинчи йигит меҳрибонлик билан сўради:

– Мазангиз йўқми дейман, ака?

– Ҳа. Сал.

Иккинчи йигит фикрини давом эттриди:

– Бу ерга даволаниб, кейин келиш керак, ака. Суғурта полисингиз бўлмаса, бир дўхтирга кириб чиқишга камида беш юз кетади.

– Дориларингизни олмаганмидингиз? – деб сўради биринчи йигит.

– Аэропортда олиб қўйишди.

– Ҳа, рецепт бўлмаса шунақа қилишади.

– Ака, “яшил карта”нгиз бор экан, – деди иккинчи йигит, – тинчгина яхши жойларда ишлаб юравермайсизми? Бу харобада нима қиласиз?

– Мен жўрамни бу ердан олиб кетишим керак, – деди Нажмиддин. – У ёқда... отаси касал. Қандга чалинган. Ўғлини илҳақ кутаяпти. Мен ваъда бериб келганман.

Биринчи йигит ишонқирамай бош чайқади:

– Бир нарсани билиб қўйинг, ака, бу ерда кимга яқинлашсангиз, сиздан пул умидвор бўлади. Талаб ҳам қилади. Маҳмудали акани силлиққина опчикиб кетишга катта пул керак, катта пул!

– Мен ишлайман. Шунинг учун келдим. Беш-олти ой қаттиқ ишласам, жўрам иккаламизнинг қайтиб кетишимизга етадиган пул йиғилиб қолар.

Энди иккинчи йигит шубҳа билдирди:

– Ҳай билмадим-ов. Сизга бирдан катта пул тўла-надиган иш беришмайди. Берган ишида топганингиз ўзингизга етиб турсаям катта гап. Мен аниқ биламан, қонуний ишлаганларда ҳафталик маошининг саксон фоизи солиққа кетади.

– Бир амаллайман.

– Юринг, биз дорихонага боряпмиз, сизга йўталга қарши доридан оберамиз.

Нажмиддин бир муддатлик иккиланишдан сўнг очигига кўчди:

– Пулим йўк.

– Ака, одамни уялтирманг, – қўл силтади биринчи йигит. – Юртдошмиз-а! Битта дори кимни ўлдирибди. Хўжайинларингиз олдига бу аҳволда борманг деймиз-да. Унақалар йўталганларни ёмон кўришади. Худди одам атай қилаётгандай. Бу ерда қасаллларга раҳм қилиб ўтиришмайди, “Йўлдан қоч! Ўрнингга соғни оламан!” дейишади.

Нажмиддин ўрнидан туриб, ювиниб олганидан сўнг улар биргаликда кўчага чиқди. Ҳаммаёқ чароғон эди. Бирон беш дақиқаларда негадир чироқлари ёнмай турган кўчада жойлашган дорихона ёнига етиб боришди.

Биринчи йигит:

– Ака, – деди Нажмиддинга қараб, – сиз шу ерда туриб туринг, биз ҳозир керак нарсаларни опчиқамиз.

– Хўп.

Йигитлар ичкарига киришаркан, улардан бири эшикдаги “Open” ёзувини тесқари ўгириб қўйганди, “Closed” ёзуви пайдо бўлди. Кўчага хомуш тикилиб турган Нажмиддин бунга эътибор бермади.

Эшик ёнидаёқ юзларига аёллар пайпоғини кийган йигитлар дорихоначи билан мижозларга тўппонча ўқталишди... Талончиликка дуч келавериб, тажрибаси ошиб қолган сотувчи дарҳол йигитлар талаб қилган дорини олиб берди, сўнг кассадаги нақд пулларни уздаётган маҳал сездирмасдан пештахта тагидаги қизил тугмачани босиб қўйди.

Аввал полиция машинасининг сиренаси эшитилди, сўнг машинанинг ўткир нурлари шиддат билан шу томонга яқинлашиб келаверди. Ичкаридан отилиб чиккан йигитлардан бири кўлидаги дорини Нажмиддинга отди. Нажмиддин беихтиёр дорини илиб олди.

– Қочинг, ака! – дея бақирди йигит.

Буларнинг юзларидаги никобни кўрган заҳоти додди қолган Нажмиддин буткул эсанкираб:

– А? Нега? Нега? – дея олди, холос.

Вакт зик эди, йигитлар ўзларини коронгуликка уришди. Полиция машинасининг ўткир нурлари уларни ёритди. Нимадир ёмон иш бўлганини сезган Нажмиддин дорини маҳкам сикимлаганча карама-қарши томонга югурди.

Нажмиддин кейинги қайрилишдан чопиб ўтаётган маҳал ён томондан келган полиция машинаси кескин қайрилиб, унинг йўлини тўсди. Машина чирокларининг ўткир нурлари йигитнинг кўзларини қамаштирди. Машинадан отилиб тушган полициячи бақириб буйрук берди:

– Hands up!¹

Кўрқиб кетган Нажмиддин тушунтиришга уринди:

– Мен “Грин-карта” ютиб келганман. “Green Card”! Мана ҳужжатларим...

Нажмиддин керакли қоғозларни олиш учун кўйин чўнтагига қўл юборганди, уни тўппончасини чиқармоқчи деган қарорга келган полициячи ўқ узди. Ўқ юрагига келиб теккан Нажмиддин бир қалқиб кетди, сўнг полициячига хайрон бўлиб қараган кўйи аста асфальтга кулади. Идишдаги йўтал дориси юмалаб кетди...

Алам-изтироб, пушаймонлик-ўқинчдан бир кечада оқариб кетган сочларини юлғудай аҳволга келган, телбавор қиёфага тушган Маҳмудали бир амаллаб жасадни полициядан олди, унинг нечукдир очик қолган кўзларини ўз қўли билан юмди. Майитни юртга юбориш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди: ахир, харажат осмон баробар. Маҳмудали “одамнинг ўлиги тириги-

¹ Кўтар кўлингни!

дан қиммат” бу мамлакатни бўралатиб-чангитиб сўкди, майитни морг музхонасига жойлагач, ўзича сармоядор юртдошларига ялиниб бориб, пул тўпламокчи ҳам бўлди. Аммо бариси бефойда кетди – баённомага кўра, чўнтагидан ноқонуний сотиб олинган тўппончасини чиқариб, полициячини отиб ташламокчи бўлган хавфли жиноятчига, гарчанд у мархум бўлса ҳам, хайрия ёрдами кўрсатишга кимнинг кўзи учиб турибди! – ва ҳалок бўлганининг бешинчи куни Нажмиддинни шаҳар чеккасидаги ғарибгина қабристонда тупрокка топширишди...

Чарчаб кетдингизми? Келинг, энди шундоқкина океан ёнида жойлашган баҳаво Сиэтл шаҳрига ўтамиз.

Шаҳардаги муҳожирларга инглиз тилини ўргатиш курсидан одатдагидай оғзи қулоғида Алижон билан одатдагидай ковоғидан қор ёғаётган Холмирза чикиб келишди.

– Холмирза ака, – деди Алижон. – Ўқитувчилар “Шеригингиз касалми?” деб сўрашяпти.

Бунақа гапни кутмаган шекилли, сесканиб кетган Холмирза хавотирланиб сўради:

– Нега энди?

Алижон тушунтирди:

– Ахир соғлом одам ўйнаб-кулиб юради, ҳаммага жилмайиб қарайди. Мени қаранг, ҳаммага кулиб қарайверганимдан жағларим оғриб кетди.

Холмирза сал ўзини босиб олди:

– Шуми?

– Дарсдаям бир нималарни ўйлаб ўтирасиз. Мана мен инглиз тилини биламан, лекин барибир қатнаёпман-ку. Сиз ҳам жон-жаҳдингиз билан ҳаракат қилинг, бу жуда осон тил.

– Шуми? – яна қайтариб сўради Холмирза.

Алижон қўлларини кенг ёйиб, атрофни лаззатланиб қаради.

– Ахир биз Америкадамиз, Холмирза ака! Яйрасангиз-чи! Демократия кўзгуси ва ҳимоячиси бўлган мамлакатда, дунёга бир марта келадиган инсоннинг барча

хукуклари кафолатланган мамлакатда! – Алижон кенг кўчадан турли плакатлар кўтариб келаётган намоийшчиларга ишора қилди: – Қаранг, Холмирза ака, мана гапларимнинг исботи. Бу одамлар ўз хукукларини талаб қилиб чиқишган. Бемалол, маданий.

Холмирза кўчани тўлдириб келаётган беш юзтача, аксарияти ёш эркек-аёллардан иборат оломонга қаради, аммо барибир бир нарсани тушунмади:

– Ҳозиргина буларда ҳамма ҳуқуқ бор дединг-ку. Яна нима сўраб чиқишибди унда?

– Хўш, ҳозир биламиз-да, – Алижон плакатларни овоз чиқармай ўқиди. – Тушундим, булар бир жинсли никоҳни қонунийлаштириш тарафдорлари экан.

– Бу нима деганинг?

– Гомосексуалистлар, лесбиянкалар...

– Шулар-а, – ажабланди Холмирза. – Башаралари ойдай-ку. Аёллари бир уйнинг келини бўладигандай...

– Энди, ака, Европанинг ўн икки мамлакатада бир жинсли никоҳга расман рухсат этилди. Шундай пайтда Америка бу масалада орқада қолиши мумкин ҳам эмас-да. Тўғри, кўп штатларида бундай қонун бор, лекин...

– Бас қил-э! Туфу!

Намоийшчилар ўтиб кетишди.

– Фикримни тугатиб олай, ака. Лекин бу штат губернатори гомосексуализм СПИДни кўпайтириб юборади, деган хавотирда ҳозирча рухсат бермаётган...

– Тўғри, булар жирканч нарсалар, ўйласанг одамнинг кўнглини айнитиб юборади. Лекин бу ҳақиқат-да. Улар бор. Бор нарсадан эса кўз юмиб бўлмайди... Мен ҳам авваллари бу ҳақда ўқишдан ҳам жирканардим. Бунга аҳмоқларнинг, бузуқларнинг тўқликка шўхлиги деб юрардим. Ака, Америкада бу масалада турли қарашлар, бир-бирига мутлақо қарама-қарши қонунлар бор. Бир штатда бунга рухсат этилса, бошқасида қонун йўли билан таъқиб этилади. Бир штат бунақалар учун жаннат бўлса, бошқаси дўзах. Шунинг учун булар кўпинча бунақа

ишлар конунан рухсат этилган штатга бориб, никоҳдан ўтиб келаверишади. Уларнинг қайси бири эр, қайси бири хотин – тушуниб бўлмайди. Лекин конун ҳимоя қилгани учун уларнинг тили узун. Умуман, ака, Америка – конунлар мамлакати. У тўғрими-нотўғрими, бўйсуннишга мажбурсиз. Тўғри, “бу расво конун экан-ку” деб бемалол айтаверасиз, ёзаверасиз ҳам, аммо бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Чунки сиз расво деган конун бошқа фуқаронинг эркинликларини ҳимоя қилади. Эркинлик эса бу мамлакатда муқаддас тушунча, бировнинг эркинлигига дохил қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ... Хуллас, биз яшаб турган бу штат губернатори бир жинсли никоҳга рухсат бераётган экан, чунки гомосексуализм СПИД-Ни кўпайтириб юборади деган хавотирда...

Холмирзанинг кўзлари олайиб кетди:

– Нимани?

Алижон тушунмади:

– Ниманинг нимаси?

– Ҳозир нимани кўпайтириб юборади дединг?

– Ҳа, уми? СПИДни. ОИТСни айтяпман.

Баттар қовоғи уйилган Холмирза:

– Ҳм-м... – деб қўйди.

– Холмирза ака. Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Сўра.

– Ростданам ГАИда ишлаганмисиз?

– Ҳа. Ўн йил.

– Унда... дўппингиз ерга тушиб кетса, пул бериб олдирадиган даражага етгандирсиз, а? – Алижон кулди:

– Ахир ДАН ходими бирдан панадан чиқиб келиб дўқуриб турганидан кейин бечора ҳайдовчидан любойи чўнтагидан минг сўмлик дастасидан ёки “кўк”идан...

– Гапни қисқа қил, нимайди?

– Шундай жойда ишлаган одам... бу ерда нима қилиб юрибсиз? Шу ёшингизда. Шундай соққали касбингизни ташлаб... Кўриб турибман, на тилга кизикасиз, на Американинг ўзига...

– Юрибман-да. Нима, менга юриш мумкин эмасми?
– Бу нима деганингиз, ака. Мумкин, албатта мумкин.

Холмирза ўйланиб қолди, одатда бунақа маҳаллари у мум тишлаб оларди, кун бўйи “мик” этмай юраверарди. Гурунгимиз шу ерда тугади-ёв, деган хаёлга борди Алижон. Бирок кутилмаганда Холмирза унга мурожаат қилиб қолди:

– Менга қара, ука. Сен тилни биласан. Американиям. Бирон шаршарасигами бориб келмаймизми?

Хурсанд бўлиб кетган Алижон бажонидил жавоб қайтарди:

– Ниагара бу ердан узоқда-да, Канада чегарасида.

– Унда ҳалиги киноларида кўрсатади-ку... машиналарни кемада олиб ўтади. Шунақа жой борми?

– Юк паромларими? Бор, албатта. Шундай Сиэтлнинг бикинида.

– Мени ўшанақа жойга олиб борсанг. Ҳамма харажатлари мендан. Иложи бўлса ҳозир.

– Бўпти, ака, гап йўқ. Сиз сўрайсиз-у, мен йўқ дейманми? Фақат кечга яқин юради-да.

– Бўлаверади.

Икковлон овқатланишгач, бориб чипта олишди.

То кемага чиққунларича кун ҳам кеч бўлди. Дарҳақиқат, бу катта юк кемаси енгил машиналарни, йўловчиларни у қирғоқдан бу қирғоққа олиб ўтаркан.

Кема йўлга тушди. Алижон билан Холмирза иккинчи қаватда, кема четидаги тўсиққа суяниб, коп-кора суви бироз томоша қилиб туришди. Кутилмаганда Холмирза чўнтагидан сурат олиб узатди. Унда сулувгина аёл ўн ёшлардаги ўғил ва олти яшарлар чамаси қизчани бағрига босиб, жилмайиб турарди.

– Янганг, болаларим, – деди Холмирза Алижоннинг саволмуз нигоҳига жавобан.

– Чиройли болаларингиз бор экан.

– Онаси чиройли-да... – Холмирза ўзига ажабланиб қараган Алижоннинг оғиз очишига имкон бермай, уни саволга тутди: – Ука, сен учун дунёда энг азиз инсон ким?

– Азиз инсон. Ота-онам-да, албатта.

Холмирза нимагадир аҳд қилгандай йигитчага каттиқ тикилди:

– Бўлмаса... бўлмаса ҳозирги айтадиган гапларим орамизда қолсин учун ўшаларни ўртага қўйиб қасам ич.

Алижон довдираб қолди:

– Ака...

– Қасам ич. Бўлмаса бир оғиз ҳам гапирмайман.

– Майли, қасам ичаман. Нима гап ўзи, Холмирза ака?

– Сен менга гувоҳ сифатида кераксан.

– Гувоҳ? – анграйиб сўради Алижон.

– Тўсатдан бошим айланиб, пастга кулаб тушганимни кўрган гувоҳ бўласан. Нима дейди ҳалиги... денгиз касаллигимиди...

Алижоннинг ранги оқариб кетди, сўнг кўкрагига туфлади:

– Одамни кўрkitиб... ҳазиллашманг-е, Холмирза ака.

– Бу ҳазил эмас, – атрофда ҳеч ким буларнинг гапини тушунмаса-да, Холмирза негадир шивирлашга ўтди. – Хуллас, эшит. Мен ўн йил ГАИчи бўлдим. Тўғри айтинг, ўзиям битиб кетдим... Бир куни постда турсам, бир чиройли аёл рулда келаяпти. Тўхтатдим. Мен ўрганним қолгандим ҳайдовчиларнинг ялинишларига, илтимос қилишларига. Бу аёл бўлса суякдан йўнилган ҳайкалдай миқ этмайди, мағрур ўтирибди. “Ёзаман” десам бардачоғидан бир даста минг сўмликни олиб олдимга отиб юборди. Худди итга суяк ташлагандай. Роса ўтиб кетди ўзиям. У дедим, бу дедим, ишкилиб, ўзимча камчилик топган бўлдим-да, рулга ўтирдим, “отделениега борамиз” деб алдаб, тўғри ўзим яширинча олиб қўйган бир хонали уйимга олиб келдим. Аёл индамай мен билан хонамга чикди. Индамай ўтирди, индамай бир қултумгина ичди, факат кўзимга каттиқ тикилади де. Худди бир нима демокчидай. Кўз-пўзига қараб ўтирмадим-да, шартта тўшакка босдим. Яна индамади. Факат ечинтираётганимда бир оғиз “Сумкамда презерватив

бор”, деди. Кўзим конга тўлганди, бу гап қулоғимга кирмади... Хуллас, ювиниб-тараниб, хонадан чиқдик. Хайрлашаётган маҳалимиз аёл “Мен СПИДман” деб қолди. “Америкадан юктириб келганман. Буни айтма-самам бўларди, аммо хотинингизни ўйладим, унинг айби нима?” деди. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. “Олти ойлардан кейин аломатлари сезила бошлайди, бу давоси йўқ формаси”, деди қулимсираб. Шу билан кетди-борди... Довдираб қолдим. Нима қилишимни билмайман де. Ахир шарманда бўламан-ку. Юзим қора бўлади-ку. Аёлимнинг, болаларимнинг олдида нима деган одам бўламан?.. Уят эса ўлимдан қаттиқ... Энди менга асосийси оддий ўлим топиш эди. Ўзимни ўлдирсам, ёриб кўришади, дарров аниқлашади. Машина тагига ташласам ҳам шу аҳвол. Ўзимни ёқсам-чи? Унда шубҳалар, иғволар таркалади, сулув хотинимнинг боши эгилади... Шу аҳволда кетаётиб “Грин-карта” эълонини кўриб қолдим. Таваккал деб топширдим. Буни қараки, ўтиб кетибман... Ойлаб ишдан бери келмадим. Неки хизмат сафари бўлса, ўзим кетаверим... Ишқилиб, хотинимга яқинлашмадим... Мана энди, ука, менинг ўлимимдан кейинги номим пок сақланиши фақат сенга боғлиқ. Сув тагида гўштимни ейдиган улкан балиқлар учун менинг СПИДга чалинганимнинг аҳамияти йўқ-дир

– Холмирза ака!

– Жим! Бақирма... Уят ўлимдан қаттиқ деганлари рост, ука. Элимизда шундай ўлиб кетолмасдим. Ўзимнинг шаънимни, оиламни, яқинларимни ўйлардим. Бу ерда эса, сен айтгандай, эркинлик. Хоҳлаган пайтим у дунёга кетишим мумкин. Ўзи кўпчилик бу ерга ажалини излаб келади. Шундайми?

Алижон ялинди:

– Одамни кўркитманг, Холмирза ака.

– Сендан бир илтимосим бор. Тўғрироғи васиятим.

– Холмирза ака!

Холмирза бўғиқ овозда шивирлади:

– Юртга бор. Оиламга учраш. Менинг... менинг уларни яхши кўришимни айт. Жонимдан ортиқ яхши кўришимни. Гарчанд уларнинг олдида юзим қора... Лекин бунисини айтма. Улар мени яхши ном билан эслашларини истайман. Шунда рухим шод бўлади. Бор-йўқ истагим шу...

– Холмирза ака...

– Қара, бирпасда етай деб қопмиз.

Алижон Холмирза кўрсатга тарафга, узоқда чироклари милтиллаб кўринаётган кирғокка қаради ва шу лаҳзада пастда нимадир “чўлп” этди. Алижон қайтиб ёнига ўтирилганида Холмирзанинг ўрни бўш эканлигини кўрди. Алижон жон алпозда, кўзларини йириб қоп-қора, бўтана сувга термуларкан, чўкаётган Холмирзанинг сўнгги бор қўл силкиганини кўргандай бўлди.

Алижон қўлида суратга бир муддат тикилиб қолди, сўнг кичкирди:

– Help, help! Man has gone down! Help, help!¹

Кема ходимлари, йўловчилар чоғиб келишганида Алижон дод солиб, негадир ўзбекчалаб бақирарди:

– Ёрдам беринг... ёрдам...

* * *

Конференция доирасида, тасдиқланган дастурга асосан хориждан келган иштирокчиларнинг айрим ноқонуний муҳожирлар билан норасмий, “тет-а-тет” учрашувлари ҳам бор экан. Собир, табиийки, юртдошларини танлади.

У Нью-Йоркнинг асосан муҳожирлар истикомат қиладиган ғариброқ мавзесига келди. Ташкилотчилар қайтиб кетишгач, журналист рўйхатда кўрсатилган уйлардан бирига кирди.

Ночор ва ўта тор хона. Деворга икки қават кароват тақаб қўйилган. Бу ерда Ўзбекистондан келган оила истикомат қиларкан. Ҳамма томонда фақирлик, муҳтожлик аломатлари. Пастки каравотда соқоллари ўсиб кетган, эти бориб суягига ёпишганиданми, мўмиёга ўхшаб

¹ Ёрдам беринг! Одам сувга тушиб кетди! Ёрдам беринг!..

қолган эркак шифтга термулиб ётибди. Унинг хотини Саломат бир этак бола билан додини кимга айтишни билмай турган экан, Собирнинг биринчи саволиданок йиғлай-йиғлай бор дардини тўкиб солди.

– ...Не ниятларда келган эдик, ука. Акангиз, – у эрига ишора қилди, – ишга кирганига бир ой бўлар-бўлмас касал бўлиб қолди. Бу ерда тиббий суғуртангиз бўлмаса, дўхтирга кириб-чиқишингизга бир ойлигингиз етмас экан. Даволанишни-ку, гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. “Умурткаси қийшайган” дейишди. Оғир юк кўтарган-да. Тузалиб кетиши учун яхши еб-яхши ичиши керак экан. Ўзи егани нонимизни зўрға топиб тургандик... Гадо бўлдик, ука, гадо. Болаларим ахлат титишяпти... Ўзимам...

– Ташкилотлардан ёрдам сўрамадингизларми?

– Сўрадик. Ўзим неча эшикка бош уриб бордим. Бу ерда кимга яқинлашсанг, сендан пул умидвор бўларкан. Консуллигимизга борайин десам, ноқонуний мухожир бўлсак...

– Энди нима қилмоқчисизлар?

– Билмадим, ука, билмадим. Ваҳимадамиз. Акангиз тилданам қолди... – кутилмаганда Саломат тиз букди: – Бизни бу дўзахдан опкетинг, укажон, опкетинг! Ёлвора-ман, опкетинг! Океандан ўтказиб қўйсаларингиз бўлди, у ёғига пиёда бўлса ҳам кетамиз, эмаклаб бўлса ҳам кетамиз! Бир амаллаб юртимизга етиб оламиз! Етиб оламиз!..

Саломат жон-жаҳди билан Собирнинг тиззаларига ёпишар, фарёд уриб нолалар қиларди. Оналарини бу аҳволда кўрган болалар изиллаб йиғлаб юборишди. Хонада бамисоли қиёмат-қойим қўпди. Шифтга тикилиб ётган эркакнинг кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқди.

– ...Жон, ука, қулингиз бўлайлик, хизматингизни қилайлик, бизни опкетинг! Биз бу ерда ўлиб қоламиз! Ҳаммамиз ўлиб қоламиз! Ўлигимизам кўчада қолади!.. Жон ука, болаларим ҳаққи-хурмати...

Бунчалар ошкор мусибат, бунчалар яланғоч бахт-сизликка дуч келмаган Собир чидаб туролмади – ўпкаси тўлиб базўр:

– Хўп, опа... – деёлди. – Мен бир уриниб кўрай... Фақат ваъда беролмайман.

Чўкаётган чоғида хасга ҳам ёпишаётган шўрлик аёлга шу ожизона ваъданинг ўзи ҳам кифоя қилди: у миннатдорчилик учун оғиз жуфтлаётган маҳали хушдан кетиб йиқилди.

Бир амаллаб ҳушига келтирилганидан сўнг Саломат негадир Собирнинг камзули этагидан маҳкам чангаллаб олди, сира қўйиб юбормади. Афтидан, қисир ваъдалар эшитавериб, бўлари бўлган аёл сўнгги илинжига тиш-тирноғи билан, маҳкам ёпишиб олмоқдайди.

Собир кейинги манзилларга кириб ҳам ўтирмади: Саломат билан болаларини олиб Ўзбекистон консулликка жўнади.

Муассасадагилар журналистнинг гапларини диққат билан эшитишди, ҳозирнинг ўзида учрашамиз, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз дейишди. Бу ерда “ҳаракат қиламиз” деган ваъда “бажарамиз”га тенг эканлигини англаб турган Собир консулликдан мамнун аҳволда чиқди-да, йўлнинг қарама-қарши тарафида, дарахтлар ортида болалари билан бикиниб турган Саломатнинг ёнига келди. Жувон унга кўрқа-писа, жовдираб қаради.

– Опа, ёрдам берамиз дейишди.

– Вой, ростдан-а! – жувоннинг юзи ёришди, бироқ ҳамон унчалик ишонкирамай, гумонсираётгани шундоқкина кўриниб турарди.

– Фақат, опа, ҳаммасини уларга рўй-рост гапириб беринг.

– Қачон келсин дейишди?

– Ҳозирнинг ўзида, опа. – Собир консуллик биносига ишора қилди: – Боринг, сизларни кутиб туришибди.

Мана шундагина жувон ўзи, оиласи учун чинакам мўъжиза юз бераётганини англади. Бундай пайтлари одам ўз хис-туйғуларини изҳор этиш учун керакли сўзларни тополмай қолади.

– Минг раҳмат, укажон, минг раҳмат! – хадеб Собирнинг елкаларини тавоб қиларди Саломат. – Илойим бола-чакаларингизнинг роҳатини кўринг. Ўзбекистонга бориб олайлик, сизни алоҳида меҳмонга чақирамиз.

– Шундай кунлар насиб қилсин, опа. Сизларни кутишяпти.

– Мана, мана, боряпмиз!

Саломат болаларини етаклаганча чоғиб йўлни кесиб ўтди. Собир то аёл болалари билан консуллик биносига кириб кетгунга қадар уларнинг ортидан қараб турди.

Биз имконимиз даражасида қаламга олган, курук баёни, рангсиз кўчирмаси билан чекланган воқеалардан сўнг орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Энди юртга қайтмоқ фурсати ҳам келди. Фақат, азиз ўқувчи, келинг, сафар олдидан Нью-Йоркка сўнгги бор разм солиш асносида айрим қаҳрамонлармиз билан ҳам хайрлашиб олайлик.

Шаҳар чеккасидаги асосан нолегал мексикаликлар чиқиб турадиган ўзига хос “мардикор бозори”. Улар орасида уч-тўртта осийлик ҳам кўринади. Мана, дарҳақиқат, меш қорни пучайиб қолган, юзи азоб-қийинчиликдан қорайиб кетган, оч Муродбек Қиличевич ҳам тўдада кўринди.

Бозорга бир юк машинаси келиб тўхтади. Ўтирганлар отилиб машинага ёпишишди. Улар орасида қолиб кетган Муродбек Қиличевич йиқилиб тушганди, иш, демак нон илинжидаги ваҳший оломон уни босиб-янчиб ўтиб кетди. Муродбек Қиличевич қорнини чангаллаганча бир амаллаб чеккароққа судралиб ўтди. Нима ҳам дердик, аллақачон паспортинию бор пулини ўғирлатган, ҳужжатсиз, на касбининг тайини бор, на тилни биладиган бу кимсанинг кейинги тақдири ўз-ўзидан аён...

Биз йўл-йўлакай шаҳардаги кўп сонли қаҳвахоналардан бирига, очиғига кўчганда, бундайроғига ҳам кириб ўтамиз. Ана, одмигина сахнада Зарифа-Зета куй-

ламокда. Энди у янада очик-сочик кийинган, шишадаги ромни эса кўшиқлар оралиғида бемалол ичиб олмокда. Факат продюсер ўрнида энди Малик-Майкл эмас, бошқа эркак...

Дарвоқе, ёкимсизрок бўлса ҳам, шаҳардаги рухий хасталар шифохонасига ҳам бош суқиб ўтишга тўғри келади. Бу ердан бизнинг эски танишимиз, жаноб Баҳром-Боб кўним топган. Айтишларича, олиб келинган маҳали ўнг қўли чандиб боғлаб ташланганига қарамасдан олдидан келганни тишлаётган, ортидан яқинлашганни тепаётган янги мижоз – уколлар ўз таъсирини кўрсатган шекилли – ҳозир анча ювош бўлиб қолибди, хатто мексикалик ҳамшира кизга хушомад қилишни ҳам ўринлатаётган эмиш...

* * *

Good bye, America!¹

Таассуротлар етар, самолётга чиқайлик, кўкка, булутлар бағрига парвоз этайлик...

Ана, йўловчилар сафида хорижлик меҳмонлар билан бир қаторда бизга таниш “Туғён” ракс дастаси; Тоштемир ака оила аъзолари билан; устозининг хоки солинган махсус идишни маҳкам кучоклаб олган Давронбек; жиддий тортиб қолган, ора-сира чўнтагидан Холмирзанинг аёли ва икки боласининг суратини олиб қараб-қараб кўяётган Алижон; эр-хотин Низомиддиновлар; журналист дўстимиз Собир; ўйчан Нодир; кўзлари чакнаётган, бахтиёрликдан лаб-лунжини йиғиштиролмайд қолган Саломат, унинг соч-соқоли олинган, шунгами, ёшариб кетгандай кўринаётган эри, болалари...

Қаерга борсаям мухбирлик одатини қанда қилмайдиган Собир орқа қаторда ўтирган Тоштемир акани гапга тутди:

– Қайтиб кўйибсиз-ку.

Тоштемир ака айбдорона елка қисди:

– Ҳа. Шу... ўйлаб қарасак, ўзимизнинг юртдан қўймасин экан.

¹ Хайр, Америка!

– Қандайдир сир олиб кетаётгандингиз, ноу-хау, у-чи, у нима бўлди?

Тоштемир ака кулимсираб қўйди:

– Э, бунинг нимаси сир? Бир ёзувчи акамиз телевизорга чикиб олиб “Америкага Қўшрабботнинг бир коп майизини олиб борган одам бир коп тилла олиб қайтади”, деганди. Шунга бизам бориб, Американинг ўзида Қўшрабботнинг майизини етиштирамиз деб орзу қилгандик-да.

– Бўлмадими?

Қўшрабботлик тадбиркор пешонасига шапатилади:

– Каллам курсин. Ахир Қўшрабботнинг майизини етиштириш учун Америкага Қўшрабботнинг тупроғини, сувини, об-хавосини кўтариб кетолмайман-ку. Шуни тушунмапман-а!

Собир кулиб юборди.

Шу маҳал оппок юзли, хушбичим стюардесса Собирнинг ёнида ўтирган Алижоннинг ёнига келиб, унга жилмайиб қаради:

– I remember you. Haven't you stayed in America?¹

Алижон қўлларини икки ёнга ёйди:

– I didn't want to become billionaire...²

Стюардесса йигитга ишонмагандай қаради, аммо буни сездирмаслик учун ширин жилмайиб қўйди ва нари кетди.

Салонда эълон янгради:

– Ҳурматли йўловчилар. Биз Ўзбекистон ҳудудига кирдик...

Йўловчилар жонланиб қолишди, уларнинг ичида иллюминаторга ёпишганлари қанча бўлди.

Обид ғижжак таниш, жуда таниш мусиқани чала бошлади. Йўловчилар аланглаётган маҳал оёққа қалққан раккоса Наргиза мусиқа оҳангига бир муддат тебраниб тургач, ширали овозда ашула айтиб юборди:

Мен нечун севаман,

Мен нечун севаман,

¹ Мен сизни эслаб қолгандим. Америкада қолмадингизми?

² Нимагадир миллионер бўлгим келмай қолди...

Мен нечун севаман...

Ногоҳ салонда ўтирган йўловчиларнинг деярли ҳаммаси кўшиқчига жўр бўлиб:

...Ўзбекистонни! – дея куйлаб юборса бўладими!

Худди шундай бўлди, бунга ўзим шоҳидман... Энди кичкина бир сирни очишимга тўғри келади: тан оламан, самолёт салоида мен ҳам бор эдим, мен ҳам кўпчиликка кўшилиб, хаяжондан энтикиб-тўликиб ашула айтганим чин:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё...

... Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман. Нечун ардоқларкан тупроғини мен, Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!..

Ҳа, камина кўшиқ айтарди. На овози бор, на олдин ашула айтиб юрган бир банда титраб-энтикиб, буюк соғинч ва қувонч оғушида, шукроналарга чўмилганча, шундоқ жаннатмонанд заминда туғилмоқ, ўсмоқ, яшамок саодатидан сурурга тўлган кўйи кўшиқ айтарди...

Мен нечун севаман Ўзбекистонни? Сабабини айтгин, десалар менга. Шоирона, гўзал сўзлардан олдин, Мен таъзим қиламан она халқимга...

Ногоҳ иллюминаторга қарадим ва кучоғини очган заминимиз жигарбандини соғинган она мисоли биз томон шиддат билан яқинлашиб келаётганини кўрдим...

“Тугён” дастаси шўх “Ҳай ёри ёр, айланай”га ўтган, махали Тошкент аэропорти, хилпираб турган байроғимиз кўзга ташланди. Шу сонияда кўзларимдан тиркираб ёш чикиб кетди; не тонғки, булар қувонч ёшлари эди...

(2013-2016 йиллар)

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

“Парим бўлса...”	3
Биз ўтган йўллар	41
Ўзбековул ханғомалари	53
Етим сўз	72
Бозор	89
“Ҳалиям ёш... ҳалиям чиройли...”	118
Осмон оғуши	124
Гудбай, Америка...	189

Адабий-бадий нашр

Абдукаюм Йўлдошев

ОСМОН ОҒУШИ

Қисса ва ҳикоялар

Мухаррир *Санжар Турсунов*
Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфайёзов*
Техник муҳаррир *Хосият Хасанова*
Мусахҳиҳ *Дано Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Бобур Тухтаров*

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016.

2018 йил 17 майда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма 32,0 шартли босма табоқ. 22,1 нашр табоғи.

Адади 3000 нусха. 280 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВ
ОСМОН ОҒУШИ



ISBN 978-9943-5015-8-4



9 789943 501584